





ТИББИЁТ ИНСТИТУЛЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

# ҰҚУВ АДАБИЁТИ

С.Т. НАДЖИМИДИНОВ

# КЛИНИК ГЕМАТОЛОГИЯ АСОССЛАРИ



С. Т. НАДЖИМИТДИНОВ

Бирлашган Миллатлар жаҳон соғлиқни  
сақлаш ташкилотининг гематология бў-  
йича стипендиати бўлган, тиббиёт фан-  
лари доктори, профессор

# КЛИНИК ГЕМАТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
максус таълим вазирлиги тиббиёт  
институтлари талабалари учун дарслик  
сифатида ҳасдиқлаган

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ибн СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ  
1998

Муаллиф: Бирлашган Миллатлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг гематология бўйича стипендиати бўлган (Сандоз, Базел, Швейцария), тиббиёт фанлари доктори, профессор С. Т. НАДЖИМИТДИНОВ


Тақризчилар: Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Россия тиббиёт фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор **КАРИМ ЙЎЛДОШЕВИЧ ЙЎЛДОШЕВ**, І ТошДавТИ гематология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент **НИГОРА МУҲАМАДАЛИЕВНА ХОЛМАТОВА**

### Наджимитдинов С. Т.

Н 16 Клиник гематология асослари: Тиббиёт инсталиари талабалари учун дарслик.—Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1998.—288б.

Гематология фани анчадан берн odemларни қизиқтириб келган. Китобда кон филогенези, онтогенези, морфологияси, организмдаги тутган ўрни, шунингдек унинг кимёвий, физикавий, коагулогик, иммунологик ва генетик хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар жеттирилган.

Тиббиёт институтларнда таълим олаётган талабалар ва шифокорлар учун мўлжаллангас.



ББК 54.11я73

ISBN 5-638-01210-9

© С. Т. Наджимитдинов, 1998.

## СҮЗ БОШИ

Хурматли китобхон! Ушбу дарсликни ёзиш учун қирқ йилдан ортиқроқ шифокорлик тажрибамизга таяниб, Оллоҳнинг қудратига суюниб қўлимиизга қалам олдик.

Оддий мавжудотларда ҳаёт манбаи бу қондир. Қонда яратганинг мўъжизаси, ҳаёт тилсими мужассам.

Ўз соҳамиизда илм-фан ютуқларидан кенг кўламда фойдаланишга ҳаракат қиласиз. Айрим ҳалқаро анжуманларнинг «Қон — бу ҳаёт» деган шиор остида ўтказилиши бежиз эмас. Қон билан инсондан ҳаёт кетади. Шунинг учун бўлса керак, қон тўғрисидағи илм соҳаси сўнгги 100 йил давомида тезлик билан ривожланиб мустақил фан сифатида шаклланди. Қон ҳақидаги таълимот ва илм соҳаси тиббиёт фанларининг туркумида алоҳида аҳамиятга эга. Бу табиий албатта, чунки хасталиклар ўчоғи инсон танаси бўлса, танадаги ҳаёт ўчоғи бу қондир. Демак, инсоннинг ҳаёти, сиҳат-саломатлиги учун кураш борасида гематология анатомия, физиология ва ўзга тиббиёт фанлари билан бир қаторда туриши лозим.

Ушбу дарсликни яратишда Швейцария давлатининг Базел шаҳридаги «Сандоз» акционерлик жамиятида ишлаб ва ўқиб ортирган билимларимизни умумлаштириб талабаларимизга етказишга ҳаракат қилдик. Китобда шу фирма гематология лабораториясининг бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Эрик Ундритцнинг «Гематология жадваллари» асаридаги ноёб расмлар ва жадваллардан фойдаландик.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг илмий-тадқиқот ишларимизга катта ёрдам берган «Сандоз» акционерлик жамиятининг собиқ раҳбарлари Чарлетти ва Штайнман жанбларига ва Швейцария конфедерацияси ҳукуматига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Проф. С. Т. Наджимитдинов

Энди муҳтарам китобхонлар диққатингизни қон тўғрисидаги илмнинг моҳияти, хусусияти, аҳамиятига оид муҳтасар баёнга қаратмоқчимиз.

Гематология (грекча, гемос — қон, лотинча логос — илм сўзларидан иборат) — қон тўғрисидаги илмдир. Бу соҳа кенг ва чуқур бўлиб, қоннинг фйлогенези, онтогенези, морфологияси, организмдаги вазифалари, кимёвий, физикавий, коагулологик, иммунологик ва генетик хислатларини ўрганади.

Гематология муаммолари қадим замонларданоқ одамларни қизиқтириб келган. Инсон ҳар доим илоҳий неъмат — ҳаётнинг сирларини ечишга уринган. Оптика ривожланиб, микроскоп ихтиро этилиб, Антони Левенгук ҳужайраларни кашф этиб, Рудольф Вирхов ҳужайралар назариясини, Пауль Эрлих қон ҳужайраларини ilk бор бўяшга муваффақ бўлиб, Артур Папенгейм қон ва илик ҳужайраларини паноптик бўяш усулини очиб, Эрик Ундритц, қон ҳужайралрининг фйлогенезини ўрганиб чиқиб, А. Н. Крюков қон ва илик ҳужайраларини саралаш учун муҳим бўлган «ядро жгути» ҳақидаги назарияни ишлаб чиққанидан сўнг, мазкур муаммолар ўз ечимини топа бошлади. Энди инсон қони ҳаёт учун зарур бўлган маълумотларни очиб ҳар қандай касалликни аниқлашга имконият берадиган мўъжизага айланди.

Шу вақтдан бошлаб, гематология усуллари тиббиёт фанининг ҳамма соҳаларини ривожланиши учун замин таёrlаб имкониятларини тобора оширмоқда.

Гематология кўплаб олимларнинг изланишлари туфайли 100 йил ичida энг ривожланган фан соҳасига айланди. Ўзбекистонда ҳам қисқа тарихий вақт ичida бу фан ниҳоятда тезлик билан ривож топди. Шу ўринда гематология фанини ривожлантиришга ҳисса қўшган айrim фан арбоблари ҳақида қисқача сўз юритмоқчимиз.

Таниқли фан фидойиларидан бири Крюков Александр Николаевич, терапевт-гематолог (1878—1952). Москва шаҳрида туғилган, МГУ нинг тиббиёт факультетини битирган. Германияда гематология соҳасида ўз билимларини оширган. 1920 йилда қон касалликлари тўғрисида кўп жилдлик қўлланма чиқарган. А. Н. Крюков — тиббиёт фанлари доктори, профессор, тиббиёт академиясининг академиги Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент тиббиёт институтининг ташкилотчиларидан бири.

Кассирский Иосиф Абрамович терапевт-гематолог (1898—1971). Фаргона шаҳрида туғилган (1-расм). 1921 йилда Саратов университетининг тиббиёт факультетини битириб, 1921 йилдан 1934 йилгача ТошМИ да, сўнг Германияда ўз билим ва малакасини оширган. Унинг «Шифокорлик китоби» ҳамкаслар ичида катта обрў қозонган. «Қон ва қон ишлаб чиқариш системасининг касалликлари» (1948), «Клиник гематология» (1955, 1962, 1970) номли китоблари бутун дунё гематологларининг эътиборини қозонган.


Ясевич Василий Кузьмич, хирург-гематолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 1922 йилда Тошкент Давлат Университетининг тиббиёт факультетини битириб, бутун умр Узбекистонда ишлаган. Узбекистонда биринчи қон қуиши кабинетини очган олим. 1938 йилда «Урта Осиё халқларининг қон гуруҳлари» тўғрисида монография чиқарган.

Ҳакимов Ҳаким Ҳожи Акбаровиҷ, хирург-гематолог. Улуғ Ватан уруши қанташчиси, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Кўп йиллар давомида (1961—1986) Узбекистон гематология ва қон қуиши илмий-текшириш институтининг директори бўлиб ишлаган.

Наджимитдинов Турсун Ҳўжаевич, инфекционист-тропиколог (1901—1972) (2-расм). 1928 йилда Ўрта



И. А. Кассирский.



Професор Т. Н. Наджимитдинов.

Осиё университетининг тиббиёт факультетини битириб, ТошМИда ишлаган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 1939 йилда «Безгак касаллигида периферик қон ва илик пунктатларининг солиштирма клиникаси» деган китоб ёзган.

Исмоилов Носир Исмоилович, терапевт (1901—1974), тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 1929 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг тиббиёт факультетини битирган.

Отахонов Эргаш Исадаевич, терапевт-гематолог (1913-1967), тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

Кодирова Асолат Азизовна, акушер-гинеколог, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. ТошМИни 1941 йилда битирган.

## КИРИШ. ТИРИК ОРГАНИЗМ УЧУН ҚОННИНГ АҲАМИЯТИ ҚОННИНГ БИОЛОГИҚ АҲАМИЯТИ.

Маълумки, организмдан кўп қон кетиши сабабли одам ҳаётдан кўз юмади. Демак, инсоннинг саломатлиги учун ҳам, ҳаёти учун ҳам танадаги қон зарур. Организм қон билан тирик. Зеро, ҳаёт учун муҳим элементларни танадаги қон ўзлаштириб олиб, бутун организмни ҳамда алоҳида-алоҳида аъзони таъминлайди, озиқлантиради. Хуллас, қон инсон ҳаётига керакли бўлган функцияларни бажаради. Қуйида биз, қоннинг организмдаги энг муҳим вазифаларига тўхталамиз.

Қон орқали организм нафас олади. Бу жараён қондаги гемоглобин туфайли бажарилади. Гемоглобин (грекча хейма — қон; лотинча globuli — шарча) — қоннинг таркибида темири бор нафас олиш пигменти, 1864 йилда унга гемоглобин деб ном берилган. Ҳар бир эритроцитда 400 млн га яқин гемоглобин молекуласи борлиги аниқланган (А. П. Андреева, Ю. Н. Токарев). Ташқи муҳитдан, нафас йўллари орқали организмга кирган кислород, ўпка альвеолаларининг мембраналяридан диффузия жараёни туфайли қонга ўтиб, гемоглобин билан қўшилгач, оксигемоглобин ҳосил қиласди. Ўз навбатида у қон оқими билан ҳамма аъзоларга, аниқроғи уларнинг ҳужайраларига оқиб боради. Сўнг тўқималардаги кислороднинг парциал босими паст бўлганидан оксигемоглобиндан ажralиб, диффузия туфайли ҳужайраларнинг ичига киришга муваффақ бўлади. НАД, flavин кислота, цитохром А, В, С лардан ўтиб ҳужайраларнинг ички нафас олиш жараёнини таъминлайди. Гемоглобиннинг кислородни ўпқадан тўқималарга, тўқималардан эса  $\text{CO}_2$  ни альвеолаларга етказиб бериш хусусияти унинг молекулавий тузилишига боғлиқ.

Гемоглобин молекуласи икки қисмдан иборат бўлиб, унинг 4% ни ГЕМ ва 96% ни ГЛОБИН ташкил қиласди.

Гем ( $\text{C}_{34}\text{H}_{32}\text{O}_4\text{N}_4$ ) — темир билан қўшилган протопорфирин бўлиб, у протопорфирин IX ва икки валентлик темирдан ташкил топган. Протопорфирин IX нинг молекуласи билан темир тўртта пиррол халқаларидаги азот атомлари билан боғланган. Қолган валентларидан бири глобинга қўшилган, яна бири гоҳ кислородга, гоҳ  $\text{CO}_2$  газига қўшилиш хусусиятига эга. Гемдаги

темирнинг бу хусусияти туфайли гемоглобин ўпка альвеолаларида кислород билан қўшилса, тўқималарда уни ҳужайраларга топширади.  $\text{CO}_2$  газини карбокси-гемоглобин сифатида қўшиб олиб, альвеолалар орқали ташки мұхитга чиқариб юборади.

Соғлом организмда гем гемоглобин молекуласининг бир қисми сифатида хизмат қиласди. Гемнинг ўзига хос касалликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар порфирия дейилади.

Глобин — гемоглобиннинг оқсил қисми бўлиб, тўртта полипептид занжиридан иборат, улардан иккитаси альфа — полипептид, қолган иккитаси бета — полипептиддир. Глобиннинг таркибида 547 аминокислота бўлиб, улардан 141 аминокислотадан иборат альфа — полипептид ва 146 аминокислотадан иборат бета полипептид занжирлари ташкил топган. Альфа — полипептид занжирининг охирги аминокислоталари ВАЛИН — ЛЕЙЦИН, - бета полипептид занжирининг охирги аминокислоталари ВАЛИН — ГИСТИДИНДАН иборат. Шу сабабли, соғлом эркак ва аёллар гемоглобиннинг замонавий формуласи НВА ( $\alpha_2\beta_2$ ) сифатида ифодаланади.

Глобин гем билан полипептид занжирлардан проксимал жойлашган гистидин ва темирдаги бешинчи координацион атом билан жисплашади.

Гем ва глобиннинг одам организмидаги ҳосил бўлишига оид ҳозирги вақтда анчагина маълумотлар тўпланган. Гемнинг ҳосил бўлиш жараёни қўйидагича кечади. Гем суюк илигида жойлашган эритро — нормобластларнинг перинуклеар зоналарида фаолият кўрсатадиган митохондрияларнинг кристаларида протопорфирий IX ва икки валентлик темирнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади; озиқ-овқатлар билан меъдага тушган уч валентлик темирга меъдадаги  $\text{HCl}$  кислотанинг таъсири туфайли икки валентлик темир ҳосил бўлади; икки валентлик темир 12 бармоқ ва ингичка ичакларнинг мемброналаридан ўтиб апоферритинни ташкил қиласди. Трансферритин сифатида қон оқими билан суюк — кўмик илигида жойлашган эритрономобластларгача етиб бориб, пиноцитоз орқали уларнинг ичига киради. Уларнинг перинуклеар зоналарида жойлашган митохондрияларнинг кристалларидаги темир синтетаза ферментининг таъсири остида протопорфирий IX билан қўшилиб гем ҳосил қиласди.

Глобин ҳам суюк — кўмикдаги эритро — нормобластларда синтез бўлади, лекин уларнинг митохон-

дрияларида эмас, балки эндоплазматик ретикулумларидан жойлашган рибосомаларида, ишчи РНК ларнинг назорати остида синтез бўлади. Ишчи РНК генетик инфомацияни трансформацион РНКдан, трансформацион РНК инфомацион РНКдан, у эса эритро — нормобластларнинг ядроларидаги хромосомаларида жойлашган генлардан олади. Шу сабабли, одам озиқ-овқат билан специфик оқсили моддаларни, жумладан глобулинни синтез қиласди. Ҳар бир организмнинг ўзига хос оқсилилари мавжудлиги ҳозирги вақтда илмий асосланган.

Гемоглобиннинг молекуляр тузилишини ўрганиш ҳамон давом этмоқда.

Соғлом, балофатга етган одамнинг қонида уч хил гемоглобин учрайди — Hv A организмдаги гемоглобиннинг 95—97% ни ташкил қиласди (формуласи Hv A ёки Hv  $\alpha_2\beta_2$ ).

— Hv F одам организмидаги гемоглобиннинг 1—1,5% ташкил қиласди, (формуласи Hv ёки Hv)

Hv A<sub>2</sub> одам организмидаги гемоглобиннинг 2—2,5% ни ташкил қиласди (формуласи Hv).

Гемоглобин молекуласини ўрганиш билан боғлиқ хизматлари учун Нобель мукофотига савозор бўлган Макс Пэрутцнинг таърифича, «гемоглобин молекуласини инсоннинг молекуляр ўпкаси» деса бўлади, чунки улар туфайли организм кислород билан таъминланади. Гемоглобиннинг асосий қисми эритроцитларнинг ичидаги сақланади. Озроқ қисми қон зардобида бўлади. Ундаги эркин Hv нормада 0,02—2,5 мг%ни (Дервиз) ташкил этади.

Соғлом одамнинг қонидан гемоглобин чиқиб кетмаслиги учун у қон зардобидаги гептоглобин билан йирик дисперслик гемоглобин — гаптоглобулин комплексини (Hv—Hp) ҳосил қиласди. Гаптоглобулин грекча бойловчи, ушлаб қолувчи, лотинча глобус — шарча сўзларидан иборат. Hv—Hp ни буйрак фильтри ўтказмайди, шунинг учун соғлом одамда гемоглобин сийдик билан организмдан чиқиб кетмайди. Нормал қон зардобида гаптоглобулиннинг ҳажми 50—90 мг% га баробар. Гаптоглобин ҳам гемоглобин сингари наслдан-наслга ўтади.

Соғлом одамнинг қонида гемоглобиннинг доимий ҳажми соғлом аёлларда 120—150 г/л, соғлом эркакларда 130—160 г/л миқдорида сақланади.

Клиникада гемоглобиннинг камайиб кетишидан ёки етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликлар ёки гемоглобиннинг кўпайиб кетишидан келиб чиқадиган ка-

салликлар (эритремия, гемохроматоз ва бошқ.), гемоглобин сифатининг ўзгаришидан келиб чиқадиган кўплаб касалликлар (гемоглобиноз, гемоглобинопатия) ва ниҳоят 200 дан ортиқ аномал гемоглобинлар сабабли ҳосил бўладиган касалликлар ўрганилади. Чунки глобиннинг полипептид занжирларидағи ҳар бир ўзгариш янги сифатли гемоглобиннинг ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқланган. Бунинг учун полипептид занжирлардаги аминокислоталар ўз сонини ўзгартирмай, полипептид аминокислоталар занжирлардаги жойини ўзгартиришининг ўзи кифоя. Демак, гемоглобин таркибидаги ҳар бир модданинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши одам организмида турли касаликларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Масалан, гемоглобин молекуласи учун керакли бўлган темир моддасининг камлиги, касалликлар туфайли унинг тўлиқ ўзлаштирилмаслиги ёки темирнинг организмдан кўп чиқиб кетиши оқибатида темир таңқислиги анемияси ҳосил бўлади.

Темир одамнинг ҳаёти учун зарур бўлган фаол моддалар, молекулаларнинг таркиби киради. Хусусан, ички нафас (хужайравий) олиш жараёнини таъминловчи цитохром, цитохромоксидаза ва пероксидаза ферментларининг молекулалари таркибida темир моддасининг борлиги шак-шубҳасиз. Темир етишмаслиги натижасида ички аъзо ва тўқималарда кислород танқислиги рўй бериб улардаги трофик жараёнлар бузилади.

Шунинг учун клиникада гемоглобин билан бир вақтда қон зардобидаги темир миқдорини ҳам аниқлашни тавсия этамиз. Нормал қон зардобида эркин темирнинг миқдори 120—130 мг% ни ташкил этади.

Қоннинг таркибий қисмларидан яна бири бу эритроциттайди.

Эритроцит — қизил қон хужайраси бўлиб, ичидаги гемоглобин туфайли организмнинг нафас олиш жараёнини таъминлайди (3-расм). Соғлом аёлнинг 1  $\text{мм}^3$  қонида 3 800 000—4 800 000, эркак одамда 4 000 000—5 000 000 эритроцитлар бўлиши керак.

Айрим олимлар уни одамнинг микроўпкалари деб талқин қиласидилар. Бу ҳақиқатдан йироқ эмас. Нормал эритроцитнинг катталиги 6—9 микронгача бўлиб, диаметри 7,2 микронга teng.

Эритроцит думалоқ ёки овал шаклдаги микроскопик ҳужайра. Одам организмидаги биконкав шаклга эга эритроцит энг мукаммал бўлиб, осмотик муҳитлар-

га бардош бериш имкониятини беради. Нормал эритроцитнинг осмотик қаршилик кўрсаткичи 0,4%—0,99% ни ташкил этади. Эритроцит 120 кун умр кўради. Эритроцитнинг бу хили бошқа хилидан устун экани клиник кузатувлардан маълум. Биконкавлиги йўқолган эритроцитларнинг осмотик резистентлиги пасайиб кетиши оқибатида улар ҳатто 0,6—0,9% ош тузи суюқлигида (физиологик суюқлик) ҳам ўз-ўзидан гемолиз беради, яъни пуфакчаларга ўхшаб ёрилиб кетади.

Клиникада эритроцитларнинг катта-кичиклиги ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Масалан, бемор эритроцитларининг диаметри 6 микрондан кам бўлса, яъни унда микроцитлар (кичкина эритроцитлар) борлигӣ аниқланса, шу билан бирга гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиши кузатилса, микроцитар анемия (камқонлик касаллиги) борлиги аён бўлади. Кичик эритроцитлар сферацитлар, шарсимон, кичкина, думалоқ шаклдаги эритроцитлар бўлса, унда bemорда микросферацитар гемолитик анемия борлигига шубҳа қилиш мумкин. (4-расм). Беморнинг қонидаги эритроцитларнинг диаметри 9—12 микронга баробар бўлса, макроцит, 12 микрондан ҳам каттароқ бўлса, мегалоцит дейилади. Унда ўзга касалликка шубҳа туғилади. Макроцитар ва мегалоцитар анемиялар сабабли одам организми учун керакли бўлган витамин  $B_{12}$  (фоли кислота)нинг етишмаслиги келиб чиқиши мумкин. Бу ҳол маълум касалликлар (спру, антракео гастрит, меъда заҳми (гуммаси, меъда қилинган жуда юқори резекция, аскаридоз ва бошқ.) билан боғлиқ бўлиши шифокорга маълум. (5-расм).

Демак, эритроцитларнинг катта-кичиклиги асосий ва йўлдош касалликларга ташхис қўйишга ёрдам беради.

Клиникада эритроцитлар шаклининг ўзгаришига катта аҳамият берилади. Қон суртмасида анизоцитоз (эритроцитлар диаметрининг катта-кичик бўлиши) билан бирга доимо пойкилоцитоз, яъни эритроцит шаклларининг ўзгариши, ҳар хиллиги кузатилади. Бундай ҳолатларда қон суртмасида нормал шаклдаги эритроцитлар билан бирга чўзинчоқ, ноксимон эритроцитлар, оғир даражали анемияларда эса шизоцитлар, яъни эритроцитларнинг айrim бўлаклари борлиги аниқнади.

Сидеропеник анемияларда, кўп қон кетиши натижасида ҳосил бўладиган ўткир анемияларда bemор қони-

да аннулоцитлар, яъни ҳалқасимон шаклдаги, ўртаси бўш эритроцитлар пайдо бўлади (8-расм).

Камқонлик енгил даражали бўлса, беморнинг гемограммасида, яъни қон таҳлилида енгил анизоцитоз бўлиши мумкин, хасталик оғирлашгани сари унга пойкилоцитоз қўшилиб анизопойкилоцитоз, ўта оғир шаклдиша ышизоцитоз қўшилиб боради. Бу хил кўрсаткичлар шифокор учун жуда муҳим диагностик ва прогностик маълумот бўлиб хизмат қиласди.

Нишонсимон эритроцитлар, планоцитлар, кокардасимон эритроцитлар япалоқ, кичик ҳажмли, юқори осмотик резистентлик эритроцитлар. Аннулоцитлардан уларнинг фарқи шундаки, уларнинг ўртасида гемоглобин оролчаси бўлгани учун улар ҳақиқатан ҳам нишонга ўхшайди. (9-расм). Нишонсимон эритроцитларнинг мавжуд бўлиши Cooley — кулианемия ва Minog гемоглобиноз белгиларига киради. Лекин ягона нишонсимон эритроцитлар нормал қон суртмаларида ҳам, анемия касалликларида ҳам учраши мумкин. Улар қора талоқни олиб ташлангандан сўнг ёки гемолитик ва гипохром (темир етишмаслиги) анемияларида ҳам учрайди.

Мегалоцитларнинг морфологик хусусиятлари ўзига хос. Улар 12 микрондан катта, ўрталарида нормал эритроцитларда бўладиган юпқа жойи бўлмайди, чунки улар биконкав шаклини йўқотади, шу сабабли уларнинг осмотик резистентлик хусусиятлари пасайиб кетади, оқибатда анемияси бор беморларда ҳар хил даражадаги гемолитик синдром белгилари кузатилади.

Пойкилоцитоз анизоцитозга нисбатан организмдаги қон ишлаб чиқариш жараёнининг (*гемопоэз*) нисбатан чуқурроқ шикастлангани ҳақида далолат беради. Бундан ташқари, микроцитоз, базофил пунктацияли эритроцитлар. Жолли танаачалари бор эритроцитларнинг пайдо бўлиши эритропоэзниң оғир ҳолатга тушганлиги, ҳатто иликнинг зарарланганлиги ҳақида дарак беради. Пойкилоцитоз остеомиелофиброз ва остеомиелосклероз касалликларига йўлдош бўладиган анемияда ҳам учрайди.

Эллиптоцитлар (овалоцитлар) чўзиқ эритроцитлар (10—11-расм). Эллиптоцитлар наслдан-наслга ўтувчи эллиптоцитар гемолитик анемияда ва эллиптоцитар аномалияда учрайди. Эллиптоцитоз тўлиқ ва нотўлиқ шаклларда учрайди. Тўлиқ эллиптоцитларнинг сони 90% ни ташкил қиласди (E. Undritz).

Эллиптоцитозда иликдаги ҳужайраларда эллиптик дефигурация бўлмайди, бундай ўзгариш фақат периферик қондаги қизил қон ҳужайраларида кузатилади. Эллиптоцитларнинг осмотик қаршилик кўрсатиш қуввати нормада бўлади. Уларнинг нормал эритроцитлардан 38 кунга умри қисқалиги маълум. Уларнинг таркибида НВА аниқланган.

*Ўроқсимон эритроцитлар* (дрепаноцитлар) гемоглобин билан тўлган эритроцитлар (12-расм). Гемоглобин S нинг молекуласи организмда ва ташки мухитда кислород камайган ҳолатларда конгломератлар ҳосил қилиб (чўкмага тушиб) ҳар хил шаклдаги қаттиқ моддаларни ташкил қилгани учун бу эритроцитларнинг шакли ўроқсимон бўлиб қолади. Уларнинг қон томирларида эркин сузиб юриши қийин. Конгломератлар Нв S дан иборат бўлса, майда қон томирларини бузиб юборишлари ҳам мумкин. Дрепаноцитлар доминант, наследан-наслга ўтувчи, ўроқсимон ҳужайрали гемолитик анемияларда учрайди. Бундай дрепаноцитозлар асосан негр ва мулатларда ҳамда улар билан узоқ вақт алоқада бўлган европаликларда учраши маълум.

Бир одамда бир вақтда эритроцитларнинг иккى хил аномалияси, яъни ҳам эллиптоцитоз, ҳам дрепаноцитознинг учраши кузатилган.

Буйрак қасалликларида пойкилоцитознинг кам учрайдиган тури *шолғом шакли эритроцитлар* ҳисобланди. Эритроцитларнинг нима учун шолғом шаклини олиши маълум эмас. Паноптик бўёқлар билан бўялган қон ва илик суртмаларида нормоцитнинг ранги оч сариқдан тўқ сариққача бўлса, нормал эритропозз бўзилган ҳолатларда уларнинг ранги ўзгариши аниқланган.

*Гипохромиялик* ёки *олигохромиялик* деб, таркибидаги гемоглобиннинг камайиши туфайли ранглари ўчган эритроцитларга айтилади. *Гиперхром эритроцитлар* деб, нисбатан кўпроқ бўялган эритроцитларга айтилади.

*Анизохромия* деб, қон суртмасида ҳар хил рангга бўялган эритроцитларнинг мавжудлигига ёхуд битта эритроцитнинг турли хил бўялишига айтилади. (13-расм, А. Б.) Биринчи хилдаги анизохромиянинг ёмон оқибатлари бўлмайди. Иккинчи хил анизохромиянинг кузатилиши эритроцитда дегенератив жараёнлар кечётганидан гувоҳлик беради.

*Полихроматофилия* — эритронормобластларнинг цитоплазмаларида кузатиладиган зангори рангдан сариқ ёки олтин рангга ўтувчи бўялишидир. Бу ранг ёш, ба-

зофил эритронормобластларнинг цитоплазмаларида ке-чаётган гемоглобинланиш жараёнига боғлиқ бўлгани учун, полихроматофил эритро-нормобластларнинг қонда учрашини ижобий ўзгариш деб ҳисоблаймиз. Улар иликда регенерация жараёни яхши кетаётганидаи дарак беради. Полихроматофил эритро-нормобластларнинг қон таркибида бўлмаслиги, иликда эритропоез жараёнининг ишдан чиққанини маълум қиласди.

*Ранг кўрсаткичи* — ҳар бир алоҳида эритроцитда гемоглобиннинг ҳажмини англаради. Бу кўрсаткичнинг клиник аҳамияти шундаки, у ҳар бир алоҳида эритроцитнинг ичидаги гемоглобин ҳақида маълумот беради. Бу хусусият тиббиётда муҳим диагностик ва прогностик аҳамиятга эга. Соғлом одамнинг эритроцитига 33 мкг гемоглобин сифади. Бу ҳажмдаги гемоглобин бир единица (бирлик) ранг кўрсаткичи ҳисобланади. Нормада у 0,9—1,1 га teng. Эритроцитларнинг диаметри, ҳажмининг ўзгариши билан ёки суяк-кўмикдаги эритропоэз жараёнининг бузилиши билан ранг кўрсаткичи ҳам ўзгаради, бу ўзгариш муҳим диагностик ва прогностик аҳамиятга эга. Гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиши билан бир вақтда ранг кўрсаткичи ҳам ўзгарса, бу иликдаги эритронормопоэзнинг фоалияти бузилганини ёки етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Ранг кўрсаткичи 1,1 дан кўпроқ бўлса, бу беморнинг қонида макро-ва мегалоцитлар борлигини, демакки анемия борлигининг аломати бўлади.

Ранг кўрсаткичини ҳисоблашда ушбу формуулалардан фойдаланиши тавсия қиласми:

1. Гемоглобиннинг сони г/литрда кўрсатилган бўлса, аниқланган гемоглобиннинг сонини унга камайтириб, аввал учга бўламиз, сўнг олинган рақамни топилган эритроцитларнинг биринчи иккита рақамларига бўламиз:

Топилган гемоглобиннинг сони:  $10 \times 3$

Топилган эратроцитлар сонининг биринчи иккита рақами

Мисол: топилган гемоглобиннинг сони 160 г/л; эритроцитларнинг сони 5.000.000.

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{160 \cdot 10 \times 3}{50} = \frac{48}{50} = 0,9.$$

Эритроцитларнинг сони 1.000.000 дан кам бўлса, унда г/литрда аниқланган гемоглобиннинг рақамини 10 га бўлиб, сўнг учга кўпайтирамиз, аниқланган эритроцитлар сонининг биринчи рақимига бўламиз. Мисол: 40 г/л гемоглобин, 800.000 эритроцитлар:

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{40:10 \times 3}{8} = \frac{12}{8} = 1,5.$$

Аниқланган гемоглобин единица (бирлик)ларда берилган бўлса, унда топилган гемоглобиннинг рақамини топилган эритроцитларнинг биринчи икки рақамига кўпайтириб ҳосил бўлган сонга бўлинади. Мисол:

Гемоглобин 88 бирлик, эритроцитларнинг сони 4.500.000.

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{88}{45 \times 2} = \frac{88}{90} = 0,9.$$

Аниқланган гемоглобин бирликда берилган бўлиб, эритроцитларнинг сони 1.000.000 дан кам бўлса, унда гемоглобиннинг рақами эритроцитлар сонининг иккига кўпайтирилган биринчи сонига бўлинади:

Мисол: гемоглобин 20 ед., эритроцитларнинг сони 900 000.

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{20}{9 \times 2} = \frac{20}{18} = 1,1.$$

Нормал эритроцитларда ҳеч қандай *включениялар* (киритмалар) бўлмайди, лекин айрим касалликларда уларга ҳос, эритроцитларнинг ичидаги аниқланадиган включениялар пайдо бўлади. Уларни билиш ва аниқлай олиш касалликларга ташхис қўйишда ва беморларни даволашда катта аҳамиятга эга.

Эритроцитлардаги нуқтасимон базофил пунктуация.

Улар майдан зангори нуқталар бўлиб, Паппенгейм усулида яхши бўялган қон ва илик суртмаларида эритроцитлар ва нормобластларнинг цитоплазмаларида аниқланади. Базофил пунктуациянинг бир-иккита нуқтаси нормал лейкоцитларда ҳам учраши мумкин. Металлар (цинк, кумуш, симоб, мис ва бошқ.) билан заҳарланганда эритроцитларда базофил пунктуациянинг кўпайиши кузатилади. Ундан ташқари, базофил пунктуация гемолитик ва токсик анемияларда, юқумли касалликларда, рентген билан нурланган одамларда, эндокрин безларининг касалликларида ҳам кўпаяди. Базофил пунктуациянинг табиати аниқланмаган, унинг тиркибида РНҚ топилган ДНҚ эса топилмаган. *Сидероцитлар, ва сидеробластлар, эритроцит ва нормобластлар*, уларнинг цитоплазмаларида эркин темир доначалари аниқланган бўлади. Соғлом одамларнинг эритроцитларида улар 0 дан 3% гача учрайди.

Сидероцит ва сидеробластларнинг кўпайиши айрим гемолитик анемияларда, спленэктомиядан кейин, қўрғошин билан заҳарланганда, оғир пернициоз ва ахрестик анемияларда кузатилади. Эркин темир доначаларини эритроцит ва нормобластларнинг цитоплазмаларида пайдо бўлишини модда алмашинувининг бузилиши билан боғлашади, лекин бу жараённинг аниқ механизми номаълум.

Хайнц таначалари — зангори, нуктасимон доначалар эритроцитларда сурункали заҳарланиш чофида пайдо бўлади. Биринчи марта 1890 йилда фенилгидразин билан заҳарланган одамларнинг қонида аниқланган.

Хайнц таначалари спленэктомиядан сўнг, оғир ўтувчи гемолитик анемия ва талассемия билан касалланган беморларнинг қонида учрайди.

Жовель ва Жолли таначалари майда, диаметри 2—3 мкга тенг, думалоқ шаклдаги гунафша-қизил ранги доначалар. Эритроцитлар ва нормобластларнинг цитоплазмаларида 1—2 тадан учрайди. Уларни ҳужайра ядросининг қолдиқлари деб ҳисоблашади, чунки улар Фейльген реакциясига манфий натижа беради. Уларнинг таркибида ДНК аниқланган. Асосан ҳар хил анемияларда учрайди, ҳосил бўлиш механизми маълум эмас.

Қэбот ҳалқалари — оғир анемияларда, айниқса пернициоз анемияда, эритроцитлар ва мегалоцитларнинг (мегалобластлар) цитоплазмасида пайдо бўладиган қизил, нозик, ингичка, ҳалқасимон ёки саккиз рақамига ўхшаб буралиб жойлашган включениялар. Уларнинг табиати ва пайдо бўлиш механизми аниқланмаган. Уларда ДНК ва темир моддалари топилмаган. Шунинг учун уларни ҳужайра ядросининг авраси деб тахмин қиласдилар.

Ретикулоцит — эндоплазматик ретикулум сақланиб қолган эритроцит (14-расм А, Б). Оксифил нормобластдан ҳосил бўлади. Ҳар куни суяқ-кўмик илигидан тахминан 200 млрд гача эритроцитлар пайдо бўлиб (И. А. Кассирский), деярли ҳаммаси ретикулоцит давридан ўтади. Шунга асосланиб клиникада ретикулоцитларнинг сони ва сифатига қараб суяқ-кўмик илигидаги эритропоэзниң аҳволини билиш мумкин.

Софлом одамнинг қонидаги ретикулоцитларнинг сони 5—10% (промилли) га баробар.

Эндоплазматик ретикулумнинг сақланиб қолишига қараб ретикулоцитларнинг сифага бўлиш мумкин:

- I синф — эритроциттинг марказида ёки бироз чекроқ ип калаваси сингари эндоплазматик ретикулум аниқланади;
- II синф — эндоплазматик ретикулум эритроциттинг ичида ёйилиб, тарқалиб кетган ҳолатда күрийади;
- III синф — эритроциттинг ичидаги эндоплазматик ретикулум бўлак-бўлак ҳолатда кўринади;
- IV синф — эритроцит ичида эндоплазматик ретикулумнинг айрим бўлакларигина аниқланади;
- V синф — эритроцитда эндоплазматик ретикулумнинг қолдиқлари (ипсимон, нуқтали шаклда) кўринади.

Бўялган қон суртмасидаги ретикулоцитларнинг сони аниқлангач, 100 ретикулоцит ажратилиб, сифатига кўра 5 синфга бўлинади. Соғлом одамнинг қонида фаяқат IV ва V синфа оид ретикулоцитлар учрайди. Ҳар хил касалликлар сабабли уларнинг сони ва сифати ўзгаради. Бу ўзгаришларга қараб бемор илигининг ичida кечеётган эритропоэзни баҳолаш, шу асосда диагностик ва прогностик мулоҳазалар қилиш мумкин.

Масалан, беморнинг қонида анемия туфайли эритроцитлар ва гемоглобин камайиб кетса, ретикулоцитларнинг сони кўпайиб борса, ретикулоцитограммада ёш ретикулоцитлар (III, II, оғир анемияларда эса I синфа оид ретикулоцитлар) пайдо бўлса, эритроцит ва гемоглобиннинг камайиб кетишига қарамай ретикулоцитларнинг сони ва сифати ўзгариб турса, bemornining суяк-кўмик илигидағи эритроцитлар ишлаб чиқариш фаолияти қониқарли деб топилади. Аксинча, эритроцитлар ва гемоглобиннинг камайишига қарамай ретикулоцитларнинг сони адеквант равишда кўтарилилмаса, ёш ретикулоцитлар пайдо бўлмаса, бу ҳолатда иликда гипоренегенераторлик фаолияти ривожланмоқда деб ҳисобланади.

Эритроцитлар ва гемоглобин ниҳоятда камайиб кетса, ретикулоцитларнинг сони ҳеч кўтарилилмаса, ёш ретикулоцитлар пайдо бўлмаса, унда суяк-кўмик илигида гипо-аплазия ҳолати борлиги аниқланади.

Ретикулоцитларнинг сони ва сифатига қараб суяк-кўмикдаги иликнинг фаолиятини аниқлаш услубини яхши билган шифокор bemorларни т्रавматик суяк-кўмик пункциясидан ҳалос қила олади.

Қон ёрдамида одам организми ўзини ҳимоя қилади. Маълумки, одам ~~организмидун умри давомида ички~~

ва ташқи таъсиротлар бўлан курашиб туради. Организмнинг ҳимоя кучи сусайса, дарҳол ҳар хил касалликлар пайдо бўлади.

Соғлом одамнинг 1  $\text{мм}^3$  қонида 4000 дан 9000 гача оқ қон танаачалари, яъни лейкоцитлар аниқланади.

Одам организмини иккита иммунитет тизими интеграл равишда ҳимоя қиласи, булар: а) қондаги ҳужайравий иммунитет (ядроси сегментлашган лейкоцитлар, моноцитлар, лимфоцитлар ва бошқ.); б) қондаги гуморал тизим иммунитети наслдан-наслга ўтувчи ва ҳаёт давомида ортириладиган антителолар, опсонинлар, флокулинлар, преципитинлар ва бошқ).

Қондаги ҳужайравий иммунитет етилган, яъни ядрои сегментлашган нейтрофил ва эозинофил лейкоцитлар, қондаги ва илиқдаги моноцитлар, макрофагларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцит — думалоқ шақлдаги, диаметри 15 микронлик ҳужайра, уни паноптик бўёқлар билан (Паппенгейм, Гимза — Романовский усуллари) бўялганда оч пушти рангдан, тўқ пушти ранггача бўялган цитоплазмасида тўққизил — гунафша рангли, учтадан то бештагача, айрим сегментлардан, иборат ядрои бўлади (15- расм А, Б, С, Д). Ядросининг айрим сегментлари ўзаро хроматин иплари билан боғлангани кўриниб туради. Бу лейкоцитнинг цитоплазмасида майда, чангсимон, 300 тага яқин цитоплазматик қора-кулранг доначалари бўлади. Бу доначалар нейтрофил лейкоцитлар таркибида лизосомалар вазифасини бажаради, чунки уларда айрим специфик цитокимёвий бўяш усуллари билан аниқланадиган пероксидаза, цитохромоксидаза ва ҳужайра фаолияти учун керакли бўлган бошқа фаол моддаларни кўриш мумкин (С. Т. Наджимитдинов).

Ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитнинг одам организмидаги асосий вазифаси — фагоцитоз (фагос — грекча ютиб юборувчи, цитоз — лотинча ҳужайра дегани) бўлиб, касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни ютиб юборишдан иборат. Ҳар бир одамнинг иммунитети, ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитларнинг ёки микрофагларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ташқи таъсиротлардан ёки ҳар хил дори-дармонларнинг нотўғри истеъмол қилиниши оқибатида рўй берувчи агранулоцитоз (қонда гранулоцитларнинг ниҳоят даражада камайиб кетиши) иммунитет инқирозига, демакки, хасталанишга олиб келади. Иммунитет ин-

қирози ички аъзолар касалликлари — ўткир лейкоз, гипоапластик анемия, лейкопения, нейтропения билан ўтувчи оғир юқумли касалликлар, ревматоид артрит ва бошқаларга сабаб бўлади. Айрим сурункали касалликларнинг (обструктив бронхит, пневмония, жигар циррози, буйрак касалликлари) қайта-қайта хуруж қилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунда микрофагларнинг фагоцитоз фаолияти издан чиққанлиги аён бўлади.

Одам организмидаги ҳамма касалликлар, айтиш мумкинки, нейтрофил лейкоцитларнинг фаол фагоцитозсиз ўтмайди. Я. С.\* нейтрофил лейкоцитлар таркибида аниқланган кўплаб ферментлар, антигенлар, лейкоцитар трефонлари бу фикрни тасдиқлайди. Шу сабабли кўп касалликларда, айниқса лейкоцитлар камайиб ёки кучсизланиб кетадиган касалликларда, беморларга лейкоцит массаси қўйилади. Беморга қўйилган лейкоцитлар bemor организмидаги ҳужайравий иммунитетни тиклайди, натижада bemor тузалиб кетади, бу даво усули кўплаб bemорларни бевақт ўлимдан сақлайди.

Лейкоцитлардаги трефонлар секин ёки жуда секин (ёмон битадиган) яралардаги регенерация жараёнини кучайтиради. Лейкоцитлардаги айрим моддаларни аниқлаш клиник амалиётда кўплаб касалликларга ташхис қўйишга, уларнинг ривожланишини бащорат қилишга ёрдам беради.

Масалан, микроспектрофотометрия усуллари билан ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) аниқланган одам организмидаги хавфсиз ва хавфли ҳужайраларининг дифференциал фарқини билиш мумкин.

— цитохромоксидаза ферментининг фаолиятига қараб қалқонсимон безнинг гормонал фаоллигига баҳо бериш мумкин;

— пероксидаза ферментининг фаоллигига қараб иликдаги қон ишлаб чиқариш жараёнида биринчи гранулопоэзга мансуб ҳужайраларни аниқлаш мумкин, лейкопоэз жараёнида бир-биридан ажратиш қийин бўлган лимфобласт, монобласт, плазмобласт, мегакариобластлардан миелобластларни, ядроси, ядрочалари ва цитоплазмаларининг шакли ўзгариб кетган (анаплазияга учраган) бласт (ёш маъносида) ҳужайраларни бир-биридан ажратиб олиш мумкин. Ниҳоят, бу ферментнинг фаоллиги туфайли, ўткир лейкознинг ўта оғир кечувчи шакли промиелоцит лейкозда кузатиладиган атавизм феноменига оид (атавизм деб; одамдаги ай-

\* Я. С. — ядро сегменти демакдир.

рим аъзолар, ҳужайралар ёки ҳужайра қисмларини филогенетик паст табақадаги ҳайвонларда учрайдиган қайта ҳолатларга айтилади) беморларнинг ёш ҳужайраларида учрайдиган Ауэр таёқчаларини аниқлашга ёрдам беради.

Соғлом одамда пероксидаза ферментининг цитокимёвий фаоллиги 100 я.с. нейтрофил, лейкоцитларда ўрта рақами  $198 \pm 0,3$  шартли бирликка баробар.

Инфаркт, стенокардия, гипертиреоз, ўткир дизентерия, сурункали миелоз касалликларида я.с. нейтрофил лейкоцитлардаги пероксидазанинг фаоллиги зўрайиб кетиши кузатилади. Аксинча, гипотиреоз, сурункали лейкоз каби касалликларда бу ферментнинг фаоллиги (цитохромоксидаза билан бирга) пасайиб кетади.

— фосфомоноэстераза I ёки ишқорий фосфатаза ферментини я.с. нейтрофил лейкоцитларда аниқлашнинг дифференциал диагностик аҳамияти катта.

— ишқорий фосфатаза фаоллигининг ошиши ўткир лейкоз, гипо-апластик анемия, қон кетиши натижасида бўладиган ва гемолитик анемияларда, ўткир ва сурункали бактериал жигар ва ўт пуфаги касалликларида, миокард инфаркти, стабил стенокардия, ўткир бактериал дизентерия, псoriasis, экзема, ўткир ва сурункали бронхит, пневмония, пиелоцистит ва бошқа бактериал касалликларда, қонда лейкемоид (лейкозга ўхшаган) реакция бўлган ҳолатларда кузатилади;

— ишқорий фосфатазанинг я.с. нейтрофил лейкоцитларда камайиши сурункали миелолейкозда, вирус келтириб чиқарган гепатит ва бошқа вирус касалликларида, меъда ва 12 бармоқ ичакда яраси бор беморларнинг лейкоцитларида кузатилади; ишқорий фосфатазанинг фаоллигига қараб вирус ва бактериал касалликларни бир-биридан ажратиш имконияти бор. Бактериал ва некротик жараёнлар билан кечувчи касалликлarda ишқорий фосфатаза фаоллигининг ошиши бу касалликлардан тузалиш жараёнида меърига тушади. Бемор яхши тузалмаса ёки қайта хуруж қилса я.с. нейтрофил лейкоцитларда ишқорий фосфатаза фаоллигини аниқлаш ёрдамида бактериал ва некротик жараёнлар билан кечувчи касалликларнинг ривожланишини башорат қилиш мумкин.

Я.с. нейтрофил лейкоцитлардаги ферментларнинг фаоллиги даволаниш жараёни давомида нормаллашган ҳолларда bemorларнинг бутунлай тузалиб кетиши кузатилади, аксинча, bemorларнинг клиник жиҳатдан тузалишига қарамай, я.с. нейтрофил лейкоцитларидаги

ферментларнинг фаоллиги меъёрига келмаса, таъминланмаса, чекинмайди.

Соғлом одамнинг я.с. нейтрофил лейкоцитларида ишқорий фосфатазанинг ўртача фаоллиги  $50,2 \pm 3,3$  энг ками 10, энг кўпи 90 шартли бирликка тенг.

— цитокимёвий усул билан аниқланган полисахарид лимфобластдан миелобластни дифференциация қилиш учун ишлатилади, чунки лимфобластнинг цитоплазмасида улар фақат *грануляр* (доначалар) ҳолатда кўринса, миелобластнинг цитоплазмасида ҳам *грануляр*, ҳам *диффуз* ҳолда ифодаланади.

Соғлом одамнинг я.с. нейтрофил лейкоцитлари таркибидаги 100 лейкоцитда  $217 \pm 0,2$  шартли бирлик полисахарид ифодаланади. Уларнинг минимал миқдори 182, максимал миқдори 235 шартли бирликка тенг.

— инфаркт, стенокардия, вирусли ва бактериал гепатит билан касалланган беморларнинг я.с. нейтрофил лейкоцитлари цитоплазмасида фосфолипидларнинг камайиб кетиши аниқланган. Соғайиш жараёни давомида улар нормаллашган. Демак, я.с. нейтрофил лейкоцитлардаги фосфолипидларни аниқлашдан прогностик усул сифатида фойдаланса бўлади.

Соғлом одамнинг 100 я.с. нейтрофил лейкоцитида ўрта ҳисобда  $354 \pm 3,8$  шартли бирлик фосфолипидлар бўлиб, уларнинг максимал миқдори 394, минимал миқдори 300 шартли бирликка тенг.

Соғлом одамнинг лейкоцитларида, шу жумладан я.с. нейтрофил лейкоцитларида 23 жуфт *хромосома* бўлиб, улардан 22 жуфти *аутосомалар*, 2 жуфти эса *жинсий X ва У хромосомалар* дейилади. Эркакларда 44 аутосома бўлиб, иккита жинсий хромосомалари X ва У бўлгани учун уларнинг кариотип формуласи  $44A+XY$ ; аёлларнинг кариотип формуласи  $44A+XX$  бўлади. Аёл ва эркакларнинг я.с.н. да жинсий фарқ топилган. Аёлларнинг Я.С. нейтрофил лейкоцитлари ядроларида жинсий хроматин (*chromosomes—«барабан таёқчалари»*) учраб туради (Davidsona. Suu). Бу диаметрй 1 микронга тенг хроматин шарча бўлиб, ипдек ингичка хроматин билан я.с.н. сегментларидан бирига бириккан ҳолда кўринади.

Соғлом одамнинг я.с. нейтрофиллари 55—67% ташкил қиласди.

Соғлом одамнинг қонида я.с.н. лейкоцитлардан ташқари 1—3% гача таёқчасимон ядроли нейтрофил лейкоцит учрайди. Бу ҳужайра ўзининг цитоморфологик белгилари билан худди я.с. нейтрофил лейкоцит-

нинг ўзгинаси бўлиб, ундан сегментларга бўлинмаган ядрои билан фарқ қиласди. Т.я. нейтрофил лейкоцит ёш лейкоцит бўлгани учун фагоцитозда иштирок қилмайди.

Ядрои сегментлашган эозинофил лейкоцит — думалоқ шаклдаги, диаметри 15 микронга баробар ҳужайра. Унинг пушти рангли цитоплазмасида оч гунафша рангга бўялган, одатда иккита сегментли ядрои бўлади (айрим гижжа касалликларида ядро сегменти 3 талик эозинофиллар ҳам учрайди). Ядронинг сегментлари хроматин или билан бир-бирига боғланган бўлади. Эозинофилнинг цитоплазмасида йирик, думалоқ шаклдаги сариқ-қизил рангли доначалар бўлади. Я.с. эозинофил лейкоцитнинг кўп хислатлари яхши ўрганилмаган, лекин клиник аҳамияти катта бўлган айрим хислатлари фанга маълум. Жумладан, эозинофил лейкоцитлар юқори энергияли ҳужайралар сифатида, фагоцитоз қобилиятига эга, лекин уларнинг бу қобилияти, я.с. нейтрофил лейкоцитларнидан кучсизроқ. Эозинофиллар асосан айрим коқбактерия ва антиген — антитело комплексларини фагоцитоз қиласди.

Сўнгги йилларда эозинофил лейкоцитларнинг фибринолиз компонентларини транспортировка (ташиш) қилиши аниқланган. Бундан ташқари улар суюк-кўмик илигида синтез бўладиган плазминоген ташувчилари дандир.

Соғлом одамнинг қонида эозинофил лейкоцитларнинг сони 0—3% гача бўлади.

Ядрои сегментлашган базофил лейкоцит — думалоқ шаклдаги, диаметри 15 микронга баробар ҳужайра. Унинг пушти рангли цитоплазмасида оч гунафша рангга бўялган, барг шаклдаги, 3—4 сегментларга бўлинган ядроли ҳужайраси бўлиб, унинг цитоплазмасида думалоқ, йирик, худди шингил каби зангори-қора рангли доначалари бўлади.

Я.с. базофил лейкоцитлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қонни суюқ ҳолатда сақлаб туришда қатнашади. Соғлом одамнинг қонида я.с. базофил лейкоцитлар 0,1% гача бўлади.

Моноцит — кўп бурчакли (полигонал шаклдаги), диаметри 15—25 микронга тенг ҳужайра (16-расм, А, Б, С.). Унинг ҳаворанг ёки зангори цитоплазмасида ловиясимон шаклдаги, тўқ қизил-қўнғир рангли ядрои эксцентрал ҳолатда жойлашган бўлади. Ҳужайранинг цитоплазмасида майдо, қизил-азурофил доначалари бўлади. Моноцит организмда фагоцитоз жараёв

нида иштирок әтади. Бу ҳужайрага И. И. Мечников макрофаг деб ном берган. Макрофаг организмига тушган ёт ҳужайраларни ва уларнинг парчаларини ютиб юборади. Ушбу ҳужайралар фаолияти организмдаги бирламчи ҳимоя реакцияси дейилади.

Умумлаштириб айтганда, моноцит — макрофаглар тўрт хил вазифани бажаради: организмни унга ёт бўлган макро-ва микроорганизмлардан ҳимоя қилиш; лимфоцитлар ва бошқа антигенлар билан иммунитет реакцияларида муносабатда бўлиш; организмнинг кучсизланган, касалланган ва ўлган ҳужайраларини ейиш; регенерация жараёнини кучайтириш.

**Лимфоцит** — думалоқ ёки овал шаклдаги, диаметри 9-12 микронга тенг (цитоплазмаси катта лимфоцитларнинг диаметри 14—15 микронгача бўлиши мумкин), тўқ қизил — гунафша рангли, эксцентрик жойлашган ядросининг атрофида торгина ҳаворанг ёки зангори цитоплазмаси бор ҳужайра. Унда оз миқдорда ауэропил доначалар борлиги аниқланди. Бу доначаларнинг ҳар бири атрофида перигрануляр бўшлиқ борлиги маълум. Бу хусусиятига қараб лимфоцитларни лимфоцитларга ўхшаш моноцитлардан ажратиб олиш мумкин. Бу ҳужайралаға «лимфоцит» деган номни Эрлих берган. Ҳозирги вақтда лимфоцитларни вазифаларига қараб икки хилга бўлишади: «T» лимфоцит ва «B» лимфоцитлар.

Бу лимфоцитлар ўз цитоморфологик хислатлари билан бир-биридан фарқ қилмаса ҳам организмдаги вазифалари турлича.

Соғлом одамнинг қонида, аниқроғи лейкоцитлар формуласида лимфоцитлар 25—30% ҳужайраларни ташкил қиласиди.

Лимфоцитлар одам организмининг иккиламчи иммунитет реакциясида фаол қатнашади.

**Плазматик ҳужайра** — овал, чўзинчоқ, думалоқ ва полигонал шаклга эга. Бу ҳужайранинг диаметри 15—18 микрон бўлиб, микроскоп остида кўрилганда (Папенгейм ёки Гимза-Романовский усулида бўялган қон ва илик суртмаларида) унинг ёрқин, тўқ зангори рангдаги цитоплазмаси эътиборни жалб қиласиди. Синчиклаб текширилганда цитоплазманинг кўпиксимонлигини, секрет ишлаб чиқарадиган минглаб майдада лизосомалардан иборатлигини кўрса бўлади. Бу цитоплазманинг четида, думалоқ шаклдаги оч гунафша рангга бўялган ядро кўринади, ядронинг бир четидан цитоплазма овал рангда (оқариб турадиган перинуклеар соҳаси) яққол

күриниб туради. Бу соҳада электромикроскопик усул билан текширилганда кўплаб митохондриялар борлиги аниқланади, бу эса плазматик ҳужайранинг ниҳоятда энергияси кучли ҳужайра эканлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам, организмни ҳимоя қилувчи барча иммунологлобулинлар (ИгА, ИгД, ИгЕ, ИгГ, ИгМ) плазматик ҳужайраларда ишлаб чиқарилиб, антителолар сифатида гуморал иммунитет тизими фаолиятида иштирок қиласиди. Улар организмга ёт, касаллик чақиравчии антигенларни боғлаб антиген-антитело комплексини ҳосил қиласиди, улар эса макрофаглар томонидан ютиб юборилади. Қасаллик чақиравчии агент йўқ қилинади.

Софлом одамнинг сүяқ-кўмик илигидан олинган пунктатда фақат айрим плазматик ҳужайралар учрайди, нормал қон суртмасида эса улар учрамаслиги мумкин. Клиникада деярли ҳамма инфекцион касалликларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет тизимларининг иши кучайганда, периферик қонда ва иликда плазматик ҳужайраларнинг сони кўпайishi аниқланган (17—18-расмлар).

«Плазматик ҳужайра» деган ном W. Waldejeg (1875) томонидан берилган.

Софлом одамнинг қонида 0—2% гача плазматик ҳужайралар учрайди.

*Тромбоцит* — қон таркибидаги энг муҳим, энг кичкина, думалоқ, овал полигонал шаклдаги ҳужайра. Диаметри 3—6 микрон бўлади. Тромбоцит икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми — *гигаломер*, яъни унинг кичик цитоплазмаси; иккинчи қисми — *грануломер*, яъни ядродаги доначалардир. Donne (1844) йилда тромбоцитларни «глобулинлар», яъни шарчалар деган бўлса, Bizzazero (1882) уларни қон «блышкалири», яъни мустақил ҳужайралар деб таъкидлаган. Тромбоцит қон оқимида сузуб юрувчи энг муҳим ҳужайра, чунки уни қоннинг ивиш жараёнини бошқарувчи «дирижер» деса бўлади. Зоро, тромбоцитда 60 дан ортиқроқ фаол моддалар бўлиб, уларнинг 13 таси бевосита қон ивиш жараёнида қатнашади.

Тромбоцитлар осойишта ҳолатларда думалоқ шаклда бўлиб, цитоплазмаларида моддалари пушти рангга, доначалари эса тўқ қора-қизил рангга бўялади. Айрим таъсиrotлар туфайли масалан, аспирин таъсирида уларда «озодланиш реакцияси» рўй беради, уларнинг цитоплазмалари бўшаб четларида «антенналар» пайдо бўлиши кузатилади.

Тромбоцитларнинг грануломаларида З хил доначалар бўлади. Уларнинг цитоплазмасида полисахаридлар, гепарин ва бошқа фаол моддалар борлиги аниқланган.

Соғлом одамнинг қонида тромбоцитларнинг сони 180.000 дан 320.000 гачани ташкил этади.

Қон туфайли гемостаз таъминланади. Тирик орғанизмдаги қон доимо суюқ ҳолатда бўлади. Қоннинг бу хусусияти бутун организм бўйлаб ҳаракатланиб уни ҳаётий зарур элементлар билан таъминлаш имкониятини беради. Қоннинг орғанизмдан оқиб чиқиб кетмаслигини гемостаз, яъни қон ивitiш тизими таъминлаб туради. У мураккаб ферментлар тизими бўлиб, қон ивиш тизимини, антикоагулянтлар тизимини, антикоагулянтларнинг ингибиторлари тизимини қамраб олади.

Қоннинг ивиш жараёни қон зардоби ва тромбоцитлардаги фаол моддаларнинг (факторларнинг) ўзаро муносабати туфайли амалга ошади.

— қон зардобидаги гемостазни таъминлашда ушбу моддалар асосий омил ҳисобланади:

протромбин, фибриноген, қондаги тромбопластин, кальций ионлари, проакцелерин, акцелерин, проконвертин, агга (антигемофил глобулин) «А», АГГБ (антигемофил глобулин) «Б», АГГС антигемофил глобулин) «С» Розентал омили, Хагеман омили, фибринни мустаҳкамловчи омил. Бу омиллар таъсирида қоннинг ивиш жараёни 5 даврдан иборат ҳолда кечади.

I давр — фаол тромбопластиннинг ҳосил бўлиш даври;

II давр — протромбиннинг тромбинга айланиши;

III давр — фибриногенни фибринга айланиши;

IV давр — ретракция даври;

V давр — фибринолиз даври. Бу жараённи тромбоцитлар бошқариб туради.

Тромбоцитлардаги гемостазни таъминловчи омиллар:

I омил — қоннинг ивиш жараёнида протромбиннинг тромбинга ўтишини тезлаштириш;

II омил — фибриногенни фибринга айланишини тезлаштириш;

III омил — тромбоцитлардаги тромбопластиннинг қондаги тромбопластин билан қўшилиб фаол тромбопластинни ҳосил қилиш,

IV омил — гепарин;

V омил — антигепарин;

VI омил — серотонин;

- VII омил — фибринолизин ёки плазмин;  
VIII омил — қон ивишмасини каттиқлантирувчи фермент  
(тромбоцитларни грануломерларнда бўлади);  
IX омил — антиплазмин ёки антифибринолизин;  
X омил — S — протеин — қон томирларининг деворларини  
мустаҳкамловчи фермент;  
XI омил — адгезия;  
XII омил — аггломерация;  
XIII омил — қон ивишмасини маҳкамлашдан иборат.

Маълумки, муайян қонуниятга биноан қон оқимида ҳар бир қон ҳужайраси ўз жойига эга. Эритроцитлар қон оқимининг ўртасида, тромбоцитлар четида, лейкоцитлар эса ўртасида оқади. Тромбоцитлар эндотелий ҳужайраларига ёпишиб қолмаслик учун простостациклин (антиагрегант) ишлаб чиқаради. Шунга қарамай қон томирининг деворчаси бузилган жойга дастлабки тромбоцит ёпишади. Бу жараён агрегация дейилади. Унинг устига бошқа тромбоцитлар келиб ёпишади. Бу жараён агломерация дейилади. Уларнинг устига қон оқимидаги лейкоцитлар ёпишиб оқ тромб ҳосил қиласди, уларнинг устига эритроцитлар ёпишиб қўшилма тромб ҳосил қиласди. Бу ҳол гемостаз омилларини фаоллаштириб юбориб, жарохатнинг ўрнини йўқотишга олиб келади. Оқибатда қон оқиши тўхтайди. Эндотелий ҳужайралари тиклана бошлайди. Қон томирнинг деворчаси нормал ҳолга келгач, керак бўлмай қолган тромб эритиб юборилади.

Қон организмдаги модда алмашинувини таъминлайди. Ҳаёт учун зарур терморегуляция жараёни рўй беради.

Қон воситасида одам организмни унга ёт бўлган нарсаларни чиқариб ташлайди.

Қон ёрдамида организм озиқланади.

Қон туфайли организм ўзига ёт антигенлардан сақланади.

Ҳозирги вақтда эритроцитларнинг сатҳида кўплаб антигенлар борлиги аниқланган. Улардан энг муҳимлари АВО, резус, НЧ(хр), Льюис, Лютеран, Келл, Келлано, Даффи, Кидд, Джой, Рейт антигенлари ва бошқаларни эътироф этиш мумкин.

Ҳамма одамлар антиген, аниқроғи агглютиноген A ва B га қараб тўртта гуруҳга бўлинадилар. Бу клиник гематология ва умуман тиббиёт учун ўта аҳамиятлидир.

O( $\alpha\beta$ )I; A( $\beta$ )II; B( $\alpha$ )III; AB/0 IV қон гуруҳларига бўлинади.

## ОДАМ ОРГАНИЗМИДА ҚОН ҲОСИЛ БҮЛИШИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Бу масала билан олимлар узоқ йиллардан бери шүрхалықтың, изланишда бўлсаларда, муаммо ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Шу сабабли бу мураккаб масалага бағишиланган назарияларга қисқача тўхталиб ўтамиш.

Одам организмидаги қоннинг ҳосил бўлиши тўғрисидаги унитар назария:


Бу назариянинг асосчиси (рус олими Максимов) ҳамма қон ҳужайралари битта ҳужайрадан, яъни лимфоидцитдан (лимфоцитга ўхшаган мононуклер ҳужайрадан) келиб чиқади деб такидлаган (19-расм).

Одамда қоннинг ҳосил бўлиши ҳақида назария устида кўп ишлаган. А. Папенгейм, А. Н. Крюков, И. А. Кассирский ва бошқа олимлар ҳамма қон ҳужайралари асосан битта ҳужайрадан гемогистобластдан ҳосил бўлади деган фикрни қувватлаб, бу ҳужайрага она ҳужайра, яъни қон ҳужайраларининг асосчиси деб ном берганлар. Уларнинг фикрича, бу ҳужайра гемоцитобластга айланади. Бу она ҳужайрадан ҳамма қон ҳужайралари пайдо бўлади. Гемоцитобласт мегакариобластга айланиб, ундан промегакариоцит воситасида тромбоцитларни «туғадиган» мегакариоцит ҳосил бўлади. Гемоцитобластдан лимфобласт ташкил топиб, ундан пролимфоцит воситасида лимфоцит ҳосил бўлади. Гемоцитобласт монобластга айланади, у ўз навбатида промоноцит давридан ўтиб моноцитга айланади. Гемоцитобласт миелобластга айланади, у эса муайян тарзда ва тартибда промиэлоцитга, миэлоцитга, сўнг метамиелоцитга, таёқчасимон ядролик гранулоцитларга ва ниҳоят ядроси сегментлашган базофил, эозинофил ва нейтрофил лейкоцитларга айланади. Гемоцитобласт эритробластга айланиб, ундан про нормобласт, нормобласт, ретикулоцит ва ниҳоят эритроцит пайдо бўлади.

Бу назария тарафдорларининг фикрича, одам организмидаги витамин В<sub>12</sub> ва фоли кислота етишмаган ҳолатларда гемоцитобласт мегалобластга айланиб, ундан промегалоцит ва мегалоцитлар ҳосил бўлади.

А. Н. Крюков ва И. А. Кассирскийнинг фикрича, моноцитлар гемогистобластдан тўғридан-тўғри гемоцитобласт ҳосил қилмасдан, промоноцитга айланади. У эса моноцитга айланади. Бу олимлар унитар назарияни мўътадил унитар назария билан алмашишни таклиф қилганлар.

## УНИТАР НАЗАРИЯСИГА БИНОАН ҚОН ҲОСИЛ БҮЛИШИ



19-расм. Унитар назариясига биноан қон ҳосил бүлиши.

Унитар ва мўътадил-унитар назариялар кўп йиллар давомида тиббий, хусусан гематологик аломат учун ниҳоятда керакли ва муҳим маълумотлар бериб, шифокорларга хизмат қилиб келмоқда.

Лекин бу назарий ғоя гемогистобластни гемоцитобластга айланиши жарабёнинг механизмини таърифлаб беролмаган. Шу сабабли, айрим олимлар полифильтик назарияни таклиф этганлар.

**Одам организмидаги қоннинг ҳосил бўлиши тўғрисидаги полифильтик назария.**

Бу назариянинг асосчиларидан бири, машҳур швейцариялик олим Эрик Ундритцинг фикрича, ҳамма қон ҳужайралари ўз ўтмишдошига (acoschisisiga) эгадир. Бу ғояга асосан мегакариоцит мегакариобластдан, лимфоцит лимфобластдан, моноцит монобластдан, эозинофил эозинофилобластдан, базофил базофилобластдан, нейтрофил нейтрофилобластдан, эритроцит ва мегалоцит эритробласт ва мегакариобластдан ҳосил бўлади.

Бу назариянинг клиник аҳамияти ғоят катта.

**«Илдиз ҳужайраси» назарияси.** Бу назария И. Л. Чертов ва А. И. Воробьев томонидан таклиф этилган бўлиб, унитар назариядаги гемогистобласт ва гемоцитобластларнинг ўрнига цитоморфологик жиҳатдан ажратиб бўлмайдиган ҳужайралар гуруҳини ва моноцитларнинг тўқима шаклларини қўшимча қилгандар. Бу олимлар ҳамма қон ҳужайралари кўз илғамас «илдиз ҳужайрадан» келиб чиқишини таъкидлайдилар (20-расм).

Бу назария морфологик гематология фанига ҳеч қандай наф бермайди, чунки илдиз ҳужайрасининг бор-йўқлиги номаълум. Демак, бу бир фараз, ўз тасдиғини ёки инкорини талаб этувчи ғоя.

Гемогистобласт ва клиник қасалликларни аниқлашда синов усуллари—acosiga кўп ишлатиладиган гемоцитобластнинг ўрнига ажратиб бўлмайдиган ҳужайралар гуруҳини қон ҳосил бўлиш схемасига киритиш морфологик гематология фанининг ривожланиши учун имкон яратмайди. Чунки, ҳаёт учун хавфли қон қасалликлари билан хасталанган қасалларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун иложи борича улар ҳар бир одамнинг илигида ёки унинг қон ҳосил қилувчи аъзоларида учрайдиган ҳужайраларни замонавий цитохимиявий усуллар ёрдамида бир-биридан ажрата олиш ўта муҳимдир. Бу қон тизими хасталангандан ҳар бир беморнинг ҳужайраларига таъсир қиласиган ва қасалликни тузатадиган даво услубини қўллашга имконият беради.

**МОРФОЛОГИК САРАЛАНМАЙДИГАН ҲУЖАЙРАЛАР**

I синф полипотент олдинги ҳужайралар

II синф қисман дәттерминант полипотент олдинги ҳужайралар

B-лимфопозити  
T-лимфопозити

Лимфоцитта Айлануви Ҳужайра

«Илдиз» қон ишлаб чиқарувчи ҳужайра

B-лимфоцитдан олдинги ҳужайра

T-лимфоцитдан олдинги ҳужайра

Культурада колония ҳосил қилувчи ҳужайра

Эритропозинга сезиги ҳужайра

Эритропозитиң Тромпороэтиң

Тромбоцитопоз-тинга сезиги ҳужайра

III синф үнипотент олдинги ҳужайралар

Плазмобласт Лимфобласт Монобласт Мінелобласт Эритробласт Мегакариобласт

IV синф морфологик сараланувчи ривожланувчи ҳужайралар

Проплазмоцит Преслімфацит Променоцит Промелоциттер Пронормоцит Промегакарибцит

V синф етилувчи ҳужайралар

Плазмоцит  
T-лимфоцит

Моноцит

Миелоциттар  
Нормоцит баз.  
Нормоцит пх.  
Метамиелоциттар  
Нориоцит окс.  
Таскынсыз ядроли нейтрофиллар  
Ядриси сегментланган базофил нейтрофиллар  
Ретикулоцит  
Эритроцит

Мегакариоцит  
Тромбоцит

VI синф атилгак ҳужайралар

Барынторукчи түлкемделеш висцероцит	Жиевдерди Купфер ҳужайраси	Үлна альвео-ласибаш макрофаз	Қорғаподиң жакрифази	Илиңдеш макрофаз	Лимфа түзүнө оеш макрофаз	Паритонеумадаш макрофаз	Плевралда макрофаз	Асад системасынине миниродзия ҳужайраси
-------------------------------------	----------------------------	------------------------------	----------------------	------------------	---------------------------	-------------------------	--------------------	---

20-расм. И. Л. Чертков ва А. И. Воробьевлар ғылыми этган организмда қон ҳосил бўлишини «илдиз қон» ишлаб чиқарувчи ҳужайра» назарияси.

## I боб. КЛИНИК ГЕМАТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

### АНЕМИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Анемия (а — йўқ маъносида, мия — қон маъносида) ёки камқонлик касаллиги деб, одам қонининг маълум ҳажмида (масалан, 1 мм<sup>3</sup> қонда ёки 1 литр қонда) гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиб кетишига айтилади.

Анемия хасталигининг ривожланиши сабаблари ҳар хил. Уларни умумлаштириб ташқи ва ички сабабларга ажратиш мумкин.

Ташқи сабаблардан энг муҳими одамларнинг сифатли яъни оқсил моддаларига, витаминаларга, айниқса темирга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилмасликлари эканини эътироф этиш лозим.

Ички сабаблардан энг муҳими организмда учрайдиган асосий хасталик ўчоғининг мавжудлигидир. Бунда анемия оқибат, натижа сифатида юзага келади. Фақат айрим наслдан-наслга ўтувчи анемияларнигина бирламчи, мустақил касалликлар деса бўлади. Касалликнинг мазкур сабабларига кўра анемияларнинг замонавий таснифи ишлаб чиқилган. Қуйида биз уни келтиримиз.

**Постгеморрагик анемиялар.** Қон кетиши натижасида бўладиган анемиялар бўлиб, улар ўз навбатида яна икки хилга бўлинади: ўткир постгеморрагик анемиялар, сурункали постгеморрагик анемиялар.

Иккиласми ҳар хил касалликлар оқибатида келиб чиқадиган анемиялар. Организмда қон (асосан, гемоглобин) ҳосил бўлмаслиги ёки етарли даражада ҳосил бўлмаслиги натижасида келиб чиқадиган анемиялар.

Бирламчи, наслдан-наслга ўтувчи анемиялар. Гемолитик эритроцитлар ва гемоглобиннинг наслий сифатлизиги натижасида ҳосил бўладиган анемиялар.

Барча анемияларнинг патогенетик негизи организмнинг кислород билан таъминланиш механизмининг издан чиқиши ҳисобланади. Бунинг оқибатида ҳар бир ички аъзо ва тўқимадаги ҳужайраларнинг ҳужайравий нафас олиш жараёни бузилади. Модда алмашинув жараёни ишдан чиқиб организм ташқи муҳитдан ҳаёт учун зарур элементларни ўзлаштира олмайди. Бу ҳол организм ички аъзоларининг, айниқса қон ишлаб чиқариш тизимининг ҳаётий вазифаларини тўла-тўкис ба жарилишига тўскунлик қилади. Патанатомик ўзгариш-

лар: ўткир анемияларда ҳамма түқима ва аъзоларда қонсизлик ва оқимтирланиш аломатлари кузатилади. Сурункали анемиялар юрак, жигар, буйрак қон томир деворларида, ёғли дегенерация бўлиши аниқланган. Бу ҳол ҳар хил түқима ва аъзоларга қон қўйилишига сабабчи бўлиши мумкин.

## ПОСТГЕМОРРАГИК АНЕМИЯ

**Сабаблари.** Ташқи ва ички ўткир қон кетиши. Ўткир қон кетиши ташқи сабаблар, жароҳатлар туфайли рўй берса, ички қон кетиши турли аъзолардан ҳар хил ички касалликларнинг салбий оқибати сифатида ҳосил бўлади.

**Клиникаси:** Қон қанчалик тез ва кўп кетса беморнинг аҳволи шунчалик тез ўзгариб туради (енгил дарражадан тортиб, оғир тур постгеморрагик шок ҳолатигача).

Қон йўқотаётган одамнинг аҳволи тўсатдан оғирлашади: тез орада кучсизланиб боши айланади, кўзи тинади. Беморнинг ранги ўчади, тер босади, ҳаво етиш маслигидан безовта бўлади, нафас олиши тезлашади, томир уриши (пульси) тезлашиб, тўлиши камаяди, юрак уриши ҳам тезлашиб шовқинлари кучаяди. Юрак клапанлари ва катта томирлардаги қон камайиб, компенсатор гидремия рўй беради, анемик шовқинлар эшитилади. Артериал қон босими пасайиб кетиб, ўткир постгеморрагик шокнинг турли хил белгилари пайдо бўлади. Ўткир постгеморрагик шокдаги bemорлар кўпинча ўта холсизлангандан кўзларини бир нуқтага тикиб қимирламай ётадилар. Бундай вақтда bemор дармонсизликдан вақтинча тилсиз бўлиб қолади.

Ўткир анемияга хос ўзгаришлар билан бирга беморда ташқи ва ички аъзолардан қон кетиш аломатлари намоён бўлиши мумкин.

Қон анализини ўтказса (гемограммада) эритроцитлар ва гемоглобиннинг камайганлиги ретикулоцитларнинг кўпайганлиги (ретикулоцитоз) аниқланади. Ундан ташқари, оғир постгеморрагик анемияларда аннулоцитлар аниқланади.

Мазкур клиник аломатлар ва белгилар асосида камқонлик ташхиси қўйилади.

Ўткир қон кетишининг ташқи белгилари кузатилса, ташхис қўйиш осонлашади. Ўткир постгеморрагик анемиянинг сабабчиси ички аъзолардан қон кетиши бўлса, ташхис қўйиш мураккаб бўлади.

Клиник кузатишларимиздан маълум бўлдики, ички қон кетишда кўпроқ қизилўнгач, меъда, ичак хасталиклари сабабчи бўлади. Шу билан бирга жинсий аъзолар, бачадон, буйраклар, ўпка ва бошқа ички аъзолар жароҳати ҳам қон кетишига олиб келади. Оқибатда камқонлик ривожланади.

**Дифференциал ташхис:** Ўткир постгеморрагик анемияни ўткир қон кетишига сабаб бўлувчи бир қатор касалликлардан фарқлай билиш керак. Жумладан ҳар хил бурун-томуқ касалликларидан (субтрофик, атрофик назофарингит ва бошқ); тромбоцитопенияга сабаб бўлувчи касалликлардан (автоиммун — тромбоцитопения, Верльгоф касаллиги, жигар циррози, гиперспленизм ҳолатлари, Рендью-Ослер касаллиги, витамин K<sub>2</sub> етишмаслиги, гемофилия ва гемофилиоид ҳолатлар, гипертония касаллигидан (гипертоник криз) нурланиш, оқ қон касаллигидан бошқа геморрагик синдром берувчи касалликлардан:

- кавернали туберкулёз, Такаясу касаллиги, бронхоэктазия ҳолатлари, бронхоэктаз касаллиги, III даражали қон айланишининг етишмаслиги, Ана-сарка ҳолатлари, ўпка ва бронх ўсмаси ва бошқа касалликлардан;
- қизилўнгач, жигар веналарининг варикоз кенгайишидан;
- меъда ва ичак яраларидан, ўсмаларидан, гижжа касаллиги, геморройдан;
- ўткир гломерулонефрит, буйрак ўсмаси ва тошларидан, сийдик йўлларида ва қолида бўладиган тош ва ўсмалардан;
- жинсий аъзо фибромиомаси, полименорея ва бошқа ўсма касалликларидан.

#### Ўткир постгеморрагик анемияни даволаш принциплари:

1. Тезлик билан жароҳатлаган аъзо ёки тўқимани аниқлаб, қон кетишини тұхтатиш лозим.
2. Тезда беморга АВО ва резус-фактори тўғри келадиган қон ёки унинг таркибий қисмлари (қон зардоби, эритроцитлар, массаси) шокка қарши суюқликларни қўйиш лозим;
- 3.. Қон босимини кўтариш учун юрак гликозидлари, кордиамин, камфора, кофеин ва бошқа дори-дармонлар ишлатилади;

- Парентерал йўл билан юбориладиган темир препаратлари, витагепат ва унга ўхшаш жигар препаратлари ишлатилади;
- Мушаклар ичига 1% викасол (2 мл), 5% эпсилон-аминокапронкислота, желатинол ва қон кетишини тўхтатувчи дорилар берилади.
- Қон кетишининг сабабчиси бўлган асосий касаллик аниқланиб, даво қилинади.
- Беморга гўштли, витаминларга бой овқатлар берилади.

Сурункали қон кетиши оқибатида ҳосил бўладиган сурункали постгеморрагик анемия аста-секин пайдо бўлади. Кўп bemорлар сурункали қон йўқотишга эътибор бермайди, чунки бу вақтда қон жуда оз миқдорда кетади. Шу тариқа томчи-томчидан қон йўқотиб, одам қонсизланиб, оғир аҳволга тушиб қолганини билмай қолади.

**Патогенези:** узоқ вақт қон кетиши натижасида, қон таркибидаги гемоглобин ва темир камайиб кетади (геморроидан ҳар куни атиги 5 г қон кетса, бир ойда 150 г, бир йилда эса 1800 мл (деярли 2 литр) қон кетиши мумкин). Сурункали камқонлик аъзолар гипоксиясига сабаб бўлади.

Бу эса бутун организм, хусусан мия, юрак, ўпка, буйрак тўқималарида мёдда алмашинуви жараёнинг сусайишига, ҳатто бузилишига сабаб бўлади. Оқибатда уларнинг ҳаётий вазифалари ишдан чиқиб ҳар хил ички аъзолар касалларни ривожланади.

Одам организми учун темир моддасининг аҳамияти нечоғли улкан эканини эслатиб, темир фақат ҳужай-раларнинг нафас олишида фаол иштирок этишини таъкидлаб ўтишимиз кифоя.

Организмда темир этишмаслиги ички ва ташқи аъзоларда трофик ўзгаришларга олиб боради. Жумладан, bemор терисининг қуриқшаб ажин бўлиши, соchlарнинг тўкилиши, тирноқларнинг юпқалашиб синиши каби патологик ўзгаришлар кузатилади.

Темирнинг камайиши организмда сув ва туз алмашинувиниң бузилишига олиб келади.

**Клиникаси.** Беморнинг шикоятлари кўпинча ушбулардан иборат бўлади: аста-секин пайдо бўлувчи дармонсизлик, тез чарчаш аломатлари пайдо бўлади; ҳаво этишмаслиги, харсиллаш, анемия оғирлашгани сари харсиллаш кучайиб боради; бош айланиб, кўз тинади, кўз олди қоронғилашади.

Бу шикоятлар ички аъзоларда пайдо бўлган гипоксия оқибатлари бўлиб, гемоглобин ва эритроцитларнинг кетишидан далолат беради.

Беморнинг ранги ўчиб, шиллиқ қатламларининг (конъюнктивалар, оғиз бўшлиғи, тил ва лаблар) ранги ўзгаради. Лаблар аста-секин кесак ранг тусга киради. Шиллиқ қатламларнинг ранги оқ қизил, оғир ҳолатларда эса оч ёки тўқ сариқ тус олади. Беморнинг териси одатда қуруқ бўлиб, тирноқларида кўндаланг оқ чизиқлар, ғадир-будирлик, оғир ҳолатларда эса койлонихия кузатилади. Оғизнинг чети бичилади, оғир ҳолатларда яраланади. Шу сабабли оғзи бичилган, тирноқлари ўзгарган, соchlари тўкилган одамда сурункали темир етишмаслигини аниқлаш мумкин.

Беморнинг нафас олиши тезлашиб, жисмоний ҳаракатлар вақтида ҳарсиллайдиган бўлиб қолади. Томир уриши конпенсатор равишда тезлашади. Юрак устида анемик шовқинлар эшитилади, оғир ҳолларда Волчок шовқини катта томирлар, қорин бўшлиғи аортаси ва бошқа йирик томирлар устида ҳам эшитила бошлайди. ЭКГ да вельтаж сусайиб, модда алмашиш жараёни ўзгарганлиги маълум бўлади. Артериал қон босими пасаяди.

Беморнинг тили рангсизланиб, боради. Ички аъзоларининг фаолияти сезиларли даражада сусайиб боради. Аёлларда овариал менструал цикл ўзгариши мумкин. Жуда оғир ҳолларда — гипоменоррея, ҳаттоқи аменоррея ҳолатлари кузатилади. Қон зардобида сидеропения кузатилади.

Гемограммада эритроцитлар ва гемоглобиннинг рангли кўрсаткичи пасайиб қетгани кўринади.

**Ташхиси:** Анемиянинг ташхиси bemor қонининг анализи, гемограммасини текшириб сўнг қўйилади. Гемограмма туфайли анемиянинг тури, даражаси аниқланади.

Рангли кўрсаткичининг 1,1 дан катталashiши ҳам клиниқада катта аҳамиятга эга. Ранг кўрсаткичининг ошиши эритроцитларнинг катталашуви билан, мегалоцит (мегалобласт) лар ва макроцитларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бу ҳол bemor организмида витамин  $B_{12}$  етишмаслигининг аломатидир.

Сурункали постгеморрагик анемияни ташхислашда ретикулоцитларнинг сонини ва сифатини аниқлаш ҳам ўта муҳимдир. Зоро, ретикулоцитлар илиндаги эритропоз жараёни шифокорга маълумот беради.

Дифференциал ташхис:

Анемияларни гемоглобиннинг камайишига қараб 5 синфга бўлиш мумкин;

I синф анемиясида гемоглобиннинг миқдори: аёлларда 100—120 г/л; эркакларда 110—130 г/л;

II синф анемиясида аёлларда 80—100 г/л, эркакларда 90—110 г/л;

III синф анемиясида аёлларда 60—80 г/л; эркакларда 70—90 г/л;

IV синф анемиясида аёлларда 40—60 г/л, эркакларда 50—70 г/л;

V синф анемиясида аёлларда 20—40 г/л, эркакларда 30—50 г/л ни ташкил этади.

Сурункали постгеморрагик анемияни фарқловчи ташхис қўйишда асосан қайси аъзо ёки тўқимадан қон кетганлигини ва нима сабабдан қон кетганлигини аниқлаш лозим бўлади.

Беморни синчилаб текшириш жараёнида бурундан қон кетаётгани маълум бўлса, бурун томоқдаги ҳар хил ўсмалар, Рендю—Ослер касаллигининг бор-йўқлигини, гемофилия, Верльгоф, аутоиммун тромбоцитопения, гипоапластик анемия, жигар циррози, инфекцион спленопатиялар натижасидаги тромбоцитопения, Глянцман касаллиги, гипертония касаллиги (гипертоник кризлар), ўткир ва сурункали лейкозлар ва бошқа касалликлар бор-йўқлиги аниқланади.

Қизилўнгачдан қон кетса, аъзодаги ўсма, жигар циррози сабабли томирларнинг ёрилиб қонаётганини текшириб кўриш керак;

Меъда ва ичаклардан қон кетиши кузатилса, яралар, ўсма касалликлари, гельминтлар, ўткир ва сурункали гепатит, цирроз, ички-ташқи геморойнинг бор-йўқлигини аниқлаш лозим бўлади;

Сийдик йўлларидан қон кетганида сийдик қопида ва буйракларда бўладиган ўсмаларни ва тошларни, ўткир ва сурункали гломерулонефритларни қидириш керак бўлади.

Аёлларнинг жинсий аъзоларидан қон кетишида фибромиома, гиперменоррея, фибрознокистоз мастопатия, ўсма касалликларининг бор-йўқлигини текшириш керак;

Ўпка ва бронхлардан қон кетса шу аъзолардаги ўсма, туберкулёз, бронхлардаги эктазздар, Такаясу касаллигининг бор-йўқлигини аниқлаш лозим бўлади.

Сурункали постгеморрагик анемия иккиламчи касаллик бўлгани учун ҳар бир bemorda бирламчи касалликни қидириб топиш зарур.

Даволаш усуллари: Энг муҳими — тезлик билан жароқатланган ички аъзо ёки тўқимани топиб, қон кетишини тўхтатишдир.

Аёлларда жинсий аъзолар касаллиги камқонликкниң бош сабабчиси бўлиб, ундан сўнг геморой, буйраклардан, ўпкалар ва трахеялардан оғиз ва бурундан қон кетиши касаллик омили бўлиши мумкин. Эркакларда эса кўпроқ меъда ва 12 бармоқ ичак яралари, ўпкадан ва бронхлар, бурун, буйраклар жароқати, геморой қон кетишининг бош сабабчиси бўлади.

Ички аъзолардан қон кетишини тўхтатишнинг самарали усули беморга қон зардоби, эритроцит, лейкоцит тромбоцитлар массасини қўйишдир. Одатда, ички аъзолардан қон кетишини тўхтатиш учун қон ва унинг таркибий қисмларини гемостатик дозалардан (100—120 ҳажмда) қўйилади. Қон ва унинг зардобларини ҳар куни ёки кунора ёки ҳафтада 2-3 марта қайта-қайта, то қон кетиши бутунлай тўхтамагунча қўйиш мумкин. Лекин, ҳар бир bemorга индивидуал тарзда ёндошиш лозим. Консерватив даволаш усуллари ёрдам бермаса, оператив даволаш услуби қўлланилади.

Қон тўхтатиш учун қўшимча тарзда желатиноль, 5% аминокапрон кислота (100 мл), 10% хлорид кальций — 10,0 томир ичига юборилади, 1% викасол (1—2 мл дан) мушак ичига юборилади.

Қон кетиши тўхтатилгандан сўнг асосий касаллик яхшилаб даволанади. Беморга қоннинг ўрнини босадиган қон препаратлари, асосан эритроцит массаси қўйилади. Беморга маҳсус парҳез таомлар тайинланади.

## СУРУНКАЛИ ТЕМИР ЕТИШМАСЛИК АНЕМИЯСИ

Бу хил анеция жуда кенг тарқалган бўлиб, анеция касалликларининг 80—90% ни ташкил қиласди. Сабаблари: асосан уч хил: биринчиси — овқат билан темир моддасини (гўшт ва гўшти овқатларни) кам истеъмол қилиниши; иккинчиси — темир моддасининг етарли даражада ўзлаштирилмаслиги; учинчиси — темир моддасига организм эҳтиёжининг ошиб кетиши (масалан ҳомиладорлик вақтида).

Биринчи сабаб туфайли ҳосил бўладиган анеция бизда кам учрайди. Иккинчи сабабдан ҳосил бўладиган анеция эса, аксинча, кўп учрайди. Бунинг сабаби шундаки, бизнинг иқлимда ўткир ва сурункали салмо-

неллөэлар тез-тез учраб туради. Бу касалликлар, айниңса ўткір ва сурункали-дизентериялар таъсирида меъда-ичаклар, меъда ости безларининг ташқи секреция фаолияти сусаяди. Натижада меъдадаги туз кислотасининг камайиши сабабли озиқ-овқатларда бўлган III валентли темир II валентли темирга айланмайди. Бу ҳол ичакларда овқатдаги темирнинг сўрилишини тўхтатиб қўяди. Бу эса темир етишмаслик анемиясига олиб келади.

Учинчи сабабдан ҳосил бўладиган темир етишмаслик анемияси асосан аёллар орасида учраб тез-тез ҳомиладор бўлишининг оқибатидир. Маълумки ҳомиланинг организмидаги гемоглобин («Ф» ёки фетал гемоглобин) она организмидаги темир моддалари ҳисобига шаклланади. Шунинг учун кетма-кет ҳомиладорлик айрим аёлларда ҳар хил даражадаги темир етишмаслик анемиясига олиб келиши мумкин.

Темир етишмаслик анемиясининг ривожланишида гижжа касалликларининг ҳам роли катта. Одам организмида учрайдиган аскаридалар хўжайини организмидаги темир моддалар ҳисобига яшар экан. Улардан бошқа гижжаларни ҳам темир етишмаслик анемиясига олиб бориши муқаррардир.

Темир етишмаслик анемияси туфайли ҳар бир алоҳида ҳужайрада демак, ички ва ташқи аъзолардаги, ички нафас (ҳужайравий) олиш жараёни бузилади. Бунинг оқибатида одам организми тез ишдан чиқади.

**Патогенези.** Организмда темирнинг етишмаслиги гемоглобиннинг камайишига олиб келиб, ички аъзолар ва тўқималарни кислород билан таъминланиш жараёнинг сусайишига, заифланишига олиб келади: аъзо ва тўқималарда ҳужайравий, нафас олиш тизимининг бузилишига сабаб бўлади. Ундан ташқари, темир етишмаслик анемиясида одамнинг суюк-кўмигидаги эритропоэз жараёни ҳам бузилади.

Темир етишмаслик анемиясининг бошланиш ва клиник ифодаланиш даврларида суюклардаги иликнинг фаолияти регенератор хусусиятга эга бўлса, (ретикулоцитларга бағишлиланган бўлимга қаранг) терминал, яъни охирланиб бориш даврида эса гиперогенератор, оғир холатларда аргегенератор хусусиятли бўлиши мумкин. Касаллик ривожланиши давомида суюкдаги иликнинг фаолияти ўзгариб бориб, борган сари эритроцитлар ва гемоглобин камаяди, ранг кўрсаткичи пасайиб, қон зардобида темирнинг миқдори камаяди. Анемия оғир кечишига қарамай ретикулоцитлар қўпаймайди,

ретикулоцитограммада ёш ретикулоцитлар сони камайиб бораверади.

### Клиникаси

Бу касалликка хос асосий симптом дармонсизлик-дир. Кўпчилик беморларда дармонсизлик аста-секин ҳолсизлик сифатида намоён бўлиб, ривожланиб боради. Бемор кескин ҳаракат қилганида кўз олди тиниб, қоронфилашиб кетадиган, кўз олдида ҳар хил рангли майдагачалар сузадиган бўлиб қолади. Бемор тез чарчаб иш унуми сусаяди. Бора-бора ҳарсиллаш пайдо бўлади. Беморнинг кўриниши ўзгаради юзлари рангизланниб, кўз конъюнктивасини ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қатламларининг ранги учиб боради. III—IV даражали анемияси бор беморларнинг тили ҳам рангизланади. Беморнинг лаблари кесак тусини олади. Оғир анемияси бор беморларнинг лаблари бичилади, соchlари тўкилади териси қуришиб ажин кўпаяди, тирноқлари ўзгаради.

Қони кам одамнинг нафас олиши тезлашади (компенсатор тезланиш), томири тез уради. Бемор юрагининг устида анемик шовқинлар пайдо бўлади.

Темир етишмаслик анемияси иккиласли касаллик бўлгани боис шифокор беморнинг асосий хасталигини аниқлаши ва даволаши лозим. Шундан сўнг анемияга қарши курашиш зарур.

**Ташхиси.** Темир етишмаслик анемиясининг бор ёки йўқлигини, унинг даражасини қон анализи (гемограмма) орқали билиш мумкин. Анемиянинг борлиғидан қондаги гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиб кетиши далолат беради. Оғир анемияси бор беморларнинг қонини текширганда гемоглобин ва эритроцитлар билан бирга қоннинг ранг кўрсаткичи ҳам пасайиб кетганини кузатиш мумкин.

Темир етишмаслик анемияси ташхисини қўйиш учун соғ одамда гемоглобин ва эритроцитларнинг ранг кўрсаткичининг қандай бўлишини билиш лозим. Бу маълумотларни касалларда топилган қон анализи кўрсаткичлари билан солишириб, темир етишмаслик анемиясининг бор-йўқлигини билса бўлади. Шифокорлик санъатини эгаллаш учун бу кўрсаткичларнинг клиник талқинини ўрганиб олиш керак бўлади. Бунинг учун ҳар бир шифокор гемограммани ўз қўли билан бажариши, уни ўқий олиши керак. Чунки гемограмма тиббиёт амалиётида энг кенг ва кўп ишлатиладиган лаборатория анализларида бўлиб, усиз тўғри ташхис бўлмайди. Шу туфайли дарсликнинг умумий қисмида

бу масалалар түғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Темир етишмаслик анемиясини аниқлашда гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиши билан бир вақтда ранг кўрсаткичининг кўтарилиши ёки пасайиши катта аҳамиятга эга. Нормал ранг кўрсаткичи бемор организмидаги темир ва гемоглобин учун керак бўлган бошқа моддаларнинг заҳираси борлигининг аломатидир. Гипохромия темирнинг эритроцитлар ва қон зардобидагина эмас ҳатто иликда ва бошқа тўқималарда ҳам камайиб кетганини кўрсатади.

Темир етишмаслик анемияси ташисини қўйишда эритроцитларнинг сонигагина эмас, уларнинг сифат ўзгаришларига ҳам эътибор бериш зарур бўлади. Чунки бу хил анемияда эритроцитларнинг сони камайгани сари уларнинг сифати ҳам ўзгариб боради. Оғир дараҷали темир етишмаслик анемиясида нормал эритроцитлар билан бир вақтда майда эритроцитлар (микроцитлар) ҳам учрайди. Бу вақтда эритроцитларни микроскоп остида кузатса, уларнинг ранглари ҳар хил даражада бўлиши (анизохромия) аниқланади. Бу ўзгариш эритроцитларда гемоглобиннинг миқдори турлича эканлигидан далолат беради.

Темир етишмаслик анемияси билан хасталанган беморларнинг илигига ҳар хил даражадаги эритропоэтик ўзгаришлар кузатилади. Масалан, иликдаги лейко—эритробластик индекс соғлом одамда 3—4:1 баробар бўлса, темир етишмаслик анемияси бор беморларда эритро—нормобластлар томонига ўзгариб 2:3 ёки 3:2, баъзан ундан ҳам кескин ўзгаришлари кузатилади. Лейко—эритробластик индексининг ўзгариши иликдаги эритро—нормобластларнинг лейкоцитларга нисбатан кўпайганини кўрсатади. Бундай ўзгаришлар ижобий тусга эга бўлиб, иликнинг рёгенераторлик қобилиятини кўрсатади. Темир етишмаслик анемияси узоқ вақт давом этса, борган сари иликнинг рёгенераторлик қобилияти йўқолиб бориб гипорегенератор ёки арегенератор ҳолатгача бориб қолиши мумкин. Даво муолажасининг мақсади иликнинг рёгенераторлик қобилиятини ҳисобга олиб ҳар бир беморга индивидуал даво чорасини қўллашдан иборат.

Одам суюгини тешиб иликни олиш шикастловчи операция бўлгани боис иликдаги эритропоэз ҳужайраларининг регенератив ҳолатини аниқлаш учун қондаги ретикулоцитларнинг сони ва сифатини аниқласа ҳам бўлади (умумий бўлимга қаранг).

Бу диагностик ва прогностик усулининг моҳияти шундан иборат: II—III ёки IV даражали темир етишмаслик анемиясида ретикулоцитларнинг сони баланд бўлса, ретикулоцитограммада уларнинг I—II—III синф вакиллари учраса беморнинг илигидаги эритропоэз регенератор ҳисобланади. Беморда оғир темир етишмаслик анемияси бўла туриб, ретикулоцитларнинг сони кўпаймаса, ретикулоцитограммада ёш ретикулоцитлар пайдо бўлмаса, унда иликдаги регенератив қобилият гиперегенератор дейилади. Шифокорнинг даволаш санъати ҳам иликдаги регенератив қобилиятини ҳисобга ола билишидадир.

**Дифференциал ташхиси.** Бизнинг фикримизча, биронта касаллик йўқки у қон ва унинг таркибига таъсир кўрсатмаса.

Бу фикрни биз касалнинг шикоятларига қараб дифференциал-диагностик таҳлил этиш принципи асосида ифода этмоқчимиз.

Темир етишмаслик анемияси бор бемор ўз шикоятларида йўтали борлигини айтса, биз бу беморда бронхлар ва ўпка сили, ўсмаси, гангренасини, сурункали бронхит ёки зотилжамни, абсцесс, бронхоэкстаз ва бошқа хил касалликларни аниқлашга ҳаракат қиласиз. Иштаҳаси йўқлигига шикоят қилса, биз беморда сурункали гепатит ёки жигар циррозини, сарифи бўлмаса, гипо-ёки анацид гастритни, сурункали эзофагит, рефлюкс-эзофагит, қизилўнгач, меъда, меъда ости бези, ингичка ва йўғон ичакларнинг секретор фаолияти суайганлигини аниқлашга ҳаракат қиласиз.

Биринчи ва иккинчи даражали темир етишмаслик анемияси бор беморга феррум-хидрогене редукти, ферроплек, ферри-аскорбинат, тардиферон ва шуларга ўхшаш дорилар буюрилади. Бу дорилар овқатдан 30—40 дақиқа ўтгандан сўнг қабул қилинади. Чунки озиқ-овқатларда бўлган III валентли темир II валентли темирга айланмаса у 12 бармоқ ва ингичка ичакларнинг ички қаватларидан (шиллиқ пардаларидан) сўрилмайди, сингмасдан ташқарига чиқиб кетади.

Ичакларда темирнинг тўлиқ ўзлаштирилиши учун меъда безлари ишлаб чиқарадиган HCl етарли даражада кучли ва сифатли бўлиши керак. Нобель мукофотининг лауреати, академик И. П. Павловнинг фикрича, меъда безларининг энг сифатли HCl чиқариш вақти овқат қабул қилинганидан сўнг 30—40 дақиқа ўтгач рўй бериши аниқланган. Шунинг учун ҳам бе-

морларга таркибида темири бор дорилар овқатдан сўнг 30—40 дақ. ўтгач берилади.

Айрим беморлар организмида дорилар яхши сингимаслиги мумкин. Кўпинча бундай ҳолатлар меъданинг нормал секреция жараёни бузилганда кузатилади. Шунинг учун бундай bemorlarغا дорилар томир ёки мушаклар орқали юборилади. Турли дориларнинг орасида бизнинг фикримизча энг яхшиси «Феррум-Лек»дир. Уни томир ва мушак ичига юбориш мумкин. Томирга 5 мл Феррум-Лекни 0,9% ли физиологик эритмада эритиб юборилади, мушаклар ичига 3 мл Феррум Лекни 0,25—0,5% ли новокайнда эритиб юборилади. Парентерал ўсулда қабул қилинувчи яхши дорилардан яна бири бу Францияда чиқариладиган «Оксиферрискарбони содукуе» яъни содали оксиферрискарбон бўлиб, у bemor томирига 2 мл дан юборилади, 5—10 мартағача юборилса яхши ёрдам беради. III ва IV даражали темир етишмаслик анемиясида бу муолажа қониқарли даражада ёрдам бермаслиги мумкин. Айниқса гемоглобин ва эритроцитлар камайиб, ранг кўрсаткичи 0,8 дан пасайиб кетган бўлса. Бу ҳол ҳар бир эритроцитнинг ичидаги гемоглобин камайиб кетганидан дарак беради. Бундай bemorlarга қон ва унинг тárкибларини қўйиш лозим. Bemorlarга эритроцит массаси томир орқали қўйилади. Бунинг учун bemornинг қон гурӯхини ва резусини аниқлаб, тўғри келадиган эритроцит массаси қўйилади. Қўйиладиган масса (ҳажми 120 мл) аста-секин томчилаб, томир ичига юборилади. Қўйиладиган эритроцит массасининг гурӯхи ва резуси реципиентнинг қон гурӯхи ва резус факторига мос келиши шарт. Шуни таъкидлаб, ўтиш лозимки, Ортенберг қоидасига асосан қон қўйиш ҳозирги вақтгача амал қилинмайди.

**Профилактикаси.** Ўткир ва сурункали ва постгеморрагик анемияларнинг олдини олишда энг муҳим тадбирлардан бири нафақат катта, ҳаттоқи кичик, назарга илинмайдиган қон кетишларини ҳам тезлик билан тўхтатиб, янги қон ҳосил бўлгунча bemorlarни назоратда сақлаб туришдан иборат. Темир етишмаслик анемиясининг иккиласми касаллик эканини назарга олиб, асосий хасталикни тезда аниқлаб, уни даволаш зарур. Темир етишмаслик анемияси бор, ҳомиладор аёлларга ўз вақтида профилактик даво муолажасини тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

## ГИПОАПЛАСТИК АНЕМИЯ

Үткір ва сурункали гипоапластик анемия деб, сабаблари ҳозирча номаълум бўлган хасталикка, яъни иликдаги қизил қон, оқ қон ва мегакариоцит-тромбоцитларни ишлаб чиқаривчи қон илдизларининг қуриб қолишига айтилади.

**Сабаби.** Бу масала ҳамон ҳал этилмаган. Шунинг учун биз шу ўринда мазкур муаммо ечими билан боғлиқ бир неча назариялар билан таништироқчимиз.

1) касалликнинг наслдан-наслга ўтиши ҳақидаги назария. Бу назарияга биноан, гипо-апластик анемия наслдан-наслга ўтувчи касаллик ҳисобланади. Лекин, кўпчилик беморлар буни инкор қиласидар. Беморларнинг илиги ёки қон ҳужайраларида бу касалликка хос генетик ўзгаришлар аниқланмаган.

2) вирус назарияси. Бу касалликнинг қўзғатувчи-си, қандайдир вирус деб тушунтиради. Лекин ҳозирги вақтгача ҳеч қандай вирус топилмаган, ундан ташқари касалликнинг бир одамдан бошқа одамга ўтгани ҳақида маълумотлар йўқ. Беморнинг қони ва илигига ҳам вирус топилмаган.

3) пестицидлар назарияси. Сўнгги йилларда пестицидларнинг қонга салбий таъсир қилиши мумкинлиги тўғрисида айрим фикрлар бор. Лекин шу маҳалгача пестицидларнинг илик ва қонга тўғридан-тўғри таъсири кузатилмаган.

4) қора талоқ назарияси (гиперспленизм назарияси). Бундан бир неча йил муқаддам профессор Ф. И. Файнштейн қора талоқ туфайли одамларда гипо-апластик анемия пайдо бўлишини таъкидлаб, бундай беморларни спленэктомия (қора талоқни олиб ташлаш) воситасида тузатишни тавсия қилган эди. Ҳозиргача айрим беморлар спленэктомия ёрдамида даволанади. Лекин, операция қилинган bemорларнинг ҳаммаси ҳам соғайиб кетмаган.

5) иммунологик назария. Айрим олимларнинг фикрича, гипоапластик анемия асосида ички аъзоларнинг ҳар хил касаллклари сабабли ёки тартибсиз даволаниши натижасида, организмдаги жумладан, иликдаги эритропоэз, лейкопоэз ва мегакариоцита — тромбоцитопоэз илдизларидан чиқувчи ҳужайраларни емирувчи антителолар пайдо бўлиши тахмин қилинади. Бу тахминга асосланиб bemорларни гормонлар билан даволаш тавсия этилган. Шунинг учун кўп bemорлар бутун умри давомида гормонларни ичиб юрадилар.

б) нур таъсироти ҳақидаги назария.

Патогенез. Илик ҳужайралари ионләштирувчи нурлар таъсири остида ҳалок бўлади. Ўткир гипо-апластик анемия соппа-соғ юрган одамда кутилмаганди ифода бўлади. Хасталик суюклардаги иликнинг, аниқроғи ундаги миллионлаб қизил қон (эритропоэз), оқ қон (лейкопоэз) ва мегакариоцит (мегакариоцитопоэз) ҳужайраларнинг ҳалок бўлишидан бошланади. Бундай одамларнинг номаълум сабабга кўра суюклари бўшаб қолади. Шунинг учун беморларнинг суюкларидан пунктат чиқмайди, яъни илик топилмайди. Бемор қони текширилса нафақат гемоглобин ва эритроцитларнинг сони шунингдек тромбоцит ва ретикулоцит ва лейкоцитларнинг ҳам сони камайиб кетгани маълум бўлади. Бундай гемограмма данцитопения дейилади. Трепанобиопсия қилиб кўрилганда, иликнинг ёғ босиб кетгани аниқланади.

Мутахассисларимиз бу касалликка апластик анемия деб ном берганлар. Биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки апластик дегани бу беморнинг илиги бутунлай қолмаган, яъни ўлимга маҳкум қилинган деган сўз. Бу эса шифокорлик этикасига зид тушунчадир. Биз беморнинг илиги заифланса ҳам, бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, шу боис уни қайта тиклаш мумкин, шифокор бу имкониятдан фойдаланиши 'Лозим', деган фикрга асосланиб, касалликни гипо-апластик анемия дейишни тавсия қиласиз.

Ўткир гипо-апластик анемиядан кўра, кўпроқ сурункали гипо-апластик анемия учраб туради. Бу хил анемия аста-секин ривожланиб беморнинг илигидаги миелокариоцитларнинг (иликнинг ядроли бор ҳужайраси) камайиб кетиши билан ифодаланади. Бундай ўзгаришни суюкдан олинган иликни текшириб аниқласа бўлади. Биринчидан, шприцга илик жуда кам миқдорда, қийинчилик билан чиқади ва жуда тез ивиб қолади, иккинчидан, унинг ранги қип-қизил ёки тим қоранинг ўрнига оч қизил, суюқ бўлади. Илиkdirни миелокариоцитларнинг камайишини Горяев камерасида аниқлаш мумкин.

Камайиб кетган иликдаги ҳужайралар асосан айрим лимфоцит ва ретикуляр ҳужайралардан, макрофаглардан иборат бўлиб, иликка хос бошқа ҳужайралар кам учрайди. Шу жумладан, мегакариоцитларнинг (гигант ядроли ҳужайра) ҳам сони камайиб ёки бутунлай йўқ бўлиб кетади. Трепанда бундай беморларнинг илиги ярим бўшаб қолган ҳолатда илик ҳужай-

раларининг ўрнига унинг ячейкаларида фақат ёғ ҳужайраларинигина кўриш мумкин. Бемор ой ва йил сари оғирлашади, борган сари илик ҳужайраларининг ўрни ёғ босиб кетади. Шу сабабли bemor қонининг анализи ҳар хил даражадаги панцитопенияни ифода этади.

Иликдаги эритробласт, про normoblast, базофил, полихроматофил ва өртохром нормобластлар, ретикулоцитларнинг камайиб кетиши натижасида энг муҳим ҳаётий жараёнлар бузилади.

Клиникаси. Ўткир гипо-апластик анемияга учраган одамда холисизланиш, дармонсизлик сезилиб безовта қиласиди. Бемор кўпинча соппа-соғ юрган эдим, бирданига дармоним қуриб қолди деб шикоят қиласиди.

Беморнинг юзи оппоқ, рангсиз бўлиб қолади. Лаблари ҳам рангсизланиб кесак рангига киради, кўзларини «пахтаси» чиқиб, юзи бўзариб қолади. Бундай bemor соғлом одамлар ичидаги яққол ажралиб туради. Беморнинг тили ҳам рангсизланиб, танаси ва оёқ-қўлларининг териси оч сариқ тусга эга бўлади. Кўз конъюнктиваси ҳам рангсизланиб оқ-сарғиш тус олади. Биринчи кунларданоқ bemorларда ҳар хил даражадаги ҳаво етишмаслиги, ҳарсиллаш кузатилади. Нрафас олиш компенсатор равишда тезлашади. Беморнинг томири тез уради, чунки оз миқдордаги қон билан организмни таъминлаш учун юрак тез уради. Қондаги эритроцитлар камайиб кетгани учун у суюқлашади. Шу сабабли юрак клапанлари бўйин ва қорин бўшлиғидаги катта қон томирларининг устида анемияга хос шовқинларни эшитиш мумкин. Айрим bemorларда жигарнинг, қора талоқнинг катталашуви кузатилади. Беморни синчиклаб текширганда конъюнктиваси, тил ости ва терисида ҳар хил катталикдаги қон қуйилишларини топиш мумкин.

Касаллик турлича симптомлар билан ифодаланиши мумкин. Аниқ ташхис фақат гемограмма ва миелограммалар асосида бўлади.

Ташхис: гемограммада бу касалликка хос панцитопения, яъни периферик қондаги ҳамма қон ҳужайраларининг камайиши аниқ кўринади. Чунки bemorларнинг илиgidаги қон илдизлари — эритропоз, лейкопоз ва мегакариоцитопозлар қуриб қолади. Гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар, ретикулоцитлар ва лейкоцитлар нормага нисбатан бир неча баробар камайиб кетади. Лейкоцитлар формуласида нейтропения, моно-

цитопения ва лимфопениялар кузатилади. Бу ҳол бемор организмидаги ҳужайравий ва гуморал иммунитет тизими инқирозга учраганинг далолатидир. Натижада bemornинг ички аъзоларидағи кўплаб яллиғланиш ўчоқлари ҳосил бўлиб, иситмаси кўтарилади. Тромбоцитларнинг камайиб кетиши (тромбоцитопения) ҳар хил даражали геморрагик синдромнинг ифода бўлишига сабаб бўлади. Беморнинг илиги микроскоп остида кўрилганда, унда миелокартицитларнинг камайиб кетганлиги аниқ кўринади. Иликдан олинган суртмаларда айрим лимфоцитларни, ортохром нормобластларни, плазмалашган ҳужайраларни ҳамда илик макрофагларини кўриш мумкин. Ўткир апластик анемия билан касалланган bemorларда лимфоцитлар, гранулоцитлар, моноцитлар билан бирга мегакартицитларни камайиб ёки йўқ бўлиб кетгани аниқланади. Бу хил анемияга тўғри ташхис қўйиш учун асос бўладиган яна бир аломат — ретикулоцитлар сони ва сифатининг ўзгаришидир.

Мисол. Бемор -К., 16 ёшда 1995 йил 24 мартача ўзини соппа-соғ ҳисоблаб юрган. 1995 йил 25 мартада унинг бирданига бурни қонаган. Қон кетиши тўхтамагани сабабли bemor враchlарга мурожаат қилган. Поликлиникада бурун тампони қувилишига қарамай бурундан қон кетаверган. II ТашДавТИнинг отолорингология клиникасида bemorга орқа тампонада ҳам қилинган. Бурундан қон кетиши барибир тўхтамаган, bemor ҳолсизланиб, иситмаси кўтариленган. Гемограмма текширилганида гемоглобиннинг 60 г/л гача, эритроцитларнинг 1 миллионгача, лейкоцитларнинг 550 тагача камайиши, тромбоцитларнинг битта-яримта учрагани кўриниб турган. Лейкоцитлар формуласида ядроси сегментланган нейтрофил лейкоцитларнинг 5—6% гача камайгани, СОЭнинг 64 мм гача тезлашгани аниқланган. Беморнинг тўш суюгидан олинган илиги микроскоп остида кўрилганда эритронормобластлар, миелобластлар, лимфо-, моноцитобластлар, мегакартицитлар топилмаган. Шунга асосан bemorга ўткир апластик анемия ташхиси қўйилган.

Дифференциал ташхис.

1. Ўткир лейкоздан фарқланади, апластик анемияда ўткир лейкоздан фарқли ўлароқ иликда гиперплазия эмас, аплазия ҳолати кузатилади; қон ва иликдан қилинган суртмаларда «blast» ҳужайралар кам учрайди; анаплазия ва гетеротоп қон ҳосил бўлиш жараёни кузатилмайди.

2. Ўткир агранулоцитоздан фарқи—гемограммада анулоцит, эритроцит, тромбоцит, агранулоцитларнинг камайиб кетгани кўринади; иликда апластик ҳолат, яъни эритропоэз, лейкопоэз ва мегакариоцитопоэзлар ҳужжайралариңинг йўқлиги кўринади. Ретикулоцитлар камайиб, ретикулоцитограммада уларнинг ёш вакиллари топилмайди.

3. Бурун касалликларида бурунда ўзига хос ўзгаришлар бўлишига қарамай гемограммада панцитопения, миелограммада эса гипо-аплазия ҳолатлари аниқланмайди.

4. Рендью-Ослер касаллигига бурундан қон кетиш билан бир вақтда лабларнинг ички томонларида ва II—III қўйл бармоқларининг учларида кўплаб томирларнинг кенгайганлиги ҳолида гемограммада — панцитопения, миелограммада — гипо-апластик ҳолатлар аниқланмайди.

Даволаш:

1. Парҳез — гўшти, кучли овқатлар, сузма, қатиқ ва бошқалар.
2. Қон ва эритромасса қўйиш.
3. Феррум — лек томир ичига юбориш учун (5 мл), мушак ичига юбориш учун (2 мл).
4. Витагепат — 2 мл дан мушак орасига.
5. Илик трансплантацияси.
6. Преднизолон (60—90 мг).
7. Антибиотик, сульфамид дориларини дарҳол бекор қилиш.
8. Спленэктомия — консилиумда ҳал этилади.

Профилактика:

1. Антибиотиклар бериш, сульфаниламидлар ва цитостатиклар билан даволаш.
2. Нур билан даволаш.
3. Нурланиш натижасида ҳосил бўлган гипо-апластик анемия ўткир нур касаллигига хос усувлар билан даволанади.

### СУРУНКАЛИ ГИПО-АПЛАСТИК АНЕМИЯ

Клиникаси: сурункали гипо-апластик анемия учун аста-секин ривож олувчи дармонсизликни ҳис этиш характерлидир. Бундай шикоятлар билан бир вақтда тез-тез чарчаш, борган сари тинканинг қуриши, юрганида ҳарсиллаб қолиш, бориб-бориб чополмай ва юролмай қолиш каби аломатлар ҳам ифода бўлади. Беморнинг юз-кўзи (конъюнктиваси), териси рангсизланиб кета-

ди. Ички аъзолардаги патологик ўзгаришлар нафас олиш ва юрак уришининг тезлашувидан иборат. Тўқималардаги сурункали гипоксиянинг клиник белгилари аниқланади. Беморларда умумий модда алмашинуви бузилиб, ички аъзоларнинг функционал вазифалари сусаяди. Шунинг учун айрим bemорлар тўлишиб семириб кетиши мумкин. Касаллик доимо бир хил кечмай, тўлқинсимон жараён тарзида (хуруж тутиши — соғайиши) ойлаб-йиллаб bemорнинг тинкасини қуритади. Бемор ишга яроқсизланиб қолади. Вақти-вақти билан эритроцитлар ва гемоглобин миқдорининг хавфли даражада пастга тушиб кетиши оқибатида bemорнинг аҳволи тез оғирлашиб қолади. Тромбоцитлари камайиб кетган bemорларда буруннинг қонаши, шетехиал тошмаларнинг тошиши, аёлларда эса менструал қон кетишининг кучайиши кузатилади. Илик пунктатида ҳужайраларнинг камайгани, гемограммада панцитопения (эритроцитлар, гемоглобин, тромбоцитлар, лейкоцитлар, айниқса нейтрофил лейкоцитларнинг камайиб кетгани) ни аниқлаш мумкин. Шу сабабли сурункали гипо-апластик анемия билан касалланган bemорларда ўзга сурункали тус олган касалликлари (сурункали бронхит, сурункали пневмония, сурункали гастроэнтероколит, пиелонефрит, пиэлоцистит ва бошқ.) тез-тез хуруж қилаади. Bemорларда иситма кўтарилади. Буларнинг сабаби ҳужайравий иммунитет фаолиятининг издан чиқишидир.

**Ташхиси.** Клиник кечиши бўйича ўткир ва сурункали гипо-апластик анемиялар фарқланади. Келиб чиқиши бўйича туғма ва орттирилган гипоапластик анемиялар маълум. Tuғма гипоапластик анемиялар орасида Фанконининг оиласи апластик анемияси ва Даймонд — Блэкфанинг болалар гипоапластик анемияси, асосан 4—10 ва 1 ойдан 1 ёшга кирган болаларда учраса, Эрлихнинг апластик анемияси каттароқ ёшдаги (18—30 ёш) одамларда учрайди.

Орттирилган гипо-апластик анемия асосан ҳар хил антибиотиклар (левомицетин, стрептомицин ва бошқ.), сульфаниламиidlар (норсульфазол, дисульфан ва бошқ.), акрихин, висмут, бутазолидин ва бошқа дори-дармонларни тўхтовсиз истеъмол қилиш туфайли вужудга келганлиги bemорларнинг қасаллик тарихидан маълум. Бундан ташқари, гипопластик анемияни тетраэтил қўроғошин (этилланган бензин), бензол, ионлаштирувчи радиация айрим юқумли касалликлар сабабли ҳам ривожланганлигини аниқлаш мумкин.

Гипоапластик анемия ташхиси анемия синдроми гемограмма натижаси, иситманинг кўтарилиши, организмда яллиғланиш жараёнининг мавжудлигига ва ниҳоят геморрагик синдромга асосан қўйилиши мумкин бўлади.

Одатда, узил-кесил ташхис ёстернал пунктатлардаги ҳужайраларни текшириб қўйилади. Беморларнинг илигида ҳар хил даражадаги гипо-аплазия аниқланади. Гемограммада панцитопения кузатилади. СОЭ тёзлашади.

Дифференциал ташхиси. 1.-Ўткир гипоапластик анемия аввалам бор ўткир лейкозлардан фарқланиши лозим. Анемияда ўткир лейкозларга хос гиперплазия, метаплазия, анаплазия ва гетеротоп қон ҳосил бўлиши каби белгилар аниқланмайди. Ўткир гипоапластик анемияси бор bemorларнинг гемограммасида айрим бласт ҳужайралари учраса ҳам илик пунктатларида бластгиперплазияси, бластларнинг метаплазияси, айрим бласт элементлардаги анаплазия кузатилмайди. Гетеротоник қон ҳосил бўлиши хос эмас.

Ўткир агранулоцитоздан фарқлаш лозим. Анемияда ўткир агранулоцитозга хос лейкопения ва нейтропениядан ташқари, анемия ва тромбоцитопения, ретикулоцитопения кузатилади, иликда эса — гипоаплазия бўлади.

Верльгоф касаллигидан фарқланиши лозим. Верльгоф касаллигига гемограммада тромбоцитлар камайиши билан бирга иликда кўплаб мегакариоцитлар учрайди, фақат уларнинг фаолияти тўхтаган бўлади. Илик ва қондаги бошқа ҳужайралар камаймайди.

Шёнлейн — Генох касаллигига геморрагик синдром бўлишига қарамай, гемограммада панцитопения, иликда — гипоаплазия кузатилмайди. Лекин, қон томирларнинг енгил заифланиши симптомлари (Румпель — Леди), «чимчилаш» симптомлари яққол ифодаланади.

Рендью — Ослер касаллиги — асосан томирларнинг, айниқса, лабнинг ички томонидаги, бармоқларнинг учидаги томирларнинг заифлиги натижасида қон кетиши ҳолатлари билан характерланади.

Глянцман касаллигига эса, гемограммада — панцитопения бўлмасдан, тромбоцитларда грануломернинг йўқлиги кузатилади.

Демак, юқорида кўрсатилган касалликлар ўзига хос симптомларга эга бўлиб, ўткир гипоапластик анемияга оид симптомларга эга эмас.

2. Сурункали гипоапластик анемияни иккиламчи, гипоапластик анемиялардан, хусусан, сурункали нур касаллиги туфайли ҳосил бўладиган иккиламчи гипоапластик ҳолатдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда bemorning анамнезида ҳар хил нурланишлар ёки сурункали нур касаллигининг симптомларини аниқлаш мумкин. Беморларда эритроцитларни эмас, лейкоцитларни, сўнгра тромбоцитларнинг камайиши кузатилади. Касаллик анамнези ва клиник гематологик кўрсаткичлар ташхисини аниқлашга ёрдам беради.

Узоқ вақт ҳар хил дори-дармонлар қабул қилиниши натижасида ҳосил бўладиган иккиламчи гипоапластик анемияда кўпроқ эритроцитларнинг эмас, лейкоцитларнинг ўзгаришлари кузатилади.

Нур ёки радиоактив моддалар воситасида даволанган bemorлардаги иккиламчи гипоапластик ҳолатларда қизил қон танаачаларига нисбатан, оқ қон илдизларнинг кўпроқ шикастланиши кузатилади.

Сурункали гипоапластик анемияни сурункали қон кетиши натижасида ва темир етишмаслиги сабабли пайдо бўладиган анемиялардан ажратиш учун қуйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

— bemorning аниқ шикоятлари бўлмайди;

— қон кетиши ва темир етишмаслиги натижасида ҳосил бўладиган анемияларда гемоглобин ва эритроцитларнинг сони камайиб, ретикулоцитларнинг сони кўпаяди. Периферик қонда уларнинг ёш (I-II ёки III синф) намоёндалари пайдо бўлади. Гипоапластик анемиялarda эса, гемоглобин ва эритроцитларнинг сони камайса ҳам ретикулоцитлар сони кўпаймайди, гемограммада уларнинг ёш вакиллари кўринмайди. Bemorning қонида тромбоцитлар ва лейкоцитлар ҳам камайиб кетиб, СОЭ тезлашади.

Қон зардобидаги темир моддасининг миқдори, ферритин, трансферритин, апоферритинлар жуда пасайиб кетиб, bemor қонининг ивиши жуда тезлашиб кетади.

## ГИПОАПЛАСТИК АНЕМИЯНИ ДАВОЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

1. Ҳар бир bemorning шикоятларини синчиклаб сўраб, анемияниң сабабларини аниқлаш.

2. Витаминлар ва оқсилига бой овқат бериш.

3. Қон ва унинг таркибларини bemorga тўғри келтириб, мунтазам равишда қуайиб бориш.

3(а). Консервация қилинган донор илигини bemorga mos келишини аниқлаб трансплантация қилиш.

4. Беморга темир моддасига бой дорилар билан бергә парентерал усулда бериладиган дориларни буюриш (ферроцерон, ферроплекс, феррилактицин, ферри аскорбинати, тардиферон, феррум-лек, оксиферрискарбон ва бошқ.).

5. Мунтазам равишда жигардан тайёрланган дориларни ишлатиш (витагепат, сирепар ва бошқ.).

6. Беморга бир кунда уч мартадан 40 мг керак бўлса, ундан кўпроқ фоли кислотасини бериш.

7. Иммунитетни кучайтирувчи дорилар берилади. Бу мақсадда биз кўп йиллардан бири пентоксилни ишлатамиз. Пентоксил пирамидин гўруҳига оид бўлиб, bemor организмида нуклеин кислотанинг синтезини йўлга солиб, ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг фаолиятини яхшилади. Бу эса гипоапластик анемияси бор bemor учун жуда муҳимdir.

Пентоксилни 0,3 г дан ҳар куни 3 маҳал, овқат билан берга, бир ой давомида қабул қилиш лозим. Бир ой ичиб, бир ой дам олгандан сўнг, яна бир ой қабул қилиш мумкин. Пентоксил организмга салбий таъсир кўрсатмайди.

8. Беморларнинг сурункали касалликларини: Боткин касаллиги, жигар циррози, оғир юқумли касалликларни аниқлаб уларни даволаш.

#### Профилактикаси:

1. Анемиянинг олдини олиш учун сурункали қон кетишиларни бартараф этиш, гаптен хусусиятига эга бўлган дориларни (тетрациклин ва бошқ.) истеъмол қилмаслик.

2. Оғир ўтувчи инфекцион касалликларда қон ва илик фаолиятига жиддий эътибор бёриш лозим бўлса, тезда даволашни бошлаш керак.

3. Цитостатикларнинг ножӯя таъсирини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш.

4. Ионлаштирувчи нурлар (табий радиоактив моддалар, сунъий радиоактив моддалар ва рентген нурлари) билан ишлайдиган кишиларнинг гемограммаси ва миелограммаларини назорат қилиш; уларга санитария қоидаларини тушунтириш.

5. Ўткир ва сурункали нур касалликларини ўз вақтида аниқлаб изчил даволаш, инфекцион касалликларни ва қон тизими касалликларини даволаш даврида мунтазам равишда гемограмма ва миелограммага назар солиб туриб қерак бўлса, профилактик даволаш шарт.

## АДДИСОН — БИРМЕР ҚАСАЛЛИГИ

(хавфли камқонлик, пернициоз анемия,  
 $B_{12}$  (фоли) дефицит анемия).

Бу хил анемия 1855 йилда Аддисон томонидан, сўнг 1868 йилда Бирмер томонидан кашф этилиб ўлимга олиб борувчи — пернициоз анемия деб аталган. 1922 йилда Мэрфи томонидан уни жигар билан тузатиш мумкинлиги эътироф этилгач уни  $B_{12}$  (фоли) дефицити анемияси деб аташни И. А. Кассирский таклиф этган.

Сабаблари: яқин ўтмишга қадар бу анемия пернициоз анемия, яъни ҳаёт учун хавфли анемия дейиларди. Чунки бу анемия билан касалланган беморларнинг ўлиши муқаррар эди. Лекин америкалик олим Кастлнинг кашфиётидан сўнг хасталикнинг сири очилди. Бу касалликнинг келиб чиқиши ташқи (витамин  $B_{12}$ ) ва ички (гастромукопротеин) омилларнинг етишмаслигидан эканлиги аниқланди.

Витамин  $B_{12}$  ёки цианокобаламин одам ва ҳайвон тўқимасида эмас, балки ичакларида микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқарилади. Инсон организми учун ўта муҳим бу витамин организмда етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайди. Шу сабабли одам витамин  $B_{12}$  ни ташқи муҳитдан олиши шарт. Ташқи муҳитдан бўв витаминнинг етарли даражада организмга кирмаслиги касалликка олиб боради. Чунки бу витамин туфайли одам организмида қон ишлаб чиқариш, нуклеин кислотанинг синтези, эритроцитларнинг етилиши, организмнинг ўсиши таъминланади.

Фоли кислота, (витамин  $B_{12}$ ) ҳам одам ичакларидағи микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқарилади, аммо организм учун етарли даражада эмас. Шу сабабли у ҳайвон маҳсулотларини (жигар, буйрак), ўсимликларни (ловия, помидор ва бошқ.) истеъмол қилиб олинади. Фоли кислота витамин  $B_{12}$  билан бирга нуклеин кислоталарни, жумладан пуринларнинг синтезини яхшилайди, нормопоэзга ижобий таъсир қиласи. Бу кислота туфайли темир атоми одам илигидағи эритробластларнинг митохондрияларидағи гем молекуласига ўрнашади. Шу сабабли унинг организмда етишмаслиги гем — гемоглобин синтезининг нормал кечишига салбий таъсир қиласи.

Гастромукопротеин, яъни ички омил одам меъдасининг антрап қисмida жойлашган Бец ёки катта ҳужайралари томонидан ишлаб чиқарилади.

Ташқи ва ички омиллар қўшилиб жигарда гемопоэтик омилнинг ишлаб чиқарилишига сабабчи бўлади.

**Патогенези.** Аддисон — Бирмер анемиясида уч хил патогенезни ажратиш мумкин:

- а) озиқ-овқатлар билан бемор организмига витамин В<sub>12</sub> (фоли кислота) етарли даражада тушмаслиги;
- б) витамин В<sub>12</sub> (фоли кислота) нинг бемор организми томонидан ўзлаштирилмаслиги. Бундай ҳолат сурункали антрак гастрит ёки меъданинг антрак қисмida бўлган ўсма ёки сифилитик гуммаси бор беморларда учрайди;
- в) ташқи ва ички омиллар нормал ҳолда бўлса ҳам, Аддисон — Бирмер касаллиги ривожланса, унда беморда гижжа касалликлари, ҳомиладорлик ёки қаттиқ ич кетар касалликлари (спру ва бошқ.) туфайли гемопоэтик омилнинг бузилганлигини аниqlаш мумкин.

Юқорида кўрсатилган сабаблар натижасида ички ва ташқи омиллар организмда қўшилмай гемопоэтик омил ҳосил бўлмаса ёки у етарлича бўлмаса, бундай одамларнинг илиgidаги илик ва қон ҳужайраларининг тузилиши ва функционал хусусиятлари тубдан ўзгариб кетади. Нормобластик қон жараёни мегалобластик қон ишлаб чиқариш жараёнига айланади. Аниқроғи, соғлом иликда бўладиган эритронормобластлар ўрнига иликда мегалобластлар (ёш гигант ҳужайра) бўлади.

Қизизи шундаки, ҳар бир инсон она қорнида эмбрионал ҳолатда бўлганида унинг илиги ва қон томирларида эмбрионга хос илик ва қон ҳужайралари бўлади. Бу ҳужайралар соғлом, катта одамнинг илиgidаги эритробластлардан бир неча марта катта, ядроидаги хроматин эса йўғон ва қўпол бўлади. Цитоплазмаси кенг бўлиб, айрим мегалобластларда Желли таначала-ри ёки Қэбот ҳалқаси учраб туради. Мегалобласт цитоплазмасининг гемоглобин билан тўлишиш даражасига қараб базофил мегалобласт, полихроматофил мегалобласт ва ортохром мегалобластларга ажралади. Мегалобластнинг ядрои цитоплазмасидан чиқиб кетганидақ сўнг у мегалоцит дейилади. Мегалоцит ҳам базофил, полихроматофил да ортохром шаклга эга бўлиши мумкин. Мегалоцитни бўялган қон суртмасида қуритиб, нормал қонга хос эритроцитлардан ажратиб олиш қийин эмас.

Бунинг учун ушбу белгиларга эътибор бериш керак: суртмани кичкина ва қуруқ  $\times 8$  ёки  $\times 10$  объектив-

ли микроскоп остида кузатса, мегалобласт ёки мегалоцитлар ўз катталиги билан гумбаздек бўлиб ажраби турди. Катта (ёғли) иммерсион объективли микроскоп билаң қаралса бу фарқни яққолроқ кўриш мумкин. Ундан ташқари, нормал эритроцитлар биконков бўлгани учун ўрталари четларига нисбатан юпқа бўлиб тешикка ўхшаб турди. Мегалоцитларда эса биконковлик белгиси бўлмайди. Бу атавизм (яъни филогенетик белгиларга қайтиш) белгиларидан бири бўлиб, бемор қонининг тузилиши эмбрионал ва филогенетик ҳолатларга қайтганидан далолат беради. Бундай ҳужайраларнинг нормал қон ҳужайраларига нисбатан механик ва осмотик қаршиликлари пасайиб кетади, шунинг учун уларнинг умри нормал эритроцитларнидан 30 кунгача камаяди. Шу сабабли витамин В<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемияси бор беморларнинг конъюнктиваси ва териси сарғиш бўлиши маълум (қисқа вақт яшовчи мегалобластлар кўплаб гемолиз беради).

Ниҳоят, витамин В<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемияси бор беморларнинг эритроцитларигина эмас, балки лейкоцитлари ва тромбоцитларининг нормал лейкоцитларга нисбатан катталашуви кузатилади. Айрим нейтрофил лейкоцитларнинг диаметри 20—25 микронгача нормада 15 микрон катталашиб кетади. Уларнинг ядро сегментлари 8—10 гача боради (нормада 3—5 та). Тромбоцитлар ҳам катталашиб кетиб, диаметрлари 2—3 микрон ўрнига 5—6 микронгача бўлиши кузатилади. Бундай беморларнинг гемоглобинлари ҳам ўзгариб, соғлом катта одам организми учун хос гемоглобин А нинг (адултус — катта одам) ўрнига, мегалобластларда гемоглобин Ф (фётус ҳомила сўзидаи) аниқланади. Қизизи шундаки, Аддисон — Бирмер касаллигидан тузалгандан сўнг бемор қонида яна соғлом катта одам ларнига хос гемоглобин А пайдо бўлади.

**Патологик анатомияси.** Беморларнинг нафақат илкларида, орқа миясида ва бошқа ички аъзоларида бу касалликка хос ўзгаришлар бўлади. Орқа миянинг орқа ёнбош поғоналарида дегенерация, фуникуляр миелоз ва бошқа хил ўзгаришлар кузатилади.

**Клиникаси.** Беморлар кўпроқ тинка қуриши, дармонсизликка, тилнинг ачишиб оғришига, терисида чумолилар ўрмалаб юришини сезиб туришларини айтиб шикоят қиласидилар. Айрим bemорлар юрганларида ён томонга оғиб, ўзларини йиқилиб қолаётгандек ҳис қиласидилар.

Беморни синчиклаб текширса ушбу ўзгаришларни кўриш мумкин: овқат ҳазм қилиш тизимида bemor-nинг тили яллиғланиб (глоссит) қип-қизил бўлиб қолганини, сезги тугунчалари текисланиб кетгани учун, тилнинг усти сип-силиқ лакланганга ўхшаб қолганини кўриш мумкин. Бундай тилни Хантер тили дейишади. Беморларнинг жигари ва қора талоғи шишганлигини кўриш мумкин. Асаб тизимида фуникуляр миелоз ҳолати мавжудлиги сабабли bemorларда тактил сезги Ҳисси бузилиб, одам яхши юролмай, гандира克拉б кетиши, ҳатто умуман ҳаракатсиз қолиши кузатилади. Умуман будай bemolарда руҳий ўзгаришлар, айрим ҳолларда деменция ҳолати ҳам кузатилади. Қон тизимида ҳам муайян ўзгаришлар рўй беради. Bemorларда дармонсизлик, кўз тиниши, бош айланиши, ҳаракат қилинганда кўз олдида ранг-баранг нуқталарнинг пайдо бўлиши; юрганда ҳарсиллаб қолиш ҳолатлари юз беради. Бу шикоятларнинг туб асосида гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиб кетиши ётади (иљикдаги эритронормобластопоэз мегалобластопоэз билан алмашинганида қон ишлаб чиқарилиши 3—4 марта секинлашади, организмда ўлаётган мегалобласт-мегалоцитларнинг ўрнини босаоладиган ҳажмда янги қон ҳужайралари иликда ишлаб чиқарилмайди), гемограммада гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиб кетишини кузатиш мумкин.

Бошқа хил анемиялардан бу анемиянинг фарқи шундаки, рангли кўрсаткич камайиш ўрнига баландлашиб (1,1 дан ошиб) кетади. Буни сабаби бор албатта. Витамин B<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемияси бор bemorларнинг қизил қон, ҳужайралари катталашиб, уларнинг диаметри ўрта ҳисобда 12 микрондан каттароқ бўлади. (нормада 7,2 микронга баробар). Шунинг учун, бундай ҳужайраларнинг ҳажми катталашиб, унга 35 граммдан кўпроқ гемоглобин сифади. Бунинг натижасида эса рангли кўрсаткич 1,1 дан ошади. Шунинг учун бу хил анемияни яна гиперхром мегалоцитлар анемияси) деб ҳам аташади.

Мазкур анемияси бор bemorлар қонининг таҳлили гемоглобин, эритроцит, тромбоцит ва лейкоцитларнинг камайиб кетганлигини маълум қиласида. Айрим bemorларда тромбоцитларнинг камайиб кетиши натижасида геморрагик синдром ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Мисол. Bемор Б., 46 ёшда, чўпон. Касалхонага оғир ҳолатда, замбилда олиб келтирилган. Ҳуши жойида. Лекин ниҳоятда дармони йўқлигидан пичирлаб гапира-

ди. Қасаллик белгилари дармонсизлик, тилининг оғриши, айниқса шўр ва нордон таомлардан сўнг, терисида жимиirlаш ҳиссининг пайдо бўлганига 5—6 ой бўлган, дармонсизлик борган сари кучайиб бориб бемор ётиб қолган. Шифокорлар IV даражали анемия борлигини аниқлашиб, уни ТошМИ клиникаларининг бирига юборишган. Клиникада беморнинг аҳволи янада оғирлашиб қолган. Беморда анемиядан ташқари геморрагик синдром пайдо бўлган. Сурункали пневмония хуружи бошланиб беморнинг иситмаси 39—40 дарражагача кўтарилиган. Бизни лейкоз йўқмикан деб, консультацияга чақирган эдилар. Пневмониядан ташқари жигар ва қора талоқнинг катталашгани, гемограммадан гемоглобин 45 г/л, эритроцитлар 1 миллион, лейкоцитлар 500, СОЭ—90 мм эканини, кўплаб мегалоцитлар борлигини, тромбоцитларни йигирма мингдан камайиб (нормада 180 000—320 000) кетганини аниқладик. Стернал пункция ёрдамида беморнинг илигида тетал мегалобласт метаплазияси борлиги аниқланди. Интенсив равишида даволаниб эритромасса билан бирга витамин В<sub>12</sub>, фоли кислота ва бошқа дори-дармонлар берилгач бемор 2—3 кун ўтмай юра бошлади. Геморрагик синдром аста-секин камайиб йўқ бўлиб кетди. Бемор қонидаги лейкоцитлар кўпайиб бориб иситмаси тушди. Бир ойдан сўнг бемор клиникадан чиқиб кетди. Бу вақтдаги гемограммасида гемоглобин 130 г/л, эритроцитлар 4 млн, лейкоцитлар 6,5 минг, тромбоцитлар 150 минг, СОЭ—12 минни ташкил этарди.

Лейкоцитларнинг, айниқса нейтрофил лейкоцитларнинг камайиб кетиши натижасида организмдаги ҳужайравий иммунитет кучсизланиб, беморнинг ички аъзоларида яллигланишлар рўй беради, бу эса бемор иситмасининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Бемор организмида ретикулоцитларнинг камайиб бориб касали оғирлашганида бутунлай учрамай қолиши, организмдаги эритро-нормобластик қони ишлаб чиқарилишининг мегалобластик, яъни 3—4 марта секинлигини, нормал эритропоэзниң инқирозга учраганининг аломатидир. Шу сабабли, яқин ўтмишда ҳам бу қасаллик пернициоз анемия, яъни ўлдирувчи анемия деб ном олган эди. Ҳозирги замонда бу анемиядан даволанса бўлади.

Ташхиси: беморда анемия аломатларидан глоссит, меъда սекрециясининг пасайиши, фуникуляр миелоз симптомлари, қонида гиперхром анемия, тромбоцитопения, лейкопения, нейтрофил лейкоцитлар ядрои сег-

ментларининг кўпайиши (гиперсегментация) эътиборга лойиқ. Беморнинг илик ва қон суртмаларида мегалоцит ва мегалобластларнинг борлигини ҳисобга олиб, витамин В<sub>12</sub> (фоли) дефицит ташхиси қўйилади.

Дифференциал таххис. Витамин В<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемиясининг сабаби атрофик, антрал гастрит, меъданинг антрап қисмидаги сифилитик гумма ёки ўсма, полиплардан, аскаридоз ва бошқа хил гижжа қасалликларидан ҳомиладорлик туфайли эмаслиги аниқланади.

### ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

1. Парҳез сақлаш, bemorning овқатида иложи бўлса, жигар ва қора талоқдан тайёрланган таомлар бўлиши лозим.

2. Қон ва эритромассани bemor томирига томчилашиб қўйиб, bemorning ҳаётини сақлаб қолишга имкон беради.

3. Витамин В<sub>12</sub> (цианокобаламин) билан даволаш.

Бу дори билан даволаш курси 1—2 ойгача давом этиши мумкин. Витамин В<sub>12</sub> билан даволаш давомида 3—4 кундан сўнг bemorning ретикулоцитларини текширса, унинг қонида ретикулоцитларнинг кўпайишини кўриш мумкин. Бу патологик (меглобластик) қон ҳосил бўлиш жараёнининг нормал (нормобластик) қон ҳосил бўлиш жараёни билан алмашаётганидан гувоҳлик беради. Демак, витамин В<sub>12</sub> билан даволаш жараёнида биз ретикулоцитар реакцияни чақиришга уринишимииз лозим.

4. Фоли кислота билан даволаш. Уни bemor 40 мг дан уч марта овқат билан бирга қабул қиласи. Да-воляш курси 3—4 ҳафтагача. Муҳими, бу кислотани таркибида темир моддаси бор дорилар (Феррум — лек, содали оксиферрискарбон) билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқ, чунки бундай bemor организми ичга қабул қилинадиган дори-дармонларни ўзлаштира олмаслиги мумкин.

5. Ҳозирги вақтда bemорлар хом жигар емасликлари учун Vitagepati ёки Сирепар номли жигар экстрактларидан тайёрланган дориларни ишлатиш ўринлиdir. Бу дорилар ҳам жигарга нисбатан бир неча юз марта кучли.

Rp: Sirepati 10,0  
3 — 4 мл дан мушак ичига  
кунора юборилади.

Rp: Vitagepati 1,0  
Dt. d N20 in ampull.  
Бир ёки икки мл дан мушак  
ичига кунора юборилади

## Профилактикаси:

Анемияни келтириб чиқарувчи асосий касалликларни ўз вақтида аниқлаш, түғри даволаш лозим.

## ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯ

Гемолитик анемия деб, инсон қонидаги қизил қон ҳужайралари (эритроцитлар) нинг бузилиб ёрилиб кетиши натижасида организмда рўй берувчи камқонликка айтилади. Гемолитик аңемияларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга — эритроцитопатиялар киради. Бу гуруҳга киравчи гемолитик анемиялар нинг асосида қизил қон ҳужайраларининг мембранныи касалаланиши ётади. Камқонлик шу сабабли ривожланади. Иккинчи гуруҳга — гемоглобинопатиялар киради. Бу гуруҳга киравчи гемолитик анемияларнинг асосида қизил қон ҳужайралари (эритроцитлар) нинг ичидаги гемоглобиннинг касалланиши ётади. Камқонлик шу сабабли ривожланади.

## ЭРИТРОЦИТОПАТИЯЛАР

Эритроцитопатиялар келиб чиқиш сабабларига кўра икки хил бўлади: биринчисига наслдан-наслга ўтувчи, қизил қон ҳужайралари мембранныи заарланиши натижасида ҳосил бўладиган камқонлик касаликлари киради. (Минковский-Шоффар касаллиги, эллиптоцитоз, глюкоза 6-фосфатдегидрогеназа, пируваткиназа, глютатион-редуктаза дефицити асосида бўладиган камқонлик ва бошқ.); иккинчисига орттирилган гемолитик анемиялар ва Макиафава — Микелли касаллиги киради.

## НАСЛДАН-НАСЛГА ЎТУВЧИ

## ЭРИТРОЦИТОПАТИЯЛАР

Наслдан-наслга ўтувчи микросферацитар гемолитик анемия ёки оиласвий Минковский-Шоффар касаллиги доминант принципида наслдан-наслга ўтувчи касаллик бўлиб, 1900 йилда Минковский томонидан аниқланган. 1907 йилда Шоффар томонидан бу касалликнинг наслдан-наслга ўтиши маълум қилинган.

Касалликнинг этиопатогенези. Текширувларга кўра бу касаллик доминант-аутосом принципида наслдан-наслга аденоzin уч фосфор кислота (АТФ) ва бошқа эритроцитларнинг биконкав шаклини таъминловчи, фосфор бирлашмаларининг ресинтези бузилиши туфайли ўтиши аниқланган. Бунда беморнинг эритроцитлари биконкав шаклини йўқотиб, юмaloқ шаклли бўлиб қолади. Бунинг натижасида уларнинг осмотик ва ме-

ханик қаршилик кучлари нормага нисбатан сезиларли даражада пасаяди. Нормадаги 120 куннинг ўрнига эритроцитларнинг 12—20 кунгина яшай олишлари аниқланган. Беморнинг эритроцитлари думалоқ ва кичкина бўлгани учун улар микросферацитлар (микро — кичкина, сфероцит — юмалоқ) дейилади.

Микросферацитлар юқорида айтилган нуқсонлари туфайли bemor одамнинг қора талоқ тўқимасида тез ва осон бузилади. Шу сабабдан қора талоқни микросферацитларнинг тегирмони дейдилар. Бу биологик «тегирмон» қанчалик кўп ишласа, шунчалик катталашиб боради. Микросферацитларнинг кўплаб емирилиши bemорнинг қонида эритроцитлардан қон зардоби, тўқималар ва жигарга чиқсан гемоглобин таркибидан кўп миқдорда билирубин ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Натижада жигардан ичакларга кўп ўт ажратилади.

Шу сабабли bemor ахлатида стеркобилин кўпайиб жигарга қайтиб боради. У уробилин сифатида сийдик орқали ташқарига чиқиб кетади (сийдикда уробилиннинг пайдо бўлиши анемияга хос белгилардан бири ҳисобланади). Билирубинемия натижасида bemорнинг териси, склералари, манглайи, тил ости шиллиқ қатламлари сарғаяди. Қонда ҳар хил даражада билирубин, сийдикда эса уробилин аниқланади. Билирубиннинг кўп миқдорда жигардан ўт билан ажраб чиқиши натижасида bemорнинг ўт йўлида ва ўт пуфагида билирубиндан ҳосил бўлган тошлар кузатилади.

Гемолитик анемияси бор bemорларнинг ҳуякларида ҳам ўзгаришлар бўлади.

**Касалликнинг клиникаси.** Гемолитик анемия учта ўзига хос клиник белгилари билан ажралиб туради, булар анемия, сарғайиш ва спленомегалия сифатида ифодаланади.

**Анемия.** Bemорлар кўпинча ҳар хил даражадаги дармонсизлик, тез чарчашлик, қаттиқ ҳаракатланиш вақтида кучаядиган бош айланиши, кўз тиниши каби шикоятлар қиласидар. Ички аъзолардаги ўзгаришлар туфайли марказий ёки йўғон томирлар, юрак клапанлари устида шовқинлар эштилади. Булар bemor организмидаги анемияга хос гемодинамик ўзгаришлардир. Bemор томир уришининг ва нафас олишининг компенсатор тезланиши, камқонлиги анемиянинг ривожланиши даражасига боғлиқ бўлади. Гемодинамик ўзгаришларнинг асосида микросферацитларнинг тез ёрилиб (парчаланиб) нобуд бўлиши натижасида bemор қонидаги эритроцитларнинг ўмумий сони камайиб, тўқима-

ларда сурункали гипоксия рўй бериши билан боғлиқ жараён ётади.

**Сарғайиш.** Шоффарнинг маълум қилишича, ёшлигиданоқ беморнинг териси, шиллиқ пардалари сариқ тусга эга бўлади. Сарғайиш кузатилса ҳам беморларнинг териси ҳеч қичишмайди. Бу анемияга хос хислат. Сарғайиш касалликнинг клиник даврларига қараб ўзгариб туради, гемолитик кризлар пайтида тўқроқ, кризлар ўтгач очроқ тус олади, лекин бутунлай йўқ бўлиб кетмайди.

**Спленомегалия.** Бу хил касалликка учраган беморларнинг ички аъзоларидан қора талоқ ва жигарнинг катталашуви эътиборга сазовар. Қора талоқ беморнинг ёшлигиданоқ микросферацитларнинг «тегирмони»га айлангани туфайли катталашиб чап томонга қувурғалар тагида яққол ифодаланади. Беморни ўнг бикинига ётқизиб кўрилса, яхшироқ аниқлаш мумкин.

Бармоқлар билан пайпаслаганда қора талоқнинг қаттиқ, оғримайдиган эканлиги маълум бўлади. Айрим беморларда ўт йўллари ёки ўт пуфаги атрофида тошлар пайдо бўлади. Шу сабабли уларда ўнг биқинларида ўқтинг-ўқтинг оғриқ пайдо бўлиб, оғир ҳолатларда холецистит ривожланиши мумкин. Бундай беморларни ўткир ёки сурункали тошли холецистит ташхиси билан операция қилиш ноўрин, чунки ўт қопи олиб ташланса, тошлар жигар ичидаги ҳосил бўлиб, оғриқ қайталаши мумкин. Бу асосий белгилардан ташқари, беморнинг дўнг пешоналиги, танглайнинг баланд бўлиши ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Минковский-Шоффар хасталиги билан касалланган беморларда ҳар хил даражали камқонлик мавжуд бўлиб, бу анемия гемолитик хислатларга эга. Чунки микросферацитлар биконкав эритроцитларга нисбатан маълум даражада атавизм белгиси, яъни филогенез нуқтаси назаридан ҳайвонларда учрайдиган эритроцитларнинг шакли бўлиб, уларнинг осмотик ва механик қаршилик кучи пастлиги аниқланган. Шу сабабли уларнинг умри қисқа (10—12 кунгача) бўлиб, улар изотоник суюқликларда ҳам ёрилиб кетишлари мумкин. Гемоглобин ва эритроцитларнинг сони кўпайиши билан беморларнинг қонида (гемограммасида) ретикулоцитларнинг сони ҳам ошиб боради, уларнинг ёш вакиллари пайдо бўлади. Соғлом одамда ретикулоцитларнинг сони 10% ни ташкил қилиб, улар IV ва V синф вакилларидан иборат бўлса, беморларда уларнинг нормадан ошиб асосан III, II, оғир ҳолатларда I синф вакиллари пайдо бўлади.

Папенгейм ёки Романовский усулларида бўялган қон суртмаларида нормоцитлар билан бирга микросфероцитларни кўриш мумкин. Майда ва думалоқ микросферацитларнинг осмотик қаршилиги нормага нисбатан паст бўлиши аниқланган. Беморларнинг сийдигида ўт пигментлари ва кислоталарининг бўлмаслиги бу хил анемияга хос.

Минковский — Шофар анемиясида bemornining илигида эритро-нормобластларнинг кўпайиши натижасида лейко-эритробластларнинг индекси қизил қон ҳужайралари фойдасига ўзгариб, нормадаги 3—4:1 ўрнига 1:3, 2:3, 1:1 бўлиши мумкин. Қизифи шундаки, bemor илигидаги эритроцитлар аввалига нормал катталикда ва шаклда бўлиб, қонга чиққандан сўнг микросфероцитларга айланаб кетади.

**Ташхиси.** Анемия, сарфайиш, спленомегалия билан бир вақтда ретикулоцитоз, микросферацитоз, уларнинг осмотик қаршилигини пастлиги, уробилинурия ва ахолурияга асосланиб қўйилади.

**Дифференциал ташхис.** «A», «B» вирусли гепатитлар, ўт пуфаги ва йўлларида бўладиган тош касаллиги, механик сарфайиш берувчи меъда ости безининг ўсмаси, жигар циррози, ўсмаси билан ва бошқа гемолитик анемиялар билан ўtkазилади. Вирусли гепатитнинг энг муҳим симптомларидан бири ҳар хил даражадаги анорексия, қаттиқ дармонсизлик бўлиб, bemorлар сарфайиш билан бир вақтда оғирлик сезадилар. Ундан ташқари, бундай bemorларда диспептик синдром (кўнгил озиши, қайт қилиш) бўлиши мумкин. Хасталик гриппга ўхшаш бошланса иситма кўтарилиб, конъюнктивалар қизариши мумкин. Сарфайган терида қичишиш, жигар ва қора талоқнинг катталашуви кузатилади. Қора талоқдан кўпроқ жигар катталашади. Катталашган қора талоқни ушлаганда у тошдек қаттиқ бўлмайди, четлари юмалоқ бўлади. Bemornining сийдиги қизариб, касалликнинг авжида ахлатнинг рангизланиши кузатилади, қонда билирубин кўпайиб, у бевосита билирубин сифатида аниқланади, аспартат — аланинтррансаминаза ва гексогеназа ферментларининг фаолияти кучаяди. Ниҳоят bemor сийдигида ўт пигментлари ва кислоталари пайдо бўлади. Иммунологик текширишлар Австралия антигенига жавобан мусбат (+) чиқади. Минковский-Шофар касаллигига бундай белгилар бўлмайди.

Жигар циррозида (портал цирроз, постнекротик цирроз ва бошқ.) bemorлар заифланади, иштаҳаси ўз-

гаради, терининг сарғайиши билан бирга аста-секин тил ости томирларининг кенгайиши, теридаги томирчалардан ҳосил бўладиган «юлдузчалар», кўкрак қафаси ва қориннинг ўнг томонида, тери остида медуза «бошлари» шаклидаги қон томирларининг кенгайиши (коллатераллар), қизилўнгачда қон томирларининг шода-шода бўлиб (варикоз) кенгайиши, ҳаёт учун хавфли қон кетишлар бўлиши, bemорларда вақти-вақти билан қора мойга ўхшаган ахлат ажралиши, УЗС ва радиоизотоплар скенограммасида жигар паренхимасининг ўзгариши, касалнинг ҳолати оғирлашганда унинг қорнида сув йиғилиши (асцит), ниҳоят bemорларнинг қонида микросферацитлар йўқлиги назарга олинниб, микросферацитар анемиядан фарқланади.

Ўт пуфаги ва йўлларидаги тош касалликларида вақти-вақти билан ўткир оғриқлар бўлиб, bemорни безовта қилади, лекин бу касаликка спленомегалия, доимий сарғайиш хос эмас. Тош юриб кетиб, ўт йўллари очилгандан сўнг, оғриқ билан бирга сарғайиш ҳам йўқ бўлиб кетади. Беморларнинг қонида микросферацитлар бўлмайди.

Жигар ўсмаси учун қаттиқ дармонсизлик, изтироб, сарғайиш, озишлиқ, жигарнинг катталашиши, унинг қаттиқлашиб, ғадир-будур бўлиши, иситманинг чиқиши, анорексия (айниқса, гўштли таомларга) хос аломатлар бўлиб, bemорларнинг қонида микросферацитлар бўлмайди. УЗС ва радиоизотоп скенограммаларида ўсмага хос ўзгаришлар аниқланади. СОЭ ҳар хил дараҷада тезлашади, касалликнинг бошланишида тромбоцитлар кўпайиб, уларда анизоцитоз, айниқса жуда катта тромбоцитлар учраб туради.

Меъда ости безининг ўсмасига аста-секин кучайиб борадиган сарғайиш, терининг қичишиши, гепатомегалия, ўт пуфагининг катталашуви, bemор ахлатининг рангсизланиши, қонда диастазанинг кўпайиши, рентген ёки УЗС қилинганида меъда ости безида ўсма борлиги маълум бўлиб, қонда микросферацитларнинг йўқлиги, СОЭ нинг тезлашиб, тромбоцитларнинг кўпайиб кетиши, анизо-пойколоцитоз кузатилади.

Ўт пуфагининг ўсмаси секин-аста оғриқсиз бошланиб bemорнинг кўзлари ва териси сарғайиб, ўнг биқинида оғирлик, сўнг оғриқ пайдо бўлиб, зўрайиб боради. Бемор тез дармонсизланиб, озиб кетиш кузатилади. Спленомегалия ва микросферацитоз бўлмайди. Эрит-

роцитларнинг чўкиши тезлашиб, С. Т. Наджимитдинов феномени мавжуд бўлиши мумкин.

Даволаш: Уч босқичдан иборат: Спленэктомия бајариш; Анемияни даволаш; Ўт пуфагидаги ва йўлларидаги тош касаллигини даволаш.

Наслдан-наслга ўтувчи овал ҳужайралы (эллиптоцитоз) гемолитик анемия доминант типида тарқалувчи касаллик бўлиб, касаллик учун анемия, сарфайиш ва гепатоспленомегалия характерлидир.

Маълумки, соғ одамнинг қон суртмасида 5% гача овалоцитлар учраши мумкин. Уларнинг миқдори 10% ошганда ва қайд этилган касаллик синдромлари бўлган ҳолларда овал ҳужайралы гемолитик анемия ҳақида сўз юритиш мумкин. Чунки одамнинг эмбрионал ҳаёти даврида унинг эритроцитлари овал шаклда бўлиб, туғилишида нормал шаклга кириши аниқланган. Шу сабабли одамнинг қон суртмасида овалоцитлар аниқланишининг ўзи касаллик аломати ҳисобланмайди. Овалоцитоз оғир гемолитик анемия билан бир вақтда кузатилса, унда касалликни тахмин қилиш мумкин. Бундай ҳолда гемолитик анемиянинг сабабчиси атавизм оқибати бўлиши мумкин. Зеро, айрим ҳайвонларнинг, масалан түяниң қон суртмасида овалоцитларнинг (эллиптоцитлар) борлиги норма ҳисобланади. Қон суртмасидаги овалоцитлар думалоқ, чўзинчоқ, эллипс шаклда ва торэллептик шаклли бўлиши мумкин. Бундай шаклдаги эритроцитлар bemor ва уларнинг оила аъзоларини қон суртмасида ҳам топилган.

*Этиопатогенези.* Бу касалликнинг сабаби аниқланмаган. Ҳозиргacha эритроцитлар шакли ўзгаришининг сабабини эритроцитларнинг цитоплазмасида эластик моддә плазмолемма мавжудлиги билан боғлашади.

*Касаллик клиникаси.* Касаллик икки хил кечиши мумкин:

1. Компенсация ҳолатида. Касаллик клиник аломатларсиз кечиб, фақатгина қон суртмасида овалоцитлар ва эллиптоцитлар аниқланади.
2. Декомпенсация ҳолатида. Ҳар хил даражадаги оғирлик билан кечувчи гемолитик анемия, сарфайиш, жигар ва қора талоқнинг катталашуви характерлидир.

Бундай беморларнинг қонида гемоглобин ва эритроцитлар кўрсаткичининг камайиши билан бирга юқори даржадаги ретикулоцитоз кузатилади. Уларнинг иликларида эса — эритронормобластоз бўлади. Даволаш — спленэктомияга асосланади.

Энзим етишмаслик натижасида ҳосил бўладиган гемолитик анемиялар. Бу хил анемиялар ўткир ва сурункали шаклда кечади. Улар эритроцитларнинг мембранасида айрим ферментларнинг туғма етишмаслиги, яъни энзимдефицит туфайли ривожланади.


Ўткир дорилар таъсирида авж оладиган эритроцитлар таркибида туғма равишда дегидрогеназа глюкоза — 6—фосфат етишмайдиган анемия.

**Этиопатогенези.** Маълум бўлишича, ҳар хил дорилар таъсири остида гемолиз бўлувчи эритроцитларнинг мембранасида глютатион етишмас экан. Бу ўз навбатида шундай эритроцитларда дегидрогеназа глюкоза — 6—фосфатнинг туғма етишмаслиги билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Аниқроқ қилиб айтганда ДГБФ нинг таъсири остида НАДФ НАДФН<sub>2</sub>га айланиб, водород донатори сифатида глютатион окисини яна бир фермент-глютатион редуктаза ёрдамида редуцив глютатионга айлантиради. Шу сабабли нормал эритроцитларда турли хил дорилар таъсири остида редуцив глютатионнинг миқдори жуда пастлашиб кетмайди. ДГБФ нинг туғма етишмаслиги бор эритроцитларда эса унинг кўрсаткичи тезлик билан пастга тушиб кетади. Натижада улар гемолиз бўлади. Эритроцитлардаги редуцив глютатионнинг ҳажми дорилар таъсири остида 44 мг% пастга тушмаслиги керак. Гарчи тушиб кетса, бу bemornинг эритроцитларида наслдан-наслга ўтувчи ДГБФ касаллиги борлигидан далолат беради.


Сўнгги йилларда эритроцитларда ДГБФ дефицити бор кишиларда 40 дан ортиқ гемолиз келтириб чиқардиган дори-дармонлар, антибиотиклар, ўсимликлар, бактерия ва вируслар аниқланган. Буларнинг ичидагил, хинин, сульфадимезин, фенацетин, аспирин, амидопирин, лёвомицетин, фуразолидон, витамин К дори препаратлари, вирус касалликлари бор.

Бу хил дориларнинг таъсири остида ДГБФ дефицити бор эритроцитлар томирлар ичидаги гемолизланади. Дорини қабул қиласа, бу одамлар ўзларини соппасоғ сезадилар.


ДГБФ, етишмаслиги наслдан-наслга кодоминант тарзда ўтади. Аниқроғи, ДГБФ синтезига жавобгар локус X хромосомасида жойлашган бўлиб, эркакларга




3-расм. Нормоцитлар (нормал эритроцитлар).



4-расм. Микросферацитлар (думалоқ ва майда эритроцитлар).




5-расм. Мегалоцитлар (ниҳоятда йирик эритроцитлар).



6-расм. Аизоцитоз (ұар хил катталиқдаги эритроцитлар).




7-расм. Пойкилоцитоз (ҳар хил шаклдаги эритроцитлар).




8-расм. Нишонсимон ұжайралар.


9-расм. Анулоцитлар (халқасимон эритроцитлар).




10-расм. Тұла ифодаланған эллиптоцитлар.




11-расм. Қисман ифодаланған эллиптоцидлар.




12-расм. Дрепаноцитлар (ўроқсимон эритроцитлар).




13-расм. Полихромазия (ҳар хил рангга бўялган эритроцитлар):  
(А). Эритроцитлардаги базофил доначалар (Б).



14-расм. Проэрритроцитлар (ретикулоцитлар):  
 (А) Вольфер усули билан ва (Б) Хиршфельд усули билан бүялганды.




15-расм. Соғлом одам қонидаги цитоплазмаси оксифил рангли лейкоцитлар:  
 А – эозинофил; Б – базофил ва С – нейтрофил.



D

15 Д-расм. Плазматик ҳужайраларнинг ривожланиш даврлари: суяқ илигидаги плазмобласт, проплазмоцит ва плазмоцитлар.




A

Б

С

16-расм. Соғлом одам қонидаги цитоплазмаси базофил рангли лейкоцитлар:  
А-лимфоцит; Б-С-моноцитлар.



17-расм. Қон суртмасида тарқоқ ҳолда жойлашган тромбоцитлар (шу жумладан, эритроцитларнинг устида ва ёнларида (С) жойлашган Жолли таначаси бор эритроцит).



18-расм. Қон суртмасидаги тромбоцитлар агглютинати (түплами).

аёллардан ўтади, аёл касал бўлмайди. Лекин гомозигот насиљаниш бўлса, аёллар ҳам касалланиши мумкин.

**Касалликнинг қлиникаси.** Беморларда умумий ҳолсизлик пайдо бўлиб, иситмаси кўтарилади, боши оғриб, 2—3 соатдан сўнг улар сарғайиб кетади. 15—20 соатдан сўнг тўхтовсиз равишда ўт аралаш қусиши бошланади, баъзи bemорларнинг ахлатлари ҳам ўт аралаш бўлади. Борган сари bemорларнинг териси тўқ сариқ тус олиб аҳволлари оғирлашади, колапс, кома ҳолатига тушиб қолиш ҳоллари кузатилади. Бемор қонидаги эритроцитлар кўплаб гемолиз бўлганлари учун ўткир кислород етишмаслиги, харсиллаш юз беради. Беморларнинг сийдиги қора тусли ёки қуюқ марганцовка суюқлигига ўхшаб қолиши мумкин. Бу ўзгариш сийдикда гемоглобин ва унинг таркибий қисмлари бўлмиш гемосидерин, уробилинларнинг пайдо бўлиши оқибатидир. Томирлар ичида катта гемолиз сабабли буйракнинг иши қийинлашиб, оғир ҳолатларда анурия кузатилади. Гемограммада, касалликни биринчи куниёқ, гемоглобиннинг, эритроцитларнинг кескин камайиб кетиши кузатилади.

**Ташҳиси.** Касаллик тўсатдан юқори даражали иситма, қаттиқ бош оғриғи билан, ҳолсизланиш, сарғайиш билан қусиши, қаттиқ хансираш каби симптомлар билан ифодаланади. Ўт билан қусиши, ўт аралаш ич кетиши ҳисобга олиниб ташҳис қўйилади. Бундай ҳолатларда иккиласи юрак фаолияти камчилиги, яъни томир уриши тезлашиб, қон босимининг пасайиб кетиши ўткир гемолитик анемиянинг ишончли аломати бўлади.

#### Даволаш усуллари:

1. Бундай bemорлар дарҳол дори қабул қилишини тўхаттишлари зарур;
2. Гуруҳи ва резуси мос келувчи қон ва унинг таркиблари қўйилади;
3. Тезлик билан шок ҳолати даволанади;
- 4) Анурияни бартараф этиш лозим.

#### Профилактикаси:

Одатда, бир марта ўткир гемолитик анемияни бошидан ўтказган bemорлар ҳар хил дори-дармонларни қабул қилишдан олдин врач билан маслаҳатлашиб уларни қабул қилиши шарт; айниқса ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган қўлбола дориларни қабул қилишда ниҳоятда эҳтиётлик зарур.

**Дифференциал ташҳиси.** Дегидрогеназа глюкоза —

6—фосфат етишмаслиги анемиясини бошқа ўткір·гемолитик анемиялардан фарқлаш лозим.

Күйиш касаллигига термик омилнинг бевосита эритроцитларга таъсири ва күйиш токсимиғаси натижасида бемор эритроцитларининг гемолизи рўй беради. Бундай беморларда күйиш касаллигининг клиник симптомлари билан бир вақтда (одатда компенсатор гидремия даврида) гемолитик сариқ касаллигининг белгилари пайдо бўлади. Одатда, күйиш касаллиги учун хос бўйрак етишмаслигига «гемолитик бўйрак» синдроми қўшилади. Фарқлаш күйиш касаллигининг белгиларини аниқлаш ва таққослашдан бошланади.

Безгак касаллигига учрайдиган ўткір гемолитик сариқлик одатда безгак касаллигининг хуружи билан бўлиб, хуруж пайтида кўплаб эритроцитларнинг бемор организмида гемолиз бўлишининг оқибатидир. Безгак касаллиги чўзилганида рўй берувчи эритроцитларнинг гемолиз бўлиши нафақат шизогения ва меруляция туфайли балки қора талоқ пульпасининг фаолияти зўрайиши оқибати ҳам бўлиш мумкин. Фарқлаш безгак касаллигининг симптомларига таяниб қилинади.

Ўткір нур касаллигининг биринчи даврида бўладиган ўткір гемолиз бу касалликқа хос бўлган руҳий-ҳаракатланиш бузилишлари, томир тортишиш синдроми, ичакнинг динамик юришмаслиги каби синдроми билан фарқланади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини нотўғри қўйиш сабабли бўладиган ўткір гемолитик анемия тўғрисидаги маълумотлар тегишли бўлимда берилади.

## ЯНГИ ТУФИЛГАНЛАРНИНГ ГЕМОЛИТИК КАСАЛЛИГИ

Янги туфилганларда учрайдиган оғир гемолитик анемиянинг сабабини эритроцитлардаги резус омил кашф қилинганидан сўнг ўз сирини очган (Ландштейнер ва Винер).

*Сабаби.* Резус-манфий омиллик аёлларнинг 5—10 дан 1 сида учрайди. Резус-мусбатнинг ҳомиласи резус мусбат бўлган ҳолларда аёлнинг қонида антирезус — агглютинилар ҳосил бўлиши аниқланган. Она организмида ҳосил бўлган бу антителолар йўлдош орқали боланинг қонига ўтиб унинг эритроцитларини гемолиз қилиши маълум. Резус — омил, яъни резус — антиген она қорнидаги бола 3—4 ойлик бўлганидан сўнг шакл-

лангани боис, бу касаллик ҳомиладорликнинг 4—5-ойдан бошланади. Резус омил она қорнидаги болага учхил таъсир кўрсатади. Бола онанинг қорнида мацерация туфайли ўлиши, шишиб (водянка) ҳалок бўлиши ва туфма сариқ касаллиги билан туғилиши мумкин.

*Касалликнинг клиникаси.* Туғилган болада туфма сариқлик тезлик билан кучайиб бориб, туғилганидан 2—3 кун ўтгач опистотонус, мушакларнинг қаттиқ қисқариши, иситмаси кўтарилиши, нафас олишнинг қийинлашуви ва оғир ҳолларда ўткир ўпка шишуви кузатилади. Енгил ҳолларда асаб тизими оғир жароҳатланмаса, бола ўлмай қолиши ҳам мумкин. Беморларнинг қонида оғир даражали анемия — ретикулоцитоз, эритробластоз, нейтрофил лейкоцитоз аниқланади. Иммунологик текширишлар онасидан болага ўтган антирезус — антителолар борлигини кўрсатади.

*Даволаш усуллари.* Туғилган болага қайта-қайта, ҳар 2-3 кунда 100—50 мл дан қон ёки эритромасса қуилади.

Иложи бўлса, янги туғилган боланинг қони алмаштирилади: 300—400 мл қон чиқариб юборилиб, 400—600 мл қуилади. Бу усул бола туғилгандан сўнг тезроқ бажарилиши мақсадга мувофиқ, чунки шу зайлда онасидан ўтган антирезус — антителоларни ва ортиқча билирубинни камайтиrsa бўлади. Бола тузалади. Диамант ва бошқа муаллифлар касал боладан резус-мусбат қонни чиқариб унинг ўрнига резус-манфий қон қуилиши туфайли кўплаб болаларни асраб қолиш мумкинлигини кўрсатганлар. Қизифи шундаки, ишлатилган эркаклар ва аёллар қонининг фарқи борлиги аниқланган. Масалан, аёллардан олинган резус-манфий қон эркаклардан олинган шундай қонга нисбатан кўпроқ болаларни тузатган.

## ГЕМОГЛОБИНОПАТИЯЛАР

Гемоглобин молекуласи таркибидаги глобиннинг аминокислоталардан тузилган занжирлардан иборат молекуласининг сири очилганидан сўнг одамларда учрайдиган молекуляр касалликларнинг табиати аён бўлди. Бу касалликлар гемоглобиноз ёки гемоглобинопатия, яъни гемоглобин молекуласининг, аникрофи глобиннинг молекуляр касалликлари деб аталди.

Бу касалликлар асосан беззак касаллиги кўпроқ учрайдиган ўлкаларда — Африка, Осиё қитъаларида,

шу жумладан — Урта Осиё мамлакатларида ҳам учрайди.

*Сабаби.* Айрим олимларнинг фикрича, гемоглобин «A» нинг глобинидаги аминокислоталарининг сони ва сифатининг ўзгаришида безгак касаллигининг алоҳида аҳамияти бор. Бу олимларнинг тахминича, одамзод безгакдан қирилиб кетмаслик учун ўз қонидаги гемоглобин «A» ни бошқа гемоглобинларға («Ф» гемоглобин, «S» гемоглобин ва бошқа гемоглобинларга) ўзгартирган. Маълум бўлишича, бу гемоглобинларни хуш кўрмайдиган безгак чивинлари одамларни чақмас экан. Демак, бундай глобини бор кишилар безгак билан касалланмас эканлар. Аммо бундай одамлар безгакка чалинмаса ҳам уларда гемолитик анемиялар ривожланиши енгиллашган. Ҳозирги вақтда, 60-дан ортиқ патологик гемоглобинлар маълум бўлиб, улар бир-бираидан глобин таркибидаги айрим аминокислоталарнинг ўрни билан фарқланади. Масалан, гемоглобин «A» нинг тўртинчи полипептидаги глутамин кислота валинга алмашса, у «S» гемоглобин бўлиб қолиб, ўзига хос гемолитик анемияни келтириб чиқаради. Глобиндаги бета — занжирнинг синтези бузилса, гемоглобин «F» ва унга хос касаллик ҳосил бўлиши аниқланган.

Глобин молекуласида айрим аминокислоталарнинг етишмаслиги натижасида гемоглобинозларда гемоглобин молекуласининг синтези бузилади. Шу сабабли бундай беморларнинг эритропоезида шакли ўзгарган (ўроқсимон, нишонсимон) ва умри қисқа эритроцитларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Бу ҳол ўз навбатида турли даражадаги спленомегалия, гемолитик анемия ва скелетнинг ўзгаришига олиб боради.

Гемоглобинопатиялар наслдан-наслга доминант тарзida ўтиб, уларга хос гемолитик анемия асосан гомозигот наслланганда кузатилади. Гетерозигот наслланганда яширин, яъни ёрқин клиник манифестациясиз ўтиши мумкин. Лекин, айрим ҳолларда ташқи муҳит таъсиротлари туфайли улар кескин ифода бўлиши мумкин. Бир вақтда Америка Қўшмá штатларида очиқ самолётларда осмонга кўтарилган негрларнинг қора талоқлари бирданига ёрилиб ҳалок бўлганлари кузатилган. Текширилганда уларда латент тарзда ўтувчи гемоглобиноз борлиги аниқланган. Салбий таъсиротлар бўлмаган вақтда латент гемоглобинози бор беморлар соғлом юришлари мумкин.

ГЕМОГЛОБИНОПАТИЯ «S»,  
ДРЕПАНОЦИТАР ЕКИ ҮРОҚСИМОН  
ХУЖАЙРАЛИ АНЕМИЯ

Бу касалликнинг номи гемоглобин «S» нинг кислород танқислиги рўй берувчи ҳолатларда алоҳида аҳамият касб этиши туфайли келиб чиққан. Бу хусусият ўта барқарор. Бундай беморларнинг бармоқлари учун ип билан қаттиқ бойлаб қўйиб, сўнг қонсизланган бармоқдан қон суртмаси олинса, эритроцитлар ўроқсимон шакл олганини кўриш мумкин. Сабаби наслдан-наслга доминант тарзда ўтувчи гемоглобин «S» нинг борлигидир.

Гемоглобинопатия «S» латент (яширин) ва манифестацион (ошкора) клиник шаклларда кузатилади.

Касалликнинг латент шакли билан бетоб, соғ юрган одам кислород кам ёки йўқ жойларга тушиб қолса, у бирданига ҳолсизланиб, қорин бўшлиғида қаттиқ оғриқ сезиб йиқилади. Чунки кислород етишмаслиги натижасида ўроқсимон шакл олган эритроцитлар дарҳол bemornинг қора талоғида ушланиб емирила бошлайди, натижада қора талоқ тезлик билан катталашади, оғир ҳолатларда ёрилиб ҳам кетади. Қаттиқ оғриқ берувчи ўткир перитонит туфайли ва ички қон кетиши натижасида bemor қаттиқ ҳолсизланади.

Касалликнинг ошкора ўтувчи шакли. Сурункали гемолитик анемия бўлиб, бу касаллик учун қўйидаги синдромлар хос: 1) гемолитик, аргенератор, тромботик (абдоминал, Африка ревматизми), секвестрал кризлар билан ўтувчи гемолитик анемия; 2) спленомегалия; 3) гепатомегалия; 4) приапизм; 5) трофик яралар.

Беморларнинг ташқи кўринишларида сурункали сарикликдан ташқари, вақти-вақти билан кузатиладиган кризлар, яъни касалликнинг хуружланиши эътиборга сазовордир. Гемолитик кризлар пайтида bemornинг умумий аҳволи оғирлашиб сарифи кучаяди, гемоглобин ва эритроцитларнинг миқдори камайиб, иситма чиқади, ўт аралаш қусиши ҳолатлари кузатилади. Аргенератор кризларда бундан ташқари ретикулоцитопения ва эритробластопения кузатилади. Тромботик кризларда бўғимларнинг қаттиқ оғриши билан бирга (Африка ревматизми) қорин бўшлиғида қаттиқ оғриқлар бўлиши мумкин. Секвестрал кризларда эса тезлик билан пайдо-бўладиган ўткир анемия ва шок кузатилиб, уларнинг оқибатида bemor ўлиши ҳам мумкин. Барча бе-

морларда жуда эрта спленомегалия ва гепатомегалия ривожланади. Бемор скелетидаги ўзгаришлар ҳар хил бўлиб, бўғимларнинг шишиб оғриши, ҳаракатларнинг чекланганлиги, калла суюгини минорасимон шаклланиши, умуртқа погонасида лордоз, сколиозлар билан қаттиқ оғриқли радикулитлар шақлида бўлиши мумкин. Ундан ташқари, тиззаларида трофик яраларнинг пайдо бўлиши маълум. Бу касалликда ички аъзолардаги томирларнинг ўзгариши туфайли, уларда стаз ва тромбоэзлар ҳосил бўлиб, ўпка, юрак, буйраклар инфаркти, бу аъзоларнинг функционал ўзгаришлари, қаттиқ оғриқ билан ўтувчи приапизм кузатилади.

Касалликнинг кризи пайтида гемограммада эритроцитлар ва гемоглобиннинг камайиб кетиши билан бир вақтда ретикулоцитоз, нейтрофилёз, СОЭ нинг секинлашиши ва bemor қонида ўроқсимон эритроцитларнинг кўплаб пайдо бўлиши кузатилади. Бу йдай анемиянинг сабаблари эритроцитларда патологик гемоглобин ҳосил бўлиши натижасида уларнинг шакллари ўзгариб, қон оқимида сузишлари қийинлашиб қолиши ва уларнинг ҳаёти 30 кунгача камайиб кетишидадир (нормал эритроцитларнинг ҳаёти 120 кундир).

#### *Даволаи:*

- 1) шок билан курашиб ацидозни камайтириш (юрак гликозидлари, полиглюкин, гормонлар, гепарин, ичиладиган сода ва бошқ.);
- 2) қой ва унинг таркибларини қуиши;
- 3) спленектомия;
- 4) промазин ва дапсон билан даволаш;
- 5) азобли приапизмда томирларда йифилиб қолган қонни олиб ташлаш.

#### *Профилактикаси:*

Кислород кам бўладиган ишлар ва жойлардан нари юриш, сақланиш.

#### *Гемоглобинопатия «Ф», талассемия.*

Маълумки, ҳомила б ойлик бўлганидан сўнг унинг қонидаги гемоглобин «Ф» (фетал сўзидан) гемоглобин Ага (А адульт) айланиши кузатилади. Лекин, айрим шахсларда уларнинг хромосомаларидаги генларнинг касаллиги сабабли бу ҳам наслдан-наслга ўтувчи касалликдир гемоглобин «Ф» гемоглобин «А» га ўтмаслиги мумкин. Натижада гемоглобинопатия «Ф» нишонсимон эритроцитлар, ўрта ер денгизи анемияси, Кули касаллиги, Риетти-Греппи-Михели анемияси ёки талассемия, яъни денгиз анемияси ҳосил бўлади.

Талассемия уч турли бўлади: катта, кичик ва жуда кичик клиник турлари маълум.

*Касаллик клиникаси.* Бу касалликнинг 4 асосий клиник белгиси маълум:

1) анемия; 2) сарфайиш; 3) спленомегалия ва гепатомегалия; 4) скелет суюкларининг ўзгариши. Беморлар одатда яхши ўсмай қолишади. Уларда доимий сарфайиш, дармонсизлик, тез чарчаш, бош айланиши, кўз тиниши каби анемия симптомлари кузатилади. Беморни синчиклаб кузатса, унинг бошида вена томирлари ривожланганини, калла суюгининг шакли ўзгарганини кўриш мумкин. Рентген қилиб кўрилса, бош суюкнинг тепасида игналарга ўхшашиб майдага ингичка суюк ўзгаришларини кўриш мумкин. Қорин бўшлигини пайпаслаб қаттиқ ва силлиқ, катталашган қора талоқ ва жигарни аниқлаш мумкин. Юрак ва катта томирлар устида анемик шовқинлар доимо эшитилиб туради. Қонда билвосита билирубин кўпаяди. Сийдикда уробилин аниқланади. Гемограммада эритроцитлар ва гемоглобиннинг камайиши, ретикулоцитларнинг кўпайиши, нишонсимон эритроцитларнинг ошиши аниқланади. Бу хил эритроцитлар тез синувчи ва парчаланувчи бўлиб, уларнинг умри қисқа (30 кун атрофида) бўлади.

Гемоглобинопатия «Ф» ҳақиқий молекуляр касаллик дейилади, чунки улар айрим bemorларда альфа— занжирларнинг синтези бузилиши (альфа талассемия, бошқаларида бета-занжирларнинг синтези бузилиши) бетаталассемия туфайли келиб чиқади. Талассемиянинг турини фақат bemor қонини электрофорез воситасида текшириш орқали билиш мумкин.

Лейкоцитлар одатда камроқ бўлиб (лейкопения) гемолитик кризлар пайтида Шиллинг бўйича чап томонга сурилган нейтрофил лейкоцитоз кузатилади.

*Ташхиси.* Бу хил гемолитик анемия касаллик анамнези (касалликнинг туғма бўлиши), доимий сариқлик, анемиянинг аниқ аломатлари, спленогепатомегалияянинг мавжудлиги қонда нишонсимон эритроцитларнинг аниқланиши замирида қўйилади.

*Дифференциал ташхис* темир етишмаслик анемиялари билан ўтказилади. Сплено-гепатомегалияянинг йўқлиги бу икки касалликни бир-биридан фарқлашга ёрдам беради.

*Даволаш.* Бу хил анемияни радикал даволаш усуллари ҳамон бўлмагани учун асосан симптоматик даво

усуллари қўлланади. Гемолитик криз ҳолатларида гор-  
монотерапия ва эҳтиётлик билан гемотерапия ўткази-  
лади.

## **Мавзу бўйича ўз билимларини текшириш учун саволлар:**

1. Анемия, яъни камқонлик қандай касаллик?
2. Анемияларнинг сабаблари нимада?
3. Анемияларнинг замонавий таснифини таърифлаб беринг.
4. Анемияларнинг патогенезини таърифлаб беринг.
5. Ўткир постгеморрагик анемия қандай хасталик?
6. Сурункали постгеморрагик анемия қандай хасталик?
7. Темир моддасининг организм учун ҳрофик аҳамияти қандай?
8. Темир етишмаслиқ анемияси қандай хасталик?
9. Ўткир ва сурункали гипоапластик анемиялар қандай фарқланади?
10. Аддисон-Бирмер касаллиги қандай хасталик?
11. Аддисон-Бирмер касаллигининг келиб чиқишида ички ва ташқи омилларнинг аҳамияти қандай?
12. Аддисон-Бирмер анемиясини даволаш усуллари қандай?
13. Гемолитик анемия қандай хасталик?
14. Гемолитик анемияларнинг таснифини таърифланг.
15. Эритроцитопатия нимани англатади?
16. Минковский-Шофар анемияси қандай касаллик?
17. Наслдан-наслга ўтувчи овал ҳужайрали гемолитик анемия қандай хасталик?
18. Энзим етишмаслиги натижасида бўладиган гемолитик анемия қандай хасталик?
19. Янги туғилганларнинг гемолитик анемияси қандай хасталик?
20. Гемоглобинопатия нимани англатади?
21. Гемоглобинопатия «S» нимани англатади?
22. Гемоглобинопатия «Ф» нимани англатади?

## **ЛЕЙКОЗ (ОҚ ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИ)**

Лейкоз ёки оқ қон касаллиги деб одам илигининг айrim илдизларидан ўсиб чиқадиган ўсмаларга айтилади. Касалликнинг номи илк бор бу ўсманни иликнинг лейкоцитлар илдизидан, яъни оқ қон ишлаб чиқарув-

чи илдизидан топилиши билан боғлиқ. Лейкозология фани ривожлангани сари бўй ўсма фақатгина лейкоцитлар илдизидан эмас, иликнинг эритроцитлар ишлаб чиқарадиган илдизида ҳам, тромбоцитлар ишлаб чиқарадиган илдизида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги аниқланган. Оқ қондан ташқари беморларда ўткир ёки сурункали эритромиэлоз (Ди Гульмо касаллиги), сурункали эритремия касаллигини (Вакез касаллиги) мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Дунё адабиётида лейкоз сўзи тарқалиб кетгани учун бу термин сақлашиб қўлмоқда.

Лейкоз касалликлари бутун дунёдагина эмас, Ўзбекистонда ҳам тез-тез учраб турадиган касаллик бўлиб, фақат катталарда эмас, ҳатто кичкина болаларда ҳам бўлиши мумкин. Аёллар ва эркаклар бу касалликка бир хилда чалинади. Касаллик шаҳар аҳолиси орасида кўпроқ учрайди, қишлоқ аҳолиси ичидаги ҳам аниқланган. Бу касаллик кўп йиллардан бери инсониятга маълум бўлса ҳам шу кунгача унинг табиати аниқланмаган.

*Касалликнинг сабаблари.* Шу кунгача лейкоз касаллигининг сабаби аниқ эмаслиги учун, бу ҳақдаги айrim илмий назарияларни тавсия этамиз, холос.

*Вирус назарияси.* Бу назариянинг асосчилари лейкозни ўзига хос вируслар чақиради деб тахмин қилишади. Бундай фикр юритиш учун лейкоз касаллигига учраган ҳайвонлар) жумладан сигир, товуқ ва сичқонлар организмидан оқ қон касаллигининг вирусини топиб, ажратиб олиш асос бўлган. Уларнинг фикрича, лейкоз касали бор ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилган инсонлар ҳам лейкозни юқтириши мумкин. Лекин ҳозиргача лейкозга дучор бўлган беморлардан вирус ажратиб олинмади. Аксинча, дунё адабиётларида ҳалигача ҳеч бир лейкози бор бемордан соғ одамга касаллининг юқиши тасдиқланмаган. Ҳаттоқи, лейкоз касаллиги бор беморларнинг қони соппа-соғ одамларга қўйилганида ҳам лейкоз касали юқмаган. Шу сабабли, вирус назарияси ҳаммага манзур эмас. Бизнинг фикримизча, лейкоз (қон ўсмаси) қон орқали юқиши мумкин. Бу тахминимиз асосида бир неча ҳаётий кузатувлар ётади. Масалан, машҳур лейкозолог Ш. ўткир лейкоздан вафот этган. Бу одам ўлеми олдидан—«Аттанг, лейкоз юқар экан» деган. Бу киши кўп йиллар давомида қўллари лейкоз билан касалланган беморларнинг қонига беланса ҳам тез ва яхшилаб ювиб ташламас эдилар. Худди шундай фожиали ҳодиса бизнинг ҳам-

касбимиз, ўз вақтида машҳур гематолог бўлган Т.да ҳам бўлган. У киши ҳам беморлар қонига беланган қўлларини яхшилаб ювмасдан, кўп йиллар давомида парво қилмаган эдилар. Соппа-соғ юриб, бирданига вафот этганларидан сўнг у кишининг миясидан каттагина ўсма топилган эди.

Қизиги шундаки, лейкозлар билан ишлаган машҳур олимлар қон раки эмас, бошқа ички аъзолар ракидан вафот этдилар. Жумладан, машҳур гематолог профессорлар А. ва Л., тиббиёт фанлари академияси нинг муҳбир аъзолари А. ва Д., тиббиёт академияси нинг академиги, профессор К. ҳам ўсма касаллигидан вафот этган эдилар. Кўп йиллар давомида лейкоз билан оғриган беморлар қонига бепарволик билан қараган бу машҳур олимларда қон ўсмаси вируси ўсма касаллигининг бошқа турлари сифатида кўпроқ меъда, қизилёнгач, пўкон ўсмалари намоён бўлган. Бунинг асосида биз лейкоз билан касалланган беморларнинг қонидаги ўсма вируси беморнинг қони орқали (спидга ўхшаб) ўтиб лейкоз ёки бошқа хил ўсмани келтириб чиқариши мумкинлигини тахмин қиласиз.

### *Лейкоз насл касаллиги деб билувчи назария.*

Азалдан олимлар лейкознинг наслдан-наслга ўтишини кузатиб, бу касаллик ҳақидаги наслийлик назариясини яратганлар. Лейкоз касаллигига йўлиқдан беморнинг хромосомаларида ўзига хос ўзгаришлар бўлиб, улар беморнинг авлодларига ҳам ўтиши тахмин қилинади. Бу тахмин учун асос бўладиган кўпдан-кўд мисоллар бор. Шуни таъкидлаб айтишимиз лозимки, лейкоз билан касалланган беморларнинг фарзандлари фақатгина лейкоз билан эмас, бошқа ўсма касалликлари билан ҳам хасталаниши мумкин. Демак, лейкоз касаллигининг вируси полипотент раклар чақиравчи вируслар туркумига оид деб айтиш мумкин. Наслдан-наслга ўтган лейкоз ҳар хил ўсма касалликларига айланиши ёки аксинча ўсмаларнинг лейкоз касаллигига айланиб кетиши кўплаб кузатилади. Бу масалага доир кўплаб кузатувлар олиб борган профессор И. А. Кассирский наслийлик назариясини исботловчи мисолларни кўплаб келтирган. Бир оиласда бир тухумдан туғилган иккита эгизак ўғил болалар балоғатга етай деб турганида биттаси кўтилмаганда ўткир лейкоздан дунёдан кўз юмган, эгизакларни иккинчиси ҳам узоқ вақт ўтмай худди укасиникига ўхшаш ўткир лейкоздан вафот этган. Афсуски, бу назария ҳам илмий асосланмаган.

*Нур назарияси.* Бу назариянинг тарафдорлари ионлаштирувчи нурларнинг таъсири остида хромосома абберациялари (ўзгаришлари) рўй бериши мумкин деб ҳисоблайди. Далил сифатида нурланиш натижасида лейкоз пайдо бўлишини келтирадилар. Ҳақиқатдан ҳам, нурланиш билан лейкоз хасталигининг ўртасида алоқадорлик мавжуд. Буни ҳаёт ҳам, тажрибалар ҳам тасдиқлайди.

Лекин бу назариялар ҳам ўз тасдиғини топгани йўқ, шунинг учун асосли равишда лейкозларнинг ҳақиқий сабаби ҳамон аниқланмаган деб айтишимиз мумкин.

*Лейкозлар таснифи.* Амалий жиҳатдан лейкоз касаллиги қон ўсмаси сифатида барча қон ҳужайраларидан чиқиши мумкин. Хасталик ўткир ёки сурункали равишда кечиши мумкин. Амалиётда ҳам ўткир ва сурункали лейкозлар фарқланади.

1. Ўткир лейкозларнинг қўйидаги турлари бўлади:
  - ретикуляр ҳужайралардан чиқувчи сараланмаган (нодифференциал) ҳужайралар лейкози;
  - гемоцитобласт лейкоз;
  - миелобласт лейкоз;
  - монобласт лейкоз;
  - лимфобласт лейкоз;
  - эритромиелоз (ДиГульмо касаллиги);
  - мегалобласт лейкоз;
  - плазмобласт лейкоз.

II. Сурункали лейкозлар:

- сурункали миелолейкоз;
- сурункали лимфолейкоз;
- миелома ёки Рустицкий-Қалер касаллиги (плазмочитома);
- эритремия ёки Вакез касаллиги;
- остеомиелосклероз;
- сурункали мегакариоцитлар лейкози;
- лимфогранулематоз; Ҳоджкин касаллиги;
- макромолекуляр ретикулёз ёки Вальденштром касаллиги.

*Лейкозларнинг патогенези.* Лейкоз ташхиси қўйилиши учун лейкоз учун хос тўртта патогенетик белгилар аниқланиши шарт: 1) гиперплазия; 2) метаплазия; 3) анаплазия; 4) гетеротопик патологик қон ҳужайраларининг ҳосил бўлиш ўчақлари.

Гиперплазияда соғлом организмда хромосомасидаги айrim генларнинг ўзгариши натижасида илдизларнинг

бирида бирламчи ўзгариш бўлади. Масалан, биринчи миелобласт, лимфобласт, монобласт, плазмобласт ёки мегалобластда ва ҳоказо. Биринчи ўзгарган ёш (blast) ҳужайра ниҳоятда тез кўпайиш қобилиятига эга бўлиб (гиперплазия), бир вақтнинг ўзида етилиш (пишиш), хислатини йўқотади. Натижада лейкоз билан касалланган иликдаги қон илдизида патологик ёш лейкоз ҳужайраларининг клони (тўдаси) ҳосил бўлади. Масалан, ўткир миелобласт лейкозда миелобластлар клони, ўткир лимфобласт лейкозда лимфобластлар клони ва ҳоказо. Бу патологик клон ҳужайралари кўпайиб боргани сари иликдаги ўз плацдармларидан (жойлашган ерларидан) чиқиб, ёнидаги илик илдизларини ҳам эгаллай бошлайди (метаплазия). Бу агресив жараён лейкоз метаплазияси дейилади. Масалан, миелобластлар кўпайиб кётиб иликдаги эритробластларнинг жойини эгалласа, метапластик лейкоз тромбоцитопенияси ҳосил бўлади ва ҳоказо. Ўткир миелобласт лейкозда миелобластлар, лимфобластлар, базофилобластлар, эозинофилобластлар монобластларнинг жойларини эгаллаб олиш қобилиятига эгадир. Натижада бемор қонида нафақат лимфопения, базофилопения, анэозинофилия, моноцитопениялар, балки ҳужайравий ва гуморал иммунитети инқирози, геморрагик ва анемик синдромлар кузатилади. Беморнинг соғлиғига путур ётказилади.

Лейкоз клонларига тегишли ёш ҳужайралар ниҳоятда тез кўпайиб бориб, анаплазия ҳусусиятига эга бўлади. Анаплазия деб, лейкоз ҳужайрасида рўй берадиган цитоморфологик ва кимёвий ўзгаришларга айтамиз. Кўп йиллик тажрибаларимиз кўрсатишича, лейкознинг ҳозирги кунда тузалмаслигининг сабабларидан бири, бу замонавий дориларнинг bemor қони ва иликдаги патокимёвий жараённи нормаллаштира олмаслигидан. Бу патокимёвий ўзгаришлар ҳужайра ичидаги унинг ҳаётини касаллик ифодаси бўлиб, тузалишга муҳтождир. Бу эса ҳаёт учун ҳужайралари ичida фаолият кўрсатувчи айрим ферментлар, гормонлар, углеводлар, липидлар ва ниҳоят ҳужайра органондларини тузатувчи дориларни кутиб ётган касалликлардир. Масалан, ўта оғир ўтувчи промиелоцитар лейкози бор bemорларда нейтрофил лейкоцит доначаларининг нуқтасимон шакллари таёқчасимон шаклга айланганини микроскоп остида кўриш мумкин. Бу белги атавизм ифодаси бўлиб, таёқчасимон шаклдаги нейтрофил лей-

коцитлар цитоплазмасидаги доначалари нормада тошбақалардагина учрайди, уни даволаш усуллари ҳалигача топилмаган. Еки миелолейкоз билан касалланган беморларнинг нейтрофил лейкозлари цитоплазмасидаги доначаларида организмга жуда муҳим бўлган фермент фосфомоноэстераза ферменти фаолиятининг пасайиб кетиши кузатилади. Лейкозли беморларнинг лейкоцитларида бундай ўзгаришларнинг мавжуд бўлиши уларни хромосомаларидаги генлари ўзгарганинг ифодасидир.

Бунга мисол, юқорида зикр этилган сурункали миелолейкоздир. Маълумки, бундай беморларни илигидан тайёрланган кариотипларда йигирма биринчи соматик хромосомани узун елқаларидан бири шу касалликда калталаниб қолиши аниқланган. Уни америкалик олимлар топганлари учун 21 филадельфия хромосомаси дейилади. Лейкоз ҳужайраларида мавжуд бўладиган патокимёвий ўзгаришлар ўз навбатида бу ҳужайраларни ядрочаларини, ядроларини ва ниҳоят ўзларининг шаклларини ўзгартириб юборишлари мумкин.

Бунинг натижасида лейкоз касаллигига, айниқса унинг ўткир формасига дучор бўлган беморларни қон ва илик ҳужайралари юмaloқ ёки овал шаклда бўлмай, полигонал, ҳар хил шаклли бўлиши мумкин (анаплазия). Ҳужайраларнинг шакллари билан бирга уларни ядроларини, митти ядрочалари шакллари ҳам шунчалик ўзгариб кетиши мумкини, уларни ташхис қўйиш учун бир-бировларидан ажратиб олиш мураккаб бўлади.

Генетик ўзгаришлар натижасида лейкоз ҳужайраларида бўлиниш жараёни ҳам ўзгариши мумкин; масалан, инсонларга хос жинсий бўлиниш билан баробар сурункали лимфолейкоз билан касалланган беморларда тўғри, яъни амитоз усули билан филогенетик нуқтаи назардан паст табақали ҳайвонларга хос бўлиниш кузатилади. Лейкоз ҳужайраларида хромосомаларнинг заарланиши натижасида, анаиплоидия, полиплоидия ҳолатлари учрайди. Шу сабабли илик ва қон ҳужайралари орасида тетраплоид, гексоплоид- ва октоплоид ядролик ҳужайралар тез-тез учраб туради.

Яна бир лейкозга хос патогенетик ўзгариш бемор организмида гетеротопик қон ҳужайралари ҳосил бўлиш хислатидир. Соғ ва саломат инсоннинг организмида қон ҳужайралари фақат иликда, лимфатик безларда ва қора талоқдагина ҳосил бўлса, лейкоз билан касалланган беморларнинг деярли ҳамма ички ва ташқи аъзолари қон ишлаб чиқарувчи, аниқроғи қон ҳужайраларини иш-

лаб чиқарувчи аъзоларга ийланиб қолади. Гетеротопик қон ҳужайралари пайдо бўлиш ўчоқлари беморнинг терисида, мушакларида, нерв толаларида, умуртқа суякларида пайдо бўлиб, айниқса умуртқалардан нерв толаларининг чиқадиган жойларида жойлашиб, натижада нерв толалари сиқилиб қолиб, тугаб-туганмас азобли оғриқнинг сабабчиси бўлиши мумкин. Терида бўладиган гетеротопик қон ҳужайралари ҳосил бўлувчи ўчоқлар бўлиш жараёни натижасида ундаги ўзгаришлар ҳар хил тус олиши мумкин. Бу ўзгаришлар айрим беморларда ҳаттоқи мохов касаллигига бўладиган тери ўзгаришига ўхшаб кетиши ҳам кузатилган.

Гиперплазия, метаплазия, анаплазия ва гетеротопик қон ҳужайралари ҳосил бўлиш ўчоқлари мавжуд бўлиши натижасида лейкоз бўлган одамда аввалом бор иммунитет инқизози ҳосил бўлиб, уни ички ва ташқи аъзоларидаги некроз ва яллиғланишлар, уларнинг оқибатида организмнинг умумий заҳарланиши, ҳар хил даражада иситма чиқиши кузатилади. Яллиғланишлардан тез-тез учраб турадигани ангина, томоқдаги безларнинг яллиғланишлари, сўнг ўпка ва бронхлардаги ҳар хил даражадаги бронхитлар ва пневмониялардир. Иммунитет сусайиши бемордаги ҳар хил сурункали ўтиб келаётган касалликларининг зўрайишига сабаб бўлади.

Деярли кўпчилик ўткир лейкоз, билан оғриган беморларда геморрагик синдром кузатилади (бурун қонаши, терига қон қуйилиши, буйрак ва сийдик йўлларидан қон кетиши, полименоррея ва ҳоказо). Бунинг асосида бемор илигидаги мавжуд бўладиган метаплазия натижасида мегакариоцитларнинг ҳалок бўлиши ётади, чунки бундай оқибат натижасида тромбоцитлар камайиб кетиб, беморда қон ивиш жараёни бузилади.

Лейкознинг яна бир хислати метапластик анемия бўлиб, деярли ҳар бир bemорда ҳар хил даражада ўтади. Ниҳоят, лейкоз bemорларни азоблайдиган оғриқлар синдроми ҳар хил ички аъзоларни гетеротопик қон ҳужайралари ишлаб чиқарувчи қон ўчоқларини сиқилиши ёки шикастлантириши натижасида бўладиган ҳолатdir. Ундан ташқари, ҳамма ички аъзоларда лейкозга хос ўзгаришлар, яъни уларни ҳаммасини қон ҳужайралари ишлаб чиқарувчи аъзоларга айланиши кузатилади.

Умумлаштириб айтганда, bemордаги лейкоз жараёни бир ҳужайрадан, аниқроғи шу ҳужайрани бошқариб турадиган хромосомадаги гендан бошланиб бутун организмда чуқур ва кенг патологик ўзгариш ясайди, бу жараённинг клиник ифодалари турлича ва мурakkab.

## **Үткір лейкознинг клиникаси.**

### **Касалликнинг бошланғич даври.**

Үткір лейкоз бошланғич даврида шифокорни ниҳоятда чалғитади. Чунки бу касаллик турли хил симптомлардан иборат бўлиб, баъзи вақтда врач хаёлига лейкозни қөлтиrmайдиган симптомлардан бошланиши мумкин. Масалан, деярли ҳамма беморларда касаллик ангина, яъни томоқнинг ва ундаги лимфатик безларнинг (бодомча безлар) яллиғланишидан бошланади. Кўпинча ангина кутитмаган ҳолат бўлиб, соппа-соғ кишида мавжуд бўлади, уни эътиборини ўзига жалб қиласлиги ҳам мумкин. Лекин лейкоз ангинаси бошқа ангиналарга нисбатан тезлик билан оғирлашиб беморни дармонсизлантиради, унинг аҳволини оғирлаштириб қўйиш билан ажралиб туради.

**Мисол.** Машҳур уролог, тиббиёт фанлари доктори, профессор П. соппа-соғ юриб бирданига ангица билан касалланиб, дармонсизликдан юролмай қолган; иситмаси 39—40° кўтарилиган. Қон анализида (гемограммада) анёмия билан бирга лейкоцитларнинг кўпайиб, лейкоцитлар формуласида кўплаб моноцитларга ўхшаган қон ҳужайралари борлигини эшигтгач, ўзига-ўзи «Үткір лейкоз» ташхисини қўйган. Ангина бошланганидан 2 ҳафта ўтар-ўтмас оламдан кўз юмган.

Үткір лейкоз касаллиги соппа-соғ юрган одамда унча назарга илинмайдиган симптом — зўр бўлмаган бурун қонаши билан бошланиши мумкин.

**Мисол:** 17 ёшли гўзал қиз, мусиқа олийгоҳининг талабаси, ўзини биринчи скрипка концертини бериш олди кечаси, тўлқинланиб бурнидан қон кетганини сезган. Холаси лаборант-врачга мурожаат қилган. Жиянининг қонида ўзига таниш бўлмаган моноцитларга ўхшаш ҳужайраларни кўриб, унинг қон суртмаларини гематология институтининг цитология лабораториясида олиб келиб кўрсатган. Биз бу гўзал, талантли скрипкачидаги ўткір лейкоз борлигини аниқлаб, даволашни тезлик билан бошлаган эдик. 2-3 ойлар ўтар-ўтмас аҳволи оғирлашиб оламдан ўтган.

Үткір лейкоз аёлларда ой кўрганларида кутмагандан кўпроқ қон кетишидан бошланиши ҳам мумкин;

**Мисол.** Маълум профессорнинг қизи, ўзи ҳам врач полименорея пайдо бўлиши сабабли докторга

мурожаат қилган, Полименореядан ташқари бу 35 ёшли аёлнинг терисида айрим патехиал тошмалар ва қинига кираверишда кўріниб турган худди товуқнинг қизил тухумига ўхшаган ўсмани кўрган шифокор уни гематология институтига «Ўткир лейкоз» ташхиси билан юборган. Бемор 5—6 ой ичида оламдан ўтган.

Ўткир лейкоз бошланишида ўткир анемиядан бошланиши мумкин:

**Мисол.** Тиббиёт фанлари номзодлигига диссертация ёқлаб, турмуш қурмоқчи бўлиб турган 27 ёшдаги аёlda касаллик даҳшатли ва жуда тез ҳол-сизлантирган ўткир анемиядан бошланиб, уни врачга мурожаат қилишга мажбур қилган. Аввал унинг қонида анемия, тромбоцитопения, лейкопения топилган. Лекин bemor қонининг лейкоцитлар формуласида «атипик ҳужайралар» бўлгани учун гематологга мурожаат қилишни таклиф этган. Гематолог ташхиси «Ўткир лейкоз» бўлгани сабабли гематология касалхонасида даволаниш тавсия қилинган. Касаллик бошлангандан 6-8 ойлар ўтгач bemor оламдан ўтган.

Ўткир лейкоз ўткир радикулитдан бошланиши мумкин:

**Мисол.** Икки болалик 22 ёшдаги, тўқимачи бўлиб ишлайдиган аёlda бир ҳафта давомида тўсатдан пайдо бўлган қаттиқ оғриқ — ўткир радикулит, қимирлатмай қўйган. Уйда қолиб невропатолог томонидан даволанган. Лекин аҳволи ўзгармагач, гематологга мурожаат қилган. Гематолог радикулит синдроми билан бирга унда кўплаб патехиал тошма борлигини кўриб, қонини текширган ва bemorга «Ўткир лейкоз» ташхисини қўйиб, гематология институтига юборган. Касаллик бошлангандан 6—8 ойлар ўтгач bemor оламдан кўз юмган.

Ўткир лейкоз пневмониядан ҳам бошланиши мумкин:

**Мисол:** 15 касалхонанинг терапевтик бўлимларининг бирига икки томонли крупоз пневмония ташхиси билан 85 ёшдаги аёл келтирилган. Интенсив пневмонияни даволашга қарамай bemornинг аҳволи оғирлашиб бораверган. Гематолог чақирилган. У пневмониядан ташқари; bemorda геморрагик синдром белгилари борлигини кўриб,

қонини текширган. «Үткир миелобласт (пара-миелобласт) лейкоз» ташхиси қўйилган. Бемор тезлик билан оғирлашиб, ҳар қандай даволанишга қарамай оламдан ўтган. Аутопсияда бутун ички аъзоларида, шу жумладан, bemornинг ўпкаси ва плевра бўшлиқларида қаттиқ геморрагия аниқланган. Беморнинг бутун ички аъзоларига қон қуиилиб, геморрагик пневмония, миокардит ва плевритлар оқибатида ўлганлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, ўткир лейкоз деярли ҳамма касалликларни, шу жумладан, инфаркт, инсульт касалликларини ҳам маскаларини кийиши мумкин.

Лекин, тез вақтда, бир неча кунлар давомида ўткир лейкознинг ўзигагина хос тўртта белгиси аста-секин bemordan пайдо бўлади.

*Касалликнинг авж олган даври.* Касалликнинг авж олган даврида bemornинг умумий аҳволи сезиларли даражада заифланиши натижасида кўпинча юришга ҳам кучи етмай қолиши мумкин ёки юрса ҳам аста-секин қаддини букиб, ерга авайлаб қадам босади. Унинг юзида қаттиқ изтироб чеккани кўриниб туради. Ранги оқариб ҳатто қонсиз лаблари стеарин шам тузида бўлгани учун соғлом одамлардан яққол ажраби туради. Bemorni echintiriб қаралганда uning қонсиз конъюнктивасида, таңглайида, милкларида, ҳатто тилида, бадани ва қўл-оёқларида, оғроқ қонсизланган терисида геморрагик синдромнинг ҳар хил даражалик ифодасини кўриш мумкин. Жумладан, айрим петехияларни, яъни нуқтасимон майдада лола каби қизил рангли, бармоқлар ўртасида тортилган терида йўқ бўлиб кетмайдиган элементларни қидириб топиш мумкин. Ёки улар кўп бўлиб яққол кўриниб туришлари, ёки қўшилишиб ҳар хил қатталикдаги тери остида пайдо бўлган қип-қизил доғларни ташкил қилишлари мумкин. Бундай майдада тери остига қон қуишишлар, айниқса кўпроқ bemorга укол қилинган жойларда, нина санчилган теридаги тешикларнинг атрофида ҳам халқасимон ҳолда пайдо бўлади. Айрим bemorларда бурундан қон кетиши авжига чиқиб, кўп қон кетиб, бир неча кун давом этиши мумкин. Аёлларда эса менорагия полименореяга айланиб, кўп кунларга чўзилиб кетиб, оғир постгеморрагик анемияга олиб бориши мумкин. Бу оғир қон кетиши натижасида бўладиган анемия уларда дармонсизлик, бош айланиши, кўз тиниш каби симптомларни кучайтириб юбориб, шу билан бўрга бе-

мор организмидаги иммунитетнинг қаттиқ заифланишига олиб боради. Натижада лейкоз билан касалланган беморларда ҳар хил даражадаги яллиғланишлар, иситмалашлар кузатилади. Ўткир лейкозда фақат ташқи аъзоларда эмас, кўпроқ ички аъзоларда кўп ва қаттиқ қон қўйилишлар кузатилади. Шунинг учун кўз соққалариға қон қўйилса, уларни кўзлари заифланади, миокардга қон қўйилса, уларда ўткир инфаркт касаллигининг синдроми пайдо бўлади, ўпкага қон қўйилса, ўпка сили ёки зотилжам касаллигининг симптомлари, плеврага қон қўйилса, экссудатив плевритга ўхшаган синдром, перикардга қўйилса, экссудатив перикардит синдромлари пайдо бўлиши мумкин.

Ўткир лейкоз билан оғриган беморларни тез-тез жойларини алмаштиришлари ёки узоқ-узоқ жойларга транспортировка қилинишлари уларнинг ҳаёти учун жуда хавфлидир. Чунки йўл юриш натижасида улар тўсатдан мияларига қон қўйилиб ўлиб қолишлари мумкин. Лейкоз бўлган беморлардаги анемия бир томондан метапластик анемия бўлса, иккинчи сабаби кўплаб қон кетишидан келиб чиқувчи анемиядир, яъни постгеморрагик анемия.

Геморрагик синдром бемор илигида лейкоз метаплазияси натижасида бўлиб, метапластик мегакариоцитопения ва метапластик тромбоцитопениянинг оқибатларидир.

Ангина ўткир лейкоз касаллигига ҳар хил бўлиб, бундай беморларда мавжуд бўладиган некротик — яллиғланиш синдромига киради. Ўткир лейкозга хос некротик — яллиғланиш синдроми нафақат ангинага билан чегараланиб қолмай, бутун ички ва ташқи аъзоларда мавжуд бўлади. Жумладан, оғизда, лунжларда, тилда, милкларда, қисқа қилиб айтганда, ҳамма аъзоларда ҳосил бўлади. Бундай беморларнинг хонасига кириш билан некротик — яллиғланиш синдромига эга бўлган беморларга хос ҳид сезилиб туради. Бу ҳид беморга яқинлашиб унинг оғзини қаттиқроқ очилганида янада анқиб кетади. Некротик — яллиғланиш жараёни бундай беморларнинг ўпка ва бронхларида, ўткир ва сурункали бронхит пневмонияларнинг ўткирланишлари билан характерланади. Унда йўтал, балғам кўчиши, нафаснинг тезлашиши, иситма кўтарилиши каби симптомлар пайдо бўлади. Томир тез-тез уриб, юрак клапанлари ва марказий томирлар устида анемик шовқинларни эшлиши мумкин. Беморнинг юрак мушаклари (уларда ҳам гетеретоп қон ҳужайралари ҳосил бўлув-

чи ўчоқлар пайдо бўлади) заифлангани учун систолик шовқинларни эшитиш мумкин. ЭКГ да эса электрик потенциал пасайиб, миокардга қон қуйилган ҳолатларда ЭКГ да Пардье тўлқини билан ўтқир юрак инфарктiga хос ўзгаришлар пайдо бўлади.

Тил кўпинча караш бўлиб, иштаҳа пасайиши, айрим беморларда эски сурункали гастрит, дуоденит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларини ва сурункали киндик яраларининг янгиланиб қайталаниши кузатилади. Жигар, айниқса қора талоқ кўпчилик bemорларда катталашади. Гепато- ва спленомегалиялар ҳар бир bemорда ҳар хил даражада бўлади.

Буйрак ва сийдик йўлларида ҳар хил даражадаги пиелонефрит, пиелоцистит, цистит ва бошқа яллиғланиш некротик ўзгаришларнинг аломатлари пайдо бўлади.

Оғир ўтиб, чўзилиб, яхши тузалмайдиган радикулит, радикулоневрит, ишиорадикулит, ишнас ва асаб тизимида пайдо бўладиган бошқа ўзгаришлар бу касалликка хос симптомлардир. Энг қизиғи ва мұхими шундаки, ўтқир лейкоз ўсма касаллиги бўлиб, bemорнинг ҳар хил ички ва ташқи аъзоларидан турли шишларни топиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўтқир лейкоз касаллигининг клиникасини бу даврдаги симптомлари ҳам ҳар хил касалликларникига ўхшашиб бўлиб, уларни билиш учун кенг ва кўп равишда ички касалликлар клиникасини билишни талаб қиласди.

*Касалликнинг клиник-гематологик ремиссия даври.*

Ҳозирги вақтда ўтқир лейкозни комплекслар даволаш усувлари ишлаб чиқиши туфайли ўтқир лейкозда клиник, гематологик ва клиник-гематологик тузалишлар, яъни касалликнинг ремиссия даври, кузатилади.

Клиник ремиссия пайтида метапластик анемия, геморрагик синдром ва оғриқлар аста-секин камайиб, ўйқ бўлади, лекин гемограммадаги ўзгаришлар қолиши мумкин. Гематологик ремиссияда аксинча, гемограммада кўрсаткичлар нормага яқинлашиб, айрим клиник симптомлар қолади. Клиник-гематологик ремиссия пайтида ҳам клиник симптомлар ўйқ бўлиб, ҳам гематологик кўрсаткичларнинг нормага яқинлашиши кузатилади. Лекин бизнинг фикримизча, ҳеч бир bemорда, афсуски, ҳозирги замон даволаш усувлари ишлатилишига қарамай қон ва илик ҳужайраларида кимёвий тузалиш кузатилмайди, балки шу сабабли бугунги кунда узил-кесил тузалиш кам.

*Ташхиси.* Ўткир лейкозга ташхис фақат қон ва илик суртмаларини микроскопик текшириб, беморнинг ҳужайралари аниқлангандан сўнг қўйилади.

Гемограммада бу касалликка хос ҳар хил даражали метапластик анемия ва тромбоцитопения бўлади.

Ўткир лейкозда лейкоцитларнинг сони кўп бўлса, лейкемик, нормал бўлса, сублейкемик ва нормадан кам бўлса, аллейкемик шакли ўткир лейкоз дейилади. Ўткир лейкоз ташхисини бу касалликка хос лейкоцитлар формуласининг ўзгаришидир — аввалам бор лейкоциттар формулада ёш (blast) ҳужайралар пайдо бўлади, уларни кўпайиши ҳисобига етилган ядролари сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар камайиб кетиб, «blast» ҳужайралар ва етилган нейтрофил лейкоцитлар орасида бўладиган (промиелоцит, миелоцит, метамиелоцит каби) ҳужайралар кўринмайди. Бундай лейкоформулани ўзгариши «лейкемик аборт» ёки «лейкемик ўпирилиш» дейилади. Лейкоцитлар формуласидаги «blast», яъни ёш ҳужайраларнинг цитоморфологик ва цитокимёвий хусусиятларига қараб ҳужайралари ривожланмаган, гемоцитобласт, миелобласт, лимфобласт, монобласт, эритромиелоз, мегакариобласт, плазмобластномли ўткир лейкоз ташхиси қўйилади. Лейкоз ҳужайраларининг шаклларидағи, ядроларидаги ва цитоплазмаларидаги анаплазия белгиларига қараб парамиелобласт, парагемоцитобласт қўшимча сўзлар, аниқлашлар ўткир лейкоз ташхисига қўшилади. Лейкоз ҳужайраларининг цитоплазмасида Ауэр таёқчаси учраса, бундай лейкоз ўткир промиелоцитар лейкоз дейилади.

Ҳозирги вақтда ўткир лейкознинг асосий дифференциал ташхиси такомиллаштирилган цитокимёвий усуллари билан ўtkaziladi. Масалан, ўткир миелобласт лейкозларни лимфобласт ўткир лейкоздан ажратиш учун Грахам-Кноль усули билан бажариладиган пероксида-за реакцияси қўлланади ёки ҳар хил усуллар билан бажариладиган полисахаридлар реакцияси ишлатилади. Ўткир ғазофил лейкоцитар лейкозини аниқлаш учун Ундритц усули билан бажариладиган ҳужайраларда гепаринни аниқлаш усули ишлатилади ва ҳоказо.

Бемор илигининг пунктатида ўткир лейкозларга хос тотал бластлар метаплазияси аниқланади.

Бунинг маъноси шундаки, ўткир лейкоз билан касалланган bemorning илигидан қилинган суртмада 90—95% «blast», яъни ёш ҳужайраларгина учрайди. Колган иликка хос ҳужайралар атиги 3—5% ни ташкил қиласи, холос.

Үткир лейкозда хромосомалар ўзгариши натижасида «blastlar»нинг ядроларида 2-3 та майда ядрочалар ўрнига 1-2 катта ва шакли ўзгарган ядрочалар кўринади.

Цитоморфологик анаплазия билан баробар лейкоз ҳужайраларида кимёвий анаплазия ҳам кузатилади. Масалан, ўткир лейкоз билан оғриган беморларнинг ҳужайраларида фосфомоноэстераза, пероксидаза ферментларини фаолиятини, полисахаридлар, липидлар сонини кўпайиши ёки камайиши аниқланади.

Ўткир лейкозда ҳужайраларни цитокимёвий дифференциал — ташхиси катта аҳамиятга эга. Масалан, «blast» ҳужайрани ядросида 2-3 майда ядрочалари бўлиб, унинг цитоплазмасида майда пероксидаза мусбат (+) доначалари кўринса бу миелобласт; «blast» ҳужайранинг ядросида 1-2 майда ядрочалар бўлиб, цитоплазмасида пероксидаза негатив, аксинча полисахаридларга мусбат (+) доначалари бўлиб, бу доначаларининг атрофида перигрануляр бўшилиқ аниқланса бу лимфобласт. Лимфобластнинг монобластдан фарқи шундаки, монобластнинг цитоплазмасидаги доначалари атрофида перигрануляр бўшлиқ аниқланмайди.

Ниҳоят — ўткир лейкоз билан касалланган бемордан олинган илик пунктати, соғ одамниги нисбатан, суюқ ва рангсиз кўринади. Шундай қилиб, ўткир лейкознинг ташхиси унинг патогенези асосида бўлган гиперплазия, метаплазия анаплазия ва гетеротопик қоён ҳужайраларининг ҳосил бўлиш хислатларини клиник ва цитоморфологик кўргазмаларига асосланиб қўйилади.

*Дифференциал ташхис.* Ўткир лейкозни аввалам бор, қўйидаги касалликлардан фарқлаш лозим:

*Ўткир аппластик анемия.* Соппа-соғ юрган одамда кутилмагандан, тўсатдан, қаттиқ дармонсизлик билан бошланиб, чуқур анемия, тромбоцитопения, лейкопения ва эритроцитлар чўкишининг тезланиши кузатилади. Лекин ўткир лейкоздан фарқи шундаки, беморнинг илиги тезлик билан бўшаб қолиб, ўнда миелокариоцитларнинг камайиб кетгани кузатилади. Бўшаб қолган иликдан олинган рангсиз пунктатда фақат айрим нейтрофил лейкоцитлар ёки лимфоцитлар учрайди, холос. Лейкоцитлар формуласида эса, ядрои сегментлашган нейтрофиллар 2-3-5% гача камайиб, асосан лимфоцитлар учрайди. Еш (blast) ҳужайралар иликда ва қонда кўпаймай, уларнинг фақат айрим экземплярини учратиш мумкин.

*Ўткир агранулоцитоз.* Бемор тез ҳолсизланиб, унинг иситмаси кўпинча баландлашади, томоғида ҳар хил даражали ангина пайдо бўлиб, оғир ҳолларда bemорнинг милкларида, тилида, бодомча безларида некротик участкаларни кузатиш мумкин. Гемограммада эса кўпинча анемия эмас, лейкопения, тромбоцитопения ва энг муҳими, ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар жуда камайиб ёки бутунлай йўқ бўлиб кетади. Эритроцитларнинг чўкиши тезланади. Лекин иликдан олинган пунктатда ҳужайралар камаймайди, уларнинг орасида ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар ҳам етарли даражада учрайди. Демак, улар иликдан қонга чиқиб бузилиб кетади. Бундай bemорнинг эритроцитларини уни суюқ қисмида (қон зардобидан) ажратиб олиб, уларни соғ одамнинг қон зардобига қўшиб, пробирканни 12—24 соатга 37°C термостатга қўйилса, гемолиз бўлмайди, лекин унинг қон зардобига донорнинг ювилган эритроцитларини қўшиб 12 соатдан сўнг термостатдан олиб кўрилса, тўла гемолиз, яъни пробиркада қон зардоби қип-қизил бўлиб, эритроцитларнинг пўстлари арчасимон бир-бирига ёпишиб қолганини кўриш мумкин. Bemorning илигига гипоаплазия, қонида эса анемия ёки «blast» ҳужайралар бўлмайди. Кумбс усули билан текширилганда bemornинг қон зардобида ҳужайраларнинг мембранасига «қўнган» ёки зардобда сузиб юрувчи антителоларни топиш мумкин (тўғри ва нотўғри Кумбс реакцияларининг мусбат (+) бўлишига қараб).

*Ўткир сепсис.* Bemorning эти увишиб, титраб, еўнг иситмаси баланд кўтарилиб кетиб ҳолсизланади. Умумий ҳолсизланиш, иштаҳасизлик, бетоқатлик билан бирга томоғида ангина, томир уришининг тезланиши, юрак тонларининг оғирлашиши, артериал қон босими-нинг пасайиши, жигар ва талоқнинг катталашуви билан қонда нейтрофил лейкоцитоз, лейкоцитлар формуласида Шиллинг бўйича чапга сурилиш, яъни нейтрофил лейкоцитларнинг таёқчасимон ядроли турлари, метамиелоцитлари, ҳатто миелоцитлари, промиелоцитлари ва миелобластларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Лекин ўткир сепсисда ўткир лейкозга хос иликда «blast» ҳужайраларидан иборат метаплазия, лейкоцитлар формуласида эса «лейкемик аборт» бўлмайди. Айрим «blast» ҳужайраларида анаплазия, ички ва ташқи аъзоларда эса гетеротоп қон ҳужайралари ҳосил бўлувчи ўчоқлар пайдо бўлмайди. Сепсисга учра-

ган беморларнинг қонидан сепсисни чақирган микролар ўсиб чиқади.

*Сурункали бурун шиллиқ қаватининг касалликларида бурундан қоң кетиши ҳолатлари бўлиб туриши мумкин. Лекин, бундай беморларда ўткир лейкознинг клиникасига ҳос симптомлар ёки гемограммадаги ва лейкоцитлар формуласидаги ўзгаришлар мутлақ бўлмайди.*

*Оғир зотижам касаллигида ўткир лейкозга хос гиперплазия, метаплазия, анаплазия ва геретоп қон ҳосил бўлиши ҳолатлари кузатилмайди.*

*Ўткир инфаркт ўзига хос клиник синдроми ва ЭКГ даги ўзгаришлари билан маълумдир. Лекин, бундай bemорларда ангина, тез оғирланувчи анемия, геморрагик синдром, илигида «blast» метаплазияси, лейкоцитлар формуласида ёш «blastлар» ва «лейкемик аборт», айрим бластларда эса анаплазия (ҳужайраларнинг ва ядросининг морфологик кимёвий ўзгаришлари) белгилари пайдо бўлганда бундай bemорларда ўткир лейкоз тахминини аниқлаш лозимдир.*

*Оддий ангини. Яъни лейкозмас, ангина оғир ўтган ҳолда ҳам у тез чуқурланувчи анемия, геморрагик синдром, bemор илигида бластметаплазиясини, қонда тез ташкил топувчи анемия, тромбоцитопения, лейкоцитлар формуласида «blast»ларсиз ва «лейкемик аборт» сиз бўлади.*

*Ўткир нур касаллигининг III клиник давридаги симптомлари ўткир лейкознинг клиникасига жуда ҳам ўхшаган бўлса ҳам, уни фарқи ушибулардан иборат: bemор нурланиш ёки ўткир нур касаллигининг I даврига хос қусиш ва бошқа симптомларни эслали мумкин. Ундан ташқари, ўткир нур касаллиги билан касалланган bemорнинг илигида касалликнинг II—III даврларида ҳар хил даражадаги гипоаплазия (лейкоздаги гиперплазия ўрнига), гемограммасида эса панцитопения, яъни бутун қон ҳужайраларининг камайиб кетиши кузатилиб, на иликда, на лейкоцитлар формуласида «blast» ҳужайралар учрамайди.*

*Берльгоф касаллигидаги геморрагик синдром аниқ ва равшан кузатилса ҳам, унда ўткир лейкозга хос ангини, тез чуқурланувчи анемия, некротик яллиғланиш синдроми, иммунитет хасталиги, иликда ёш ҳужайралар метаплазияси, лейкоцитлар формуласида «blastлар» ва «лейкемик аборт» кузатилмайди.*

*С. Т. Наджимитдинов касаллигида бир неча вақт давомида бурундан қон кетиши ҳолати кузатилса ҳам,*

беморни синчиклаб текшириб, унинг коагулограммаси ўрганилганда, ундаги сурункали колит ва bemor ичакларида дисбактериоз, унинг натижасидаги провитамин K<sub>2</sub> етишмаслиги аниқланиб, ўткир лейкозга хос клиник ва гематологик симптомлар кузатилмайди.

Ўткир ва жуда оғир ўтувчи радикулитга учраган bemordda тез ва чуқур умумий дармонсизлик, анемия, геморрагик синдром, илигига «blast» ҳужайраларининг метаплазияси, қонида метапластик анемия, тромбоцитопения, лейкоцитлар формуласида «лейкемик аборт», айрим «blast» ларда анаплазия кузатилса, бундай ҳолларда ўткир лейкозни тахмин этиш мумкин.

### Ўткир лейкозни даволаш усуслари.

Ўткир лейкозни даволаш усуслари бу касалликнинг патогенезини айрим бўлимларини тузатишга қаратилган дориларни комплексидан иборат:

- 1) ВАМП — винクリстин, аметоптерин, метатрексат ва преднизолон. ЦАМП — циклофосфан, аметоптерин, метатрексат, преднизолон; ЦВАМП — циклофосфан, винクリстин, аметоптерин, метатрексат, преднизолон.
- 2) қон ва унинг таркибларини қўйиш.
- 3) пентоксил — 0,3 г, бир кунда 3 марта
- 4) Витагепат, Сирепар ва бошқа патогенетик таъсир қилувчи дорилар.
- 5) Анальгин, промедол, дроперидол, фентанил, таломанаал ва бошқ.
- 6) Юрак гликозидлари кофеин, кордиамин ва бошқа дорилар.

## СУРУНКАЛИ МИЕЛОЛЕЙКОЗ

Донне 1839 йилда лейкемик ҳужайраларни кўрганини эълон қилган бўлса, фақат 1877 йилда Эрлих томонидан биринчи марта паноптик қон ҳужайраларини бўяш ихтиро этилганидан, Негели томонидан миелобласт аниқлангандан сўнг Вирхов, Беннет, Неумани ва бошқалар ёзиб ўтган сурункали миелолейкоз мустақил касаллик сифатида ўз ўрнини топди.

**Сабаби.** Ҳамма лейкозларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялардан бу лейкознинг келиб чиқишида генетик, яъни хромосомадаги генларнинг ўзгариши аниқроқ кўрсатилган. Жумлайдан, Филадельфиялик олимлар бундай bemorларнинг кариотипларини ўрганиб

21 соматик хромосомани узун елкаларидан бирини бу касалликка дучор бўлган одамларда қисқариб қолганини аниқлаб, буни лейкознинг келиб чиқиши билан боғлаганлар. Шунинг учун bemорлар кариотипида бир елкаси қисқа ҳолда топиладиган 21 соматик хромосома филадельфия хромосомаси ёки маркер хромосома, яъни сурункали миелолейкозга хос хромосома, деб эълон қилинган. Ҳақиқатдан ҳам генетик текширишлар бундай bemорларнинг кариотипида ўзгарган хромосоманинг борлигини кўрсатади.

*Патогенези.* Мазмунан туғма ёки орттириш натижасида ҳосил бўлган 21 маркер хромосоманинг заифлиги натижасида ҳужайраларда, шу жумладан илик ҳужайраларида ҳам, нормал кимёвий, ҳаётий жараёнлар ўзгариб уларнинг кўпайиш, етилиш хислатларининг бузилишига олиб борса керак.

Мисол тариқасида биз ўз кузатувларимиз натижасини келтирамиз. Сурункали миелолейкоз билан касалланган bemорларнинг ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитларида фермент фосфомоноэстераза ёки ишқорий фосфатаза ферменти, касаллик авж олган даврда жуда пасайиб кетиб, деярли аниқланмайди. Бу эса bemор ҳужайраларида ҳаёт учун муҳим бўлган гидролитик ҳужайра ичидаи жараёнларнинг бузилиши белгисидир. Ҳужайра ичидаи гидролитик жараёнларнинг бузилиши эса, ўз навбатида бошқа ҳужайранинг ҳаётига тегишли кимёвий жараёнларнинг бузилишига олиб келиши муқаррар. Натижада, юқорида зикр этилган миелоид гиперплазия билан иликдаги гранулөцитлар илдизидан чиқувчи ҳужайралар етилмайди. Гиперплазиядан ташқари, лейкознинг бу турида ҳам кимёвий анаплазия, метаплазия ва гетеротопик қон ҳужайралари ҳосил бўладиган жойларнинг пайдо бўлиши аник.

*Касаллик клиникаси.* Кўпчилик bemорларда сурункали миелолейкоз тасодифан диспансер. ёки бошқа қон анализларини текшириш вақтида маълум бўлиб қолади. Масалан, соғлиғидан шикоят қилмай, яшаб юрган одамда унинг қонидаги лейкоцитларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши текширувчи лаборантларнинг эътиборини жалб қиласди. Айрим ҳолларда bemор одам касалликнинг пинхона бошланиб, bemор дармонини қуритиб, уни кучсизлантириб, терлатиб, чап биқинида катталашиб кетган қора талоги ноқулайлик сезгисини бериб, безовта қила бошлаганида шифокорлафга мурожаат қиласди. Катталашган қора талоқ аста-секин bemор

энгашганида ҳам юрганида, қаттиқ жисмоний ҳаралатлар қилганида ҳам сезилади. Касалликнинг бошлиниш даврида спленомегалия ички аъзолардаги ўзгаришлардан энг биринчи сезиларли симптомдир. Шунингдек беморнинг лейкоцитлар формуласида сурункали миелолейкозга хос эозинофил — базофил ассоциацияси, яъни эозинофил лейкоцитлар билан бир вақтда базофил лейкоцитларнинг сезиларли кўпайиши аниқланади. Эозинофил-базофил ассоциациянинг борлиги фақат шу касаллик учун хос.

Касаллик авж олган даврида bemорлар дармонсизланиб, тез-тез чарчайдиган бўлиб қолади. Уларнинг кўринишлари ҳам ўзгариб, ранглари кетиб, жигар ва қора талоқлари катталашиб кетиши кузатилади. Қон анализида ҳар хил даражадаги анемия, лейкоцитоз ва гипертромбоцитоз аниқланади. Айрим bemорларда лейкоцитларнинг сони 500.000, ҳатто 1 миллионча кўпайиши мумкин. Илика мегакариоцитларнинг кўпайиши, қон анализида ҳар хил даражадаги гипертромбоцитоз кузатилади. Айрим bemорларнинг тромбоцитлари жуда ҳам кўпайиб кетиб, уларнинг орасида мегакариоцитларнинг ядро бўлакларини кўриш мумкин.

Сурункали миелолейкозда тромбоцитларнинг кўпайиши билан бирга базофил лейкоцитлардан мерокрин секрецияси усулида гепариннинг чиқишини кўриш мумкин. Бу феноменини bemор организми тромбоцитларни камайтириш учун (гепарин тромбоцитларни камайтириш хислатига эга) кўрган чораси деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда bemорнинг дармонсизланиши сабабларидан бири унда метапластик анемиянинг пайдо бўлиши ва чуқурлана бошлашидир.

Касалликнинг учинчи ёки терминал даврида bemор қаттиқ дармонсизланиб, озиб кетади, унинг аҳволи оғирлашишга сабаб метапластик анемия билан иммунитетнинг пасайиб кетишидир. Бунинг натижасида bemорларда ҳар хил яллиғланишлар, кўпинча зотилжам, плеврйт ёки сил касаллиги қўзиши мумкин. Бемор озади, териси қуришиб, рангсизланиб, ер тусини олади. Тартибсиз иситма чиқади. Нафас йўлларида ҳар хил яллиғланишлар, юрак-томир тизимида компенсатор тезланиш (тахикардия), юракнинг тез уриши, юрак тешиклари устида анемияга хос шовқинлар, овқат ҳазм қилиш тизимида жигар ва қора талоқнинг катталашиб кетиши кузатилади. Қон анализида метапластик анемия ва тромбоцитопения, кўпинча лейкоцитознинг лейкопенияга айланиши, СОЭ нинг тез-

ланиши кузатилади. Иликнинг ҳужайралари камайиб бориб у секин-аста бўшаб боради. Беморнинг лейкоцитлар формуласида эозинофил-базофил ассоциация аниқланади.

Сурункали миелолейкознинг ўтиш даври клиникасида оғирланиш синдромларини кузатиш мумкин: улар қўйидаги шаклларда ифодаланади.

Ёш ҳужайралар (blast)дан ташкил топган криз (инқироз). Касалликнинг иккинчи ва учинчи даврларида bemorning аҳволи тез оғирлашиб, иситмаси кўтарилиб ҳолсизланиб қолади. Унинг қонида ҳар хил дарражадаги лейкоцитоз бўлиб, bemorning лейкоцитар формуласида худди ўткир лейкозга ўхшаган ўзгариш рўй беради. Кўплаб «blast» ҳужайралар пайдо бўлади. Сурункали миелолейкоз ўткир лейкозга айланади. Бу касалликни оғирлаштиради, bemorning умри қисқариб боради. Ўткир лейкозни даволашда ишлатиладиган дорилар ва қон таркиблари билан bemorga ёрдам бериш керак.

## ҚОРА ТАЛОҚНИНГ ЁРИЛИБ ҚЕТИШИ

Кўпинча bemor учун фожиали бўлиб, касалликнинг иккинчи ва учинчи даврларида рўй беради. Бундай фожиадан олдин қора талоқ ниҳоятда катталашиб, баъзи bemorларнинг тос бўшлиғигача осилиб тушади. Ундан ташқари, чўзилиб кетган қора талоқнинг мемранаси яллиғланса (периспленит), bemor қимирлагани сари чап биқинида оғриқ кучаяди. Бундай bemorning қора талоғи эҳтиётсизлик туфайли ёрилиб қетиши мумкин.

Фожиа рўй берганида bemorning чап томонида бирданига қаттиқ оғриқ туради, кўпинча bemorлар бехосдан қичқириб юборади. Шу пайтда ўткир перитонитнинг симптомларини топиш мумкин. Bemor тез орада шок ҳолатига тушади. Шок қаттиқ оғриқдан ва қаттиқ ички қон кетишидан ҳосил бўлади. Артериал қон босими пасайиб кетади. Қон анализида ўткир постгеморрагик анемияга хое ўзгаришлар кўринади. Гемоглобин ва эритроцитлар тезлик билан тушиб кетиб, лейкоцитлар формуласида чапга сурилиш билан бирга эритро-нормобластларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Айрим ҳолларда бу нотўри ташхис қўйишга сабаб бўлиши мумкин. Ўткир перитонитни ўтказиб юбормаслик лозим. Тезлик билан операция қилиб, қора талоқни

олиб ташлаш, унинг томирларини боғлаб, қон ва унинг таркибларини қўйиш лозим.

### Дифференциал ташхис.

Қон анализидаги лейкемоид реакция. Ҳар хил яллиғланишлар ва юқумли касалликлар пайтида қоннинг лейкоцитлар формуласида оқ қон ҳужайраларининг жуда ёш (blast) вакиллари кўплаб пайдо бўлиб, бундай bemорларда лейкоз борлигига шубҳа туғилади. Улар фақатги лейкоцитларнинг кўпайиши ва уларнинг ёш намуналарининг пайдо бўлиши билан лейкозга ўхшайди, чунки лейкозга хос бўлган бошқа хислатлар — метаплазия, анаплазия ва гетеротоп қоннинг ҳосил бўлиши кузатилмайди. Аммо уларда ўсма, сепсис ёки ҳар хил яллиғланишларга ва юқумли касалликларга оид симптомлар борлигини кўриш мумкин. Лейкемоид реакция, яъни қоннинг лейкозга ўхшаш реакцияси, асосий касалликни аниқлаб даволагач ўтиб кетади.

*Остеомиелосклероз, миелофиброз.* Бундай касалликда лейкоздаги каби лейкоцитларнинг кўпайиши, жигар ва қора талоқнинг катталашиши, анемия, лейкоцитлар формуласида айрим ёш ҳужайраларининг пайдо бўлиши кузатилади. Суяк ва иликда бу касалликка хос фиброз трепанларда (беморлардан олинган гистологик препаратларда) яққол аниқланади. Бунда суяк илигидаги қон ҳужайралари ишлаб чиқарувчи соҳалар фиброз тўқималари томонидан эгаллангани микроскоп остида яққол кўринади. Беморларда лейкозга хос анаплазия, метаплазия, гетеротопик қон ҳужайраларини ҳосил қи́лувчи ўчоқлар аниқланмайди.

*Касалликни даволаш усуслари.* Касалликнинг бошланиш даврида, лейкоцитлар сони 15—20 мингдан ошмаган ҳолларда, ҳеч қандай специфик даво ишлатилмайди. Ойлаб, ҳаттоқи йиллаб фақат симптоматик даво усуслари билан кузатув олиб борилади. Кузатиш жараёнида bemornинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари текширилиб турилади. Бизнинг фикримизча, bemornинг организми қанчалик кўп вақт ичida ўз-ўзини ҳимоя қила олса, шу bemornинг умрини шунчалик чўзмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Касалликнинг иккинчи даврида, яъни авж олган даврида, уни албатта даволаш даркор. Бу касалликни даволашда энг яхши дорилардан бири миелосан ҳисобланади. Миелосан 2 мг ли таблетка шаклида чиқарилади. Фикримизча, миелосан билан даволашда унинг дозасини bemor организмига индивидуал мослаштириш

катта аҳамиятга эга. Масалан, беморда лейкоцитларнинг сони 15-20 мингдан ошган бўлса, миелосанни 1 таблеткадан бир кунда икки мартадан бериб, 10-15 кундан сўнг bemornинг қони текширилади. Камлик қилган бўлса, дори дозаси кўпайтирилади.

Миелосаннинг яхши томони шундаки, bemor эътибор билан даволанса, индивидуал дозаси аниқланса, умр чўзилиб, узоқ вақт соғлиқни сақлаш мумкин. Лекин, вақти-соати етса, миелосанга нисбатаң bemornинг қон ҳужайралари ўз сезгирилигини камайтириб, даволаш ижобий натижа бермай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда bemorga бошқа дорилар бериш керак.

Миелобромол (дибромманнитол). 125 ёки 250 мл лик таблеткалар шаклида чиқарилади. Bu дорини ҳам bemornинг организмига мослаштириб бериш лозим. Bir кунда 125 мг ёки 250 мг дан бериб, 10—15 кундан сўнг қонни текшириш зарур бўлса, дори миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш лозим. Чунки дорининг ижобий таъсири 2—3 ҳафтадан сўнг маълум бўлади. Кейинчалик клиник ва гематологик ремиссия даврида ҳафтада бир марта 150 ёки 250 мг дан берилади.

Допан (дихлорэтиламин)—2 мг ли таблеткалар. Сурнкали миелолейкози бор bemornинг лейкоцитлари жуда ҳам кўпайиб кетиб (40—50 мингдан юқори), қора талоғи катталashiб, ёрилиб кетиш хавфи туғилганда бу дори наф беради. Лекин бу дорини жуда эҳтиётлик билан бермоқ лозим. Даволашни 2 мг таблеткани бир суткада бир марта беришдан бошлаш керак. Тажрибаларимиз кўрсатишича допан, миелосан ва бошқа хил дорилар ёрдам бермаган ҳолларда жуда катта лейкоцитозни дарҳол пасайтириб, қора талоқни кичиклаштириб юборади. Шу вақтда эътиборсизлик билан яна допан бериб, лейкоцитлар бутунлай камайиб кетса, лейкопения ёки агранулоцитоз ҳосил бўлади. Bu bemornи янги-янги азоб-уқубатларга солади. Шу сабабли ҳар куни ёки кунора допан билан даволанаётган bemornинг қонини текшириб туриш зарур. Допан ёрдами билан лейкоцитларнинг сонини нормаллаштириб, бошқа дорилар билан bemornи даволашни давом эттириш мумкин. Чунки, фақат допаннинг ўзи билан даволагандан иликдаги қон ишлаб чиқариш жараёнининг депрессиясини ўз вақтида пайқамай ўтказиб юбориб, bemornи ҳалокатга учратиш мумкин.

Қўрилган даво чораларига қарамай, bemorда ёш ҳужайралардан ташкил топган криз (инқироз) симптомлари пайдо бўлса, уни ўткир лейкозни даволашда иш-

латиладиган дорилар комплекси — ВАМП, ЦВАМП, АВАМП билан бартараф этиш мумкин.

Қасалликнинг учинчи даврида кўрсатилган даво усулларидан ташқари, қон ва унинг таркиблари, қондан тайёрланган, унинг ўрнини босувчи аминокровин, гидролизин ва бошқа дори-дармонлар берилади. Қасалликнинг ҳамма даврларида ҳаётий симптоматик даво ўтказилади.

Қасалликнинг ремиссия даврида bemorга 1 ҳафтада 1 марта бўлса ҳам дори-дармонлар бериб турилиши лозим, чунки цитокимёвий текширувларимизга кўра лейкозларда ҳужайраларнинг кимёвий тикланиши ҳозирги дори-дармонлар ёрдамида бўлмайди.

## СУРУНКАЛИ ЛИМФОЛЕЙКОЗ

*Сабаби.* Бу қасалликнинг ҳам сабаби ҳали аниқланмаган. Шунинг учун лейкозларни сабабларига тегишли назариялар бу қасалликка ҳам хос. Лекин, қўшимча қилиб айтмоқ лозимки, бу қасаллик кўпроқ ёши катта одамларда иммунитет пасайган пайтда мавжуд бўлади. Шунинг учун, қандайдир микроб ёки вирус инсон организмининг қаршилик кўрсатиш қобилияти сусяйганида ўз фаолиятини кўрсатади деса бўлади.

*Патогенези.* Яккаю-ягона ҳужайрадаги мутация жараёни натижасида инсон организмидаги лимфатик безлардан бирида патологик ҳужайралар клони пайдо бўлиб, аввал bemornинг бутун лимфатик тизимига тарқалиб, сўнгра бошқа ички аъзоларда ҳам лимфатик метаплазия жараёнини туғдиради. Бунинг натижасида қайси бир ички аъзони олманг, унда кўплаб лимфоцит, пролимфоцит, лимфобластларни топиш мумкин. Айниқса, бундай жараён bemornинг илигига аниқ кўринади. Нормада иликдаги лимфоид ҳужайралар кўпи билан 3—4% ни ташкил қиласа, бу қасалликда 30—40%, оғир ҳолатларда 70—80% гача кўпаяди. Ундан ташқари, морфологик ва кимёвий анаплазия натижасида лимфоид ҳужайраларда бу қасалликка хос ўзгаришларни кўриш мумкин. Булардан энг яқол ва кўпроқ учрайдигани лимфоид ҳужайраларининг бу қасалликда механик қаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиб кетишидир. Бунинг натижасида ҳатто bemornинг қонидан суртма тайёрлаш вақтида ҳам кўплаб ҳужайралар эзилиб, бузилиб кетади. Уларни Гумпрехт-Боткин соялари деб атайдилар. Гумпрехт-Боткин соялари бузилган лимфоид ҳужайраларнинг қолдиқларидан иборат бўлиб, Па-

пенгейм ёки Гимза-Романовский усулларида тўқ гунафша рангга бўялади. Икки шаклда очилган парашют ёки сиёҳ доғига ўхшаш бўлади. Касаллик оғирлашиб борса, улар кўпаяди, касаллик чекинса озаяди. Шунинг учун 100 та беморнинг бузилмаган лейкоцитлари сони клиник башорат учун асос сифатида олинади.

Ридер шаклидаги ҳужайралар эса беморнинг лимфоид ҳужайраларида бўладиган амитоз усули билан бўлиниш жараёнининг белгисидир. Маълумки, инсон организмидаги ҳужайралар, шу жумладан соғ одамдаги лимфоид ҳужайралар ҳам, митоз йўли билан бўлиниб кўпайишади. Бу касалликка хос лимфоид ҳужайраларда содир бўлган генетик мутация натижасида лимфоид ҳужайраларда амитотик бўлиниш кузатилади. Бу ҳолни атавизм белгиси деб айтиш мумкин. Ридер ҳужайраларининг сони касаллик оғирлашса кўпайиб, енгиллашса, камайиб туради. Бу фенеменни клиник башорат учун ишлатса бўлади.

Лимфатик безларда тезлашган гиперплазия жареёни рўй бергани сабабли сурункали лимфолейкозда лимфатик безларнинг ҳар хил даражада катталашуви кузатилади. Аввал ички аъзолардаги безлар, сўнгра ташқи лимфатик безлар катталашиб, сезиларли даражада ўзгаради. Айрим беморларнинг лимфатик безлари жуда катталашиб кетиб, масофадан ҳам кўриниб туради. Бу касалликда лимфатик безлар катталашса ҳам тери ва атрофдаги тўқималар билан ёки бир-бири билан битишиб кетмайди. Аксинча, узум бошларига ўхшаб жойлашиб, пайпаслаганда сезилади.

Лимфоид ҳужайраларнинг тўхтовсиз кўпайиши натижасида жигар ва қора талоқ катталашиб кетади. Уларнинг пульпасида лимфоид метаплазия аниқланади.

Сурункали лимфолейкозда лимфатик ҳужайраларнинг кўпайишига қарамай уларнинг иммун-глобулин ишлаб чиқариш хусусиятлари бузилиши аниқланган. Бу деган сўз, улар ишлаб чиқарадиган иммунглобулинлар сифатсиз бўлиб, улардан сифатли антителолар ҳосил бўлмайди. Шу сабабли иммунитет пасайиб кетиб, яширин сурункали касалликлар авж олади. Натижада bemорнинг аҳволи оғирлашади. Уларнинг кўпларида оғир шаклдаги зотилжам, пиелонефрит, гайморит, отит, гепатит ва бошқа касалликлар учрайди. Деярли ҳамма ички аъзоларнинг лимфоид метаплазия, гетеротопик лимфатик қон ўчоқлари туфайли ҳаётий фаолиятлари бузилади.

Касалликнинг клиникаси. Касалликнинг клиникасида уч даврни ажратиш мумкин: - биринчиси бошланиш даври; иккинчиси касалликнинг авж олган даври; учинчиси терминал ёки касалликнинг охирги даври.

Бошланиш даври яширин кечиб, кўпчилик беморлар хаста эканликларини тасодифан билиб қоладилар.

Бу даврда беморни синчиклаб кузатса, касалликка хос айрим симптомларни топиш мумкин. Хусусан. метапластик анемия, спленомегалия, айрим лимфатик безларнинг катталашганини пайқаш мумкин. Бу сурункали лимфолейкознинг борлигига далил бўлаолмайди, албатта. Бундай вақтда шифокорга гематология фани ўз имкониятлари билан ёрдам бериши мумкин. Гематолог-врач бемор қонини текшириб ташхисга ёрдам беради. Зоро, касалликнинг биринчи даврида ёқ лейкоцитларнинг сони кўпайиб кетиб лейкоцитлар формуласида ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитларнинг сони камайиб, лимфоцитлар кўпайиб кетгани аниқланади. Уларнинг орасида пролимфоцит ва лимфобластлар ҳам бўлиши мумкин. Касаллик оғирлашгани сари беморларнинг қонида Гумпрехт-Боткин соялари, Ридер ҳужайралари учрай бошлайди.

Касаллик авж олган даврда бемор дармонсизланади, тез чарчайди, ҳолсизланади. Беморда ҳар хил даражадаги камқонлик, лимфатик безларнинг ва қора талоқнинг катталашуви, ички аъзоларда яллиғланиш мавжуд бўлиб, иситмаси кўтарилади.

Сурункали лимфолейкоздаги камқонликнинг ривожланиши асосий касалликнинг оғирлигига боғлиқ бўлади. Бундай анемия асосий касаллик даволанмагунча дори-дармонлардан тузалмайди.

Лимфатик безларнинг катталашуви бу касалликка хос белгилардан бўлиб, айрим лимфатик безларнинг катталиги сезиларли бўлса ҳам оғримайди. Улар тоғайсимон, резинкага ўхшашиб бўлиб, бошқа касалликлардаги безлардан ажралиб туради. Бу касаллик учун лимфатик безларнинг яллиғланиб, ўзаро ёки тери ва тери ости тўқималари билан битиб кетиши хос эмас.

Қора талоқнинг катталашувини бошланиш даврида ёқ аниқлаш мумкин. Касалликнинг иккинчи ва учинчи давларида қора талоқнинг катталашиши онсон аниқланади. Унинг четлари ва усти силлиқ бўлиб, бармоқлар текканида оеримайди. Бу даврда қора талоқ жуда катталашиб кетиб, тос бўшлиғигача чўзилиб тушиши мумкин.

Күпчилик беморларда қора талоқ билан бир вақтда жигарнинг ҳам шишиб кетиши кузатилади. Жигарнинг чети ўткир, усти силлиқ, қаттиқ — эластик ҳолда эканлигини пайпаслаб ўн қовурғалар остида аниқлаш мумкин.

Сурункали лимфолейкозда жигар қанчалик катталашмасин беморларда сарғайиш, яъни билирубиннинг кўпайиши кузатилмайди. Чунки бу аломат жигардаги лейкемик гиперплазия, метаплазия ва гетеротопик қон ҳужайраларининг кўплаб ҳосил бўлиши натижасидир. Бу лимфатик лейкоз метаплазияси УЗС текширишда жигарда диффуз ўзгариш сифатида кўринади. Жигар биоптантларида эса тотал лимфоид — лейкемик метаплазия борлиги аниқланади. Бу даврда бемор иситмалаши мумкин, аҳволи оғирлашиб, дармонсизлик, тез толиқиш, озиб кетиш, модда алмашинувининг бузилиши натижасида ҳар хил яллиғланишлар, эски касалликларнинг қўзиши кузатилади. Беморларнинг кўпчилигига ҳар хил даражадаги анемиялар бўлиб (метапластик анемиялар), камқонлик синдроми борган сари оғирлашиб боради. Касалликнинг ташхиси аниқланмагунча (ойлаб, йиллаб) беморлар анемиядан натижасиз даволаниб юрадилар.

Бу даврда бемор қонида лейкоцитоз, нейтропения, лимфоцитоз кузатилади, лимфоцитларнинг ёш вакиллари пайдо бўлади. Қон суртмасида Гумпрехт-Боткин сояларини, Ридер ҳужайраларини кўриш мумкин.

Касалликнинг терминал даврида беморлар анча озиб, ҳолсизланиб, дармонсизланиб, иситмалаб оғирлашибадилар. Уларнинг терилари рангизланиб, ер тусини олади, юпқалашиб қолади. Лимфатик безлар катталашиб кўриниб қолади, ушлаганда оғримайди, бир-бири билан ёки атрофдаги тўқималар ёки терининг ўзи билан битиб кетмайди. Кўпинча иситма кўтарилиб, бемор терлайди. Ички аъзоларда сурункали бронхит, зотилжам, пиелонефрит, артрит ва бошқа касалликларни кўриш мумкин. Сplenомегалия ва гепатомегалия яққол ва аниқ билинади. Қон анализида метапластик анемия, тромбоцитопения ифодаланиб лейкоцитлар кўпаяди. Лейкоцитлар формуласида пролимфоцит ва лимфобластлар пайдо бўлиб кўпаяди, СОЭ тезлашади.

*Дифференциал ташхиси.* Сурункали лимфолейкозни бир неча касалликлардан фарқлай билиш керак, жумладан инфекцион лимфоцитоздан. Бу касаллик айrim вируслар томонидан чақирилиб, иситмалаш ва лимфа-

тик безларнинг катталашуви билан характерланади. Беморнинг қон анализида ҳар хил даражадаги лейкоцитоз, юқори даражадаги лимфоцитоз кузатилади. Лекин, бу касаллик ойлаб давом этса ҳам, bemорда лейкоздагидек метаплазия, анаплазия ва гетеротопик қон ҳужайралари кузатилмайди, ёш лимфоид ҳужайралар (пролимфоцитлар, лимфобластлар), Гумпрахт-Боткин «соялари», Ридер шакллари пайдо бўлмайди. Касаллик ойлаб, йиллаб давом этса ҳам, метапластик анемия ва тромбоцитопения ҳосил бўлмайди, bemорнинг аҳволи оғирлашмайди.

Инфекцион мононуклеоз — вирус билан чақириладиган касаллик бўлиб, клиникасида ангина, иситма кўтарилиши, айрим, айниқса бўйиннинг орқа томонидаги майда лимфатик безларнинг катталашуви, гепато — спленомегалия билан ўтади. Қон анализида ҳар хил даражадаги лейкоцитоз, лейкоцитлар формуласида шу касалга хос лимфомоноцитларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Лимфомоноцит — полигонал шаклдаги ҳужайра бўлиб, унинг гунафша рангли цитоплазмасида ёрқин гунафша рангдаги ядрои кўзга ташланади. Бундай лимфомоноцитлар лимфоцитлардан цитоплазмалари нинг кенглиги ва перигрануляр бўшлигининг бўлмаслиги билан ажралиб турса, оддий моноцитлардан бироз кичикилиги ва цитоплазмасининг Паппенгейм усули билан бўялганда ёрқин гунафша рангга бўялиши билан ажралиб туради. Лимфомоноцит дейилишининг сабаби бу ҳужайра ядросининг хроматини ҳам, лимфоцит ҳам моноцит ядросининг тузилишига ўхшайди. Сурункали лимфолейкозда лейкозга хос метапластик анемия, тромбоцитопения, Гумпрахт-Боткин соялари ва Ридер шаклларининг йўқлиги билан фарқланади.

### **Лимфогранулематоз (Ходжкин касаллиги)**

Тўсатдан бошланиб, тезлик билан bemорнинг аҳволини оғирлашириди. Дармонсизлик, қаттиқ терлаш, лимфатик безларнинг катталашуви, уларни худди қопга солинган картошкага ўхшаш қаттиқлашиб, бир-бiriдан худди узумнинг шингилларига ўхшаб ажралиб туриши, яллиғланмаслиги, атрофдаги тўқималар ва тери билан битишиб, ситилиб оқмаслиги, қонда эса анемия ва нейтрофил лейкоцитоз, лейкоцитлар формуласида таёқчасимон ядролик нейтрофил лейкоцитларнинг сезиларли даражада кўпайиб кетиб, иликдан олинган пунктатда Березовский-Штернберг ҳужайрасининг тошилиши, ҳафталаб тўлқинли иситманинг кузатилиши бу касаллик учун хос. Лейкозга хос метаплазия, ана-

плазия ва гетеротопик қон ҳужайраларининг ҳосил бўлиши кузатилмайди.

Сил касаллиги билан касалланган лимфа безлари тезлик билан шу безлар устидаги терининг қизариб, остидаги лимфа безлари билан битиб қолиши, ғриқлиги ва ниҳоят безларнинг тешилиб оқиши; улар тузалганидан сўнг умрбод бўйинда чандиқлар қолиши. Ундан ташқари бундай беморларда ўпка ва бронх сил касалликларининг бошқа белгилари ҳам бўлиши мумкин.

*Сурункали лимфолейкозни даволаш усуллари.* Касалликнинг биринчи даврида лейкоцитларнинг сони 15-20 мингдан ошмаса, лейкоцитлар формуласида про-лимфоцитлар ва лимфобластлар учрамаса, метапластик анемиянинг белгилари сезилмаса, bemорни иложи борича цитостатик дорилар билан даволамасдан умри ни чўзиш чораларини кўрамиз.

Мисол. Бемор И., 42 ёшда, бухгалтер. Шикоятлари тез чарчашиб, терлашиб, қўлтиқ ости ва қовуқдаги лимфатик безларнинг катталашиши. Объектив кўрикда, маълум бўлишича қора талоқ катталашган, қон анализида биринчи даражали анемия билан лейкоцитларининг сони 15-18 минг бўлиб, лейкоцитлар формуласида нейтропения ва лимфоцитоз борлиги аниқланган. Ундан ташқари, 100 лейкоцитга 5-6 тадан Гумпрехт-Боткин «соялари» борлиги кўрилган. СОЭ 14-16 атрофида бўлиб, bemорда тез-тез сурункали бронхит хуруж қиласиди. Бемор беш олти йил давомида ферроплекс, феррумлек, витагепат ва пентоксил билан даволаниб ўзини яхши сезиб юрган. Сўнг бошқа мамлакатга кетган.

Бундай bemорларга симптоматик даволаш усулларини ишлатамиз. Масалан, уларнинг қонида ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитларни кўпайтириб, ҳужайравий иммунитетни кучайтириш учун пентоксил берамиз.

Пентоксил пирамидин асосларидан бўлиб, bemор организмида гуморал ва ҳужайравий иммунитетни таъминловчи доридир. У 0,3 г таблетка шаклида чиқарилади. Даволаш курси бир ойгача давом этади.

Касалликнинг иккинчи даврида анемия кучайиб, лейкоцитлар ошса, лейкоцитлар формуласида про-лимфоцитлар ва лимфобластлар кўпайса, bemорларни лейкеран билан даволаш лозим.

Лейкеран (хлораминофен, хлорбутин ва бошқа синонимлари бор) 2 мг ли таблетка шаклида чиқарилади. Лейкеран бир кунда 2 мгдан 3 марта берилиб,

10-15 кунда касалнинг аҳволи ва қони текширилади, дорининг дозаси ётарли бўлса, даволаш давом эттирилади, дозаси камлик қилса, кўпайтирилади, кўплик қилса, камайтирилади. Дорини ҳар бир беморга индивидуал ёндошиб тайинлаш керақ. 3-4 ҳафтали даводан сўнг, bemorning лимфатик безлари, қора талоги, кичиклашиб, лейкоцитлари камайиб лейкоцитлар формуласида пролимфоцитлар ва лимфоцитлар кўринмаса, яъни клиник-гематологик ремиссия бошланса, бу дорини истеъмол қилишини тўхтатиш мумкин эмас. Чунки клиник-морфологик ремиссия пайтида ҳам лейкоз билан касалланган одамларнинг ҳужайралари ичida кимёвий тузалиш бўлмайди. Бизнинг фикримизча, кимёвий тузалишни таъминловчи дори вақти келиб топилса, лейкозлар ҳам бутунлай тузалиб кетадиган касалликлар қаторига ўтади. Бемор бутун умри давомида керакли дорини кўпайтириб ёки озайтириб истеъмол қилиши зарур. Лейкеран ёрдам бермаган ҳолларда bemorlar преднизолон ва циклофосфан билан даволанади. Преднизолон — 5 мг ли таблетка шаклида чиқарилади. Бир суткада bemorniga 1-2 мгдан ҳар бир кг вазнига ҳисоблаб берилади. Масалан, bemorning оғирлиги 70 кг бўлса, демак преднизолон 70 мг берилади. Бу дори асосан эрталаб ёки куннинг ярмида берилиб, тунда берилмайди.

Циклофосфан — 100—200 мгдан дистилланган сувда эритилиб, бир суткада иккни мартадан bemorning томири ичига юборилади (даволаш курсига 5-14 г гача ишлатилади). Клиник-гематологик ремиссия даврида ҳам даволаш давом эттирилади. Лекин ҳар 5—7—10 кунда бир марта 100-200 г циклофосфан bemorning томирига юборилади.

Регранол — 0,05 (50 мг) дан кунора, bemorning томирига 10-20 марта юборилади.

Дипин — 0,005—0,01 (5—10 мг) бир курс давомида bemorning томирига ёки мушагига 10—20 марта қилинади.

Бу специфик дорилардан ташқари bemorniga феррумлек, содали — оксиферрискарбон, витамин В<sub>12</sub> ва бошқа дорилар, витаминлар берилади. Анемия оғирлашганида гуруҳи ва резуси тўғри келадиган қон ва uning таркиблари (эр. масса, лейкомасса, тромбомассалар) қўйилади. Bemorning иситмаси кўтарилса, ҳар хил антибиотиклар ишлатилади.

Касалликнинг учинчи даврида bemorniga қон ва uning таркибларидан иборат гамма-глобулиндан (8—10 до-

задан кунора), антистафилококк плазмадан (250 мл кунора) ва антибиотиклардан иборат даволаш комплекси тайинланади. Шу билан бирга юрак-томир фаолиятини яхшиловчи дори-дармонлар (строфантин, қоргликон, камфора, кордиамин, кофеин ва бошқ.). ишлатилади.

## ПАРАПРОТЕИНЕМИК ГЕМОБЛАСТОЗ

Бу гуруҳ касалликларини яхши тасаввур қилиш учун иммуноглобинларнинг тузилишини кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Сўнгги йиллардаги илмий текширишларга кўра, иммуноглобулин молекуласи тўртта полипептид занжирлардан иборат. Улардан иккитаси катта молекуляр оғирликка эга бўлгани учун оғир занжирлар ( $H$ —heavy), иккитаси эса кичик оғирликда бўлгани учун кичик занжирлар ( $Z$ —light) деб аталаади. Оғир занжирлар яна  $\gamma$ ,  $\alpha$ ,  $M$ ,  $S$ ,  $S$  синфларга, енгил занжирлар эса  $K$  (калпа ва  $\lambda$  (лямбда) синфларга бўлинади. Иммуноглобиннинг антителолик хислатини таъминловчи аминокислоталар 114 тадан кўп. Уларнинг ўз-ўзини ўзгартириши иммуноглобинларнинг хусусиятини ўзгартиради. Шунинг учун антителолар сонсаноқсиз бўлиши мумкин. Юқорида кўрсатилган турланишлар асосида уларни Ig У, Ig А, Ig M, Ig Д ва Ig Е деб юритади. Соғлом одамларнинг плазматик ҳужайраларида (В — лимфоцитларида) Ig А, Ig У лар, лимфоцитларида (Т — лимфоцитларида) Ig М ишлаб чиқарилади.

Параапротеинемик гемобластозлар жараёни плазматик ҳужайралардан бўлган клонларда мавжуд бўлса, плазмацитома (миелома касаллиги ёки лимфоцитлардан ташкил топган клонларда мавжуд бўлса, лимфобластома (Вальденштрем касаллиги) дейилади.

Параапротеинемик гемобластозларда иммуноглобулин ишлаб чиқарувчи ҳужайраларнинг бузилишлари икки хил хусусиятли бўлиши мумкин: биринчиси, бир хил иммуноглобулинлар жуда кўплаб ишлаб чиқарилади; иккинчиси, ҳужайрлар сифатсиз, молекуласи нотўғри тузилган иммуноглобулинларни ишлаб чиқаради.

Касаллик натижасида фақат оғир ёки фақат енгил занжирлардан иборат патологик иммуноглобулинлар кўплаб пайдо бўлади. Шунинг учун бу касалликларни ёнгил занжирли ёки оғир занжирли полипептид касалликлари деб ҳам юритадилар.

## ПЛАЗМОЦИТОМА ЁКИ МИЕЛОМА (РУСТИЦКИ-КАЛЕР) КАСАЛЛИГИ

Плазмацитома ёки миелома деб, плазматик ҳужайралардан ҳосил бўладиган ўсмага айтилади. Биринчи марта бу касаллик Бенс — Жонс ва МакИнтуре томонидан 1848 йилда таърифланган бўлсада, 1873 йилда Рустицки бу касалликни «кўплашган миелома» деб аташни таклиф қилган. 1889 йилда Калер бу касалликнинг клиникасини мукаммаллаштиргани учун бу касаллик Рустицки-Калер номи билан ҳам юритилади.

Сабаби ҳозиргача аниқланмаган. Бу масалага оид турли назариялар мавжуд.

*Касалликнинг патогенези.* Плазматик ҳужайралардан ўсма касаллиги билан заарланган айrim ҳужайралар (клонлар) кўпайиб ва тарқалиб кетиб, инсон организмининг энг муҳим бўлган қон ишлаб чиқарувчи, суяқ-скелет, буйрак-сийдик ишлаб чиқарувчи тизимларини, ички аъзоларининг фаолиятини ишдан чиқарди. Бу жараённинг асосида алоҳида бир плазматик ҳужайранинг касалланиб, бузилиши ётади. Бу ҳужайрада нормал иммуноглобулинлар ўрнига парапротеинлар, яъни сифатсиз иммуноглобулинлар ишлаб чиқарилиб, улардан сифатли антитело ёки антигенлар ташкил топмайди, бунинг натижасида бемор организмидағи иммунитет пасаяди. Касалланган клон ҳужайралари ниҳоятда тезлик билан кўпайишиб, кўплаб парапротеинларни ишлаб чиқариши натижасида аввал қон зардоби, сўнг беморнинг буйраги парапротеинларга тўлиб-тошиб кетади, бунинг натижасида буйракнинг иши бузилиб парапротеинемик нефroz ҳосил бўлади. Иккىнчидан, кўплаб пайдо бўлган плазмомиелома ҳужайралари беморнинг суякларини емириб ташлаб, суюякларни мўрт қилиб бузиб юборади, қаттиқ оғриқлар бўлишига олиб боради. Ниҳоят, беморнинг қон тизими бузилиши оқибатида плазмомиелома гиперплазияси, метаплазия сабабли метапластик анемия ва трамбоцитопениялар ҳосил бўлади. Гетеротопик қон ҳужайралари ўчоқлари ҳосил бўлиши натижасида бемор организмининг айrim жойларида қаттиқ оғриқлар пайдо бўлади. Бу оғриқлар радикулит, ишиорадикулитга ўхшаб шифокорни чалғитиши мумкин.

### *Касалликнинг клиникаси.*

Касалликнинг кечишида бошланиш, авж олиш ва терминал давларини кузатиш мумкин. Бу давларда ҳар хил даражадаги гемо-рено-оссал синдромни, яъни

организмнинг уч (қон ишлаб чиқариш, буйрак ва суяк) тизимининг қаттиқ шикастланишини кўрамиз.

Касаллик кутимаганда, бирданига қаттиқ оғриқ билан бошланади. Кўпчилик bemorларда қаттиқ ва ўткир оғриқ умуртқа тешикларидан нерв толаларининг чиқиш жойларида пайдо бўлиб, уларда ўткир радикулит ёки ишиорадикулит симптомларини беради; иккинчи хил бошланиши бу суякларда тўсатдан пайдо бўладиган ниҳоятда қаттиқ оғриқ — оссалгиядир. Оссалгия фақат умуртқа суякларида эмас, қовурғаларда, сон суякларида, тос ва бошқа суякларда пайдо бўлиб, bemorларни кечаю-кундуз жуда қаттиқ азобга солиб қўяди. Ҳатто жуда иродали кишилар ҳам бу оғриқларга чидай олмайдилар. Бу касалликка хос оғриқнинг хислати шундаки, bemor суткалаб, қимиrlамай ётиб, ҳатто чойшаб баданига тегса ҳам додлаб юборади, яъни гиперстезия билан ўтади.

**Мисол.** Кўринишидан бақувват, 41 ёшга кирган, синовчи-учувчи. Клиникага замбилда келтирилиб койкага ўтказишкаёқ оғриқнинг кучлигидан кўзларидан ёш оқиб укол қилишни, оғриқдан қутқаришни илтимос қилди. Кейинги кунларда кеча-кундуз қимиrlамай ётар, ҳатто чойшаб баданига тегиб кетса ҳам қичқириб, оғриқдан хўнграб йиғлаб юборар эди. Кечалари оғриқдан йиғлаб додлаб чиқар, тўхтовсиз морфий сўрар, оз вақт ухлаб туриб яна оғриқни қолдиришни илтимос қилиб, жанжал қилар эди. Рентген тасвирида қовурға ва умуртқа суякларида кўплаб миеломага хос тешиклар, суяк деструкцияси аниқланган. Унинг илигидан олинган пунктатда ва қонида кўплаб плазмомиелома ҳужайралари топилған бўлиб, уларнинг орасида тетра-, гекса- ва октоплоид ҳужайралар бор эди. Беморнинг қон зардобида гиперпарапротеинемия, M-градиент, сийдигида Бенс-Жонс оқсили аниқланган эди. Йиллар давомида бу даҳшатли оғриқ комплекс даволаш натижасида аста-секин камайиб, bemor бир неча йил яшаб юрди.

Учинчи хил бошланиши арзимаган хатти-ҳаракат қилган вақтда йўғон суякларидан бирининг тўсатдан синиб кетишидир. Касал эканини билмаган киши тўсатдан пайдо бўлган қаттиқ оғриқдан қотиб қолади ёхуд йиқилиб тушади. Чунки скелет суякларининг миллионлаб плазмомиелома ҳужайралари томонидан емирили-

ши натижасида мүрт бўлиб қолган суякларидан бири бирданига синиб кетади. Бемор рангсиэлданиб, тер босиб ётади. Терисини сийпалаб суяклардаги дефектларни аниқлаш мумкин:

**Мисол.** Бемор Ч., 46 ёш, уй бекаси. Сўнгги йилларда бош суягида дефект борлигини, у орқали миясининг уришини сезгандай бўлгани тўғрисида маълум қилган. Клиник-гематологик текширилганда унинг илигида ва қонида кўплаб плазмоцитома ҳужайралари топилиб, қонида анемия, парапротеинемия, М—градиент, сийдигида Бенс-Жонс оқсили, мия суягини рентген тасвирида миелома касаллигига хос кўплаб думалоқ шаклдаги тешиклар аниқланган. Қасаллик ташхиси: Рустицки-Калер касаллиги (тарқалган миелома) нинг авж олган даври. Беморнинг бош суяги тепасига қўл қўйилганда ҳақиқатан ҳам bemor миясининг уриб тургани аниқ сезилар эди. Бемор шунга қарамай бир неча йил яшаб, тўсатдан вафот этган.

Бемор скелетининг ҳар хил жойларидаги оғриқларга қараб оссалгиянинг кўпдан кўп кўринишларини фарқлаш мумкин. Оғир шаклдаги оссалгия фақат плазмо-миелома касаллигига учрайди.

Қасаллик авж олган даврида қўшимча сифатида дармонсизлик, камқувватлик, озиб кетиш, иситмалаш, бош оғриқ каби симптомлар қўшилиб, bemornинг умумий аҳволи оғирлашади. Дармонсизлик асосида кўпинча метапластик анемия ривожланиб, bemornинг қон анализида гемоглобин ва эритроцитларнинг камайишини кузатиш мумкин. Бемор плазмацитома ҳужайралари томонидан нормал иммуноглобулинларнинг ўрнига патологик (касал) иммуноглобулинлар, яъни парапротеинларнинг ишлаб чиқарилиши сабабли иммунитет сусайиб иситмалаш рўй беради. Бу вақтда bemornинг сурункали хасталиклари хуруж қилиб қолиши мумкин.

Қасалликнинг бу даврида қилинган рентген тасвирида суякларнинг ҳар хил даражали патологик ўзгаришларини кўриш мумкин. Масалан, суякларда тешиклар аниқланади. Плазмоцитомага хос суяк дефекти одатда думалоқ бўлиб, четлари кесилгандек қалин бўлади.

Беморларда буйрак фаолиятининг бузилиши оқибатида сийдик ҳосил бўлиши, унинг реабсорбцияси, абсорбцияси ва бошқа хислатлари бузилади. Натижада bemordа ҳолсизлик, бош оғриқлари кучаяди. Бемор-

нинг қонида сурункали буйрак камчиликларига хос мочевина ва креатининнинг кўтарилиши, бемор сийдигида протеинурия ҳажмининг ошиши кузатилади.

Асаб тицимининг бузилиши астенизация белгилари, ҳар хил оғриқлар, жумладан радикулит, ишиорадикулит, бошқа касалликлар кузатилади.

Учинчи, терминал даврида иситмалаш, анемиянинг оғирлашишидан ташқари, тромбоцитларнинг камайиб кетиши натижасида геморрагик синдром кузатилиши мумкин. Беморнинг қон анализида эритроцит, гемоглобин, тромбоцитларнинг камайиши билан бирга СОЭ тезлашади.

Узил-кесил плазмоцитома ташхиси bemor илгидаги ва қонидаги ҳужайралари цитологик текшириш ёрдамида аниқланади. Бемор илигидан олинган пунктатни кичик объектив билан кузатганда илик суртмасида, нормада атиги 1—3% миқдорида учрайдиган цитоплазмаси ёрқин зангори ранг плазматик ҳужайраларнинг сезиларли даражада (миелограммада 10% дан ортиқ бўлиши шарт) кўпайганини кўриш мумкин. Бу ҳужайралар бутун илик суртмасига сочилиб кетган бўлиб, кўпроқ суртманинг четида жойлашган бўлади, Катта объектив билан (иммерсия орқали) айrim ҳужайралар кўрилганда уларда тетра-, гекса- ва октоплоид плазмомиелома ҳужайралари нормадан кўпроқ эканлигини аниқлаш мумкин. Уларнинг айримларида Руссель доначалари аниқланса, бошқаларида қизил рангли цитоплазма қўшилмалари, баъзиларида кристалл шақлдаги парапротеинларни кўриш мумкин. Бу ҳужайралар ичидаги патоморфологик элементлар фақат плазмоцитома касаллигига хос цитологик белгилар ҳисобланади.

Беморлар лейкоцитар формуласининг деярли ҳаммаси плазмомиелома ҳужайраларидан ташкил топган бўлади. Бундай ўзгаришлар лейкоцитар формуласида ўткир плазмоцитомага хос ўзгаришdir. Бизнинг кузатишимизча, ўткир плазмоцитома касаллиги ўзига хос клиник синдром билан ўтади:

**Мисол:** Бемор Севара, 15 ёшда. Бирданига иситмалаб, ҳолсизланиб шифокорларга мурожаат қилган. Аввал унга икки томонлик ангина, сўнг ўнг томонли пневмония, кейинроқ Америка Қўшма Штатларидан келган ҳамкаслар билан биргаликда ўткир сепсис ташхиси қўйилган. Лекин кўплаб антибиотиклар берилганига қарамай bemornинг аҳволи тезлик билан оғирлашиб бо-

риб, бурнидан қон кета бошлади. Шунда лор мутахассис сўнг гематологга мурожаат қилинган. Биз кўрганимизда ниҳоятда қаттиқ ҳолсизланган bemor қизча ўзининг дардга тўлган катта-катта кўзлари билан ёлбориб, гапиришга ҳам ҳоли келмай, фақат йиглар эди.

Унинг раңгсизланган терисида ҳар хил рангдаги қон қўйилишлар, кўкракларида, биқинларида, сонларида кўплаб петеҳиялар кўриниб турарди. Периферик лимфатик безлари катталашган бўлиб, худди майдада ёнғоқчаларга ўхшаб, бармоқлар остида аниқланади. Ўпкаларида икки томонлик пневмония белгилари, томогида ангина кўринар, жигари ва қораталоги катталашган эди. Беморнинг қон анализида IV даражали анемия, лейкоцитоз, лейкоформуласида эса 88% плазмобластлар аниқланган эди. Қон зардобида парапротеинемия, сийдигида Бенс-Жон оқсили бор эди. Беморга ўткир плазмобласт лейкоз ташхиси қўйилиб, комплекс даволаш усули таклиф этилди.

Келтирилган мисол, ҳаётда «ўткир плазмоцитома» борлигининг далолатидир. Ўткир плазмоцитома ўткир лейкозларга ўхшаб ўз патогенези ва клиникасига эга. Унда ҳамма ўткир лейкозларга хос гиперплазия, метаплазия, анаплазия ва гетеротопик қон ҳужайраларининг ҳосил бўлиш симптомлари суяк-скелет ва буйрак-сийдик тизимларининг касалланиши билан ўтади.

Плазмоцитома ташхиси мавжуд гемо-reno-оссал синдром, парапротеинурия, M — градиент, илик ва қон суртмасида плазмомиелома ҳужайраларининг борлиги, рентген тасвирида кўринган суякдаги «пробойник» феноменига асосланиб қўйилади.

Дифференциал ташхиси:

1) ўткир ёки сурункали радикулит (ишиорадикулит) оғир ва давомли қаттиқ оғриқлар билан ўтса, бундай синдром плазмоцитома касаллигига хос клиник белгилардан бири бўлиши мумкин. Радикулитда плазмомиелома ҳужайраларининг, парапротеинларининг кўпайиши, суякларда шу касалликка хос емирилиш, bemor сийдигида Бенс-Жонс оқсили кузатилмайди.

2) ички аъзоларнинг захм касаллигига бош суякларнинг емирилиб, тешилиб кетиши кузатилади. Бу касалликда захмга хос клиник, қон зардобидаги реакциялар (Вассерман ва бошқ.) аниқланиб, плазмоцитомага хос белгилар аниқланмайди.

Захм касаллиги натижасида калла суюгидан ҳосил бўлган тешикларнинг четлари қиррали ва юпқалашган бўлиб, четлари силлиқ ва қалинлиги билан плазмоцитомада бўладиган тешиклардан фарқ қиласди.

Мисол. Асистент А. беморнинг калла суюгидан қилинган рентгенограммани экранда кўриб, bemorга сизда миелома касаллиги бор экан, гематология бўлимига ётқизамиз деб чиқариб юбораётганида, ёнида ишлаб турган профессор, гематологнинг кўзи шу рентгенограммага тушиб қолиб, «Тўхтанг бу аёlda плазмоцитома эмас, заҳм касаллиги бор. Беморни гематология эмас, венерология бўлимига юборинг» деган. Ажабланган шифокорлар bemорни чуқур текшириб, ҳақиқатан ҳам bemор бир неча йиллар бурун заҳм хасталигини бошидан ўтказганини аниқлаб, суюкдаги деструкцияни тўғри баҳолаб, аниқ ташхис қўйиш мумкинлигини тушунгандар.

3) юқумли мононуклеоз, Филатов касаллиги ёки «лимфатик безлар иситмаси» (Шилдрузенфибер—Кранкхайт) касаллигига плазматик ҳужайралар bemор қонида кўпайгани билан клиникасида ўзига хос иситма, периферик лимфатик безларнинг катталашуви каби симптомлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин суюкларда оссалгия, уларнинг емирилиши (тешилиши), ўз-ўзидан синиши, қон зардобида парапротеинларнинг кўпайиши кузатилмайди.

4) сурункали гломерулонефрит юқори даражали протеинурия билан ўтиб, бу симптом билан бирга сийдигига гематурия (аниқрофи — эритроцитурия, цилиндрурия, хишиш — гипертоник формасида артериал қон босимининг кўтарилиши, тепадан пастга тушувчи хишлар пайдо бўлиши, боши оғриб, мочевинанинг кўтарилиши билан белгиланиб, суюклардаги оғриқлар, парапротеинемия, M-градиент (bemор қони зардобини қоғоз электрофорези қилинганда плазмоцитомага хос бўлган чизиқнинг пайдо бўлиши) илигига ва қонида плазмомиелома ҳужайраларининг пайдо бўлиши кузатилмайди. Сийдигига Бенс-Жонс оқсили аниқланмайди.

5) бошқа ўсма касалликларининг плазмомиелома касаллигидан фарқи — уларда парапретеинемия (M-градиент), сийдигига Бенс-Жонс оқсили, қон ва суюк-кўмик суртмаларида миелома ҳужайралари бўлмайди.

6) оғир артрозда bemорнинг аҳволи оғирлигига қа-

рамай, унинг суюкларида плазмоцитомага хос емирилишлар, синишлар, «миелома буйраги», қон зардобида парапротеинемия (М-градиент), сийдигида Бенс-Жонс оқсили, қон ва илик суртмаларида плазмомиелома ҳужайралари учрамайди.

**Даволаш.** Энг аввал қаттиқ оғриқни қолдириш чорасини кўриш, бунинг учун bemorга оғриқни қолдирувчи дориларни (морфий, промедол, пантопон, омнопон, дроперидол, фентанил ва бошқ.) ишлатиш лозим. Беморни лозим бўлса, иммобилизация қилиш керак. Сўнг даволаш комплекси берилади. Даволаш комплексига қимётерапия, гемотерапия, гормонотерапия, плазмоферез ва нур билан даволаш киради.

Сарколизин ва нерабол — 10 мг дан ҳар куни ёки кунора, 3-4 ҳафта давомида берилади.

Преднизолон — ҳар бир кг оғирлигига 1—2 мгдан, берилади. Масалан, 75 кг оғирликдаги bemorга 75 ёки 150 мг преднизолон тайинланса, дори асосан эрталаб, пешинда ва кечга яқин берилиб, кечаси берилмайди. Ҳар беш кунда бир суткали дозадан бир таблетка (5 мг) камайтирилиб борилади. Бу даволаш комплексида сарколизиннинг ўрнига ҳар куни bemor томирига ёки мушагига 200—400 мг циклофосфан юбориш мумкин.

Bemor шифо топиб, унда касалликнинг белгилари камайиб бориши билан дорилар камайтирилиб кунора, ҳафтада бир, ўн кунда бир марта бериладиган қилинади. Бизнинг фикримизча, bemor ўзини яхши сезганида ҳам уни бутунлай дорисиз қолдириш мумкин эмас. Чунки клиник ва гематологик тузалишга қарамай, ўсма касалликларида (плазмоцитома ҳам ўсма касаллигидир) ҳужайра ичидаги кимёвий тузалиш рўй бермай, дорилар берилмаса, тез кунда касаллик яна қайтарилади.

Плазмомиелома касаллигига даволаш учун бошқа дорилардан иборат комплексларни ҳам ишлатиш мумкин (миелофалан, винクリстин, натулан ва бошқ.).

Кўрсатилган дорилардан bemor шифо топмаса, суюклардаги оғриқлар кучайиб бораверса, унда нур ёрдамида даволаш керак. Рентген ёки гамма нурлари билан даволаш ҳам дорилар билан бирга қўлланилиши мумкин. Лекин, нурлантирилганда bemor ҳужайраларининг дориларга нисбатан сезгирилги сусайиши кузатилади.

Айрим bemorларда қон ивиш жараёнининг кучайиб кетиши, парапротеинларнинг кўпайиб кетиши кузатил-

са, антикоагулянтлар, электроаэрозол ва плазмоферез билан даволанадилар.

Бемор ҳароратини пасайтириш, яллиғланишлар билан курашиш учун ҳар хил антибиотиклар ишлатилади.

Яхши даволанган bemorлар 2 йилдан ошиқроқ яшашлари мумкин.

### ВАЛЬДЕНШТРЕМ ҚАСАЛЛИГИ

И. Вальденштрем томонидан 1944 йилда топилган, лимфоцитлардан чиқадиган ўсма қасаллигидир. Бу қасаллик моноклонал гаммапатия бўлиб, соғлом одамларда лимфоцитларни чақарадиган иммуноглобулин «M» 10% ташкил қилса, бу қасалликда 60% дан кўпайиб кетади. Лимфоцитлар чиқарадиган оқсил моддаларининг сифати ҳам ўзгариб, асосан макрогоубулинлар (яъни катта молекулалик глобулинлар) дан ташкил топади. Шунинг учун бу қасаллик яна макрогоубулинли лимфоретикулез ҳам дейилади. Демак, бу қасалликда лимфоцитларда пайдо бўлган ўсма туфайли улар ишлаб чиқарадиган иммуноглобулинларнинг ҳам сони, ҳам сифати ўзгаради. Алоҳида усуллар билан текширилганда уларнинг сифати паст иммуноглобулинлар эканлиги аниқланган.

*Касалликнинг клиникаси.* Беморларнинг шикоятлари: дармонсизлик, бурундан қон кетиши, милкнинг қонаши, бош оғриши, лимфатик безларнинг катталашуви ва бошқалардан иборат.

Беморнинг ранги ўчган, периферик лимфа безлари катталашган бўлади. Геморрагик синдромининг ҳар хил ифодаларини кўриш мумкин. Жигар ва қора талоқнинг катталашуви (гепатоспленомегалия) аниқланади. Айрим bemorларда парапротеинемик ретинопатия натижасида кўзларнинг яхши кўрмаслиги, кўз остидаги майда вена томирчаларининг буралгани, майда қон қуйилишлари, кўз ости томирларининг йўналишида оқ рангли оқсил доначалар аниқланади.

Гемограммада ҳар хил даражадаги анемия ва СОЭ нинг тезланиши кўринади. Бунинг сабаби, bemорнинг қон зардобида макрогоубулинларнинг кўпайиб кетишидир. Макрогоубулинлар ультрацентрифугалаш усули билан ва Сиа усули билан аниқланиши мумкин. Маълумки, соғлом одамнинг қон зардоби 50-100 мл дистилланган сувга томизилса, у лойқамайди, Вальденштрем қасаллиги билан оғриган bemорнинг қон зардоби томизил-

са, бу сув дарҳол лойқаланади. Бу касаллиқда электрофореограммада М—градиент аниқланиши, коагулограммада гипокоагуляция бўлиши мумкин. Сийикда эса протеинурия кузатилади.

**Даволаш.** Вальденштрем касаллиги бор беморларга комплекс даво ўтказилади: циклофосфан ёки лейкерак, антианемик дорилар, қон ивишини яхшиловчи дорилар, шу жумладан профессор С. Т. Наджимитдинов усули билан эритилган аспиринли электроаэрозоль берилади.

Беморлар 2—20 йилгача яшашлари мумкин.

**Ходжкин касаллиги (лимфогранулематоз).**

Бу касаллик клиникасини биринчи бор таърифлаган (инглиз) Томас Ходжкин номи билан аталади.

Этиопатогенези тўла аниқланмаган. Бизнинг фикримизча, лимфатик тизимдан чиқадиган ўсма касалликларига киради. Бу фикрни, шу касалликка хос специфик гранулема (Ходжкин гранулемаси) нинг лимфатик безларда, қора талоқда, жигарда ва бошқа аъзоларда пайдо бўлиши тасдиқлайди. Беморда ўсма жараёни давомида лимфатик безлар қора талоқ, жигар ва бошқа ички аъзолардан олинган ҳужайралар орасида атипик ҳужайраларни кўриш мумкин.

Бу ҳужайра атрофдаги ҳужайралардан ўзини ниҳоятда (5-10 марта) катталиги билан ажralиб туради. Унинг цитоплазмаси кенг бўлиб, қизил-гунафша рангга бўялади, ядросининг хроматин иплари нисбатан йўғон бўлиб, катта тўрли саватни эслатади. Бу ядрода 2-3 та гача зангори, феруза рангли ядрочаларни кўриш мумкин. Бу ҳужайралар уларни биринчи топиб маълум қилган олимлар Березовский — Штернберг номлари билан аталган.

**Касалликнинг клиникаси.** Касаллик кутилмаган ҳолда соппа-соғ юрган одамда, кўпинча бўйинда ёки қўлтиқда жойлашган лимфатик безнинг катталанишидан бошланади. Катталашган лимфатик без мутлақо оғримайди, бошқа безлар ёки устидаги тери билан битишмайди, қаттиқ туйилади. Лимфатик безларнинг катталашувини тўрт даврга бўлиш мумкин: 1-даврда 1-2 без, 2-даврда 4-5 без; 3-даврда 5-10 та без; 4-даврда кўп безлар катталшиб кетади. Бу билан бирга астасекин беморнинг иситмаси кўтарила бошлайди. Иситма тўлқинсимон шаклда бўлади. Ҳар бир иситма тўлқини 6-7 кун ичida сақланади. 2-3 кун њормал ҳароратдан сўнг, яна 6-7 кун давомида тўлқинсимон кўтарилади.

Иситмалаш чоғида бемор қаттиқ терлайди. Лекин бу терлашда безгакдаги каби эт увишиши кузатилмайды.

Лимфогранулематозда нафақат ташқи, ички аъзолардаги лимфатик безлар ҳам катталашиб кетади. Ўпка яллиғланиб, бронхлар ёнида жойлашган лимфатик безларнинг катталашгани сабабли рентген билан олинганд мениастинум найсимон шаклда кўринади. Меъда, ичаклар, жигар, қора талоқ, буйрак ва умуман қорин бўшлиғида катталашган лимфатик безларни аниқлаш гоҳо мураккаб бўлади.

Мисол. 17 ёшли талаба қиз қишлоқ хўжалик ишлари пайтида ҳолсизланиб, иситмалаб шифокорларга мурожаат қилган. Ундаги тўлқинсимон иситмалаш, ҳолсизлик ва иштаҳаси йўқолганини эътиборга олиб уни юқумли касалликлар касалхонасига, ич терлама ташхиси билан жойлаштирганлар. У ерда бир ойдан ортиқ текширилганидан сўнг жигар ости абсцесси ташхиси билан жарроҳлик клиникасига ўтказилган. Консилиумда хирург ўз ташхисини маъқуллаб, тезлик билан жигар ости абсцессини очишига рухсат сўраган. Лекин, тўлқинсимон иситма пайтида беморнинг қаттиқ терлашини, унинг ниҳоятда оғир аҳволда эканлигини, қонида анемия, лейкоцитоз ва 17% гача таёқчасимон ядроли нейтрофил лейкоцитларнинг борлигини ҳисобга олиб, унда Ходжкин касаллиги тахмин қилиниб операция қолдирилган. Бемор эртасига оламдан ўтган. Мурда ёрилганда қорин бўшлиғидаги безларнинг лимфогранулематозга хос ўзгаргани, қорин бўшлиғидаги лимфатик безларнинг катталашиши билан ўтувчи касаллик эканлиги таъкидланган.

Бундай bemорларнинг деярлик 3/1 қисмида тери қичишиш бўлиб, bemорларни безовта қиласди.

Гемограммада ҳар хил даражадаги иккиламчи анемия бўлиб, лейкоцитларнинг сони кўп, кам ёки нормал бўлиши мумкин. Лекин лейкоцитлар формуласида бу касалликка хос чапга сурилиш, яъни таёқчасимон ядроли (нормада 1—3% гача) нейтрофил лейкоцитларнинг кўпайиб кетишидир. Деярли ҳамма bemорларда СОЭнинг тезланиши bemор қон зардобида катта молекулали глобулинларнинг кўпайиши билан боғлиқдир.

*Ташхис.* Лимфатик безларнинг катталаши, тўлқинсимон иситма билан қаттиқ терлаш, қондаги (лейкоцитлар формуласидаги) чапга сурилиш назарга олиниб, Ходжкин касаллиги ташхиси қўйилади. Беморнинг лимфатик безларидан ёки ички аъзоларидан олинганд суртмалар ва гистологик препаратларда Березовский-

Штернберг ҳужайраларининг борлиги ташхиснинг узил-кесил ҳал бўлишига ёрдам беради.

Дифференциал ташхиси. 1. Ўткир лимфатик лейкоз ва сурункали лимфатик лейкозларда лимфатик безлар катталашгани билан улар учун тўлқинсимон иситмалаш, қаттиқ терлаш, қичиших хос бўлмасдан, қон ва илик суртмасида лейкозга хос ҳужайралар пайдо бўлади, лейкоз метаплазияси, анаплазияси, геторотопик қон ҳосил бўлиши лимфогранулематозда кузатилмайди.

Лейкозга Березовский-Штернберг ҳужайралари хос эмас.

2. Инфекцион мононуклеоз тўлқинсимон иситмалаш билан ўтмайди, безлар майда, сезувчан бўлишади, Березовский — Штернберг ҳужайралари бўлмайди.

Беморлар қонида шу касалликка хос лимфомонцитлар бўлади.

3. Инфекцион лимбоцитоз тўлқинсимон иситма билан ўтмайди, лимфобезлар лимфогранулематоздагидек катта ва қаттиқ бўлмайди. Қаттиқ терлаш, қичинишлар хос эмас. Лейкоцитлар формуласида кўплаб лимбоцитлар, айрим пролимбоцитлар учраб, лимфобластлар бўлмайди.

4. Лимфосаркоматоз давомли, юқори даражадаги иситмалаш билан ўтиб, катталашган лимфа безлари бир-бери ва безлар остидаги тўқималар билан битишиб кетади; қаттиқ азобловчи оғриқ беради. Ходжкин касаллигида безлар оғриқсиз ва яллиғланиш белгиларисиз бўлиб, бир-бировлари ва атрофдаги тўқималар билан битишиб кетмайди.

5. Сил касаллигига хос лимфоаденит тезлик билан оғрийдиган лимфа безлари устидаги териларни яллиғланиб битишиб қолиши, баъзи вақтларда тешилиб оқма яра ҳосил қилиши ва йўқолмас чандиқ қолдириши билан Ходжкин касаллигидан фарқланади.

Даволаши. Ходжкин касаллигининг I—II даврларида фақат айрим, безларгина катталашган ҳолларда уларни операция йўли билан олиб ташлаш ёки рентген нурлари билан даволаш тавсия қилинади. Касалликнинг III—IV даврларида кимётерапия ўtkазиш тавсия қилинади. Ходжкин касаллигини даволашда допан, дегранол, циклофосфан, винblastин; азотиоприн+винкристин, натулан ва преднизолондан иборат комплекс тавсия қилинади. Айрим олимлар радиоактив липиодолин эндолимфатик усул билан юборишни тавсия қиладилар.

## РЕТИКУЛОСАРКОМА, ЛИМФОСАРКОМАТОЗ (ҰСМА РЕТИКУЛОЛИМФОМА)

Лимфосаркома лимфатик безлардан ўсиб чиқадиган лимфоретикуляр ҳужайралар ўсмаси. Ҳамма ўсмаларга ўхшаб бу касалликнинг сабаби шу кунгача аниқланмаган. Патогенезида лимфатик безларнинг стромаларидағи ретикуляр ҳужайраларнинг күпайишиб лимфатик безларда ўсиши натижасида улар тезлик билан катталашып, атрофдаги тұқымаларга ўсиб ўтади. Натижада бутун организм касалланади, айрим аъзоларда катталашып, марказий қон томирлар, нерв пояларини сиқиб қаттиқ, давомли оғриқлар беради. Бу хил ўсма беморни қахексияга учратып умрини қисқартыради.

*Клиникасы.* Соппа-соғ юрган одамнинг құлтиғида ёки қовуғида сезиларлы даражада лимфатик безлар катталашып, иситмаси құтарилади. Қун сари дармон қуриб, катталашган лимфатик безлар атрофида ва тагида аста-секин оғриқ пайдо бўлади. Бу ҳол даҳшатли тезлик билан катталашып бораётган лимфобезларнинг атрофдаги нерв толаларини сиқишидан дармонсизлик кучаяди, иситма 39-40 лардан тушмай, беморнинг тинкасини қуритади. Оғриқ кучайиб бориб, беморни кечаю-кундуз азоблай бошлайди. Беморнинг азобдан ўзгарган чеҳрасининг ўзи ундағи оғир касалликнинг нишонасидир. У шишиб катталашып қолган лимфатик безларини авайлашга ҳаракат қиласы. Ўсма ўсиб бориб ички аъзолардан трахеяни ээса, бемор күкариб кетиб, бўғилиб қийналади, сон томирларини ээса, оёқда гангrena, елка томирларини ээса, қўлда гангrena бошланиб беморни чидаб бўлмайдиган азобларга солади, қахексия кузатилади. Айрим лимфо гуруҳларнинг бундай даҳшатли тезлик билан ўсиши ҳар бир аъзодан шу жумладан — тери, ўпка, простата ва бошқаларда кузатилиши мумкин. Ўсма ҳужайралари лимфатик ва қон томирларидан бориб деярли барча ички аъзоларда метастазлар беради. Бунинг натижасида айрим аъзоларда катта-катта ретикулосаркома тугунлари (шишлари) ҳосил бўлади. Яъни бу касалликда ҳам аутохтон, ҳам метастатик равишда бемор организмида лимфосаркоматоз ҳужайраларнинг тарқалиши кузатилади. Бемор илигидан қора талофидан, қонидан ҳамда лимфобезларидан тайёрланган суртмаларда (Папенгейм усули билан бўяб, кўрилганда) лимфобезларга хос ҳужайраларнинг ўрнига кўплаб лимфоретикуляр

хужайраларни кўриш мумкин. Лимфоретикуляр ҳужайра диаметри 15—25 микрон атрофидаги думалоқ шаклдаги ҳужайра бўлиб, уни ҳаво ёки зангори ранг кенг цитоплазмасида ингичка ва нозик хроматин иплардан ташкил топган гунафша қизил рангдаги ёш ядроси кўринади, ядросини ичдиа худди қуш инида ётган тухумларга ўхшаб думалоқ шаклдаги ҳаво ранг 2—3 та ядрочалари кўринади. Бу ҳужайраларнинг кўпчилигига митотик бўлиннишнинг ҳар хил даврларини ҳам кўриш мумкин. Айрим лимфоретикуляр ҳужайраларнинг цитоплазмаларида вакуоллар бўлиб, улар худди макрофагларга ўхшаб кетади. Гемограммада тезлик билан анемия, нейтрофил лейкоцитоз ҳосил бўлади.

**Даволаши**—рентгенотерапия, телегаммотерапия, кимётерапияси.

**Мисол.** Доцент С., 64 ёшгача ҳеч қандай касал бўлмай ўзини жуда соғлом ҳисоблаб юрган. Кунлардан бирда ўзининг қовуғида қандайдир ноқулайлик сезган. Лекин парво қилмай яна бир ҳафтача юрган. Бир ҳафта ўн кунлардан сўнг ўнг қовуғидаги лимфобезлар юргазмай қўйганидан сўнг поликлиникага мурожаат қилиб тезлик билан гематология клиникасига олиб келтирилган. Касал бошланганининг 10-куни аҳволи жуда оғир, дармонсизланган, чеҳраси жуда ғамгин, азобли. Қўмирламасликка ҳаракат қилиб, шивирлаб гапиради. Иситмаси 40°C. Томири тез уради, юмшоқ ва заиф. Юрак ва марказий бўйин томирларининг устида анемик шовқинлар, артериал қон босимининг пасайгани аниқланди. Қовуқдаги лимфогурухнинг устидаги териси қизармаған, лекин унинг тагида тошдек «пакет» бўлиб қолган лимфобезлар билан битишиб қолгани аниқланди. Ундан ташқари, лимфобезлар тўқималарга қаттиқ ўсиб киргани сезилди. Беморга «Ўткир лимфосаркома» ташхиси қўйилиб, телегамматерапияга юборилди.

## АГРАНУЛОЦИТОЗ ЕКИ АНЕЙТРОФИЛЕЗ

Беморнинг қонида ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитларни бутунлай ёки деярли бутунлай камайиб кетиши натижасида ҳосил бўладиган ҳужайравий иммунитетнинг заифланиши.

**Сабаби.** Асосан икки хил бўлади:

— биринчиси а) юқумли инфекцион касалликлар, жумладан ангина, сепсис, сарамаç, грипп, чечак, малярия, лейшманиоз, ич терлама, бруцеллёз, сил, пневмония ва бошқ. туфайли; б) гаптен хусусиятига эга дорилар, жумладан, анальгин, новокаин, бутадион, син-

томицин (хлорамфеникол), хлорэтиламиналар, пиromидон, ПАСК, тубазид ва бошқ. сабабли; бевосита цитопения берувчи дорилар — аметоптерин, б—меркапто-нурин, миелосан, допан, дипин, дегранол, циклофосфан, сарколизин, винblastин ва бошқа таъсирида; в) ҳар хил бузилган донларни истеъмол қилиш оқибатида.

Биринчи хил сабаблар таъсири остида одам организмидаги иммуноглобулинларнинг хусусиятлари ўзгариб ўз организми ҳужайраларига қарши таъсир қилувчи антигенлар, бу антигенларга қарши антителолар пайдо бўлади. Бу антителолар таъсири остида ҳужайралар, шу жумладан ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар ҳалок бўлади. Бу антителолар периферик қонда эркин сузиб юрувчи ёки айrim ҳужайралар устига жойлашган бўлади. Уларни маҳсус иммунологик реакциялар ёрдамида бевосита ва билвосита. Кумбс реакцияси билан аниқласа бўлади. Энг оддий услуб, беморнинг қон ҳужайраларини донорнинг қон зардобига, донорнинг қон ҳужайраларини bemорнинг қон зардобига қўшиб, 12—24 соатгача 37°C термостатга қўйгандан сўнг гемолиз бор-йўқлигини текширишдан иборат.

Биринчи хил сабаблардан ҳосил бўлган агранулоцитозда периферик қондаги ҳужайралар шу жумладан ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар бутунлай ёки деярли бутунлай камайиб кетса ҳам кўпчилик bemорларнинг илигида миелопоез ва гранулоцитларнинг етилиши кузатилади. Шу сабабли периферик қондаги антилейкоцитар антителолар йўқ қилинса, ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар яна кўпайиб бориб, ҳужайравий иммунитет инқизози йўқ бўлиб, bemор тузалади. Чунки, Нобель мукофотига сазовор бўлган, профессор И. И. Мечниковнинг таърифича, лейкоцитлар ҳар қандай организм учун ёт бўлган микробларга нисбатан организмнинг бирламчи қаршилик кўрсатувчи кучлари сифатида ҳаракат қилали. Инфекция таъсирида яллиғланган тўқималардаги цитологик жараённинг натижалари бунинг тўғрилигини кўрсатган. Бизнинг фикримизча, организмнинг қайерида микроблар таъсирида яллиғланиш бошланса, бу тўқимада бирламчи ҳимоя воситаси сифатида макрофаглар билан бир вақтда ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар кўплаб пайдо бўлади. Бу феномени биз яллиғланиш жараённинг нейтрофил-макрофаглар даври деб номлаганмиз. Ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар дейишимизнинг сабаби — фагоцитоз, яъни ҳимоя қилиш қобилияти, асосан ядроси

сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар томонидан ба-  
жарилади.

Иккинчи хил сабаблар: а) ионлаштирувчи нур-  
лар; б) қон ҳосил қилувчи тизимда метаплазия берув-  
чи касалликлар (үткир лейкоз, сурункали лимфолей-  
коз, ҳар хил ўсма касалликлари ва бошқ); в) қон ҳосил  
қилувчи тизимда гипо-аплазия берувчи касалликлар  
(үткир ва сурункали гипоапластик анемиялар ва бош-  
қалар).

Бу хил сабаблар натижасида иликдаги гранулопоез  
жараёни бузилади, ядрои сегментлашган нейтрофил  
лейкоцитларнинг ҳосил бўлиши илдизидан қурийди.  
Бундай bemорларда ядрои сегментлашган нейтрофил  
лейкоцитлар нафақат периферик қонда, иликда ҳам  
бутунлай ёки деярли бутунлай камайиб кетади.

*Касалликнинг патогенези.* Ядрои сегментлашган  
нейтрофил лейкоцитларнинг бутунлай ёки деярли бу-  
тунлай камайиб кетиши натижасида инсон организ-  
мида ҳужайравий иммунитет тизимида инқироз рўй  
беради. Оқибатда организмнинг патоген (касаллик  
чақириувчи) микробларга қарши курашиш қобилияти  
йўқолади. Натижада ички ва ташки аъзоларда некро-  
тик ва яллиғланиш жараёни ривожланади. Некротик-  
яллиғланиш жараёни ички аъзо ва тўқималарнинг ҳо-  
латига, оғир ҳолатларда бутун организмнинг ўлимига  
олиб бориши мумкин.

*Касалликнинг клиникаси.* Касалликнинг клиникаси  
унинг сабабларига боғлиқ бўлиб, ҳар хил таърифла-  
нади. Асоқий касаллик симптомлари орасида бу касал-  
лик учун хос бўлмаган қаттиқ ҳолсизланиш, иситма-  
лаш каби симптомлар пайдо бўлади. Булар билан бир-  
га некротик — яллиғланиш синдроми ифодаланади. Be-  
морнинг оғзида, тилида, милкида, лунжларида, бодомча  
безларида қора-қора нуқталар, сўнг қора доғлар,  
уларнинг атрофида қаттиқ яллиғланиш пайдо бўлиб  
беморни безовта қиласи. Иситмаси кўтарилиб bemor  
тезлик билан ҳолсизланади. Ички аъзоларида ҳам худ-  
ди шундай некротик яллиғланишлар ҳосил бўлгани  
учун bemорда некротик ангинан, пневмония, гастроэн-  
тероколит, пиэлонефрит, эндоцервицит ва бошқа касал-  
ликлар белгиси пайдо бўлади. Беморларнинг териси-  
да, айниқса укол қилинган жойларда қон қуюлишлари  
пайдо бўлади. Лимфатик безлар, қора талоқ ҳамма  
вақт ҳам катталашмайди. Некротик ангинан вақтида  
жар ости безлари, яқин лимфобезлар катталашади.  
Ўлка, бронхларда ҳар хил пневмониялар, обструк-

тив бронхит, юрак-томир тизимида эндомиокардит, перикардит, сийдик таносил аъзоларида ҳар хил дара жали некротик яллиғланишлар ҳосил бўлади.

Беморнинг гемограммасида ҳар хил даражали анемия, бу касалликка хос лейкопения ва нейтропения аниқланади. СОЭ тезлашади. Айрим bemорларнинг қонида тромбоцитопения ҳам учрайди. Натижада некротик — яллиғланиш синдромига геморрагик синдром ҳам қўшилади. Лейкоцитар формулада ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитларнинг нормадаги 40—65% и ўрнига 5—6% ёки 1—2% қолгани кўринади. Ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитларнинг цитоплазмасида токсоген доначалар пайдо бўлади.

Биринчи хилдаги сабаблар натижасида ҳосил бўлган агранулоцитозда bemор қонида лейкопения ва нейтропения бўлишига қарамай, илигида тўла гранулопоез ҳужайралари бўлиши мумкин. Иккинчи хил сабабларда эса икки турдаги иликдаги ўзгаришлар кузатилиши мумкин: биринчи турдаги ўзгаришлар — лейкоз метаплазияси шаклида бўлиб, илик пунктатида асосан лейкоз ҳужайралари топилади. Иккинчи турдаги ўзгаришларда эса иликда гипо ёки апластик ҳолат кузатиласи.

**Дифференциал ташхиси.** 1. Ўткир апластик анемия билан ўтқазилади. Бу касаллик ўткир агранулоцитоздан гемограммада лейкоцитлар билан бир вақтда эритроцитлар, ретикулоцитлар ва тромбоцитларнинг камайиб кетиши, яъни қонда панцитопениянинг ҳосил бўлиши билан фарқаланади.

2. Ўткир лейкоздан фарқлаш учун нейтрофил лейкоцитларнинг камайиши билан бир вақтда лейкоцитлар формуласида ёш (blast) ҳужайраларнинг пайдо бўлишига эътибор бериш лозим. Бундан ташқари, ўткир лейкозда гиперплазия, метаплазия, анаплазия ва гетеротоп қон ҳосил қилувчи ўчоқлар мавжуд бўлади.

3. Сурункали лимфолейкознинг терминал даврида ҳам нейтропения кузатилиши мумкин. Шу билан бирга сурункали лимфолейкозга хос клиник симптомлар ҳам яққол кўринади (лимфатик безларнинг қора талоқнинг катталашуви, лимфопролиферация, метаплазия ва қон суртмаларида Гумпрехт — Боткин соялари, Ридер ҳужайралари).

4. Агранулоцитоз юқумли касалликлар туфайли ҳосил бўлса, сабабчи бўлган касалликларнинг симптомлари ҳам кузатиласи.

5. Ўткир нур касаллигига бу касалликка хос би-

ринчи ва иккинчи даврларнинг клиник ва гематологик белгилари аниқланади.

6. Дори-дармонлар таъсирида ҳосил бўлган агранулоцитозни фарқлаш керак.

*Агранулоцитозни даволаш усуллари.* 1. Энг аввал агранулоцитозни сабабини аниқлаб, бартараф этиш лозим.

2. Асосий даволаш принципи bemorга қон ва унинг таркибларини (эритромасса, лейкомасса, қон зардobi ва бошқ.) қўйишдан иборат.

3. Антибиотиклар билан даволаш.

4. Гормонлар билан даволаш.

5. Пентоксил билан даволаш.

6. Юрак гликозидлари ва бошқа дорилар билан даволаш.

7. Жигар препаратлари билан даволаш.

*Профилактикаси.* 1. Дори-дармонларни тўғри ва ўринли ишлатиц.

2. Ўткир ва сурункали нур касалликларини ўз вақтида ва тўғри даволаш.

3. Онкологик хасталикларни даволашда нурнинг дозасини индивидуал белгилаш.

## ЎТКИР НУР ҚАСАЛЛИГИ

Ўткир нур касаллиги деб, 1 грейдан ортиқ ионлаштирувчи нурларнинг дозасини бир неча дақиқадан 1 суткагача вақт давомида таъсири остида ҳосил бўладиган касалликка айтилади.

Ионлаштирувчи нурлар деб, табиий радиоактив моддалар (радий, уран, стронций, цезий ва бошқ.), сунъий радиоактив моддалардан (хром—52, ѹод—131, фосфор—32 ва бошқ.) чиқувчи рентген нурларига айтилади. Уларни ионлаштирувчи нурлар дейилишининг сабаби—бу нурларнинг таъсирида организмда ионлашиж жараёни ҳосил бўлади, яъни организмдаги атомларнинг ионланишига туртки бўлади. Бу эса ҳаёт учун зарур бўлган ДНК, РНК, оқсил модалар, шакар, ёғ, гормон ва ферментлар молекулаларининг бузилиб кетишига олиб келади. Чунки атомлар валентлик хислатига эга бўлиб, молекуляр асосда ҳаётни таъминлаб турувчи элементлар бўлса, ионлар валентлик хусусиятига эга бўлмагани учун молекулалар бузилиб кетади. Молекулаларнинг бузилиши ҳужайра органоидларнинг бузилишига, улар ўз навбатида ҳужайраларнинг ҳалокатига, ҳужайраларнинг ҳалокати тўқималар ва аъзоларнинг ҳалокатига, бу эса бутун организмнинг ҳало-

катига олиб бориши мумкин. Ионлаштирувчи нурларнинг салбий таъсири бевосита таъсири дейилади. Бу билан бирга ионлаштирувчи нурларнинг билвосита таъсири мавжуд. Маълумки, инсонларга ташқи нафас олиш билан бирга ички нафас олиш жараёни хосдир. Ички ҳужайравий нафас олиш жараёнининг ҳам тўғри ва қўшимча турлари маълум. Қўшимча (побочный) нафас олиш жараёнида водород пероксид ҳосил бўлиб, у ҳар бир ҳужайрада бўладиган пероксидаза ферменти туфайли сўв ва атомар кислородга парчалаланиб ҳужайраларга зиён келтирмайди. Ионлаштирувчи нурларнинг бевосита таъсири остида пероксидаза емирилиб ҳужайраларда водород пероксиди қўпаяди, оқибатда ҳужайра органоидлари ёнади, бу эса ҳужайраларнинг, сўнг тўқималарнинг, организмнинг ҳалокатига олиб боради.

Амалда ионлаштирувчи нурларнинг бевосита ва билвосита таъсиrottлари бирданига бўлади. Шу сабабли ионлаштирувчи нурлар таъсирида кенг ва чуқур ўзгаришлар рўй беради.

Ионлаштирувчи нурларнинг салбий таъсиrottи уларнинг дозасига боғлиқ бўлгани учун ўткир нур касаллигининг шакли фарқланади.

I шакли — суюк-кўмикниң заарланиши 1—10 Гр таъсири бирлигидан ҳосил бўлади.

II шакли — меъда-ичакларнинг заарланиши, 10—20 Гр гача таъсири бирлигидан ҳосил бўлади.

III шакли — томирларнинг жароҳатланиши, 20—30 Гр гача таъсири бирлигидан ҳосил бўлади.

IV церебрал шакли — 30 дан юқори Гр (грей) таъсири бирлигидан ҳосил бўлиши аниқланган.

Ионлаштирувчи нурлар таъсири остида биринчи галда суюк-кўмик ҳужайраларининг жароҳатланишини Бергонье ва Трибондо қонунияти билан изоҳласа бўлади. Бу қонуниятга биноан тўқималарда митотик жараён қанчалик юқори бўлса, уларни ионлаштирувчи нурларга сезгирилиги шунчалик баланд бўлади, митоз қанчалик кам бўлса, уларни ионлаштирувчи нурларга сезгирилиги шунчалик кам бўлар экан.

Соғлом одамнинг суюк-кўмик илигига бир сутқада, 250—300 минггача қон ҳужайралари (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар) ўлиб, шунчаси туғилади. Шу сабабли суюк-кўмик илиги ионлаштирувчи нурларга нисбатан энг сезубчан тўқима ҳисобланади.

Ўткир нур касаллигининг суюк-кўмик шакли 4 хил оғирликда бўлади:

- I даражали енгил ўткир нур касаллиги, 1—2 Гр таъсирида юз беради.
- II даражали ўрта оғир ўткир нур касаллиги, 3—4 Гр таъсирида юз беради.
- III даражали оғир ўткир нур касаллиги, 5—6 Гр таъсирида юз беради.
- IV даражали жуда оғир ўткир нур касаллиги, 7—10 Гр таъсирида юз беради.

*Касалликнинг клиникаси.* Ўткир нур касаллигининг клиникасида 4 давр фарқланади: биринчиси, бошланғич ёки организмнинг ионлаштирувчи нурлар таъсирига, бирламчи реакцияси даври; иккинчиси, латент даври; учинчиси, касалликнинг авж олган даври; тўртнинчиси, саломатликнинг тикланиш (тузалиш) даври.

Биринчи давр ўткир тусда бошланиб ўзига хос тўрт клиник синдром — *диспептик, томир тортшиши, руҳий-моторика, ичнинг динамик юришмаслиги ва радиацион шок билан характерланади.*

Бу синдромларнинг алоҳида эътиборга лойиқ аломати қайт қилиш (қусищ) бўлиб, дала шароитида унга асосланиб биологик дозиметрия усулидан фойдаланиш мумкин. Биологик дозиметрия усули ёрдамида нурланышдан сўнг нур касаллигининг оғирлигини аниқлаш мумкин. Масалан, инсон нурланганидан сўнг 2 соат ўтгач бир марта қусса, унда енгил даражали ўткир нур касаллиги ( $1 \text{ Гр}^{-2}$ ); 1,5 соатда 2 марта қусса, ўрта оғир даражаси ( $3-4 \text{ Гр}$ ); 1 соатда 3—4 марта қусса, оғир даражаси ( $5-6 \text{ Гр}$ ); 30—40 дақиқа давомида қусса, жуда оғир даражаси ( $7-10 \text{ Гр}$ ) доза олгани маълум бўлади. Бу усул дала шароитида оммавий жароҳатланиш пайтларида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб беморларни тезлик билан шифокорлар кўригидан ўтказишга ёрдам беради.

Ўткир нур касаллигининг иккинчи ишончли аломати ҳар хил даражали клиник ва томир тортishiшлари ҳисобланади.

Руҳий — ҳаракатлар синдроми икки кўринишда ўтади: биринчи хилида bemорлар ҳаяжонланиб, ўзларини ҳар ерга уриб, бақириб-чақириб, ёрдам сўраб фаол ҳаракатланадилар; иккинчи хилида bemорлар пассив бўлиб атроф-муҳитга бутунлай бефарқ, ҳаракатсиз бўладилар. Динамик ичак юришмаслигига bemорлар бир неча кунлаб ёзила олмай қийналадилар;

Радиацион шок ҳолати шокка хос жами симптомлар билан ўтади.

Нурланишнинг биринчи даврида бемор илигида гиперплазия ҳосил бўлиб, бу миелокариоцитларнинг кўпайиб кетиши билан изоҳланади. Гемограммада ретикулоцитоз, нейтрофил лейкоцитоз аниқланади, СОЭ тезлашади.

Биринчи давр 2—3 суткадан сўнг ўтиб кетади, қусиши, томир тортишишлари каби клиник руҳий-ҳаракатланиш синдроми йўқолиб, шок ўтиб кетади. Иккинчи давр бошланади. Ўткир нур касаллигининг иккинчи даври латент ёки сохта тузалиш даври дейилади. Чунки бу даврда ўткир нур касаллигининг клиник симптомлари бутунлай ўтиб кетиб бемор ўзини яхши ҳис қиласди. Лекин 2—4 ҳафта ўтгач (бу вақт ичиде беморни узоқ манзилга эвакуация қилиш мумкин), у жангларда ёки хизматда бўлиши мумкин. Тез орада ўткир нур касаллигининг учинчи авж олган даври бошланади. Бу даврнинг давомийлиги нурланиш дозасига боғлиқ бўлиб, олинган доза қанча кўп бўлса, бу даврнинг муддати шунчалик қисқа бўлади, қанчалик кам бўлса, шунчалик давомли бўлади.

Нур касаллигининг иккинчи даврида бемор илигидаги чуқур ўзгаришлар бўлади. Биринчи навбатда иликдаги лимфоцитлар йўқ бўлиб кетади, бунинг натижасида бемор организмида гуморал иммунитет инқирози кузатилади, сўнг ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар (микрофаглар) ва моноцитлар (макрофаглар) йўқ бўлади, оқибатда ҳужайравий иммунитет инқирози ҳосил бўлади. Организмнинг иммун ҳимоясиз қолиши некротик-яллиғланиш ривожланиши учун замин тайёрлайди.

Нурланган беморларнинг илигидаги мегакариоцитлар ҳалокатга учраши сабабли гемограммада тромбоцитопения ҳосил бўлиб, геморрагик синдромга олиб боради.

Демак, бу даврда иликда гипо-аплазия, гемограммада эса панцитопения кузатилади.

Ўткир нур касаллигининг учинчи авж олиш даври учун 5 та асосий клиник синдромлар ҳос бўлади:

1. *Некротик-яллиғланиш синдроми.* Беморнинг оғиз бўшлиғида (тили, милклари, лунжи, бодомча безларида) қора рангли некрозлар пайдо бўлиб, унинг оғзи-бурнидан ёқимсиз ҳид кела бошлайди. Беморнинг аҳволи оғирлашиб, иситмаси кўтарилади, нурланган томонидан соч ва соқоллари тўкилади. Натижада некротик эзофагит, гастрит, дуоденит, энтерит, колит, пневмония, пиэлонефрит каби касалликлар авж олиб беморнинг аҳволи жуда ҳам ёмонлашиши мумкин.

Яна бир синдром — геморрагик синдром бўлиб, бунда бурундан қон кетишдан тортиб, деярлик ҳамма ички ва ташқи аъзолардан қон кетиш ҳоллари кузатилади.

Меъда-ичак тизими шикастланса, радиацион энтерит кузатилади. Қоринда қаттиқ оғриқ билан тез-тез ич кетиши, беморнинг суюқ ахлатида шиллиқ, йиринг-нинг пайдо бўлиши кузатилади. Ниҳоят чуқур яллиғланиш ўчоғи ҳосил бўлиб ичаклар тешилиб кетади, перитонит ривожланади.

Томирлар тизимида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй беради. Бевосита нурланган катта томирларнинг битиб қолиши натижасида бемор оёқларида гангрена; кўз томирлари шикастланганда кўр бўлиб қолиш ҳоллари кузатилади. Беморларнинг териси тўрт хилдаги ўзгаришларга дучор бўлади. Нурланиш натижасида эритема ривожланади, пуффаксимон ўзгаришлар кузатилади, яралар ҳосил бўлади, куйиб кўмирланиш ҳолатлари учрайди.

Суяк-кўмикдаги ўзгаришлар гипо-апластик хусусиятга эга бўлиб, гемограммада панцитопения кузатилади. Бундай оғир ҳолатларда бемор тирик қолса, 2—3 ойлардан сўнг тузалиш даври, ўткир нур касаллигининг тўртинчи даври бошланади. Бу даврда бемор қонида лейкоцитлар қайта пайдо бўлади, иммунитет қайта тикланади. Иммунитет тикланиши билан яллиғаниш ва некротик ўчоқлар йўқ бўлиб, регенерация кузатилади. Беморнинг аҳволи яхшиланиб иситмаси тушади, иштаҳаси тикланади, ички ва ташқи аъзолардаги касаллик асоратлари секинлик билан қайта бошлиди. Тузалиш жараёни узоқ давом этади.

*Ўткир нур касаллигини даволаш усувлари.* Ўткир нур касаллигини даволаш учун аввалам бор қайт қилишни тўхтатиш мақсадида ҳар бир киши ўзи ва ўз хамроҳлари билан бир таблеткадан этаперазин қабул қилиши шарт. Этаперазин таблеткасида 6 мг дори бор. Қусиши қолдириш учун 0,1% атропин сульфатдан 1,0 мл тери остига укол қилинади. Қаттиқ қусиши тўхтатиш учун 1,0—2,0 мл 2,5% аминазин мушаклар орасига юборилади.

Қусиши тўхтатиш билан бир вақтда нурланган одамлар дезактивация қилинади ва тезлик билан тиббиёт эвакуация манзилларига жўнатиладилар.

Кўп қусиши натижасида ҳолсизланган bemорларга, сувсизланиш ҳолатидан чиқариш учун 0,9% физиологик суюқлик, полиглюкин, реополиглюкин ва бошқа суюқликлар қўйилади.

Юрак-томир фаолиятини яхшилаш учун юрак гли-  
козидлари, кордиамин, кофеин ва бошқа дори-дармон-  
лар ишлатилади.

Қасалликнинг иккинчи даврида беморларга консер-  
вация қилинган илик (қон гуруҳи, резуси, HLA антиген,  
Кумбс реакциялари текширилгач) трансплантация қи-  
линади.

Қасалликнинг учинчи даврида беморга қон ва унинг  
таркиблари қўйилади, ампициллин, карбенициллин, ген-  
тамицин ва бошқа антибиотиклар ишлатилади. Лозим  
бўлса жарроҳлик операциялари қилинади.

Қасалликнинг тўртинчи даврида симптоматик да-  
волар билан бирга парентерал даволаш учун амино-  
кислот гидролизатлар (аминопептид аминокрёвин ва  
бошқ.) қўйилади.

*Ўткир нур қасаллигининг оқибатлари.* 1. Ўткир нур  
қасаллиғи сурункали нур қасаллигига ўтиши мумкин.

2. Ўткир нур қасаллигига хромосома аберацияси  
натижасида беморларда ҳар хил ўсма ва лейкоз (қон  
ўスマлари) ривожланиши мумкин.

3. Ўткир нур қасаллиги билан қасалланган аёллар-  
дан мажруҳ (оғзи, ичаклари йўқ, қўл ёки оёқсиз) бо-  
лалар туғилиши мумкин.

*Профилактикаси.* Онкология муассасасида рентген  
ва гамма — терапия жараёнида нур бериш муолажаси  
ҳар бир беморнинг шахсий сезирлигига (нурга нис-  
батан) қараб тайинланади..

### ҚОНДАГИ ЛЕЙКЕМОИД РЕАКЦИЯЛАР

Қондаги лейкемоид, яъни лейкозга ўхшаш, реакция-  
лар ҳар хил сабаблар туфайли ҳосил бўлади, лекин  
айрим қон ўзгаришлари лейкозниги ўхшаш бўлади.  
Бу ўхашлик икки хил бўлиб, биринчи миелоид хил-  
даги лейкемоид реакция, иккинчиси эса лимфоид хил-  
даги лейкемоид реакция, дейилади. Биринчи хил лейкемоид  
ўз навбатида яна уч турга бўлинади: нейтрофил,  
эозинофил ва миелобласт хилдаги лейкемоид реакция-  
ларга. Иккинчи хил лейкемоид реакциялар ҳам икки  
турга: лимфоид ва монцитоид (шу жумладан инфек-  
цион лимфоцитоз ва мононуклеоз) лейкемоид реакция-  
ларга бўлинади.

Барча лейкемоид реакциялар гиперплазия туфайли  
лейкозга ўхшайди. Қондаги лейкемоид реакциялар учун  
лейкозда бўладиган анаплазия, метаплазия ва гетеро-  
топ қон ҳужайралари ҳосил қиласидиган ўчоқлар хос  
эмас.

Қондаги миелоид турдаги лейкемоид реакция сепсис, йиринглаш жараёнлари, зотилжам, сил, ўткір нур касаллигининг биринчи даврида, зақарланиш ва шок ҳолатларыда кузатилиши мүмкін.

Бундай лейкемоид реакцияның хұсусиятли жиҳати шундаки унинг клиникаси сабабчи бўлган касаллик-нинг клиник ифодаси тарзида намоён бўлади. Фақат бундай беморларнинг қонида лейкоцитларнинг сони кўпайиб лейкоцитлар формуласида чап томонга сурилади, яъни ядроси сегментлашган ва таёқчасимон ядролик нейтрофил лейкоцитлар билан бир вақтда кўплаб метамиелоцитлар, промиелоцитлар, миелоцитлар ва ҳатто — миелобластлар ҳам пайдо бўлади. Сурункали миёлолейкоз касаллигига хос лейкоформула кузатиласи. Лекин қондаги лейкемоид реакцияда сурункали миёлолейкозга хос базофил эозинофил коэффициенти бўлмайди, яъни эозинофил лейкоцитлар билан бир вақтда базофил лейкоцитларнинг кўпайиши кузатилмайди. Ундан ташқари қондаги миелоид турдаги лейкемоид реакция учун анаплазия, метаплазия ва гетеротоп қон ҳужайралари ҳосил қиласидан ўчақларнинг пайдо бўлиши хос әмас.

Эозинофил туридаги лейкемоид реакция аскаридоз, трихинеллөз, геминолепидоз, описторхоз, фасциолёз ва бошқа гельминтозларда бўладиган лейкоцитлар формуласидаги ўзгаришлардир. Клиникаси гельминтозлар клиник манзараси каби бўлиб, беморларнинг қонида лейкоцитларнинг умумий кўпайиши билан бирга лейкоцитлар формуласида эозинофил лейкоцитларнинг сони 8—10% дан 80—90% гача кўпайиши кузатиласи. Ҳаммадан қизиги шундаки, бундай беморларнинг қонида учта сегментта бўлинган ядроли эозинофил лейкоцитлар учрайди. Бундай эозинофиллар соғлом одамда учрамайди.

Лимфоид турдаги лейкемоид реакциялар икки хил кечиши мүмкін: биринчи хили, инфекцион лимфоцитоз бўлиб, айрим вирус таъсири остида ҳосил бўладиган инфекцион касалликдир. Унинг клиникаси узоқ вақт (ҳафталаб, ойлаб, ҳаттоки йиллаб) давомида иситмалаш билан бирга, айрим лимфатик безларнинг каттаниши билан характерланади. Бундай беморларнинг қонида узоқ вақт давомида ҳар хил даражали лейкоцитоз ва лимфоцитоз кузатиласи. Лекин беморнинг лейкоцитлар формуласида ҳеч қачон на лимфобластлар на пролимфоцитлар, Гумпрехт-Боткин соялари кузатилмайди. Иккинчи хил айрим касалликларда лим-

фоцитларнинг ниҳоятда юқори даражада (60—80% гача) кўпайиши билан характерланиб, лейкоцитлар формуласидаги бу хил ўзгаришлар қондаги лимфоид реакцияни чақирган касалликнинг клиник аломатлари билан ўтади.

Моноцитоид турдаги лейкемоид реакция ҳам икки хилда ўтади: биринчи хили бу Шильдрузенфибер же-лезистая лихорадка ёки Н. Филатов касаллиги тарзида бўлиб, шу касалликка хос белгилар иситмалаш, ангина, лимфатик безларнинг катталашуви қонда ҳар хил даражали лейкоцитоз ифодаланади. Лейкоцитлар формуласида икки хил ҳужайралар веретено шаклидағи плазморетикуляр ҳужайралар ва гунафша рангли цитоплазматик, ядроси ялтироқ моноцитларнинг кўпайиши билан характерлаанди. Ҳеч қандай анаплазия, метаплазия ва гетеротоп қон ҳужайралари ҳосил қилувчи ўчоқлар бўлмайди. Йккинчи хили ҳар хил ўсма касалликларида ва паразитар касалликларда моноцитларнинг 25—35% ундан баландроқ даражага кўтарилишидир. Клиникаси моноцитознинг сабабчиси бўлган касалликлар клиник аломатлардан иборат бўлади.

**Даволаши.** Лейкемоид реакцияларни келтириб чиқарган асосий касалликларни даволашдан иборат.

**Профилактикаси** — асосий касалликни тўғри даволаш.

### *Мавзу бўйича ўз билимларини текшириш учун савол ва топшириқлар*

1. Лейкоз нима?
2. Лейкознинг келиб чиқиши ҳақида қандай назариялар бор?
3. Лейкознинг 4 та патогенетик хусусияти.
4. Лейкознинг таснифи.
5. Ўткир лейкознинг клиникаси қандай?
6. Ўткир лейкозни даволаш усулларини таърифланг.
7. Сурункали миелолейкоз қандай хасталик?
8. Сурункали миелолейкозни даволаш усуллари қандай?
9. Сурункали лимфолейкоз қандай хасталик?
10. Сурункали лимфолейкозни даволаш усулларини таърифланг.
11. Парапротеинемик гемобластозлар нима?
12. Плазмацитома ёки Рустицки — Калер касаллиги қандай хасталик?
13. Вальденштерм касаллиги қандай хасталик?

14. Ходжкин касаллиги қандай касаллик?
15. Лимфоретикулосаркома нима?
16. Агранулоцитоз нима?
17. Ўткир нур касаллиги қандай хасталик?
18. Биологик дозиметрия нима? Шифокорнинг дала шароитидаги фаолияти учун унинг қандай аҳамияти бор?
19. Ионлаштирувчи нурларни бевосита ва билвосита таъсиротлари қандай ифодаланади?
20. Ионлаштирувчи нурлар нима?
21. Ўткир нур касаллигини даволаш усулларини таърифланг.
22. Кондаги лейкемоид реакциялар нима?
23. Миелоид лейкемоид реакциялар нима?
24. Лимбоид лейкемоид реакциялар нима?
25. Эозинофил лейкемоид реакциялар нима?

## II боб. КЛИНИК ҚОАГУЛОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Коагулология — қон ивиш (гемостаз) жараёни түғрисидаги фан. Инсон соғ ва саломат бўлиши учун унинг қони суюқ ҳолатда бўлиши шарт. Айрим сабабларга кўра қон ивиш жараёни бузилса, ҳаёти хавф остида қолади. Чунки томирлар ичидаги ҳосил бўладиган қон ивишмалари ҳаёт учун муҳим бўлган (бош мия, юрак миокарди, ўпка, буйрак усти бези ва бошқ.) аъзоларнинг микроциркуляция зоналаридан ўтаолмай қолиб ҳаёт учун хавфли тромбозлар ҳосил қиласида. Оқибатда инфаркт, инсульт касаллеклари ривожланиб ўлимга олиб боради. Қон ивиш жараёни ниҳоятда сезувчан ва ўзгарувчан жараён бўлиб, у ташқи ва ички сабаблар таъсири остида ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар қонуниятини ўрганувчи фан коагулология, яъни қон ивиш түғрисидаги илмдир. Коагулология нормал қон ивиш жараёнини ўрганиш билан бирга охирги йилларда қон ивишнинг бузилиши ҳолатлари билан ҳам шуғулланади. Бу борада анчагина сезиларли ютуқларга эга бўлган. Масалан йигирманди асрда ўтказилган текширувларга биноан ўткир инфаркт касаллиги асосан қон ивиш жараёнининг бузилиши оқибати эканлиги аниқлангандан сўнг, бу касалликни антикоагулянтлар билан даволаш эраси бошланди. Натижада инфарктдан бўладиган ўлим 93% дан 13-7% гача пастга тушиб кетди. Ҳозирги вақтда минглаб ўткир инфракт касаллигини бошидан ўтказган кишилар яшаб, ишлаб юрадилар.

Клиник коагулологиянинг муваффақиятлари туфайли ҳозирги вақтда ҳар хил тромбоэмболия касалликлари, уларни оқибатлари бўлган инсульт, инфаркт, томирлар тромбози антикоагулянтлар билан даволанмоқда.

Одамда қон ивиш жараёнинг бузилиши коагулопатия дейилади. Коагулопатия ниҳоятда кўп сабаблар туфайли ҳосил бўлиши мумкин, уларни шартли равишда ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин:

### Коагулопатиянинг

#### ташқи сабаблари:

1. Юқори даражадаги иссиқ ҳаво
2. Юқори даражадаги термик омил (куйин касаллиги ва бошқ.)
3. Атмосфера босимининг ўзгариши.
4. Юқори даражадаги ультрабинафша нурлар билан нурланиши.

#### ички сабаблари:

1. Артериал қон босимининг ўзгариши (гипертония касаллигининг ҳар хил шакллари).
2. Қанд касаллиги.
3. Сепсис, яллиғланиб-йирингланиш жараёни, шок, ўтқир ва сурункали буйрак яллиғланиш (ОПН, ХПН, жарроҳлик операциялари, туфиш жараёни ва инфаркт, инсульт ва тромбофлебитлар, магистрал томирлар тромбози, травма ва операциялар).

Келиб чиқишлиарига биноан коагулопатиялар иккига бўлинади:

1. Орттирилган коагулопатиялар (УУБИҚКУЖ, орттирилган аутоиммун тромбоцитопения ва бошқ.);
2. Наслдан-наслга ўтувчи коагулопатиялар (гемофилия ва бошқ.) Одам ҳаёти учун ҳавфли бўлган қон ивиш жараёнининг касалланиши ўз-ўзидан томирлар ичидага қон ивиб, тезлик билан организмда тарқалиб кетиши, (ДВС синдроми яъни диссеменирланган қон ивиши) ўтқир ва сурункали шаклда ўтиши мумкин.

Унинг клиник ўтишида 4 давр кузатилади. I давр — гиперкоагуляция даври бўлиб, у томирлар ичидаги тромбларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади. Бу тромблар қон томирлари ичидан сузуб бориб юрак миокарди, мия, буйрак, ўпка ва бошқа аъзоларининг микроциркуляция зоналарида тромбоз ҳосил қилиши аниқланган. Натижада инфаркт, инсульт, тромбозлар ҳосил, бўлади, тасодифан ўлим ҳоллари учрайди.

II давр — гиперкоагуляциядан гипокоагуляцияга ўтиш даври; Бу даврда гиперкоагуляция гипокоагуляция ҳолатига ўтади, сўнг УУТИХБКУЖ (ДВС синдроми),

учинчи даври гипокоагуляция даври дейилади, чунки бу даврда қон ивиши секинлашади.

Ниҳоят, УУТИКУЖ (ДВС синдроми) түртинчи даври нормал қон ивишининг тикланиш даври дейилади.

Томирлар ичиде ўз-ўзидан ҳосил бўладиган қон ивиш жараёнининг айрим даврларини билиш бу касалликни тўғри даволаб минглаб бемоъларни ногиронликдан сақлаб, бевақт ўлимдан олиб қолишга ёрдам беради. Бу касалликнинг ҳар хил даврларида ҳар хил, дорилар билан даволанади. Масалан, УУТИХБКУЖ нинг I—II даврларида гепарин, фибринолизин каби дорилар ишлатилса, унинг III ва IV даврларида аксинча коагуляцияни тиклайдиган, кучайтирадиган, дори-дармонлар (контрикал, натив қон зардоби ва бошқ.) ишлатилади. Яъни қон ивиш жараёнининг ҳар бир даврини ўзига хос даво муолажаси бор.

Бизни клиникамиздаги текширишларимиз натижасига кўра ҳамма инфаркт, инсультларнинг (мия инфарктлари), тромбозларни тасодифий ўлимнинг сабаби бир — қон ивиш жараёнининг касалланишидир деб биламиз. УУТИХБКУЖ (ДВС синдроми) бир одамда инфаркт клиникасини берса, бошқа одамда инсульт клиникасини беради, учинчи одамда эса катта томирларнинг тромбози касаллигини беради. Шу сабабли инсульт билан касалланган беморларнинг ЭКГ ларида коронар ўзгаришлар топилади, инфарктни босидан ўтказган беморларда ҳар хил даражадаги мия қон айланиш жараёни бузилиши кузатилади.

Маълумки, юрак-томир тизими касалликлари сабабли бўладиган инсонлар ўлими, ўсма касалликларидан бўладиган ўлимдан кўпроқ. Агарда, биз юрак — томир тизими касалликларининг ўлимга олиб борувчи асосий сабаби қон ивиш жараёнининг бузилиши эканлигини тушуна олсак, замонавий қон ивиш жараёнининг аҳамиятини яхши билиб кўплаб инсонларни инфаркт, инсульт ва тасодифий ўлимдан сақлаб қолишимиз мумкин.

## ОДАМ ОРГАНИЗМИДАГИ ГЕМОСТАЗ, ҚОН ИВИШ ЖАРАЁНИ

Инсон қонининг ҳаёти давомида суюқ ҳолатда сақланиб туриши уч тизимнинг қон ивиши, антикоагулянторлар ва антикоагулянтлар ингибиторлари бир-бирлари билан интеграл равишда фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Қон ивиш тизими мураккаб жараён бўлиб, кетма-

кет бўлиб ўтадиган 5 та фермент кимёвий даврлардан иборат:

- I давр — фаол тромбопластин ҳосил бўлиш даври;
- II давр — прэтромбиннинг тромбинга айланиш даври;
- III давр — фибриногеннинг фибринга айланиш даври;
- IV давр — қон лахтасининг ретракция даври;
- V давр — фибринолиз даври.

Бу тизимнинг ишлашини жигар ҳужайралари таъминлайди. Улар ишлаб чиқарадиган омиллар доимо одам қонининг зардобида бўлгани учун, улар қон зардоби омиллари дейилади. Мазкур омиллар қўйидагилардир:

- I — фибриноген.
- II — протромбин.
- III — қон зардобидаги кровопластин.
- IV кальций ионлари (бу омил жигар ҳужайрала-рида шаклланмайди)

- V — проакцелерин,
- VI — акцелерин,
- VII — проконвертин ва конвертин,
- VIII — антигемофил глобулин «А» — АГГ «А»,
- IX — антигемофил глобулин «Б» — АГГ «Б»,
- X — Стюарт — Прауэр омили,
- XI — Коллер омили,
- XII — Хагеман омили,
- XIII — фибринни мустаҳкамловчи омил.

Бу қон зардоби омиллари соғлом одамнинг қонида пассив ҳолатда сузиб юришлари аниқланган. Улар факат одам организми учун хавфли пайт келганда (масалан, қон томири шикастланганда) фаолият кўрсатишлари аниқланган. Ўз навбатида бу тромбоцитлар ичидаги омилларга боғлиқ эканлиги ҳам аниқланган.

Сўнгги йилларда ўтказилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари туфайли организмнинг энг кичкина ҳужайраси тромбоцитларнинг ҳаёт учун катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Фан нуқтаи назаридан тромбоцит мустақил қон ҳужайраси бўлиб, унда 60 дан ортиқроқ одам организмининг ҳаётий фаолияти учун керак бўлган фаол моддалар бор. Улардан 13 таси бевосита қон ивиш жараёнини бошқарувчи омиллар эканлиги ҳам аниқланган.

I тромбоцитлар акцелатори — қон ивишининг иккинчи даврини тезлатади; акцелерация — тезлатиш дегани)

II тромбоцитлар акцелератори — қон ивишнинг учинчи даврини тезлатади;

III тромбоцитлар омили (тромбоцитлар тромбо-пластини, қон зардобидаги тромбопластин (қон зардобидаги III омил) билан қўшилиб, фаол тромбопластин ҳосил қиласди.

Гепарин бевосита таъсир қиливчи антикоагулянт бўлиб, антикоагулянтлар тизимига киради ва қон ивиш жараёнининг I—II—III даврларини секинлаштиради; Антигепарин — гепарин йшини сусайтиради, антикоагулянтларнинг ингибиторлари тизимига киради.

Серотонин — вазоконстриктор сифатида жароҳатланган қон томирини қисқартириб гемостазга ёрдам беради.

Фибринолизин (Плазмин) — қон тўхтагандан сўнг керак бўлмай қолган тромбни эритади, антикоагулянтлар тизимига киради;

Ретрактозим — бу фермент туфайли қон томири жароҳатланган жойда қон кетишини тўхташиб учун ҳосил бўлган тромб, ретракция, яъни ўз-ўзидан қисқариши натижасида қаттиқлашади.

Антифибринолизин, Антиплазмин — фибринолизиннинг фаолиятини назорат қилувчи омил бўлиб, антикоагулянтларнинг ингибиторлари тизимига киради;

«С» протеин — қон томирларининг деворларини мустаҳкамловчи омил.

Адгезия омили тромбоцитларни қон томирининг зарарланган жойига ёпишиши учун керак бўладиган омил.

Агломерация омили тромбоцитларнинг бир-бирлари билан ёпишишини таъминловчи омил.

Фибринни мустаҳкамловчи омил, қон томири девори тешилган жойда қон кетишини тўхташиб учун ҳосил бўлган тромбни мустаҳкамловчи омил.

Бу омил тромбоцитларнинг ичидаги бўлиб, улар бузилганида ёки уларга хос бўлган ўз-ўзини бўшатиш феномени туфайли қон зардобига тромбоцитлардан чиқади.

Маълумки, бундан 100 йил муқаддам Конгейм томонидан аниқланган қонуният бўйича, одам қони оқи-

мининг марказида эритроцитлар, улардан четроқ лейкоцитлар, бутунлай четда, томирларнинг эндотелий ҳужайралари устида сирғаниб тромбоцитлар оқади. Тромбоцитларнинг эркин ва енгил оқишини, уларнинг эндотелий ҳужайраларига ёпишиб қолмаслигини шу ҳужайраларда ишлаб чиқариладиган простогландин A<sub>2</sub> ёки простоциклин таъминлайди. Шу сабабли бўлса керак, қон томири тешилган жойнинг четига 3—5 сония ўтар-ўтмас биринчи тромбоцит келиб ёпишади. Адгезиядан сўнг агломерация ҳосил бўлади, ҳосил бўлган оқ тромбга тромбоцитлар ва лейкоцитлардан ташқари эритроцитлар ҳам ёпишади, аралашган тромб ҳосил бўлади. Лекин бу тромб суюқ ва оқувчан бўлгани учун тромбоцитларнинг III омили билан қон зардобидаги III омил қўшилиб, фаол тромбопластин ҳосил бўлади. Унинг таъсирида, протромбин тромбинга айланади, тромбин таъсирида фибриноген фибринга айланаб ўз иплари билан суюқ аралаш тромбни боғлади. Боғланган тромбни қаттиқланиши учун тромбоцитларнинг грануломерида жойлашган фермент ретрактозим келиб, тромбда ретракция жараёнини чақиради. Тромб қаттиқлашиб қон томир деворидаги тешикни бекитади. Қон кетиши тўхтайди. XII, XI, X, IX, VIII қон зардобидаги омиллар қон лаҳтаси ва қон кетишини тўхтатувчи тромбнинг ҳосил бўлишида фаол қатнашади. V, VI ва VIII қон зардобидаги омиллар бу жараённи амалга оширишга ёрдам беради. Қон зардобида тромбин кўпайиб кетмаслиги учун ёки унинг фаолияти ку чайиб кетмаслиги учун қон томирларининг эндотелиал ҳужайралари антитромбин I, антитромбин II ва анти тромбин III деган омиллар чиқарилади. Улар гемостазнинг меъёрида ўтишига ёрдам беради.

Шундай қилиб қон ивиш жараёни (гемостаз) жигар, қон томирлари ҳужайралари, тромбоцитлар (тўқималар ва қондаги базофил лейкоцитлар) томонидан ишлаб чиқариладиган гепарин, серотонин ва бошқа фаол моддалар туфайли ҳосил бўлади. Қондаги базофил лейкоцитларда ишлаб чиқарилган гепарин уларнинг мерокрин туридаги сёкретор фаолияти туфайли қонга чиқади (С. Т. Наджимитдинов).

Қон оқиши тўхтагандан сўнг, қон томирининг девори тикланиб, тёшик бекилганидан сўнг керак бўлмай қолган қон ивиш тизимининг (V омили туфайли) фибринолизин ёки плазмин таъсири остида эриб, йўқ бўлиб кетади. Шу сабабли томирга укол қилинган жойларда тугунчалар аниқланмайди.

## УЗ-УЗИДАН ТОМИРЛАР ИЧИДА ҲОСИЛ БҮЛИБ ТАРҚАЛИБ КЕТУВЧИ ҚОН ИВИШ ЖАРАӘНИ

Одамлар орасида ниҳоятда күп тарқалған касаллик бўлиб, кўплаб беморларни инфаркт, инсультга учраб ногирон бўлишига ёки тўсатдан ўлишига сабаб бўлади.

*Сабаблари:* УУТИХБТҚКУЖ сабабчилари грам (—) ва грам (+) бактериялар билан бир вақтда, вируслар ва риккетсиялар томонидан чақирилган ҳар хил йиринглаш ва яллиғланиш жараёнлари, сепсис, куйиш касаллигида бўладиган микробланиш, катетерларни кўп вақт томирларда ушлаш, АВО ва резус антигенлар билан бўладиган конфликтлар, ўсма касалликлари, аборт, жигар циррози, геморрагик васкулит, анафилаксия реакциялари, ҳар хил шоклар, лейкоз, буйрак касалликлари ўткир ва сурункали гломерулонефрит, узоқ вақт давомида тўқималарнинг эзилиши ва бошқ.

*Касалликнинг клиникаси.* Бу қасалликка ҳар хил клиник ўзгаришлар ҳос. Аввалам бор ҳар хил дараҗадаги шок, бу синдромсиз шок бўлмайди; юқорида кўрсатилган микроциркуляция зоналаридағи тромбозлар натижасида уларга бой бўлган ўпка, буйрак, жигар фаолиятининг бузилиши, ўпка шишуви, ўткир буйрак ва ўткир жигар камчилиги, буйрак усти безининг ишдан чиқиши ва бошқ., ўткир инфаркт, қайталанувчи инфаркт; ўткир инсульт, қайталанувчи мия инсульти: ўткир катта томирлардаги тромбозлар; буйраклардағи некротик жараён ва бошқ.

Касалликнинг III давридан бошлаб ҳар хил дараҷадаги ва кўринишдаги геморрагик синдром. Шу жумладан, меъдадан қон кетиши, операцион жойлардан қон кетиши, ўпкадан қон кетиши, бурундан қон кетиши, укол қилинган жойлардан қон кетиши (тери остига) мушаклар орасига қон кетиши, гематомалар, ичаклардан қон кетиши, полименорея, буйраклардан қон кетиши ва бошқ.).

Ташхис асосий касалликларнинг симптомларидан ташқари кўрсатилган тромбоэмболик ўзгаришлар ва коагулограмма, тромбоэластограмма, агрегометрик текширишлар натижаларига қараб аниқланади.

*Касалликни даволашиб усуllibari.* Касалликнинг I ва II даврларида: касалликнинг сабабини четлантириш, тезлик билан шокни даволаш;

1. Пуркаш усули билан беморларга суюлтирилган аспириннинг электроаэрозолини бериш; гепарин, фиб-

ринолизин ва бошқа бевосита таъсир этувчи аитико-агуянтлар.

2. Реополиглюкиннинг 300—500 мл дан томир ичига юбориш, бу дори микроциркуляцияни нормаллаштиришга ёрдам беради.

Қасалликнинг III ва IV даврларида:

1. Қон ва унинг таркиблари қўйилади;  
2. Контрикал 30 000—50 000 ТБ миқдорда томир ичига юборилади.

Профилактикаси:

1. Бирламчи ва иккиламчи гипертония касалликларини мунтазам равишда даволаш, чунки ҳар қандай қон босимининг кўтарилиши ўткир ва сурункали УУХБИКУЖга сабаб бўлади;

2. УУХБИКУЖни I—II даврларида инфаркт, инсульт ва бехос ўлимнинг олдини олиш учун суюлтирилган аспириннинг электроаэрозолини пуркаш усули билан ишлаш (бир курсга 5—10 мартадан).

3. Куйиш касаллигида, айниқса дала шароитида куйган жойни йиринглашдан сақлаш.

4. Шоқ, сепсис ва бошқа йирингланиб-яллиғланувчи касалликларни комплекс даволаш.

5. Томирларда узоқ вақт катетерлар сақламаслик ва ҳоказо.

## ПРОВИТАМИН K<sub>2</sub> ДЕФИЦИТИ

*Сабаби* — провитамин K<sub>2</sub> етишмаслиги.

*Патогенези* — сурункали дезентерия ва бошқа ичкетар касалликларда беморларнинг ичакларида дисбактериоз ҳолати ҳосил бўлади. Соғлом одамнинг ичагидаги бактериа коли коммунистнинг ўрнига стрепто-стафилококклар пайдо бўлиши сабаби, провитамин K<sub>2</sub> етарли даражада ишлаб чиқарилмайди, натижада жигарда нормал гемостаз учун керак бўлган протромбин ҳосил бўлмайди.

*Қасалликнинг клиникаси* учта синдромдан иборат бўлади:

1. Геморрагик синдром ҳар хил ифодаланади, кўпинча бу касаллик ёш болаларда бурун қонаши билан ўтади.

2. Сурункали гастроэнтероколит, энтероколит, колит, дисбактериоз симптомлари билан метеоризм, ич

қотиши, тил ва ичакдаги дисбактериозга хос ўзгаришлар, айниқса ўт пупфагининг дискинезияси билан ўтади.

3. Коагулограммада протромбин күрсаткичи пасайиб кетади.

Бемор Б., 8 ёшда. Асосий шикояти вақти-вақти билан бурундан күп қон кетади. Ёшлигида болалар касалхоналарида, дизентерия бўлимларида ҳам ич кетар касаллиги билан даволанган. Охири 3 йил давомида ҳафтада бир-икки марта ўз-ўзидан бурни қонаб кетарди. Шу сабабли болалар билан ўйнашдан қўрқади. Икки йил давомида экстрасенсда Глянцман касаллиги диагнози билан натижасиз даволанган. Сўнг II Тош ДавМИнинг диагностика марказига мурожаат қилган. Бизга мурожаат қилганида бурун қонашидан ташқари қоринда ел йиғилиши, ич қотиши, вақти-вақти билан оғзида тахир маза бўлиши каби шикоятлари бор эди. Бемор тилининг учи ва четларидаги тугунчалари яхши ривожланган бўлиб, тили оқ-сариқ караш билан қопланган. Қорни оғриқсиз, лекин ушлагандан унда ел йиғилгани, гулдираши сезилади. Жигар ўн қовурға тагидан 1—2 см чиқкан бўлиб оғриқсиз. Ўт пупфаги нуқтаси мутлақо оғриқсиз. Бемор қонидаги тромбоцитларда грануломер яхши сақланган, яъни Глянцман касаллиги йўқ. Лекин коагулограммасида протромбин 60. Беморга ўзбекча усул билан тайёрланган қатиқ, сузма билан парҳез, 1 таблеткадан 3 марта аллахол ва викасол тайинланган. Бир ой даводан сўнг bemor бутунлай тузалиб кетган.

Касаллик туфайли bemorda бурундан қон кетиши, ичак дискбактериози ва ўт пупфагининг дискинезияси, ўт пупфагидан ичакка етарли даражада ўт келмаслиги натижасида провитамин K<sub>2</sub> ичакдан сўрилиб жигарга етиб бормайди. Натижада провитамин K<sub>2</sub> етишмаслиги оқибатида протромбин етишмаслиги авж олиб, геморрагик синдромга олиб боради. Коагулограммада протромбиннинг камайиши кузатилади.

*Дифференциал ташихис.* 1. Глянцман касаллигидан бу касаллик тромбоцитларда грануломернинг нормал даражада сақланиши билан ажралиб туради.

2. Рендью-Ослер касаллигидан bemorларнинг бурун ва бармоқ учларидаги томирларнинг ўзгартмаганлиги ажратиб туради.

3. Гипертоник кризи бор bemorлардан артериал қон босими нормал ҳолатда бўлиши фарқлайди.

*Даволаш.* 1. Аввалам бор бундай bemorларга узоқ вақт давомида (ойлаб-йиллаб) сузма, творог ва ўзбек-

ча усул билан тайёрланган қатиқ тайинланиши лозим. Гигиеник ва бактериал текширишлар натижасида ўзбекча қатиқда ниҳоятда кўп булгар таёқчалик борлиги аниқланган. Шунинг учун уни беморлар ичагида ўстириш билан провитамин K<sub>2</sub> ишлаб чиқаришни таъминлаш мумкин.

2. Аллахолнинг таркибида чесноқ бўлгани сабабли ўт пуфагидан ичакка ўт келиб, у ерда ҳосил бўлган провитамин K<sub>2</sub> яхши сўрилади ва жигарга боради. Жигарда протромбин етарли даражада ҳосил бўлиб, геморрагик синдром йўқолади.

3. Викасол (таблетка) 0,015 г дан 3 маҳал овқат билан берилса ёки унинг 1% эритмаси 1 мл дан мушак ичига юборилса, тезлик билан қондаги протромбин кўтарилиб бемор тузалади.

*Профилактикаси.* Ҳар бир ич кетар, айниқса ичбуруғи бўлган одамнинг парҳезига эътибор бериб ичак дисбактериози ва ўт пуфаги дискинезиясининг олдини олиш лозим.

Одамнинг қон зардобида орттирилган УУТИКУЖ (ДВС) синдромдан ташқари, бир қанча наслдан-наслга ўтувчи қон зардоби омиллари етишмаслиги (дефицити) касалликлари бўлиб, улардан амалий аҳамиятга эга бўлгани гемофилиядир.

## ГЕМОФИЛИЯ

Гемофилия касаллиги деб наслдан-наслга ўтувчи, қон зардобида V, VIII, IX ва XI омилларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги сабабли қон ивиш жараёнининг бузилишига айтилади.

Бу касаллик кенг тарқалган бўлиб, гемофиликларнинг сони дунёда минглаб ҳисобланади. Касаллик асосан эркакларда учрайди. Уни инсонда пайдо бўлиши X хромосома билан боғланган бўлиб, гемофилия билан касалланган хромосома X<sub>h</sub> деб белгиланади. Аёлларнинг бу касалликка учрамаслигининг сабаби уларнинг генотипида иккита XX хромосомалар бўлишидадир (маълумки, аёлларда 44 А—соматик ва XX жинсий хромосомалар бўлади). Гемофилиқдан туғилган аёлнинг генотипи 44 XX<sub>h</sub> бўлиб, отасидан ўтган касал генлиг X<sub>h</sub> вазифасини боласи онасидан олинган соғлом хромосомадаги (X хромосомадаги) аллельдан бажаради. Бундай аёлларда гемофилия бўлмайди. Бундай аёллар «кондуктор», яъни гемофилия касаллигини эл-

түвчи одамлар дейилади. Лекин, гемофилик (генотипи 44 Xh Y) кондуктор аёлга (генотипи 44 XXh) уйланса, улардан соғлом ўғил ва гемофилия касаллиги бор қиз туғилиши мумкин, чунки унинг генотипи 44 Xh Xh бўлиши имконияти бор. Демак, гетерозигот оиласарда кондуктор аёллар орқали эркакларга касаллик ўтказиб улар касал бўлса, гомозигот оиласада аёллар кондуктор ҳам, касал ҳам бўлиши мумкин.

Беморларнинг қон зардобида гемофилияга қарши омилларнинг йўқлиги ёки камлигига қараб гемофилия касаллиги 4 хилга бўлинади:

«A» гемофилия — bemornинг қон зардобида VIII омилнинг йўқлиги. Шунинг учун бу омил VIII «A» деб ёзилади.

«B» гемофилия — bemornинг қон зардобида IX омилнинг йўқлиги, шунинг учун IX «B» омил деб ёзилади.

«C» гемофилия — bemornинг қон зардобида XI омилнинг йўқлиги, шунинг учун бу касаллик гемофилия «C» дейилади.

«Прогемофилия» — bemornинг қон зардобида V омилнинг йўқлиги, парагемофилия ёки гемофилиоид ҳолат дейилади.

Касаллик X<sub>h</sub> хромосомада туфма бўладиган касал геннинг патологик «ижоди» натижасида жигар ҳужай-раларида ҳосил бўладиган V, VIII, IX ва XI омиллар кимёвий сифатсиз бўлиб қолиб соғлом омиллар ўрнига «касал» омиллар шаклланади, организмда нормал қон ивиш жараёни бузилади.

*Касаллик клиникаси.* Бу касалликнинг ўзига хос белгилари мавжуд, хусусан кичик, ноадекват шикаст сабабли узоқ ва кўп қон кетиши. Шу сабабли bemor болалар ва қизчалар ёшлик вақтларидан бошлаб ўз касалликларини сезадилар. Шунинг учун бехос шикастланишдан сақланиш уларга болалик чоғлариданоқ одат бўлиб қолади (бундай болалар ўйинларга қатнашмай ўзларини четга олишга ҳаракат қилиб юрадилар). Шикастланиш натижасида фақат тери ва шиллиқ қатламларигагина эмас, балки тери остига, мушаклар ичига ва ораларига қон қўйилиши мумкин, бунинг натижасида қон қўйилган жойлар дўппайиб қолади, бундай аъзоларда қон тўпланиши натижасида оғриқ бўлиб уларнинг функциялари бузилади. Бўғимларга, айниқса тизза бўғимига, қон қўйилиш белгиси, бу ка-

салликка хос асосий белгилардан ҳисобланади. Гемофилияга хос гемартроз ўткир ва сурункали шаклда ўтади.

Ўткир гемофилия гемартрози шикастланишдан сўнг бошланиб, аввал шикастланган бўғимнинг катталашишига (тумор), шаклининг ўзгаришига (дефигурация), оғриқ пайдо бўлишига (дўлўр) ва бўғимдаги ҳаракатнинг қамайишига олиб келади.

Бўғим ичига қўйилган қон яллиғланиш туфайли бўғим қизаради (рубор). Ушлаб кўрса исигани билинади (колор). Шикастланиб касалланган бўғимда ҳар хил даражадаги ўткир яллиғланишга (гемартрит) хос белгилар мавжуд бўлади. Бўғимдан қон сўрилгани сари у аста-секин ўз ҳолига қайтади.

Сурункали гемартрозда бўғимга қайта-қайта қон қўйилиши натижасида касалланган бўғим катталашиб, шакли ўзгариб, яллиғланиш белгилари билан бирга бўғимдаги ҳаракатланишнинг қамайиши ва чегараланиши кузатилади. Қайта-қайта қўйилган қонларнинг ивишидан бўғим ичидаги ҳосил бўлган моддалар таъсири остида унда сурункали яллиғланиш билан баробар бўғимга хос ҳаракатчанлик йўқолиб бориб, айрим ҳолларда бўғим контрактурасига олиб бориши мумкин.

Юқорида кўрсатилган белгилардан ташқари гемофиликларда геморрагик диатезларга хос бошқа белгилар, яъни бурундан, бошқа аъзолардан қон кетиши ҳолатлари ҳам кузатилади.

Гемофилия турларининг ичидаги энг оғири гемофилия «А», сўнг гемофилия «В», гемофилия «С» ва ниҳоят парагемофилия ҳисобланади. Бу сунъий даражаланиш бўлиб, бу касалликнинг ҳамма хиллари ҳам бирдек оғир ва енгил ўтиши мумкин.

Муҳими шундаки, беморларда тромбоцитлар ёки қон томирларининг ўзгариши шарт эмас. Лекин, гемофиликларнинг гемограммаларида ҳар хил даражада ифодаланадиган анемия кузатилади.

Энг аниқ ташхис беморларнинг коагулограммалигига асосланиб қўйилади. Унда VIII, IX, XI ва V омилларнинг камайиши ёки бутунлай аниқланмаслиги кузатилади.

### *Касалликнинг дифференциал ташхиси.*

Гемофилияning Верльгоф касаллигидан фарқи. Мегакариоцитлар ўз фаолиятини тўхтатмайди. Шу сабабли bemor қонида тромбоцитларнинг сони ва сифати ўзгармайди.

*Орттирилган аутоиммун тромбоцитопениядан фарқи.* Тромбоцитлар камаймайди, бевосита ва билвосита Кумбс реакциялари манфий (—) бўлади.

Рендью-Ослер касаллигига лаб, бурундаги кенгайга томирлардан қон кетиб, коагулограммада ҳеч қандай қон зардоби омилларининг ўзгариши кузатилмайди.

Шёнлейн — Генох касаллигига эса геморрагик синдром бўлгани билан ҳеч қачон гемартроз, мушакларнинг ичига қон қуйилиши, коагулограммада ўзгаришлар бўлмайди.

Глянцман касаллигига хос бўлган тромбоцитлар грануломерининг йўқлиги гемофилия касаллиги учун хос эмас.

*Гемофилияни даволаш усувлари.* Гемофилия «A»да янги қон, гемофилия «B»да 30—50 мл дан сақланган қон қуйилади. Гемофилияни даволаш усувлари икки босқичда ўтказилиши мумкин. Биринчи босқичда касалликнинг олдини олиш учун узоқ вақт давомида «A» гемофилияси бор беморларга 1 дозасида 150 ТБ VIII омил бор криопреципитат бериш, «B» гемофилияси бор беморларга янги тайёрланган қон зардоби ёки концентрат, яъни қуийлтирилган янги қон зардобини юборишидан иборат (1 дозасида 100 ТБ IX омил бўлиши шарт). Бу қон зардобидан тайёрланган дорилар беморларга ҳар 1—2 ҳафтада берилади. Иккинчи босқичда амбулатория ва касалхонада даво қилинади. Аввалам бор юқорида зикр этилган 1 дозасида 150 ТБ VIII омил бор криопреципитат ёки IX омилга бой қуийлтирилган натив, яъни янги қон зардоби (бир дозасида 100 ТБ IX омил бўлиши шарт) қаттиқ қон кетишини тўхтатиш учун биринчи марта 40 ТБ/кг юборилиб, сўнг ҳар 24 соатда қайта-қайта, то қон кетиши бутунлай тўхтагунча юборилиши лозим; Эпсилон-аминоакрон кислота 10 кун давомида беморнинг 10 кг оғирлигига 1 мг ҳисобидан ичирилади. Преднизолон 7—10 кун давомида беморнинг 1 кг оғирлигига 2 мг дан берилади. Кўрсатилган дорилардан ташқари беморларга яна ҳар хил симптоматик ёрдам кўрсатилади.

*Касалликнинг профилактикаси.* Бу касалликнинг олдини олишда энг муҳими тиббиёт-генетик консультациядан кенг равишида фойдаланишdir. Ҳозирги вақтда генеалогик таҳлил ўтказилиб, аёлларда аномал геннинг бор-йўқлигини аниқ ёки таҳминан айтиш мумкин, VIII, IX ва XI омилларнинг қон ивitiш қобилиятлари ўр-

ганилади. Иммунологик усуллар билан бу омилларга бой бўлган антителолар ва ниҳоят bemорларнинг X хромосомаларидағи локуслар ўрганилиб, касалликнинг олдини олиш учун керак бўлган маслаҳатлар берилади.

Одамларда қон кетиши касаллиги фақатгина уларнинг қон зардобраридағи омилларда мавжуд бўлган касалликларда эмас, тромбоцитларга ҳатто қон томирларининг ўзларига хос касалликларда ҳам кузатилади. Бунга Верльгоф касаллиги мисол бўла олади.

Верльгоф касаллиги ёки тромбоцитопеник пурпурат касаллиги деб, одамнинг илик — кўмиgidаги мегакариоцитлардан, аниқроғи уларнинг цитоплазмаларидан тромбоцитларнинг ажralиб чиқмаслиги натижасида қонда тромбоцитлар камайиб кетиб, bemорда ҳар хил даражадаги қон кетиш ҳолати мавжуд бўлишига айтилади.

Касалликнинг номи 1735 йилда «қонли доғлар касаллиги» номи билан юритган ва таърифланган, немис шифокори Верльгоф номи билан аталган. Касалликнинг сабаби ҳозиргача номаълум.

Маълумки, ҳар бир инсоннинг илик кўмигидаги мегакариоцитлар (гигант ядроли ҳужайралар) цитоплазмаси парчаланиб, тромбоцитларга айланиш хусусиятига эга. Ҳар бир мегакариоцит ўз ҳаёти давомида 3—4 марта кенг ва юпқа цитоплазма ўстириб чиқаради. Бу цитоплазмалар парчаланиб минглаб тромбоцитларга бўлинади. Шунинг учун ҳам бир вақтлар тромбоцитларни мегакариоцитларнинг цитоплазма парчалари ёки пластинкалари дейишарди. Фан ривожланиб, тадқиқот услублари тараққий топгандан сўнг тромбоцит мустақил ҳужайра эканлиги аниқланди. Юқорида зикр этилган маълумотларга кўра, тромбоцитни қон ивиш жараёнининг дирижёри, деса ҳам бўлади. Шу сабабли тромбоцитлар қонда камайиб кетса (соғлом одамнинг  $1 \text{ mm}^3$  қонида  $180.000$ — $320.000$  гача тромбоцити бўлади), масалан  $30.000$  дан пастроқ тушса, бу bemорда қон кетиш ҳолати пайдо бўлиши мумкин.

Верльгоф касаллигининг патогенези илик кўмигидаги мегакариоцитлар цитоплазмасининг тромбоцитларга парчаланмайдиган бўлиб қолишида ифодаланади. Айрим одамларда учрайдиган бу ҳолат турма бўлиб, соматик — рецессив равишда авлоддан-авлодга ўтади. Эркаклар ва аёллар бу жабрни бир хилда тортадилар. Касал бўлган bemорда ҳозиргача номаълум сабабга кўра тромбоцитлар камайиб кетиб, қон кетиш мавжуд бўлади. Тромбоцитларнинг камайиши юқорида

зикр этилган мегакариоцитлар цитоплазмасининг парчаланмайдиган бўлиб қолиши билан боғлиқ. Нима учун бундай бўлиши ҳақида айрим тахминлар бор, холос: Бу тахминлардан эътиборга сазовори қора талоқнинг илик кўмик ҳужайраларига нисбатан назорат фаолияти зўрайиб кетишидадир. Охириг 40—50 йиллик илмийтадқиқот ишларининг натижаларига назар солинса, қора талоқ ҳужайраларининг фаолияти натижасида қандайдир фаол моддалар ишлаб чиқарилиши тахмин қилинган. Лекин, ҳали ҳам бу моддаларнинг кимёвий таркибини аниқлашга муваффақ бўлмаганлар. Айрим олимларнинг кузатишларига қараганда, қора талоқдан чиқадиган фаол моддалар таъсири остида мегакариоцитлар цитоплазмаси тромбоцитларга парчаланмай қолади, тромбоцитлар қонда камайиб кетиб, қон кетиш ҳосил бўлади. Бу масалага профессор Г. А. Алексеев аниқлик киритишга муваффақ бўлған. У киши Верльгоф касаллигига учраган беморларни операциядан олдин иликдаги пассив мегакариоцитларни 'аниқлагандан сўнг, уларни операция қилиб очилган қорин бўшлиғидан қора талоқни қон билан таъминловчи артерия ва веналарга қисқич қўйиб, яна қайтадан илик кўмикдаги мегакариоцитлар фаолиятини кўриб ҳайрон қолган. Чунки қора талоқ томирларига қисқич қўйилган заҳоти илик-кўмикдаги мегакриоцитлар цитоплазмаси дарҳол тромбоцитларга парчаланиб кетиб, бемор қонида тромбоцитлар кўпайиб, қон кетиши дарҳол тўхтаганини кўрган. Г. А. Алексеевнинг бу кузатувларидан сўнг Верльгоф касаллигини спленэктомия усули билан даволаш усули топилган. Лекин вақтнинг кўрсатишича, Верльгоф касаллигига учраган беморларнинг айримларига спленэктомия (яъни қора талоқни олиб ташлаш) ёрдам бермас экан.

Олиб борилган илмий-тадқиқот текширишлари натижасида Верльгоф қасаллигининг икки хили борлиги аниқланган: биринчиси, ҳақиқий ёки идиопатик туғма шакли бўлиб, унда юқорида кўрсатилган илик-кўмикдаги мегакариоцитлар пассивлиги, яъни цитоплазмалар тромбоцитларга парчаланмайдиган бўлиб қолиши кузатилади. Иккинчи хили иммунологик шакли бўлиб, беморнинг илик-кўмигида мегакариоцитлар цитоплазмаси фаол парчаланиб, кўплаб тромбоцитлар ҳосил бўлади. Лекин улар иликдан қонга чиқиб қонда сузив юрувчи, тромбоцитларни емирувчи антителолар таъсири остида ҳалок бўлади. Натижада қонда тромбоцитопения, яъни тромбоцитларнинг камайиб кетиши, бе-

морда эса қон кетиши кузатилади. Шу сабабли Верльгоф касаллигининг бу хилида спленэктомия ёрдам бермайди.

*Касалликнинг клиникаси.* Верльгоф касаллигига учраган bemорда ҳар хил турдаги ва даражадаги қон кетиши ўткир ва сурункали тус олиши мумкин.

Касалликнинг ўткир клиник турида bemорда ҳеч бир сабабсиз қон кетиш ҳолатлари кузатилади, баъзи bemорларда касаллик ўз-ўзидан бурундан қон кетишидан бошланиб, ҳафталааб, ойлаб давом этиши натижасида bemорлар дармонсизланиб қолади. Шифокор bemорни кўрганида унинг бурнидан қон кетишини тромбоцитларнинг камайиб кетгани билан боғлаб, bemорда Верльгоф касаллиги ёки идиопатик тромбоцитопения касаллигий борлигини аниқлаши мумкин. Чунки шу касалликда узоқ давом этувчи, қайталанувчи бурундан қон кетиш ҳолати кўпроқ учрайди. Ундан ташқари, аёл bemорларда бурун қонаши билан бирга ҳар хил даражадаги метрорагия, яъни кўп менструал қон кетиши, менструация даврининг чўзилиб кетиши кузатилади. Ниҳоят, касалликнинг бундай белгилари билан баробар конюнктива ва бошқа шиллиқ қатламларда, bemорнинг терисида қон доғлари пайдо бўлади. Қон доғлари майдага нуқтасимон ҳар хил катталика бўлиб bemорнинг бутун танасини қоплаб олади. Бундай bemорларнинг кўриниши ниҳоятда ачинарли бўлади. Умумий аҳвол оғирлашган bemорнинг гемограммасида ҳар хил даражадаги анемия, тромбоцитопения кузатилади.

Касалликнинг сурункали турида клиник белгилар аста-секин пайдо бўлади. Аҳён-аҳёнда сабабсиз бурун қонаши ёки кутилмаганда меъда ва ичаклардан қон кетиши, ўз-ўзидан bemор терисининг ҳар ерида қонли доғларнинг пайдо бўлиши, қон анализида тромбоцитопения, яъни тромбоцитларнинг камайиб кетиши кузатилади. Ўткир ва сурункали ўтувчи касал билан хасталанган bemорларнинг кўмик-илигидан ҳужайралар олиб текширилса, унда мегакариицитларнинг кўплиги, уларнинг ҳажми катта эканлиги кўринади, лекин уларнинг цитоморфологик соғлом кўринишларига қарамай, цитоплазмаларида тромбоцитлар ҳосил бўлмай қолганини ҳам кўриш мумкин. Бу деган сўз, иликдаги мегакариицитларнинг пассивлиги, аниқроғи функционал заифлиги ифодаланмоқда. Бундай bemорларга ҳақиқий идиопатик Верльгоф касаллиги бор деб ташхис қўйилади. Айрим bemорларнинг иликларидан олинган мегакариицитлар цитоплазмаларининг тромбоцитларга

майдаланиб туришини аниқ кўриш мумкин. Бундай беморларнинг мегакариоцитларидан пайдо бўлган тромбоцитлар иликдан қонга ҷиқиб, у ерда ҳалок бўлгандарি сабабли гемограммада тромбоцитопения кузатилиди. Шундай қилиб, айрим bemorларга Верльгоф касаллиги деб, бошқаларига орттирилган аутоиммун тромбоцитопения касаллиги деб ташхис қўйилади.

Демак, иликдаги мегакариоцитлар фаол ва пассив бўлишига қараб тромбоцитопения касаллигининг иккита хилини ажратамиз: биринчиси, Верльгоф касаллиги, иккинчиси орттирилган аутоиммун тромбоцитопения касаллиги.

Баъзи олимлар иккинчи хилдаги тромбоцитопенияни Верльгоф касаллигининг иммун шакли дейишади. Бу фикр унча тўғри бўлмаса керак, чунки у ўз табиятига кўра бутунлай бошқа касалликдир.

Верльгоф касаллигининг клиникаси тўлқинсимон тарзда (бир кучайиб, бир яхшиланиб) ойлар ва йиллар давомида кечади. Бу касалликка дучор бўлган беморда қон кетиши кунлаб, ҳафталаб давом этгандан сўнг, номаълум сабабларга биноан ўз-ўзидан тўхтаб қолади, клиник рецидив даври клиник-гематологик ёки клиник ремиссияга ўтади. Бу даврда bemor соппа-соғиши каби юради. Лекин, айрим вақт ўтгач, касал белгилари яна қайталаниб, яна рецидив бўлиб, бутун умр давом этади.

*Ташхиси.* Беморнинг шикоятлари: кўплаб, қайтадан қон кетиши ёки терисида сабабсиз қонли доғлар борлиги, уларнинг ранг-баранг бўлишлиги, bemornинг гемограммасида ҳар хил даражадаги тромбоцитопения, ниҳоят мегакариоцитлар цитоплазмасининг тромбоцитларга бўлинмаслиги назарга олиниб, Верльгоф касаллигининг клиник хуруж ёки клиник ремиссия даври деб қўйилади. Касалликнинг қўшимча даъилларидан қон ивиш жараёнининг бузилишини эътироф этиш мумкин: масалан, bemornинг коагулограммасида қон кетиш ва рекальцификация давлари, протромбиннинг тромбинга ва фибриногеннинг фибринга айланиш давлари сикинлашиб, узаяди.

Қон ивишининг умумий тавсифини кўрсатувчи тромботест II ёки III даражани кўрсатиши мумкин. Яъни bemor қонида тромбоцитопения оқибатида бўладиган гипокоагуляция белгиларини кўриш мумкин. Бунинг сабаби тромбоцитлар камайиши натижасида уларга хос I, II ва III тромбоцитлардаги омилларнинг, фаоллашган тромболастиннинг ташкил бўлмаслиги, про-

тромбиннинг тромбинга, фибриногеннинг фибринга айланмаслиги, ниҳоят ретракция бўлмаслигига олиб келади. Қон томирлардан чиқади, яхши увишиб тўхтамайди. Тромбоэластограммада  $K_2$  ва даврларининг чўзилиши, яъни сі коагуляцион индекснинг 4 дан кам бўлиши кузатилади.

*Касалликнинг дифференциал ташхиси.* 1) Верльгоф касаллигининг орттирилган аутоиммун тромбоцит опениядан фарқи — беморнинг илигидан олинган мегакариоцитларнинг цитоморфологик тавсифидан билинади. Унинг мегакариоцитлари кўринишдан соғ бўлиб (ядролари сегментлашган, пушти рангли цитоплазмасида етарли даражада азурофил доначалар борлиги, лекин уларнинг цитоплазмаларининг четидан тромбоцитларга парчаланиш белгилари кўринмаса) камида 10-15 мегакариоцитни текшириб чиқиш лозим ёки текширилаётган илик суртмасида, бор мегакариоцитларни биттама-битта-кўриб чиқилса, bemорда ҳақиқий Верльгоф касаллиги борлиги аниқланаади.

Беморнинг илигидаги мегакариоцитларда тромбоцитлар ҳосил бўлишига қарамай, унда ҳар хил дараҷадаги геморагик синдром ва тромбоцитопения аниқланса, унда Верльгоф касаллиги эмас, орттирилган аутоиммун тромбоцитопения пурпураси деган ташхис қўйилади.

Ташхисни тўғри қўйиш bemор ҳаётини сақлаб қолиш учун катта аҳамиятга эга.

2) Верльгоф касаллигини туғма ва орттирилган гипо-апластик анемиядан ажратиш лозим. Бу касалликка учраган bemорларнинг илигидан аввалам бор қизил қон ҳужайраларининг камайиши билан бирга оқ қон ҳужайралари ва мегакариоцитлар ҳам камайиб кетади. Bemор илигидан қилинган суртмаларни соатлаб текширилганда камдан-кам, ёки битта-иккита пассив мегакариоцитни учратиш мумкин. Мегакариоцитлар бутунлай учрамаслиги ҳам мумкин.

Орттирилган аутоиммун тромбоцитопеник пурпурада bemорда геморрагик синдром ва тромбоцитопения, унинг илигидаги мегакариоцитларнинг фаоллигига қарамай мавжуд бўлади. Демак, иликда тромбоцитлар ҳосил бўлиб қонга чиққандан сўнг тромбоцитларга қарши антителолар таъсири остида ҳалок бўлади.

Тромбоцитларни емирувчи антителоларнинг инсон қонида пайдо бўлишининг сабаби организмдаги нормал (соғлом) иммуногенезнинг бузилиши билан боғлиқ. Яъни касалланган одамнинг иммунитет тизимини таш-

кил килувчи ҳужайралари (плазматик ҳужайралар, лимфоцитлар) сифатли соғлом иммуноглобулинлар ишлаб чиқариш ўрнига сифатсиз, ўз организмига ёт оқсил иммуноглобулин ишлаб чиқара бошлайди, ўз навбатида улардан сифатсиз антителолар ҳосил бўлиб, улар хўжайин организми ҳужайраларига, хусусан тромбоцитларига қарши чиқади. Уларнинг сони кўпайиб бориши билан бемор қонидаги тромбоцитлар камайиб боради, тромбоцитопения ҳосил бўлади.

Орттирилган антитромбоцитар антителолар Кумбс реакцияси воситасида аниқланади. Соғлом одамда Кумбс реакцияси манфий (—) чиқади. Агарда одамнинг қонида эркин сузиб юрувчи антителолар бўлса, унда билвосита Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлади. Агарда унинг қонида антителолар, қон ҳужайралари устида жойлашган бўлса, унда бевосита Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлади. Мободо беморнинг қонида ҳам эркин сузиб юрувчи, ҳам қон ҳужайраларининг устига жойлашган антителолар бўлса, унда билвосита (яъни икки босқичда бажариладиган) ҳам бевосита (бир босқичда бажариладиган) Кумбс реакциялари мусбат (+) бўлади.

Кумбс реакцияси туфайли ҳақиқий Верльгоф касаллигидан орттирилган аутоиммун тромбоцитопения касаллигини ажратиб олса бўлади. Беморнинг ҳаёти учун бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки бу касалликлар клиникаси ўхшаш бўлса ҳам уларнинг одам организмида пайдо бўлишида бир-биридан фарқ қиласди.

Шунинг учун уларни даволаш усувлари ҳам бутунлай бошқачадир.

3. Верльгоф касаллигининг ўткир ва сурункали нур касаллигидан фарқи: ўткир нур касаллигининг учинчи даврида пайдо бўладиган геморрагик синдром, қусиша бу даврга хос ўзга белгилардан, иккинчи даврдаги иликдаги гипо-апластик ҳолат, қондаги панцитопениялардан сўнг беморда ҳосил бўлган иммунитет инқизози сабабли бу касалликка хос некротик — яллиғаниш синдроми билан бир вақтда мавжуд бўлади. Бундай bemорларнинг илигига Верльгоф касаллигига кузатилмайдиган гипоаплазия, миелокариоцитларнинг камайиб кетиши, айниқса лимфоцитлар ва мегакариоцитларнинг камайиб кетиши кузатилади. Верльгоф касаллигига эса мегакариоцитлар кўпайиб кетади. Бундан ташқари, қонда панцитопения, яъни тромбоцитлар билан бир вақтда эритроцитлар ва лейкоцитлар, тромбоцитларнинг ҳам камайиб кетиши кўринади. Бе-

морлардан синчиклаб сўралса, улар нурланганликла-  
рини ҳам аниқлаш мумкин.

Сурункали нур касаллиги ўзига хос, аста-секин бошланувчи дармонсизлик, иш қобилиятининг пасайиши каби шикоятлар билан бошланиб, иликдан гипоаплазия билан бирга, bemor қонидаги панцитопения, лейкопения ва тромбоцитопениялар билан характерла-  
нади. Иликда Верльгоф касаллигига хос мегакарио-  
цитларнинг ўзгариши кузатилмайди.

4. Верльгоф касаллигининг ўткир агранулоцитоз ка-  
саллигидан фарқи: ўткир агранулоцитоз ҳар хил дори-  
ларнинг (антибиотиклар, сульфаниламилар ва бошқ.) нотўғри ишлатилгани натижасида айрим одамларда иммунитет жараёнининг бузилиши оқибатидир. Шу са-  
бабли bemor организмида ўз ҳужайраларига қарши ку-  
рашувчи антителолар пайдо бўлади. Улар одамнинг илигига ҳосил бўлиб, қонга чиқсан барча ҳужайра-  
ларни (шу жумладан тромбоцитларни ҳам) емириб ташлайди. Шунинг учун бундай bemорларнинг илигига кўплаб мегакариоцитлар бўлиб, уларнинг цитоплазма-  
лари тромбоцитларга майдаланишига қарамай bemор-  
нинг қонида тромбоцитопения кузатилади. Кумбс ре-  
акцияси мусбат (+) чиқади.

Касаллик клиникасида геморрагик синдром билан барабар некротик ангина, тана ҳароратининг кўтари-  
лиши, қаттиқ дармонсизлик, иммунитетнинг сусайиши натижасида ички аъзолардаги яллиғланиш (зотилжам), кардит, флебит, пиелонефрит, пиелоцистит ва бошқ.) кузатилади. Гемограммада анемия, лейкопения, СОЭ нинг тезланиши билан бирга ҳар хил даражадаги аг-  
ранулоцитоз, тромбоцитопения кузатилиши мумкин.

5. Верльгоф касаллигининг ўткир ва сурункали апла-  
стик анемиялардан фарқи.

Ўткир ва сурункали апластик анемияда bemорлар-  
да авваламбор, дармонсизлик, рангсизлик, тез толиқиб ҳарсиллаш, боши айланиб, кўзи тиниши билан бирга уларнинг илигига гипоаплазия, қонида эса панцито-  
пения кузатилади. Уларда Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлиши шарт эмас.

Кўпчиликда касалликнинг сабабини аниқлаш мум-  
кин бўлмайди.

6. Верльгоф касаллигининг ўткир ва сурункали лей-  
козлардан фарқи.

Верльгоф касаллигига ўткир ва сурункали оқон касалликларига хос гиперілазия, анаплазия, метапла-  
зия ва гетеротоп қон ҳосил қилувчи ўчоқлар бўлмай-

ди. Ундан ташқари, геморрагик синдром билан бирга ўткір лейкозда қаттың дармонасизлик, тана ҳарорати-нинг күтарилиши, метапластик анемия, лейкопения ёки лейкоцитоз билан бирга лейкоцитлар формуласида ўт-кир лейкознинг ҳар хил турларига хос ёш ҳужайра-ларнинг пайдо бўлиши, лейкоцитлар «аборти» каби ўз-гаришлар кузатилади. Уларнинг илиги бутунлай ёш ҳужайралардан ташкил топгани аниқланиб, мегака-риоцитларнинг деярли йўқлиги кўрилади. Шунинг учун уларнинг қон таҳлилида оқон касаллигига хос мета-пластик анемия, ёш лейкоцитлар метаплазияси ва ме-тапластик тромбоцитопения аниқланади.

7. Верльгоф касаллигининг ҳар хил сабабларга кў-ра мавжуд бўлувчи бурун қонашларидан фарқи.

Қон босимининг күтарилиши, субатрофик ёки атро-фик ринит, бурундаги захм гуммаси, Рендью — Ослер касаллиги сабабли бурундан қон кетиш ҳолатларида бемор илигиде мегакариоцитларнинг функционал фа-оллиги, уларни қонида эса тромбоцитларнинг сони ва сифати ўзгармаганлиги кузатилади. Шунинг билан бирга беморни синчилаб текширганда уларда бурун қонашининг сабабчиси бўлган асосий касалликларнинг симптомлари (гипертония касаллигига артериал қон босимининг күтарилиб, юрак чегараларининг чапга кен-гайиши ва ЭКГ да левограмма ҳосил бўлиши; сурун-кали ринитларда буруннинг шиллиқ қатламлари юпқалашиб кетиши, захмда эса эски симптомларнинг тоғилиши) билан бир вақтда Вассерман ва спирохета-ни иммобилизация қилиш реакцияларининг мусбатлигига (+), Рендью — Ослер касаллигига эса бемор лаблари-нинг ички томонида ва унинг бармоқларида майдада қон томирларининг бўртиб кенгайиши кузатилади. Бундай беморларнинг илигидаги мегакариоцитлар томонидан Верльгоф касаллигига хос ўзгаришлар топилмайди.

8. Верльгоф касаллигининг гиперспленизм, яъни одамнинг қора талоғи фаолияти туфайли пайдо бўлади-ган тромбоцитопениядан фарқи: Верльгоф касаллигига ўхшаш тромбоцитопения ва қон кетиши ёки қонли доғ-лар пайдо бўлиши кўплаб касалликларда учрайдиган қора талоқ пульпасининг хуружи натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, сурункали гепатит, жигар циррози, ич терлама, бруцеллез, безгак ва бошқа ка-салликларда гиперспленизм мавжуд бўлиб, унинг на-тижасида тромбоцитопения ва қон кетиш ҳолатлари бўлади. Беморни синчилаб кўрилса, унда юқорида кўрсатилган сурункали гепатитга хос белгиларни

ҳам топиш мүмкін. Сурункали гепатиттәдә иштаха ёмонлашиб, күз ва тери сарғайыб, жигар ва айрим ҳолларда қора талоқ катталашып, АСТ, АЛТ ва бошқа ферментлар фаоллашиб, қондаги түғри аниқланувчи билирубин күтарилади. Жигар циррозида эса бу белгилар билан бирга бемор териси остидаги веналарнинг, қизил-үнгачдаги қон томирларнинг варикоз кенгайиши, қора талоқ катталашып чап биқиндан аниқланыши; ички терламага хос иситма чиқиб, ундаги руҳий ўзгарыш, розеола тошмаси, нұхот шүрвага ўхшаган ахлати, Видал реакциясининг мусбатлиги ажратып туради. Брут целлөзга хос терлаш билан, иситма чиқиб, бүғимлар оғиши, Бюрана ва Хеддльсон реакцияларнинг мусбатлиги (+); безгакда қаттық эт увишиши билан иситма күтарилиб, тер босиши ҳар 1—3 кунда қайтарилиши, беморнинг илик ва қон ҳужайраларыда безгак чақирудың паразитларнинг топилишини эътиборга олиб, уларни Верльгоф касаллигидан фарқласа бўлади. Энг муҳими, кўрсатилган касалликларда бемор илигидаги мегакариоцитлар фаол бўлади.

9. Верльгоф касаллигини сурункали провитамин K<sub>2</sub> етишмаслигидан фарқлаш: Урта Осиё ва Ўзбекистон шароитида Верльгоф касаллигига ўхшаш вақти-вақти билан бурун ва милклари тез-тез қонаб турадиган касаллик провитамин K<sub>2</sub> етишмаслиги касаллигидир. Бу касаллик сальмонеллэлар туфайли келиб чиқади. Паразитлар соғлом одамнинг ичакларыда яшаб провитамин K<sub>2</sub> ишлаб чиқарувчининг камайиб ёки йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлади. Бунда ичаклардаги чириш жараёни бузилади. Оқибатда, бундай одамлар ичакларыда провитамин K<sub>2</sub> ҳосил бўлмай қолгани учун, уларнинг жигаридаги витамин K<sub>2</sub> пайдо бўлмай қўяди. Натижада, қонда фаол тромбопластин ҳосил бўлиш жараёни сусайиб кетади. Бурун ва милк қонаши кузатилади. Бундай беморларнинг укол қилинган жойларида тери остига кўп қон қуйилиши, доғ ҳосил бўлиши кузатилади. Синчиклаб текширганда қон кетишининг сабабчиси бўлган асосий касалликлар (сурункали колит, гастроэнтероколит, энтероколит, гижжалар, оддий паразитар касалликларни чақирудылар) топилади.

Бундай касалликларда қондаги тромбоцитларнинг сони ва сифати нормада бўлиб, иликлардаги мегакариоцитлар фаол бўлади. Лекин, коагулограммадаги реальнаяцификация даври чўзилиб, қонда қон ивиш жараёнининг I даври, яъни фаол тромбопластин ҳосил

бўлишининг секиňлашгани ёки бузилгани кўринади. Тромбоэластограммада эса R ва K лар узаяди.

Таърифланган белгилар туфайли Верльгоф касаллиги улардан фарқ қиласди.

10. Верльгоф касаллигини ДВС (томирлар ичида ўз-ўзидан ҳосил бўлиб тезлик билан тарқалиб кетувчи қон ивиш жараёни)дан фарқи. Томирлар ичида ўз-ўзидан ҳосил бўлиб тезлик билан тарқалиб кетувчи қон ивиш жараёнида кузатиладиган геморрагик синдром ва қон томирларида мавжуд бўладиган тромбозлар касалликнинг гиперкоагуляция даврида бўлса, беморнинг тромбоцитлари кўпчилик кузатувларда камай-маслиги, коагулограммада тромботест VI—VII дан юқорилашиб, рекальцификация вақти қисқариб, проромбин ва фибриноген кўпайиб, тромбоэластограмма да эса K ва R лар қисқариб кетиши аниқланган.

Верльгоф касаллигига эса тромбоцитларнинг камайиб кетиши, коагулограммада гипокоагуляция бўлиши кузатилади. ТИУЗХБТКЖ нинг гипокоагуляция даврида қон зардобида I, II, V, VII, VIII, IX, X, XI, XII омиллар ва тромбоцитларнинг камайиши сабабли геморрагик синдром авж олади. Лекин Верльгоф касаллигининг бу касалликдан фарқи шундаки, бемор илигидағи мегакариоцитларнинг цитоплазмасидан тромбоцитлар ҳосил бўлмайди. ТИУЗХБТКЖ да эса ҳосил бўлади. Ундан ташқари, ТИУЗХБТКЖ нинг барча даврлари давомида шу синдромни чақирган асосий касалликларнинг (шок, сепсис, лейкоз, цирроз, операциялар ва бошқ.) айрим клиник белгиларини кўриш мүмкин, улар Верльгоф касаллигига хос бўлмайди.

11. Верльгоф касаллигининг плазмоцитома касаллиги вақтида учрайдиган геморрагик синдромдан фарқи.

Плазмоцитомада учрайдиган геморрагик синдром ва тромбоцитопения бу касалликка хос суяк кўмикдан чиқадиган ўсма жараёнининг оқибати бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, суяк кўмикда нормал плазмоцит, проплазмоцит ва плазмобластлар ўсма билан касалланган одамларда плазмоцитомага хос ҳужайраларга айланиб, тез кўпайиб кетиб, илик кўмикдаги бошқа ҳужайраларнинг илдизини қуритади, шу жумладан мегакариоцит ва тромбоцитларнинг илдизини ҳам. Натижада бемор қонида тромбоцитопения, унинг оқибати сифатида геморрагик синдром пайдо бўлади. Верльгоф касаллигининг плазмоцитомадан фарқи шундаки, унда плазмоцитомага хос суякдаги оғриқлар, ҳужайра иммунитетининг бузилиши натижасида мав-

жуд бўладиган ички аъзолардаги яллиғланиш (пневмония, миеломали буйрак ва бошқ.) ўткир ёки сурункали буйрак фаолиятининг сусайиши, ёки аутоиммун гемолитик анемия, беморниң қон зардобида М-градидент, сийдигида Бенс-Жонс оқсили бўлмайди.

*Верльгоф қасаллигини даволаш усуслари.* Верльгоф қасаллигини ёки идиопатик (сабаби аниқланмаган) тромбоцитопения натижасида ҳосил бўладиган қон кетиш қасаллигининг асосий давоси — спленэктомия ҳисобланади. Чунки, жарроҳ қорин бўшлиғини очиб, ҳали қора талоқни олиб ташламай туриб, фақат артерия ва веналарга қисқич қўйиши биланоқ беморниң илигидағи мегакариоцитларнинг цитоплазмасида кўплаб тромбоцитлар ҳосил бўлгани аниқ кўрсатилган (Г. А. Алексеев, 1948).

Орттирилган аутоиммун тромбоцитопенияни даволашда гормонлардан, айниқса преднизолондан фойдаланилади. Преднизолон таблеткаларини (бир таблеткада 5 мг) бир суткалик меъёрини аниқлаш учун беморниң оғирлиги аниқланиб (унинг 1 кг оғирлигига 1—2 мг) преднизолон тайинланади. Масалан, беморниң оғирлиги 70 кг бўлса, унга бир суткада 140 мг преднизолон берилади. Бу жами 14 таблетка бўлиб, уни 3—4 донадан эрталаб, пешинда ва кечқурун берилади (масалан, соат 8 да 4 дона, 12 да 4 дона, 16 да 4 дона, 20 да 2 дона). Кечаси преднизолон берилмайди, чунки бу вақтда буйрак усти бези пўстлоғи одатда кўплаб гормон ишлаб чиқариши аниқланган. Ҳар беш кунда кечкиси ва куннинг иккинчи ярмидаги таблеткалар бир донага (5 мг) камайтирилиб бориб, преднизолон билан даволаш 1-2 ойгача давом этади. Асосий даво усусларидан ташқари, беморга қон кетишини тўхтатиш учун авваламбор қон ва унинг таркиблари, бошқа дорилар берилади. Қон кетиши натижасида ҳосил бўлган постгеморрагик анемия қон ва унинг таркиблари, тёмир бор дорилар, жигардан тайёрланган дорилар билан даволанади. Аскорбин кислота ва бошқа дорилар беморниң коагулограммасига қараб берилади. Беморниң юрак-томир тизими фаолиятини яхшилаш учун строфантин «К», коргликон, камфора ва бошқа дорилар ишлатилади.

Бурун қонашида бурун бўшлиғига тампонлар қўйилади. Тампонларни соғлом одамнинг қон зардобига ёки эмизувчи аёлнинг сутига ҳўллаб қўйилса, яхши натижа бўлиши мумкин. Чунки улардаги нормал қон ивишини йўлга қўювчи моддаларнинг ижобий таъсири бўлади.

## ОРТТИРИЛГАН АУТОИММУНОТРОМБОЦИТОПЕНИЯ

Орттирилган аутоиммунотромбоцитопения касаллиги деб, инсон организмида ўз тромбоцитларига қарши антителолар пайдо бўлиши натижасида тромбоцитопения, унинг оқибатида ҳар хил даражадаги геморрагик синдром пайдо бўлишига айтилади.

Бу касаллик кенг тарқалган бўлиб, катталар ва болаларда, аёллар ва эркақларда бир хилда учрайди. Наслдан-наслга ўтмайди.

**Сабаби.** Инсонда иммунитет жараёнининг бузилиши натижасида унинг организмида ўз тромбоцитларига қарши антителолар пайдо бўлади. Бу антителолар икки хилда бўлиб, биринчи хили беморнинг қон зардобида эркин сузуб юради, иккинчи хили бемор тромбоцитларининг устига жойлашган бўлади. Бу антителолар таъсири остида иликда ҳосил бўлган тромбоцитлар қонга, тўқималарга ва бошқа ички аъзоларга чиқса ҳам, яшай олмай ҳалок бўлади. Оқибатда ҳар хил даражадаги тромбоцитопения, унинг натижасида қон кетиш ҳолати, яъни геморрагик синдром пайдо бўлади.

**Касалликнинг келиб чиқиши механизми.** Инсон ҳар хил юқумли касалликларни бошидан ўтказиши ёки организмда узоқ давом этувчи яллиғланишлар мавжуд бўлиши, ҳар хил дори-дармонларни нотўғри истеъмол қилиш натижасида иммунитетга керакли иммуноқисиллар ишлаб чиқарувчи ҳужайраларнинг рибосомаларида (ҳар бир ҳужайранинг эндоплазматик ретикулумида жойлашган оқсил ва организмга керак бошқа моддаларни ишлаб чиқарувчи органоид) организмнинг ҳимоясига керакли бўлган иммун оқсилларни ишлаб чиқариш жараёни бузилади. Бу ҳолат асосий В лимфоцитлар — плазмобласт, проплазмоцит, плазмоцит ва лимфоцитларда бўлиб, улардан сифатсиз, яъни ўз организми ҳужайраларини (шу жумладан тромбоцитларни) емирувчи аутоантителолар ҳосил бўлади. Юқорида айтилганидек, улар икки хилда бўлиб, биринчи хили эркин равишда қон зардобида ва организмнинг бошқа суюқликларида сузуб юради, иккинчи хили қон ҳужайралари (жумладан тромбоцитларнинг) устига жойлашиб олади.

Биринчи хил антителолар эркин сузувчи ёки циркуляция ҳолатидаги антителолар дейилади. Иккинчи хили ҳужайралар устига жойлашган антителолар дейилади. Биринчи хил антителолар (бевосита) усулдаги Кумбс реакцияси билан, иккинчи антителолар эса

(бильвосита) Кумбс реакцияси усули ёрдамида аниқлады.

Бундай беморларни сүяк күмикларидағи мегакариоцитлардан ҳосил бўлган тромбоцитлар қонга чиқиб, юқорида кўрсатилган антителолар таъсирида ҳалок бўлади. Демак, ортирилган атоиммун тромбоцитопениянинг Верльгоф касаллигидан патогенетик фарқи — унинг мегакариоцитлари фаол бўлиб, кўп тромбоцитларни ишлаб чиқаради, лекин бу тромбоцитлар қонга чиқиб ҳалок бўлади. Натижада геморрагик синдром ҳосил бўлади.

**Касаллик клиникаси.** Беморларнинг кўпчилиги тўсатдан пайдо бўлган қон кетишидан шикоят қиласди. Уларнинг айримлари касаллик сабабсиз бурун қонашидан бошланиб, уни давомли ва қайталанувчанлигиша шикоят қиласдилар. Иккинчилари, айниқса аёллар, хайз кўриш чоғидаги қон кетишнинг кўпайиши ва чўзилиши, кўп қон кетиши тўғрисида шикоят қиласдилар. Учинчилари, бирданига бўладиган ички қон кетишидан кучсизланиб жарроҳларга мурожаат қиласдилар. Бундай қон кетиши билан бирга bemornining териси ёки шиллиқ қатламларида геморрагик тошма (петеҳиялар) ёки доғларни кўриш мумкин. Беморнинг бадани, оёқ ва қўлларида улар битталаб ёки кўплаб учрайди. Беморнинг ички аъзоларида гемотомалар, аппендицит, ёки ўткир ичак санчиғи каби касалликларнинг клиник аломатлари бўлиши мумкин. Беморларда бўладиган макро — ва микрогематуриялар ўткир гломерулонефрит ёки сийдик йўлларида ҳосил бўладиган ўсма ва тош касалликларига ўхшаши мумкин.

Қон кўп кетган ҳолатларда bemorларда иккиламчи анемия, дармонсизлик, тез чарчаш, ҳарсилаш, бош айланиши, кўз тиниши, ранг кетиши каби клиник симптомлар билан характерланади.

Гемограммада тромбоцитлар сонининг камайишини (нормада 180.000—320.000), кўп қон йўқотган bemorларда гемоглобин ва эритроцитлар камайишини кўриш мумкин. Коагулограммада қон кетиш вақти ва реальцификация даври узаяди, протромбин камаяди, қон лаҳтасининг ретракцияси сусаяди. Тромбоэлатограммада «Р» ва «К» лар чўзилади, сі пасайиб тўртдан ошмайди.

Ортирилган атоиммун тромбоцитопениянинг бошқа касалликлардан фарқи:

1. Верльгоф касаллигидан bemor илигига мегака-

риоцитларнинг фаоллиги, унинг қон зардобида Кумбс реакциясининг мусбат (+) бўлиши ажратиб турди.

2. Ўткир нур касаллигидан бу касалликнинг бошланиш даврига хос қусиши, томир тортиши, ўткир руҳий ўзгаришлар, ичаклардаги динамик юришмаслик ажратиб турди. Ундан ташқари, ўткир нур касаллигининг ўзига хос аломатлари, қонда касалликнинг биринчи даврига хос нейтрофил лейкоцитоз ва ретиукацитоз кузатилади.

3. Ўткир апластик анемиянинг бу касалликдан фарқи кун сари чуқурлашиб борувчи анемия, лейкопения, нейтропения, тезланиб борувчи СОЭ, клиникасида некрозланувчи ангина, нохуш ҳид, кўтарилиб борувчи иситма, ички аъзоларда мавжуд бўладиган яллиғланишлар, bemor илигига мегакариоцитларнинг камайиб ёки йўқ бўлиб кетиши, миелокариоцитларнинг камайиб кетиши, Кумбс реакциясининг манфийлигига ифодаланади.

4. Бу касалликнинг ўткир арганулоцитоздан фарқи шундаки, унда тромбоцитлар билан бирга лейкопения, нейтропениялар бўлиши шарт эмас, клиникасида геморрагик синдром билан баробар яллиғланиш, ички аъзоларда некротик ўзгаришлар хос эмас.

5. Орттирилган аутоиммун тромбоцитопенияниң ўткир оқ қон касаллигидан фарқи шундаки, ўткир лейкозларда тромбоцитопениядан ташқари шу касалликка хос гиперплазия, анаплазия, метаплазия ва гетеротолик қон ҳосил қилувчи ўчоқлар бўлади.

6. Гипертония касаллиги, субатрофик ва атрофик ринит, бурундаги захм гуммаси ёки Ренджю — Ослер касалликлари сабабли бурундан қон кетиши ҳолатларининг бу касалликлардан фарқи — геморрагик синдром билан баробар шу касалликларга хос бошқа белгилар ҳам шифокор эътиборини жалб қиласиди. Уларда Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлиши шарт эмас.

7. Гиперспленизм натижасида қон кетиши ҳолатларида bemorларда қон кетиши, жигар циррози, бруцеллэз, сурункали гепатит ва бошқа касалликлар белгиларини кузатиш мумкин. Уларда Кумбс реакциялари мусбат (+) бўлиши шарт эмас.

8. Орттирилган аутбиммун тромбоцитопениядан сурункали провитамин «K<sub>2</sub>» етишмаслиги касаллигининг фарқи шундаки, унда bemor қонида тромбоцитларнинг сони камаймайди, уларнинг сифати ҳам ўзгармайди. Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлиш шарт эмас.

9. Орттирилган аутоиммун тромбоцитопениянинг ТИУЗХБСКҚУЖдан, аниқроғи унинг 1 давридан фарқи — тромбоцитопения ва гипокоагуляцияда, яъни тромбоцитлар камайиб, коагулограммада гипокоагуляция бўлади.

Кумбс реакцияси мусбат (+) бўлади.

10. Бу касалликнинг Рустицкий — Калер касаллигидан фарқи — унда плазмоцитомага хос оғриқ синдроми, иммунитет ногиронлик, «миелома буйраги», парапroteinемия, М — градиент, бемор сийдигида Бенс — Жонс оқсили, қон ва иликдан қилинган суртмаларда плазмомиелома ҳужайралари бўлмайди.

Кумбс реакциялари мусбат (+) бўлиши шарт эмас.

*Орттирилган аутоиммун тромбоцитопенияни даволаш усуслари.*

1. Аввалам бор орттирилган аутоиммун тромбоцитопениянинг сабабини аниқлаб, уни бартараф этиш, узоқ қабул қилинганди антибиотиклар, сульфаниламидлар ва бошқа дориларни қабул қиласлик.

2. Беморда орттирилган аутоиммун тромбоцитопения бор бўлса, янги дориларни эҳтиётлик билан ишлатиш.

3. Преднизолон таблеткасини (бир таблеткада 5 мг) bemornинг 1 кг оғирлигига суткасига 1—2 мг дан ҳисоблаб бериш (масалан, 70 кг оғирликдаги bemorga 70 ёки 140 мг преднизолон берилади). Дорининг асосий қисми эрталаб ва кундуз кунлари, оз қисми кечга томон берилиб, кечаси мутлақо берилмайди (тунда инсон организмидан преднизолон кўп ишлаб чиқарилиши аниқланган).

4. Қон гуруҳи ва резус фактори bemornикига мос келадиган тромбоцитлар массаси ёки натив плазма (қон зардоби) қуйилади.

5. Қон кетиши ҳолатларида bemorga кальций хлорид, викасол ва бошқа қон кетишини тўхтатувчи дорилар ишлатилади.

6. Бемор оғир жисмоний ишлардан сақланиши лозим.

*Касалликнинг олдини олиш чоралари.* 1. Шифокор маслаҳатисиз дори-дармонларни исътеъмол қиласлик лозим.

2. Ҳар бир bemorga тўғри дозада дори бериш учун унинг ёшига, жинсига қараб, унинг табиатига ва шу дорига нисбатан сезгириллигига қараб иложи борича терапевтик дозада даволашни бошлаш лозим. Даволаш пайтида bemornинг шу дорига нисбатан бўлган шахсий сезгириллигини аниқлаб, даволашни давом эттириш ло-

зим. Катта дозаларга ўтмасдан, чидам билан дори бериш жараёнини ўтказиш лозим. Беморда биронта дорининг нохуш таъсири сезилса, дарҳол бу дорининг миқдорини камайтириш ёки бутунлай беришни тўхтатиш мақсадга мувофиқ.

3. Дори бёришдан олдин bemорда унда ва унинг оила аъзоларида дориларга нисбатан юқори даражали сезувчанлик бор-йўқлигини билиш керак.

## ГЛЯНЦМАН ҚАСАЛЛИГИ

Инсон касалликлари орасида тромбоцитларнинг фагат сонигина ўзгариб қолмай, уларнинг сифати ҳам ўзгариши натижасида мавжуд бўладиган касалликлар учрайди, шу жумладан Глянцман касаллиги. Бу касаллик 1920 йилда биринчи марта мустақил касаллик сифатида маълум қилинган. Унинг сабаби тромбоцитлардаги грануломернинг йўқлигига; яъни грануломерда бўлувчи ретарактозим ферментининг йўқлиги ёки унинг етарли даражада бўлмаслиги. Ундан ташқари, бу касалликда тромбоцитларнинг агрегация хусусиятлари ҳам камайиб кетади. Касаллик наслдан-наслга аутосом — рецессив равишда ўтиши мумкин. Айниқса яқин қариндошлар орасида тузилган оила фарзандларида учрайди.

Беморларнинг қонида тромбоцитларнинг сони камаяди. Лекин уларда шу касалликка хос цитоплазматик ўзгаришларни кузатиш мумкин. Аввалам бор тромбоцитларда грануломернинг, яъни тромбоцитлар доначалари бор қисми йўқлиги аниқланади. Бошқа қен кетиши касалликларидан Глянцман касаллигининг фарқи асосан шунда, уларнинг тромбоцитларида грануломер борлигини дарҳол кўриш мумкин.

Тромбоцитларда грануломер ва унда бўладиган ретарактозим ферментининг бўлмаслиги ёки етишмаслиги натижасида қон ивиш жараёнининг IV даври bemорда бўлмайди. Натижада геморрагик синдром ҳосил бўлади.

Касаллик клиникасида асосан вақти-вақти билан бурундан қон кетиши ҳолатлари бўлиб туради. Лекин bemорларнинг қон босимида, томирларида, буруннинг шиллиқ қатламларида ўзгаришлар кузатилмайди.

Гемограммада тромбоцитларнинг сони нормал бўлсада, уларда грануломерлари қамлиги ёки бутунлай йўқлиги аниқланади. Агрегометрик текшеришда бу

тромбоцитларнинг агрегация хусусиятлари пастлиги кўринади. Коагулограммада қон ивиш жараёнининг IV даври аниқланмайди, яъни қон лаҳтасининг ретракцияси бўлмайди. Цитоморфологик усул билан текширилганда одатда соғлом тромбоцитларда аниқланадиган «антителолар», яъни тромбоцитларнинг амёбасимон ҳаракатлари аниқланмайди.

Ташхиси геморрагик синдроми бор беморнинг тромбоцитлари нормадалиги, коагулограммасида IV даврнинг аниқланмаслиги, тромбоцитларида грануломернинг йўқлиги, агрегометрияда тромбоцитларнинг агрегация хусусиятлари йўқлиги ёки пасайгани асосида аниқланади.

Дифференциал ташхиси бошқа геморрагик диатезлардан фарқи — геморрагик синдромнинг, яъни касалликнинг сабаби беморнинг тромбоцитларида грануломер ва фермент ретрактозимнинг йўқлигидир.


*Касалликни даволаш.* Бемордан қон кетиши пайтида энг яхши даво усули — тромбоцитлар массасини беморга қўйишdir (қон гуруҳи ва резус фактори мос бўлиши шарт). 1% ли аденоzinтрифосфат (АТФ) дан 1—2 мл дан мушаклар ичига 30 кун давомида, ҳар кун эрталаб ва кечқурун юборилади. Ремиссия даврида ҳар ойда 7—10 кун давомида ёки бир-икки ойда 1 марта-дан умр бўйи буюрилади.

### ГИПЕРСПЛЕНИЗМ НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ БУЛАДИГАН ҚОН КЕТИШИ

Касаллик кенг тарқалган бўлиб, эркак ва аёллар, болалар ва катталар бир хил даражада касалланади.

*Сабаби.* Ҳар хил вирус, бактериал, паразитар касалликлар (гепатит, цирроз, бруцеллёз, лейшманиоз, безгак ва бошқ.), жамғарма ретикулёз (Гошэ, Христиан — Крисчен — Мюллер касалликлари ва бошқ.) таъсири остида қора талоқ пульпасининг фаолияти кучайиб кетиши сабабли иликда ҳосил бўладиган тромбоцитларнинг қонга чиқиши камаяди. Натижада тромбоцитопения ҳосил бўлади. Бу эса қон ивишининг бузилишига, геморрагик синдромга олиб боради.

*Патогенези.* Юқорида кўрсатилган ҳар хил касалликлар қора талоқнинг фолликуляр аппаратини шикастлаб, бемор илигидаги тромбоцитлар элиминацияси га салбий таъсир қиласди. Натижада тромбоцитопения туфайли ҳар хил даражали геморрагик синдром ҳосил бўлади.



21-расм. Расмда худди қуал ишінде ұхшауш көнг. түкілған оқ сават-нада Гошे ҳужайраси бұлғын, ушан. үртасында күрге тухумтарига ұхшаган иккіта ядроси яққол күрініб турибди. Бундаң ташқары, оплоқ керазин ташки і эттән шитопластикада майдада темир доначағары күрініб турибди.

### *Касаллик клиникасы.*

Қора талоқнинг ҳуружини чақиравчы асосий касалликларнинг клиник белгиларидан иборат бўлиб, бурундан қон кетиши, метрорагия, гематурия ифодаланади. Шиллиқ қатламлар ва терида ҳар хил қонли доғлар пайдо бўлади. Юқорида кўрсатилган касалликлардан ташқары, гиперспленезмни чақиравчы касалликлардан Гошэ ва Христиан—Крисчен—Мюллер касалликларини батафсилроқ таърифлаймиз (21-расм).

Гошэ касаллиги ёки керазинли ретикуло — гистиоцитоз ретикулогистиоцитлар касаллиги бўлиб, уларнинг гиперплазияси ва модда алмашиб хусусияти бузилгани туфайли бу ҳужайраларда кўплаб церобразид керазин йиғилади.

Бу касаллик биринчи марта Парижда, 1882 йилда, сил касаллигидан ўлган аёлнинг ретикуляр ва гистиоцитар ҳужайраларидағи үзгаришларни топған француз врачи Гошэ номи билан аталади.

Сабаби ҳозирча аниқланмаган. Лекин наслдан-наслга ўтиши тахмин қилинади.

*Патогенези.* Қора талоқ, илик, жигар, лимфатик түгунлар, сұяклар ичидаги ретикуляр ва гистиоцитар

хужайраларнинг ниҳоятда тезлик билан кўпайиши уларнинг ичига керазин тўпланиб қолиши натижасида бу тўқималарнинг нормал фаолияти бузилади. Ички аъзолардан қора талоқ кўпроқ ўзгаради. У катталашади, унинг пульпасида гиперспленизмга хос хусусият пайдо бўлади. Гипофиз, жинсий безлар фаолиятининг бузилиши кузатилади. Суяклар ичидаги ретикуляр ҳужайралар кўпайиб, керазинга тўлади. Оқибатда уларнинг нормал фаолиятлари издан чиқиб, беморнинг скелети ўзгаради (суякларнинг шакли ва қалинлиги ўзгариб, мўрт бўлиб қолади).

### Клиникаси.

Қасаллик аста-секин ривожланиб бориб сурункали тус олади. Беморни текширганда ниҳоятда катта қора талоқ, қайталанувчи бурун қонаши, юздаги сариқ доғлар шифокор эътиборини жалб қиласи.

Хасталикнинг клиник аломатларидан юз, бурун устидаги оч қўнғир рангли доғлар, қорин бўшлиғида се-зилиб турувчи силлиқ ва қаттиқ, оғримайдиган қора талоқ, қора талоқдан кичикроқ бўлса ҳам яққол катталашган жигар аниқланади. Беморнинг скелети ўзгарган бўлиб, кўпинча суякларнинг ташқи қатламлари юпқалашиб, дистал жойлари карнайсимон шаклда кенгайганилиги аниқланади. Беморларда вақти-вақти билан бурун қонаиди, чунки гиперспленизм туфайли уларнинг тромбоцитлари камайиб кетади. Лекин уларнинг иликларидан олинган мегакариоцитлар фаол бўлади. Айрим bemорларнинг гипофизи керазинга тўлган ретикуляр ҳужайралар билан жароҳатланиши туфайли, улар тез (бир йилда 1—1,5 метргача) ўсади. Уларни жинсий безлари шикастлангани учун өвариал — менструал цикл кечроқ бошланади. Баъзи bemорларда суяклар юпқаланиб ўз-ўзидан синиб кетади.

Беморнинг илиги, қора талоги, лимфатик безлари, жигаридан олинган пунктатлардан тайёрланган суртмалар Паппенгейм усули билан бўялса, Гошэ ҳужайраларини кўриш мумкин. Гошэ ҳужайраси кичик объектив билан кўрилганда иликдаги кўплаб ҳужайралардан катта оқ рангдаги қуш инига ўхшаб кўзга чалинади. Катта объектив билан кўрилганда бу «инда», яъни оқ ҳужайрада бир нечта овал ёки думалоқ тўқ гунафша ранга бўялган, худди инда ётган тухумларга ўхшаш ядроларни кўриш мумкин. Ҳужайранинг цитоплазмаси худди оқ шам эритилиб қўйилгандек оппоқ ва ялтироқ керазин билан тўлган бўлади. Суяк илигидан ва қора талоқдан олинган суртмаларда Гошэ ҳужайралари

күплаб учрайди. Уларнинг 30-60 микрон диаметрли ёш номояндалари билан бирга керазини чиқиб кетиб буришиб қолған эски номоёндалари ҳам кўринади. Ундан ташқари, Гошэ ҳужайралари айримларининг цитоплазмасида темир кристаллари ҳам кўринади.

Беморнинг гемограммасида ҳар хил даражадаги анемия, тромбоцитопения ва лейкопения аниқланади.

*Ташхиси.* Ниҳоятда суст ривожланиши, ўз-ўзидан бурун қонаши, суякларнинг мўртлиги, юздаги охрага ўхшаш доғ, ниҳоятда катта қора талоқ, илик, жигар, қора талоқ пунктатларида Гошэ ҳужайраларининг борлиги ташхисни аниқ қўйишга ёрдам беради.

*Дифференциал ташхис.* Сурункали миелолейкоз билан ўтказилиши керак. Лекин Гошэ касаллигига лейкоцитлар формуласида базофил — эозинофиллар коэффициенти бўлмайди; сурункали миелолейкознинг тури даврларида гемограммада гипертромбоцитоз бўлса, Гошэ касаллигига аксинча, тромбоцитопения бўлади. Сурункали миелолейкози бор bemorning суяк илигига Гошэ ҳужайралари бўлмайди.

Гошэ касаллигига bemor юзида (оч сариқ) ранги доғлар бўлсада, унда жигар циррозига хос сариқлик, томирларнинг варикоз кенгайиши, қонда билирубиннинг кўтарилиши, ферментларнинг кўтарилиши, Австралия антигенининг мусбат (+) бўлиши кузатилмайди.

Бруцеллёзда гепато —lienal синдром билан бирга дармонсизлик, шу касалга хос тўлқинсимон иситмалаш, қаттиқ терлаш, қонда Райт, Хеддльсон реакцияларининг мусбатлигини (+) ҳамда илик пунктатида Гошэ ҳужайраларининг бўлмаслиги хос.

Лейшманиозда дармонсизлик, иситмалаш, иликдан олинган суртмаларда Донован лейшманиялари борлиги, Гошэ ҳужайраларининг йўқлиги кузатилади.

*Касалликни даволаш усуслари.* Қора талоқ жуда катталашиб кетиб bemorga халақит берса, спленектомия қилинади. Ундан ташқари, bemorda кузатиладиган қон кетишлар, анемия ва бошқа шу касалликка хос ўзгаришларга қараб дори-дармонлар ва рентгенотерапия қўлланилади.

Христиан — Крисчен — Мюллер касаллиги ёки ретикуло — ксантоматоз ретикуло — гистиоцит ҳужайраларининг касаллиги бўлиб, ударнинг гиперплазияси ва модда алмашинуви бузилиши туфайли уларда холестерин, нейтрал ёғ ва фосфатидлар йиғилиши кузатилади. Этионатогенези яхши ўрганилмаган.

Касаллик клиникасида түртта асосий синдром фарқланади: спленогепатомегалия; қандсия диабет; күз соқ-касининг чиқиши; япалоқ сұякларнинг бузилиши.

Сұяк илиги, қора талоқ, жигар ва бошқа аъзолардан олинган суртмаларда бу касалликка хос 30—40 микрон катталиктаги нейтрал ёғ түлгән ҳұжайралар күринади. Гемограммада ҳар хил даражадаги анемия ва тромбоцитопения күзатылади.

**Даволаш.** Гиперспленизм сабабчиси бўлган асосий касалликни тезлик билан даволаш лозим. Қон кетишини тұхтатыш учун қон ва унинг таркиблари, ҳар хил дори-дармонлар (викасол, әпсилонаминокапрон кислота ва бошқ.) ишлатылади.

### ШЁНЛЕЙН — ГЕНОХ КАСАЛЛИГИ

Шёнлейн — Генох касаллиги ёки геморрагик васкулит деб, томирларда тарқалиб бемор терисида, шиллик қатламларыда ва ички аъзоларыда қон кетишини чақиравчи гиперергик томирларнинг яллиғланишига айтамиз.

Бу касаллик кенг тарқалган бўлиб, аёллар ва эркакларда, ёш ва қариларда бир хил даражада учрайди.

Касалликнинг бўғимлар касалланиши шакли 1873 йилда Шёнлейн, абдоминал (қорин гүшчаси) шаклини 1874 йилда Генох очгани учун бў касаллик Шёнлейн — Генох касаллиги дейилади.

Сабаби охиригача аниқланмаган. Лекин айrim юқумли касалликлар (грипп, аденоvирус касалликлари, сурункали пневмония, пиэлонефрит, пиэлоцистит), айrim дори-дармонларни истеъмол қилиш, айниқса, тетрациклиң, олетеңтирин, гаптен ёки ярим гаптен хусусиятига эга дорилар ва ниҳоят яхши сингмайдиган таомларни (қисқичбақа, күзиқоринлар ва бошқ.) қабул қилиш натижасида инсон организмидаги иммунитетнинг бузилиши рўй беради. Бемор организмига тушган ёки унда ҳосил бўлган ёт оқсиllар (гаптенлар) антиген сифатида ўзлариға нисбатан антитело ҳосил қиласади. Натижада, ниҳоятда юқори ва тез ўтувчи аллергологик антиген — антитело реакцияси ҳосил бўлади. Бу патологик ўзгариш аллергологик тусга эга бўлгани учун, бутун қон томирларининг интимаси бирданига «ловиллаб ўт олгандек» яллиғланиб кетади. Бу жараён жуда тез тарқалиб кетиш хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун бундай патологик жараён организмдаги томирлар ишини бузади. Натижада, ички аъзоларда (ичаклар, бўғимлар, бош мия, юрак муша-

ги ва бошқа аъзоларда) томирлардаги қон чиқиб кетиб қон қўйилиши ҳосил бўлади, геморрагик синдром шаклланади. Чунки яллиғланган томирларининг барча қатламлари шикастланади. Хусусан, томирларнинг эндотелийси бузилгани учун уларда простоциклин ишлаб чиқариш бузилади, бу ўз навбатида қон оқимидағи тромбоцитларни ўз-ўзидан бўладиган адгезиясига undайди, адгезия бўлган тромбоцитларда аггломерация бошланади ва ниҳоят тромблар ҳосил бўлиши мумкин. Натижада томирларда тарқалиб кетувчи қон ивиш жараёни рўй беради. Бу эса ўз навбатида ички аъзоларда кўплаб тромбозлар ҳосил бўлишига, ҳаёт учун муҳим бўлган ички аъзолар (мия, ўпка, буйрак ва бошқ.) ни ишдан чиқариб, инсонни оғир касалликка дучор қиласди.

Қон томирларининг аллергологик гиперергик яллиғланиши натижасида ички, ўрта ва ташқи қатламлари шикастланиши оқибатида томир ичидаги оқувчи қон осонлик билан ташқарига чиқа бошлайди. Натижада қон кетади.

*Касалликнинг клиникаси.* Касаллик кутилмагандан, бехосдан айрим клиник белгиларни намоён этади. Касаллик тўрт хил шаклда бошланади:

Биринчиси оддий тери шакли тўсатдан, ҳеч қанақа оғриқсиз, бемор терисининг айрим жойларида майда, нуқтасимон қон қўйилишлари пайдо бўлади. Бу бошланғич элемент — петехия ўзига хос хусусиятга эга, у терини икки бармоқ ўртасига олиб чўзса йўқ бўлмайди (розеола эса бир зумда йўқ бўлиб, қўйиб юборгандан сўнг яна пайдо бўлади). Томирлардан қон кетиши кучайгани сари петехиялар катталашиб доғларга айланади, улар кенгайиб гематомалар ҳосил қилиши мумкин.

Петехиялар терини силаганда бўртиб чиқмайди (папуладан фарқи), уларнинг сони битта-иккитадан тортиб чексиз бўлиши мумкин. Улар шу касалликка хос симметрик равишда bemор терисида жойлашади. Масалан, кўкрак қафасининг иккала ярмида, икки билакда, думбаларда, сонларда, оёқларда ва ҳоказо. Петехия ва bemор терисидаги бошқа элементлар регионар равишда жойлашади. Беморларнинг кўпчилигида элементлар қориннинг пастки қисмида ва оёқларда ҳосил бўлади.

Касалликнинг енгил даражасида bemор терисида асосан юқорида зикр этилан элементлар пайдо бўлади, оғир даражасида пуфаксимон (сувли пуфаклар) элементлар, қора нуқталар шаклидаги некротик эле-

ментлар ёки бўртиб, теридан кўтарилиб турувчи ин-филтратив-пролифератив элементлар кузатилади. Уларнинг бузилиб ҳалок бўлиши туфайли бемор терисининг касалланган жойида ноxуш ҳидлар ҳосил қиласи. Тери шакли билан касалланган беморнинг ахволи оғирлашиб, иситмалаб, дармонсизланиши мумкин.

Иккинчиси, ревматизмга ўхшаш ёки бўғимларнинг асоратланиш шакли. Тўсатдан беморнинг айрим бўғимларида, кўпроқ йирик бўғимларида оғриқ пайдо бўлиб, бўғимга хос ҳаракатлар чегараланади. Бўғим шишиб териси қизариб, уни ушлаганда оғриқ кучаяди. Айниқса бу оғриқ тепа ва пастки бўғимда кўпроқ бўлиб, бўғим усти суюгини босгандага кучаяди. Бўғимдаги оғриқ қаттиқ бўлиб, ревматизмдаги оғриққа ўхшаб «бир бўғимдан иккинчи бўғимга ўтмайди», яъни доимий бўлади, бунинг сабаби бу касалликка хос қон қўйилиш ва аллергологик яллиғланишлар бемор бўғимини жуда ҳам оғриққа сезгир бўлган синовиал пардасида ўтишининг оқибати деб тахмин қилиш мумкин. Кўпчилик ҳолларда бўғимда суюқлик борлиги аниқланади, бўғимлардаги ўзгаришлар артрит ёки экссудатив артрит каби бўлади. Бўғимда ревматоид артритга ўхшаш де-фигурация ёки букиш контрактураси кузатилмайди.

Учинчиси, абдоминал шакли бўлиб, икки хилда ўтади: биринчисида ўткир аппендицитдаги каби беморнинг қорнида, кўричак жойлашган жойда ўткир ва қаттиқ оғриқнинг пайдо бўлишидир. Бемор қусади, Блюмберг — Шеткин, Ситковский ва бошқа симптомлар кузатилади. Лекин беморни синчиклаб қаралганда унинг шиллиқ қатламларида ва терисида жуда бўлмаса битта ёки иккита петехияларни топиш мумкин. Чунки бундай беморларни операция қилиш бемор ҳаётини хавф остида қолдириш демакдир. Иккинчисида ўткир дизентерияникига ўхшаш аломатлар бўлади. Беморнинг қорни қаттиқ ғижимлаб оғрий бошлайди, у тез-тез ҳожатхонага боради, лекин ахлати камайиб бориб, бир тўплам йиринг ва қонга айланиб қолади («ректальный плевок»), касаллик зўрайгани сари беморнинг ҳоҳиши жуда тезлашиб кетиб ахлати келмай қолади (қуруқ кучаниш). Бу ҳолат клиникада сохта чақирав дейилади. Унинг сабаби тўғри ичакнинг шиллиқ қатламига қон қўйилиш натижасида нормал дефекация жараёнига хос физиологик инвагинациянинг бузилишидир. Аниқроғи, қон қўйилиб, яллиғланган ичакнинг шиллиқ қатламида реинвагинация жараёни бузилгани учун, беморнинг ичагида худди ахлати бор-

дек, доимо ҳожатга ҳохиш бўлиб туради. Бемор кучсизланади, ҳолдан кетади, унда кучли тенезмлар, яъни орқа томонда оғриқ берувчи муштумдек чигал тугун борлиги ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Шенлейн — Генох касаллигининг дизентерияга ўхшаш ҳилида bemor ичагининг шиллиқ қатламларида ва терисида петехиялар, бўғимларида оғриқ, лейкоцитларнинг камлиги (эмада 20 тадан кам) ва аҳлатини бактериологик текширганда шигеллёзга оид микробларнинг топилмаслиги табиийдир.

Касалликнинг тўртинчи, ригрига fulminans, яшиндек тез ўтувчи шакли, ниҳоятда оғир ўтиши кузатилади, чунки бу шакл билан касалланган bemorning аҳволи тезда ёмонлашиб, бутун ички ва ташқи аъзоларига қон қўйилиб ҳарорати кўтарилиб кетади. Бемор қисқа вақт ичida оламдан ўтиши мумкин.

Шенлейн — Генох касаллигининг аниқ ташхиси юқорида кўрсатилган клиник симптомлар билан бирга Румпел — Лэди симптомининг мусбатлиги (секин чимчилаган жойда тезлик билан қон қуюлиши) гемограмма ва коагулограммаларга асосланиб қўйилади.

Шенлейн — Генох касаллигига бошқа геморрагик синдромларга хос бўлган специфик ўзгаришлар лейкоцитлар, тромбоцитлар ва эритроцитлар томонидан кузатилмайди. Фақат bemor томирларининг яллиғаниши сабабли нейтрофил лейкоцитоз, лейкоцитлар формуласида чапга сурилиш белгилари кузатилади. Иликада ҳам мегакариоцитларнинг ўзгариши, қонда тромбоцитлар сони ва сифатининг ўзгариши бу касалликка хос эмас. Коагулограммада рекальцификация даври, протромбин индекси, фибриноген, қон лаҳтасининг ретракция вақти, гепаринга толерантлик, фибриногеннинг миқдори, тромботест кўрсаткичлари мутлоқо ўзгарамайди. Тромбоцитларнинг агрегация ва агломерация кўрсаткичлари, bemor томирларининг эндотелиал ҳужайралари жароҳатлангани сабабли уларда простациклин (простогландин А<sub>2</sub>) ишлаб чиқариш жараёни бузилади. Шенлейн — Генох касаллигига қон томирлари деворчаларининг яллиғаниши туфайли анти тромбинлар ишлаб чиқарилиши бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, бунинг натижасида ўз-ўзидан томирлар ичida ҳосил бўлиб сочилиб кетувчи қон ивиш жараёни эътиборни жалб этиши лозим. Шунинг учун бундай bemorларнинг коагулограммаси текширилиб кўрилганда ДВС синдромнинг маълум бир даври борлиги аниқланади. Bemorларда ДВС синдромининг ги-

перкоагуляция, ўтиш, гипокоагуляция ва қон ивиш жараёнининг тикланиш даври кузатилади. Буни аҳамияти — ДВС синдроми даврларига оид даволаш ўтказишдир.

*Дифференциал ташхиси.* 1. Шенлейн — Генох касаллигини Верльгоф касаллигидан фарқи — Верльгоф касаллигига хос тромбоцитопения ва беморлар илигидаги мегакариоцитларнинг пассивлиги бу касалликка хос эмас.

2. Ортирилган аутоиммун тромбоцитопениядан фарқи — Шенлейн — Генох касаллигига тромбоцитопения ва Кумбс реакцияларининг манфий натижаси хос эмас.

3. Қора талоқдан қон кетишидан фарқи бу ички аъзони катталаниши, тромбоцитопения, лейкопениялар Шенлейн — Генох касаллигига хос эмас.

4. Гемофилиядан фарқи қон зардобида (коагулограммада) VIII, V, IX ва X омилларнинг дефицити Шенлейн — Генох касаллигига хос эмас.

5. Рендью — Ослер касаллигидан фарқи — пастки лаб ичидан, бурунда, II—IV бармоқлар учидан майда қон томирларининг туғма кенгайиши Шенлейн — Генох касаллигига хос эмас.

*Шенлейн — Генох касаллигини даволаш усуслари.*

1. Асосий даволаш усули — беморга преднизолон беришдан иборат. Преднизолон (5 мг) таблеткаларини бемор ичса, унинг томирларидағи аллергологик яллиғланиш аста-секин тұхташи мүмкін. Преднизолоннинг индивидуал дозаси беморни 1 кг оғирлигига 1-2 мг дан ҳисобланади. Масалан, беморнинг оғирлиги 75 кг бўлса, бир суткада унга 75 мг ёки 150 мг гача преднизолон ичиш тавсия қилинади. Дорини бемор сутка давомида 4—5 г бўлиб истеъмол қиласди. Масалан, 75 мг преднизолон 15 таблетка бўлса, ундан соат 8 да 4 дона, 12 да 4 дона, 16 да 4 дона ва ниҳоят 20 да 3 дона ичилади. Ҳар 5 кунда охирги (соат 20 да) ичиладиган таблеткалардан биттасини қисқартириб бориласди. Даволаш курси 2—2,5 ой давом этади.

2. Қальций хлорат, аскорбин кислота ва бошқа қон томирлари деворларини мустаҳкамловчи дори-дармонлар.

3. ДВС синдромининг даврларига кўра гепарин ёки контрикал ёки музлатилган қон зардоби каби дорилар ишлатилади.

4. Беморда ҳафтада 1-2 марта плазмофорез қилиниб муолажанинг умумий сони 4—5 мартагача бўлиши мүмкін.

## 5. Симптоматик даволаш усуллари.

Шейнлейн — Генох касалликнинг олдини олиш:

1. Авваломбор, бу касалликнинг сабабчиси бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш; сурункали ёки ўткир юқумли ички касалликларни изчил даволаш; ҳар хил дори-дармонларни искеъмол қилишни дарҳол тўхтатиш; сурункали тонзиллит, гайморит, бронхит касалликларини изчил даволаш.

2. Шифокорларнинг маслаҳатисиз мустақил даволанмаслик керак.

## РАНДЮ-ОСЛЕР КАСАЛЛИГИ

Рандю — Ослер касаллиги наслдан-наслга ўтувчи қон томирлари деворчаларининг касаллиги. Инсон томирларининг айрим жойларига фақат эндотелий ва сероздан ташкил топган бўлади, бунинг натижасида телевангиэктазлар ҳосил бўлади. Касалликнинг номи Рандю — Ослер томонидан таърифлангани учун уларнинг номи берилган.

*Сабаби ва патогенези.* Сабаби охиригача аниқланмаган. Маълум бўлишича, мезенхима заифлиги туфайли туғма равишда bemornining қон томирларининг айрим жойларида мушак қатлами ривожланмайди. Натижада қон томирларининг бундай жойларида телевангиэктазлар, яъни қон томир деворчасининг юпқалашиб дўппайиб чиқиши кузатилади. Телевангиэктазлар оғиз, бурун, қулоқ, томоқ ва II—IV бармоқларнинг учларида кўпроқ учрайди. Лекин аслини олганда уларни ҳамма ички аъзоларда топиш мумкин. Телевангиэктазлар қон томирлари ичидаги босим ёки ташки таъсирот туфайли ёрилиб кетиб, оғир қон кетиши ҳолларига сабаб бўлиши мумкин.

*Касалликнинг клиникаси.* Бемор лабларининг ички томонида, бармоқларининг учларида яққол кенгайиб қолган томирларни (телевангиэктазларни) кўриш мумкин. Вақти-вақти билан bemornining қон босими ўзгариши оқибатида шу қон томирларидан кўп қон кетиши кузатилади. Клиникада Рандю — Ослер касаллигига хос симптом бурундан кўп ва қайта-қайта қон кетиши ҳисобланади. Лекин бу касалликни ташки ифодаси бўлиб, bemorларни қизилўнгачдан, меъдасидан, ўпкаларидан, жигарларидан ва буйракларидан ҳам қайта-қайта кўп миқдорда қон кетиши рўй беради.

Касалликнинг ташхиси bemornining лабларида ва бармоқларида кўриниб турган жароҳат, эндоскопик

текширишлар (эзофагогастрофиброскопия, бронхоскопия, колоноскопия, ректороманоскопия ва бошқа воситасида) оғиз ва бурун бўшлиқларида шиллиқ қатламларидаги аниқ кўринадиган телеангэктузларга асосланниб қўйилади.

Бу касалликнинг геморрагик синдромлар ва бошқа ўхшаш касалликлардан фарқи bemорларнинг тромбоцитлари, мегакариоцитлари, коагулограммаларида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар бўлмайди. Фақат уларнинг гемограммаларида ўткир ва қайталанувчи, сурункали қон кетишлар натижасида ҳар хил даражадаги темир етишмаслик анемияси бўлиши мумкин.

**Касалликни даволаш.** Симптоматик усууллар қўлланилади. Гемотрансфузия. Кўп қайталанувчи бурун қонашларида айрим катта томирларни бойлаш тавсия қилинади. Анемия комплекс даво усууллари билан даволанади.

### **Мавзу бўйича ўз билимини текшириш учун саволлар:**

1. Коагулология ва унинг вазифалари.
2. Коагулопатиялар тушунчаси, уларнинг таснифи.
3. Гемостаз тизимлари, улар тўғрисидаги тушунча: қон ивиш тизими, антикоагулянтлар ва антикоагулянтлар ингибиторлари тизими.
4. Нормал коагулограмма ва унинг клиник таҳлили.
5. Нормал тромбоэластограмма ва унинг клиник таҳлили.
6. Қон зардобидаги омиллар.
7. Тромбоцитлардаги қон ивиш жараёнини бошқарувчи омиллар.
8. Томирлар эндотелиясидаги гемостазда қатнашувчи омиллар.
9. Ўз-ўзидан томирлар ичда ҳосил бўлиб, тарқалиб кетувчи қон ивиш жараёни, унинг шакл ва клиник даврлари. Бу даврларнинг bemорларни даволашдаги аҳамияти.
10. Провитамин K<sub>2</sub> касаллиги.
11. Гемофилия касалликлари: гемофилия «A»,
12. Гемофилия «B».
13. Гемофилия «C».
14. Гемофилияни даволаш усууллари.
15. Верльгоф касаллиги.
16. Ортирилган аутоиммун тромбоцитопения касаллиги.

17. Глянцман касаллиги.
18. Қора талоқ хуружи натижасида бўладиган қон кетишилар (гиперспленизм).
19. Шенлейн — Генох касаллиги.
20. Рандю — Ослер касаллиги.
21. Коагулологиянинг назарий ва амалий аҳамияти.

### **III боб. МОРФОЛОГИК ГЕМАТОЛОГИЯ УСУЛЛАРИ**

Ҳозирги кунда, bemорни тўғри даволаш учун unинг қонини лабораторияда текшириш шифокорлик санъати ҳисобланади. Чунки фақат бир томчи қоннинг ўзида минглаб (миллионлаб) қон ҳужайралари бўлиб, ҳар бир ҳужайранинг ичидаги яна миллионлаб (1 эритроцитда 400 млн гемоглобин молекуласи бор) молекулалар бор, бу молекулалардан эса bemорнинг ташхисини аниқлаш учун керак бўлган кўплаб маълумот бор. Шу сабабли бир томчи қонда одамда учрайдиган касалликларнинг аксини кўриш ва уларни таҳлил қилиб, аниқ ташхис қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир шифокор ўз шифокорлик амалиётида bemорни клиник текшириш ва лабораторияда текшириш усулларини пухта ўзлаштириб олиши лозим. Чунки инсоннинг кўзи кўра олмайдиган микроскопик ўзгаришларни лаборатория усуллари билан кўриб, аниқлаб шифокор аниқ ташхис қўйишга имконият топади. Демак, аниқ ташхис қўйиш манбай ҳам клиник текширишга, ҳам bemорни лаборатория усуллари билан текширишга асосланиши шарт.

Шунинг учун Республикализнинг ҳамма вилоят ва туманларида керакли лаборатория анжомлари билан жиҳозланган лабораториялар мусассар. Шифокор фақат bemор қонини лабораторияда текширишнинг замонавий усулларини билиши шарт. Шифокор ўз ташхисини асослашда лабораторияда бажарилган анализнинг қанчалик тўғри ва сифатли эканини текшира билиши шарт.

Шу сабабли ушбу бобда қонни лабораторияда текширишнинг асосий усуллари берилади.

### **ҚОН ТИЗИМИНИ ЛАБОРАТОРИЯДА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ**

Ҳозирги вақтда қонни bemорларнинг касалликларини аниқлаш учун текшириш усуллари яхши ишлаб

чиқилган. Бугунги кунгача йиғилган текширувлар ва кузатувлар асосида қатъий хулоса қилиш мумкин. Қон анализида ҳамма ички аъзоларнинг физиологик ва патологик жараёнларини кўриш мумкин, яъни қон таҳлили орқали инсонда бор касалликларни аниқлаш мумкин.

Текшириш учун қон тўртингчли бармоқнинг юмшоқ ўстиқчасидан олинади: 1-2 ёшгача бўлган болаларнинг эса оёқчаларининг биринчи (кatta) бармоғидан олинади. Қон олиш пайтида, қон олинаётган бармоқни иккι ёнидан текширувчининг кўрсаткич бармоғи билан босиб ушлаш лозим (чунки, бармоқларнинг артериал ва вена томирлари ён томирларида бўлади).

Яқингача қон олишда терини тешиш учун Франк нинаси ишлатилар эди. Лекин бу нинани дезинфекция қилиш қийин бўлгани учун ҳозирги вақтда ундан фойдаланилмайди. Ҳозир дунё лабораторияларида содда ва қулай бўлган перосимон нинадан фойдаланилади. Бу нинанинг учи ингичка, юпқа ва ўткир бўлгани учун осонлик билан ҳар қандай қалинликдаги одам терисини тешиши мумкин. Унинг яна бир хислати — жуда енгил дезинфекция қилиш мумкин, уни ишлатишдан олдин қайнатиб, қайта-қайта ишлатиш мумкин. Қон олишдан олдин, текширувчининг бармоқ терисини аввал этанол, сўнг эфир билан артиш лозим. Терини тешишда уни япалоқ учини бемор терисидаги Гэд чизиқларига нисбатан параллел қўйиш тавсия этилади. Нина тез урилиб, ўрта ҳисоб билан 3-4 мм чуқурликка киритиб олинади. Биринчи чиққан қон томчиси босма қофоз билан олиниб, кейин чиққан томчилар текширишга олинади.

## ГЕМОГЛОБИН ВА УНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Маълумки, эритроцитлар кислородни организм тўқималарига, карбонат ангиридидни эса тўқималардан ўпка альвеолаларига етказиб беради. Эритроцитларнинг бу хислати уларнинг ичидаги нафас олиш пигменти гемоглобин, инсон ва ҳайвонларда учрайдиган тўртта (гемоглобин, гемицианин, хлоркруанин ва гемитритрин) нафас олиш пигментларидан биридир. Унинг ҳар хил номлари бўлиб (гематин, гемоглобин, қонни бўёвчи модда ва бошқалар) 1864 йилда унга Хоппе Зайлер ном берган. Гемоглобиннинг молекуласини яхши ўрганиш натижасида бир дона эритроцитда 400 млнгача гемоглобин молекулалари борлиги аниқ-

ланган (А. П. Андреева, Ю. Н. Бокарев, 1977). Гемоглобин молекуласи глобин ва 4 гемдан иборат бўлиб, улар тўртта (2 В2) полипептид занжирлар орасида жойлашган бўлади. Гемоглобин бизнинг молекуляр ўпкамиздир.

Гемоглобин оқсил қисмининг химиявий таркиби узил-кесил аниқланмаган. Аввалги оқсил молекуласи бир узлуксиз полипептид занжирдан иборат деган тушиччанинг ўрнига ҳозирги вақтда кўплаб оқсишларни, шу жумладан гемоглобинни ҳам битта эмас, бир нечта полипептид занжирлардан тузилгани аниқланган. Масалан, гемоглобин молекуласи 4 полипептид занжирлардан иборат бўлиб, улардан 2 таси альфа полипептид ва иккитаси бэта полипептид занжирлардан ташкил топган. Шу сабабли гемоглобинни оқсил қисми глобиннинг тасвири (2:2) бўлади. Альфа полипептид занжир бэта полипептид занжирдан олдинма-кетин жойлашган охирги аминокислоталари билан фарқ қиласи: альфа полипептиднинг охирги аминокислоталари валин-лейцин бўлса, бэта занжирда валин — гистидиндир.

Гемоглобиннинг оқсил қисми, глобиннинг таркиби 574 аминокислотадан иборат: жумладан, альфа полипептид занжир 141, бэта полипептид занжир эса 146 аминокислоталардан ташкил топган. Глобин, тахминан эритро ва нормобластларни цитоплазмаларида бўлмиш эндоплазматик ретикулумнинг рибосомаларида ишчи РНК назоратида, ҳужайралар ядроларида хромосомаларда жойлашган генлардан, аниқроғи ёш эритропоэз ҳужайраларида генларни ДНК сидан олинган кўргазмалар остида синтез бўлади.

Ҳозирги вақтда гемнинг ҳам химиявий таркиби тўла-тўқис аниқланган бўлиб, сунъий ҳолатларда синтез қилинган (бу 1, 2, 5, 8 тетраэтил — 2,4 дивинид — 6,7 нордон дипропион порфирин қўшилмаси). Гемоглобин таркибида ҳар бир гем фақат глобинни битта полипептид занжири билан проксимал гисидидини ва темир атомининг боғланиши натижасида бирикади. Бир гем ва бир альфа ёки бэта полипептид занжиридан ҳосил бўлган комплекс Сверберг бирлиги дейилади.

Полипептид занжири билан бўлган алоқадан ташқари, гемдаги темир атоми порфирин ҳалқасининг атоми билан иккита ва ниҳоят, тўртинчи алоқа веналардаги қонда бўлган сув молекуласи билан (кислороднинг паст порциал, яъни қисман босимида) ёки артериал қондаги (кислороднинг баланд босимида) кислород-

нинг бир молекуласи, аниқроғи оксигемоглобин билан боғланади. Агарда гемоглобин СО билан боғланса, карбоксигемоглобин, С билан боғланса, С гемоглобин ва бошқа қўшилмалар ҳосил бўлади. Гемоглобинни енгил равишда оксигемоглобиндан кислородсиз (редуцив) гемоглобинга ўтиш хислати туфайли кислород ўпкадан тўқималарга, CO<sub>2</sub> эса тўқималардан ўпкага ўтади. Бу жараёнга яна эритроцитлардан бўлган жуда катта саҳн ёрдам беради.

Гемоглобин молекуласини ташкил қилувчи айрим полипептид занжирларининг орасида кўп сув молекулалари жойлашган бўлади.

Гемоглобиннинг метахондрий тишларида генлар назорати остида ҳосил бўлиши ҳозирги вақтда тасдиқланган. Масалан, 1972 йилда транскриптаза ёрдами билан гемоглобин ҳосил бўлишини назорат қилувчи ген синтез қилинган (А. П. Андреева, Ю. Н. Токарев, 1977).

Бузилган эритроцитлардан (эритроцитнинг яшаш даври ўрта ҳисоб билан 120 кун) гемоглобин сийдик билан организмдан чиқиб кетмаслиги учун гаптоглобин хизмат қиласи (у қон зардобининг оқсил моддаси бўлиб, гемоглобин билан қўшилган ҳолда гемоглобин—гаптоглобин комплекси ҳосил бўлади, бу комплекс эса буйрак фильтрларидан ўтмайди). Соғлом организмда ҳаёти тугаган эритроцитлардан чиқсан гемоглобин сийдик билан чиқиб кетмай, юқорида зикр қилинган йирик комплекс ҳолатида ретикулогистоцитлар тизимиға етиб боради.

/ Р.Г.С. даги ҳужайраларда гемоглобин ўз таркибларига парчаланиб, ундан темир молекуласи ажраб, ферритин ҳолатида суюқликдаги иликларга етиб боради ва фоли кислотани (япроқ кислота) каталитик қатнашувида эритро — нормобластлардаги митохондрийларнинг тожлари зонасида қайтадан янги ҳосил бўладиган гемоглобин молекуласининг таркибиға киради (юқорида айтилганидек). Қон зардобида гемоглобин гаптоглобин билан боғдана олмаган ҳолда сийдик билан организмдан чиқиб кетади. Соғлом одамнинг қон зардобида 50 мг% дан 90 мг% гача гаптоглобулин бўлади. Ҳар хил касалликларда, шу жумладан, ревматоид артрит хуружланганида, ўткир инфрактда, гепатитда, ўт қопининг тош касаллигига, нефрит ва нефрозларда қон зардобида гаптаглобин кўпайса, жигар циррозида камайиб кетади. Гаптаглобин ва унинг ҳар хил турларини наслдан-наслга ўтиши кузатилади (А. П. Андреева, Ю. Н. Токарев).

Соғлом одамнинг 100 мл қөнида ўрта ҳисоб билан 16 г гемоглобин бўлади. Эркакларнинг қонида (қон зардобида) гемоглобиннинг миқдори 13,0—16,0 г% яъни, бир литр қонда 130—160 г, ёки 130—160 г/л, аёлларнинг қонида 12,0—15,0 г% (яъни бир литр қонда 120—150 г ёки 120—150 г/л) бўлади.

Ранг кўрсаткичи нормада 0,8—1,1 гача бўлиб, айрим олинган битта эритроцитнинг ичидаги 33 пикограммдан 35 пикограммгача гемоглобин борлиги маълум.

Ранг кўрсаткичи ҳар ҳил формуалалар ёрдамида аниқланади. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилганимиз:

1) Агарда гемоглобин миқдори г% да кўрсатилган бўлса,

$$\frac{3 \times X \text{ текширилувчида топилган гемоглобин, г\%}}{\text{Текширилувчида топилган } 1 \text{ мм}^3 \text{ қондаги эритроцитларнинг биринчи икки рақами}}$$

Масалан: гемоглобин 16 г%, эритроцитларнинг сони 5.000 000.

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{16 \times 3}{50} = \frac{48}{50} 0,9.$$

Мободо, эритроцитларнинг сони 1 мм<sup>3</sup> қонда 1.000.000 дан кам бўлса, унда учга кўпайтирилган г% гемоглобин миқдори эритроцитлар сонининг биринчи рақамига бўлинади.

Масалан: гемоглобин 4 г%, 1 мм<sup>3</sup> қондаги эритроцитларнинг сони 800.000

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{3 \times 4}{8} = \frac{12}{8} = 1,5$$

2) Агар гемоглобин бирликларда кўрсатилган бўлса, ранг кўрсаткичи эритроцитлар сонининг 2 та биринчи рақамига бўлиш натижасида аниқланади. Бунда ранг кўрсаткичи =

$$\frac{\text{Бирликда берилган гемоглобин}}{\text{1 } \text{мм}^3 \text{ қонда топилган эритроцитларнинг}}$$

биринчи иккита рақамининг иккига кўпайтирилган сони

Масалан: гемоглобин 88 бирлик, эритроцитлар сони 4.500.000

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{88}{45 \times 2} = \frac{88}{90} = 0,9.$$

Мободо, эритроцитларнинг сони 1 мм<sup>3</sup> қонда 1.000.000 дан камроқ бўлса, унда топилган гемогло-

биннинг сони эритроцитлар сонининг биринчи рақами иккига кўпайтирилган натижасига бўлинади.

Масалан: гемоглобин 20 бир, эритроцитлар сони 1  $\text{мм}^3$  900.000

$$\text{Ранг кўрсаткичи} = \frac{20}{9 \times 2} = \frac{20}{18} = 1,1.$$

Айрим эритроцитлардаги гемоглобиннинг ўрта миқдори, организмнинг доимий кўрсаткичларидан бўлиб (И. Тодоров, 1963), аниқ ва равшан ҳар бир эритроцитдаги гемоглобиннинг миқдорини кўрсатгани учун у жуда қимматли қизил қон ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Битта, айрим эритроцитда бўлган гемоглобиннинг концентрацияси ўшбу формула орқали аниқланади — 1  $\text{мм}^3$  қондаги гемоглобиннинг г% берилган рақами 100 кўпайтирилган миқдори гематокрит кўрсаткичга бўлинади.

Масалан: гемоглобин 16 г%, гематокрит 45%

Айрим эритроцитлардаги гемоглобиннинг концентрацияси =

$$\frac{16 \times 100}{45} = 35 \%$$

## ГЕМОГЛОБИННИНГ ТУРЛАРИ

Ҳозирги вақтда гемоглобиннинг нормал ва патологик турлари топилган. Нормал гемоглобин деб, 7-12 ҳафтали эмбрионда ҳосил бўладиган примитив, яъни оддий гемоглобин 3 Нв Р ҳисобланади. Одам боласининг 13-ҳафтасидан бошлаб Нв Р феталгемоглобин (Нв) алмашинади. Туғилиш пайтида эса одам боласида фақат 20% гина Нв қолиб, қолган 80% гемоглобинни Нв А ташкил қиласи. Туғилгандан сўнг, соғлом одамларда Нв фақат 1—2% бўлади.

## ГЕМОГЛОБИННИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Гемоглобинни аниқлаш усулларидан айримлари: спектрофотометрик усул, унинг асосида ҳар хил дара жали шуъла бўлган спектрларини гемоглобини бўлган маълум (стандарт) ва номаълум (текширилувчи) суюқликларда сингиб кетишини солиштириш натижасида гемоглобин ҳажмини аниқлаш принципи ишлатилади; кислороднинг қондаги ҳажмига қараб гемоглобинни

аниқлаш. Бу усул 1 г гемоглобин  $1,34 \text{ см}^3$  кислородни боғлаб олади» деган холосага асосланган.

Текшириувчининг қон пробасида темир борлигига қараб гемоглобинни аниқлаш (текшириувчининг қонда оқсиллар чўқтирилганидан сўнг ундаги темир стандарт суюқликдаги маълум миқдордаги темири бор суюқликнинг ранги билан солиштирилади). Бу усулнинг асосида гемоглобин молекуласида маълум миқдор темир бўлиши яъни, темирнинг кўп-қамлигига боғлиқ бўлиши, аниқ тайёрланган кристалли гемоглобиннинг тозалигига боғлиқ.

Гемоглобинни аниқлашда амалда кўпроқ ишлатиладиган усуллар колорометрик усуллардир. Уларнинг асосида номаълум миқдорда гемоглобини бор текширилаётган суюқликни визуал ёки фотоэлектрометрик усуллар билан аниқ миқдорда гемоглобини бор стандарт суюқлик билан солиштириб гемоглобинни аниқлаш принципи ётади.

Бу усулларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиласиз. Гемоглобинни Сали усули билан аниқлаш. Бу усулни 1895 йили Сали тавсия қилган бўлиб, осонлиги ва етарли аниқлиги сабабли кенг тарқалган. Усулнинг асёсида қондаги гемоглобинни 0,1 ни HCl таъсири остида нордон туз геминга айланиб қўнғир ранг олиши ётади: текшириувчи суюқликда пайдо бўлган қўнғир рангнинг даражаси нордон туз гемин солинган суюқликнинг ранги билан солиштириб гемоглобиннинг миқдори аниқланади (ҳозирги вақтда Сали гемометрда стандарт нордон туз гемин суюқлиги ўрнига қўнғир рангга бўялган, шишадан қилинган стандартлар ўрнатилган). Усулнинг принципи: пробиркадаги қонни гемоглобинга HCl кислота қўшилса, у нордон туз гематинга айланади. Шу сабабли текширилаётган суюқликнинг қизил ранги қўнғир тус олади. Сўнг сув қўшиб суюлтирилиб, унинг ранг стандарти маълум гемоглобин рангига етказилади.

*Керакли анжомлар.* 1) Сали гемометри. Бу аппаратнинг штативида учта, шу усул учун мўлжалланган пробиркалар учун уялар бор бўлиб, штативнинг икки четидаги уяларга уни эритилиб беркитилган, қўнғир рангли стандарт суюқликлар солинган пробиркалар қўйилган (стандартлар сифатида глицериңда тайёрланган 1% нордонтуз гематин суюқлиги ёки юқорида айтилган, қўнғир рангдаги шиша таёқчалар ишлатилади). Штативнинг ўрта уясига бўш даражаланган про-

бирка қўйилган бўлиб, унинг даражалари гемоглобин миқдорини (% ёки г%) кўрсатади. Пробиркаларнинг орқасига сут ранги ойнача қўйилган; 2) Белгисигача 20  $\text{мм}^3$  суюқлик сифадиган алоҳида пипетка; 3) 0,1 н HCl кислота.

*Аниқлаш жараёни.* Алоҳида пипетканинг белгисигача бармоқдан қон олиниб ўртадаги, даражаланган пробиркага солинади (қон олишдан олдин бу пробиркани «10» белгисигача 0,1 н HCl солинган бўлади). Пробиркага туширилган қон тим қўнғир тус олиб, унинг тагига чўкади. Унинг тепасидаги суюқлик эса тиниқлигича сақланиб қолади. Шунинг учун бу суюқликнинг ичидаги қолган қон қолдиқлари яхшилаб пробиркага ювиб туширилади. Сўнг пробирканинг ичидаги қон ва 0,1 н HCl қўшилмаси яхшилаб аралаштирилиб бир оз кутилади. 10 дақ. ўтганидан сўнг пробиркага аста-секин дистилланган сув қўшилиб, бу пробиркадаги суюқликнинг ранги стандарт пробиркалар ёки таёқчаларнинг ранги билан солиштириб, тенглаштирилади.

Сув қўшиб суюлтирилган қоннинг саҳни пробиркадаги рақамларнинг қай бир сонига кўтарилишига қараб унда гемоглобиннинг ҳажми аниқланади. Масалан, пробиркадаги текширилаётган суюқликнинг саҳни 84% бўлса, ундаги гемоглобин 84% га ёки 14 г% баробар бўлади.

Соғлом эркакларнинг 100 мл қонида 13—16 г, аёллар қонида эса 12—15 г гемоглобин бўлади. Сали гемометридаги стандарт шундай тайёрланганки, унинг 100 даражаси 100 мл қондаги 16,7 г гемоглобинга тўғри келади. Лекин, ҳар хил мамлакатларда гемометрлар шкаласи ҳар хил. Англияда 100 бўлинмаси 14,8 г; Францияда — 14 г%; СНГ (собиқ СССР) да 16,7 г гемоглобин баробар ҳисобланади.

Сали гемометри билан гемоглобинни аниқлаш усули оддий бўлгани учун бутун дунёдаги лабораторияларда бу усулдан кенг фойдаланилмоқда.

*Цайс-Икон гемометри билан гемоглобинни аниқлаш усули.*

Керакли анжомлар: 1) Цайс-Икон гемометри. 2) 0,1 н HCl суюқлиги. 3) текшириувчи қонини суюқлантирувчи билан қоришиши учун ишлатиладиган таёқча ёки пипетка. 4) бир томонида чизиги бор тўрт бурчакли пробирка. 5) пробиркани тозалаш учун ишлатиладиган таёқча.

*Аниқлаш усули.* Гемометр оқ қофозга қўйилади. Унинг окуляри текширувчининг кўзига мосланади. Спирт билан артилган бармоқнинг терисини тешиб, биринчи чиққан қон томчиси босма қофоз билан олинади. Махсус аралаштирувчининг пастки белгисигача ( $30 \text{ mm}^3$ ) жуда эҳтиётлик билан қон олинади. Агарда қон ортиқроқ олинса, ортиқчаси босма қофозни пипетканинг учига енгилгина тегизиб олиб ташланади. Сўнг аралаштирувчининг (смеситель) юқори белгисига қадар (2000) 0,1 н HCl олинади. Кейин аралаштирувчини икки томонидан ушлаб (биринчи ва иккинчи бармоқлар билан), то қон ва HCl бутунлай текис қўшилгунча силкитилади. Ундан сўнг, аралаштирувчини гемометрнинг тўртбурчак пробиркасига бўшатилади, пробирка резинка тиқин билан беркитилиб усти артилади (суюқлик гемометрнинг ичига тушмаслиги учун). Сўнгра чап томонини ташқарига қаратиб тўртбурчакли пробиркани гемометрнинг алоҳида уясига жойлаштирилади. Текширилаётган қондаги гемоглобинни аниқлаш қон ва HCl қўшилганидаң сўнг беш дақиқа ўтгач бошланади. Шунинг учун гемометрнинг думалоқ дискини айлантириб, ундаги рангли чизиқлар текширилаётган суюқликнинг ранги билан солиштирилади. Шундан сўнг кўрсатувчи ойначанинг ричаги ўнгга суриса, унда текширилаётган суюқликдаги гемоглобинни ( $\text{гр} \%$ ) миқдори кўринади. Цайс-Икон гемометри билан гемоглобинни аниқлаш жараёни тарқалиб турувчи табий ёруғлик ёки сунъий ёруғликда ўтказилади. Сўнг пробиркадаги текширилган қон тўкиб ташланиб ювилади ва қуритилади.

Цайс-Икон гемометри билан аниқланганда 100% шкала соғлом одамнинг қонида 14—18 г Нв борлигини кўрсатади.

*Купросульфат усули.* Усулининг иш принципи: Қон томчиси мис сульфат суюқлигига тушган заҳоти эри-майдиган мис протеинати ҳосил бўлади ва томизилган қон томчисини ўраб олиб, унинг оғирлигини 10—15 сония давомида ўзгартирмасдан худди бир жилд каби қамраб сақлаб туради. Шу сабабли қондаги гемоглобин миқдори 12% кўпроқ бўлса, томчи кўрсатилган вақт давомида сузиб туриб, сўнг чўкиб кетади. Мободо, 12 г% кам бўлса, мис сульфат суюқлигининг саҳнида чўкмасдан сузиб туради.

*Керакли анжомлар:* 1) Оддий 150 мл суюқлик сифадиган стакан. 2) Қуруқ Пастер пипеткаси. 3) Босма қофоз. 4) 3 литрлик шиша, қопқоқли катта бутил-

ка. 5) Перосимон ниналар. 6) Оғирлиги 1,052 баробарга тенг мис сульфат суюқлиги.

1,052 оғирлигига тенг бўлган мис сульфат суюқлигини Москва шаҳар қон қўйиш станцияси тавсия этган оддийлаштирилган усул билан тайёрласа бўлади. Бунинг учун дистилланган 2 л сувда 500 г Си эритилади. Ҳосил бўлган суюқлик қофоз фильтрдан ўтказилгандан сўнг, урометр назорати остида оз-оздан дистилланган сув қўшилиб оғирлиги 1,052 га олиб борилади. Суюқлиги шиша пробкали катта бутилкага солиниб, оддий уй ҳароратида сақланади. Тайёрланган реактивнинг сақланиши ва фаоллиги узоқ, ҳисобсиз вақт давом этади.

*Гемоглобинни аниқлаш жараёни.* 150 мл ли оддий стаканга 100 мл 1,052 оғирликдаги мис сульфат суюқлиги солинади. Солинган реактивнинг саҳнидан 1 см баландликдан унга қуруқ ва тоза Пастер пипеткасининг чўзилган қисмининг 4/3 сатҳигача олинган қон томизилади. Одатда, томизилган қон томчиси реактив саҳнини тешиб ўтиб 2-3 см гача чўкади. Агарда у 10-15 сония давомида қайтиб реактив саҳнига сузиб чиқса, бу қондаги гемоглобин 12 г% дан кам ҳисобланади, у стаканнинг тагигача чўкиб кетса, гемоглобин 12 г% дан кўп ҳисобланади.

Ҳар бир аниқлаш ораси 1 дақ. дан кам бўлмаслиги керак. Шу вақт давомида ҳамма томчилар чўкиб бўлади. Ҳар аниқлангандан сўнг босма қофоз ёрдамида реактив саҳnidаги ёф томчилари сузиб чиқсан эритроцитлар олиб ташланади. Бу усул ниҳоятда оддий ва ишлашга мос бўлишига қарамай аниқ эмас. Шунинг учун уни оммавий қон олишларда, донорларнинг қонидаги гемоглобинни аниқлаш учун ишлатса бўлади. У кўпроқ қон қўйиш станциялари ва бўлимларида ишлатилади.

*Гемоглобинни цианметгемоглобин усули билан (гемиглобинцианид) аниқлаш* (бу усул Европа гематологлари жамияти қошидаги Халқаро гематология бўйича стандартлаш қўмитаси томонидан тасдиқланган).

*Методнинг иш принципи:* темир железосинеродистий калий ва цианид калий таъсири остида гемоглобин гемоглобинцианидга айланади. Ҳосил бўлган гемоглобинцианид узоқ вақт давомида сақланади.

*Керакли анжомлар.* 1. Спектрофотометр СФ-4 ёки фотоэлектрокалориметр. 2. Сали гемометрининг 0,02 мл ли пипеткаси. 3. 5 мл лик пипетка. 4. 10 см лик пробирка. 5. Реактивнинг ишчи суюқлиги.

Ишчи реактивни тайёрлаш: 200 мл железосинеродистий калий +50 мг калий цианид +40 мг калий монофосфат +0,5 мл Steroxse 1 литр дистилланган сувда эритилади. Бу реактив қоронғу ва салқын жойда узоқ вақт яхши сақланади.

*Аниқлаш жараёни.* Бармоқдан ёки қулоқ юмшоғидан олинган 0,02 мл қон 5 мл олдиндан тайёрланган реактив билан яхшилаб аралаштирилади. Бу қүшилмада гемоглобин тұла-тұқис гемоглобинцианидга айланиши учун 5 дақ. кутилади. 540 нм (ммк) узунлигидаги тұлқинда сувга қарши экстинция спектрофотометр СФ—4 ёки ФЕК—М ёки ҳар хил фотоэлектрокалориметр ёрдамида ўлчанади.

Спектрофотометр СФ—4 билан ишлаганда олинган оптик зичлик Е ни 36,77 коэффициентта күпайтирилиб текширилаётган қондаги гемоглобиннинг ҳажмини г% олинади.

Фотоэлектрокалориметр билан ишлаганда энг аввал калибровчи чизиқ чизилади. Бунинг учун намуна сифатида гемоглобин гр% да цианметгемоглобин усули билан СФ—4 текширилган қон олинади. Гемоглобинцианидни бир қанча суюлтирилган намуналарини олиш учун бирламчи материал сифатида СФ—4 кюветасидаги суюқликдан фойдаланылади. Олинган суюқлик фотоэлектрокалориметрда текширилади, уларнинг оптик зичликлари (қызил рақамлар) ҳисобланади ва координат тизимидағи ордината үтказилади, гемоглобиннинг концентрацияси эса г% ларда абсциссага үтказилади; сүнг калибровчи чизиқ чизилади.

Светофильтрлик фотометрлар (ФЭК—М) билан ишланганда 540 нм (ммк) тұлқинида максимал үтказадиган светофильтр керак бўлади. Сувга қарши ўлчанданда 540 нм (ммк) реактивнинг оптик зичлиги нолга баробар бўлиши шарт, акс ҳолда реактив янгитдан тайёрланиши керак.

Юқорида баён этилган усул аниқ ва ишончлиди. Аниқлаш вақти 10 дақ бўлиб, бунга кутиш вақти ҳам киради. Услубнинг стандарт оғиши 100 мл да 0,2 г дан ошмайди (М. И. Стенко). Ушбу усулнинг реактивлари ўрнига Драбкин реактивидан фойдаланиш мумкин. Принцип, анжомлар, аппаратура ва керакли идишлар аввалгидек, Реактив: железосинеродистий калий (қизил қонсимон туз)—0,20 г, калий цианид—0,05 г, натрий бикарбонат—1,0 г, дистилланган сув—1000 мл гача.

*Аниқлаш жараёни.* Пробиркага 5 мл Драбкин реактиви билан 0,02 мл қон олинади. Яхшилаб силкитиб 20 дақиқа кутиб турилади. Сүнг кюветага ағдарилиб, ундаги гемоглобинни худди цианметгемоглобин усулида кўрсатилгандек, фотоэлектрофотометрлардан фойдаланилади. Калибровчи чизиқ чизилганида гемоглобин-цианидинг ҳар хил концентрациясидаги суюқлик сифатида Драбкин реактивидан фойдаланилади.

### ЭРИТРОЦИТ ВА УНИ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Эритроцит — қизил қон ҳужайраси (эритрос — қизил; китос — ҳужайра сўзларидан) ҳужайранинг ичидаги гемоглобин туфайли бу ҳужайранинг ранги қизил бўлади. Эритроциттинг катталиги 4-7 микрон бўлиб, ўртача катталиги 6,2 микрондир. З микрондан кичик эритроцитлар микроцит; 7—9 микронгacha бўлганлари — макроцит ва 12 микрондан каттароқ эритроцитлар мегалоцит дейилади. Эритроцит биконкав ҳужайра. Бу хислати туфайли у япалоқ, думалоқ ва бошқа шаклдаги ҳужайраларга нисбатан осмотик ва механик қаршилик кўрсатиш кучи бир неча марта ортиқ. Бу хислат унда энг ривожланган филогенетик шакл сифатида миллионлаб йиллар давомида ҳосил бўлган. Шунинг учун бу хислат йўқолиб, қонда япалоқ ёки думалоқ шаклдаги эритроцитлар пайдо бўлса уларнинг умри қисқариб, тезлик билан қора талоқ ҳужайраларида бузилади. Беморда гемолизнинг клиник аломатлари пайдо бўлади. Соғлом эритроциттинг умри 120 кунгача давом этади. Эритроциттинг филофидан енгил газ ўтиши сабабли ўпкага ташқи муҳитдан киравчи кислород эритроцитдаги гемоглобин билан қўшилиб, оксигемоглобин сифатида тўқималарга етади ва кислороднинг парциал босими паст жойларда гемоглобиндан ажралиб тўқима ҳужайраларига диффузия механизми ёрдамида киради. Ҳужайралардан шу усулда чиққан  $\text{CO}_2$  эса енгиллик билан эритроцит мембранасидан ундаги гемоглобин билан қўшилади ва карбоксигемоглобин ҳосил қилиб ўпка альвеолаларига сузид кетади. У ерда  $\text{CO}_2$  эритроцитдаги гемоглобиндан кислороднинг парциал босими баландлиги сабабли ажралиб, ташқи муҳиттага чиқиб кетади, унинг ўрнини ташқи муҳитдан ўпқа орқали эритроциттинг қобигидан енгил ўтган кислород эгаллайди, яъни яна оксигемоглобин ҳосил бўлиб организм ҳужайраларига йўлланади.

Бу хил моддалар алмашинуви бутун умр давомида тўхтамайди.

Эритроцитнинг қобиғида гемоглобинда эмас, анти А, В, О резус омиллар, Нч — омиллар билан баробар кўплаб бошқа антигенларнинг ҳам борлиги, уларнинг ҳар хил иммуногематологик жараёнлардаги аҳамияти нечоғли эканини кўрсатади.

Соғлом эркакларнинг 1  $\text{мм}^3$  қонида 4 000.000 дан 5 000.000 гача эритроцит, аёлларда эса 3.700.000 дан 4 700.000 гача эритроцитлар бўлиши аниқланган. Ҳар бир соғлом одамнинг қонида 25 триллионга яқин эритроцитлар бўлади. Ҳар куни ҳалок бўлган эритроцитларнинг ўрнига 300 миллиардга яқин янги эритроцитлар шаклланади. Ҳар биримизнинг эритроцитларимиз умумий саҳни 3.800 кв.м га баробар бўлиб, бу танамиз саҳнидан 1500 марта каттадир. Бир одамнинг занжир қилиб уланган эритроцитлари узунлиги 187.000 км гача етади, бу занжир билан ер шарини уч марта айлантириб ўраса бўлади (И. А. Кассирский, 1968).

Клиникада инсон организмида мавжуд бўладиган ҳар хил касалликлар ташхисини аниқ қўйиш учун аввалам бор эритроцитларнинг сонини аниқлаш зарур.

*Эритроцитларнинг сонини аниқлаш усуслари.* Пробиркада аниқлаш усули (Н. М. Николаев бўйича):

Аниқ пипеткалар ва кўп суюқлик ишлатиш ҳисобига текширилаётган қон ва суюлтириладиган реактивлар олинади.

Керакли анжомлар: 1. Оддий химиявий ёки қисқа серологик пробиркалар. 2. Сали гемометрининг капиляр пипеткаси. 3. Реактивлар учун шиша идишилар. 4. Реактивларни ўлчаб олишга мўлжалланган белгили пипетка. 5. Реактивлар; а) 0,85—3% натрий хлорид суюқлиги. б) Гайм суюқлиги: суплема 0,5 г, сульфат натрий 5 г, хлорид натрий 1 г, дистилланган сув 200 мл.

Бу суюқликка зангори толуидин ёки метилвиолет, ёки крезил зангориси қўшилса, жуда кам миқдорида ҳам (0,4 г да) билан лейкоцитларнинг ядролари жуда яхши бўялади. Уларни эритроцитлар билан янглишириб бўлмайди.

в) Дейчи суюқлиги: 40% формалин — 1 мл, 3% натрий цитрат 100 мл гача қўшилади.

*Аниқлаш жараёни.* Яхши қуритилган тоза пробиркага пипетка билан 4 мл суйилтирувчи суюқлик солиниб, резинка тиқин билан беркитилади. Бармоқдан Сали гемометрининг пипеткаси билан 20  $\text{мм}^3$  қонни

аста-секин суюлтирувчи суюқлик солинган пробирка-га солиб, пипетка шу суюқлик билан ювилади. Пробирка резинка тиқин билан беркитилиб яхшилаб ара-лаштирилади. Суюқлик 1:201, 1:200 нисбатда олинади.

Капилляр пипеткани эритроцитларнинг сонини са-нашдан олдин суюлтирувчи суюқлик билан ювилса, эритроцитларни санаш пайтида улар бузилиб кет-майди.


*Ўзлаштирилган пробиркада аниқлаш усули  
(Н. П. Пятницкий бўйича).*

Қонни тўғри суюлтириш учун доимо бир хилда аниқ белгиланган алоҳида пипеткаларни суюлтирувчи суюқликларга ишлатиш.

Керакли анжомлар: 1. Алоҳида 3,98 мл эритувчи суюқликни ўлчайдиган пипетка (пипетка 3,98 мл дис-тилланган сув қолдиқларини ҳам чиқариб юбора ола-диган қилиб калибрланган бўлиши шарт); 2) Гемометр Салини капилляр пипеткаси 0,02 мл. 3. Паст ва кенг пробиркалар 12-14 номерли резинка тиқин билан ёки пенициллин флаконларидан олинган тиқин билан бер-китилган ҳолда. 4. Реактивлар: а) аввал кўрсатилганидек эритувчи суюқликлар; б) 1—3% натрий цитрат суюқлиги.

*Аниқлаш жараёни.* Алоҳида пипетка билан 3,98 мл суюлтирувчи суюқлик олинади, бу борада ушбу қоидаларга риоя қилиш керак: тоза пипеткага суюқликни олиш вақтида пастки мениски чизиққа тегиб турсин, сўнг ойнага пипетканинг учини тегизиб бир томчи олиниб ташлангандан сўнг, қолган суюқликни эркин равишда қуруқ пробиркага тўкилади, қолганини пуфлаб туши-рилади, сўнгра пипетканинг учини пробирканинг ички томонига тегизиб, яна бир марта суюқликнинг қолдиги пуфлаб чиқарилганидан кейин пробирка резинка тиқин билан беркитилади.

Оммавий текширишларда суюлтирувчи суюқлик пробиркаларга олдиндан ўлчаб солиб қўйилади. Сали гемометри тоза капилляр пипеткасининг ичини 1—3% натрий цитрат суюқлиги билан ювиб, сўнг яхшилаб пуфлаб, силкитиб, уст томонидан пахта билан арти-лади. Биринчи қон томчисини чиқариб юбориб кейинги томчилардан Сали гемометри капиллярининг чизиги-гача ( $20 \text{ mm}^3$ ) қон олинади. Эҳтиётлик билан капил-лярнинг учини артиб қонни суюлтирувчи суюқлик со-линган пробиркага туширилади. Капилляр суюқликка чайилиб, қўшилма яхшилаб аралаштирилади. Суйил-тирилган қон солинган пробиркалар яхшилаб резинка



22-расм. Горяев камераси.


тиқин билан беркитилади. Уларга пациентнинг фамилияси кўрсатилган қоғоз ёпиштирилади. Суйилтириш нисбати 1:200 ҳисобланади.

*Эритроцитларнинг сонини санаш усули.* Бутун дунё лабораторияларида эритроцитларнинг сони алоҳида санаш камераларида ҳисобланади. Санаш учун ишлатиладиган камера шишадан қилинган пластинка бўлиб, ўз марказида унча катта бўлмаган чуқуриаси бўлади, бу чуқурчага санаш учун тайёрланган қон солинади. Чуқурчанинг тагида маълум размердаги ўйма тўр қилинади.

Мамлакатимизда кўпроқ Горяев тўри ўрнатилган санаш камералари ишлатилади.

Бу камера ҳам шиша пластинкадан иборат, марказида кичкина чуқурча бўлиб, унинг тагида иккита Горяев тўри жойлашган, улар бир-биридан битта узунасига ва иккита кўндаланг чуқурчалар билан ажратилади (22-расм).

Қон ҳужайраларини санашдан олдин камерага ўткир бурчак остида беркитувчи тўртбурчак, юпқа ойна пластинка қўйилиб, пастга ёки юқорига суриб беркитувчи ойнача камерага ёпиштирилади. Беркитувчи ойначани камерага яхши ёпишганини унинг четларида камалаксимон ҳар хил рангдаги чизиқлар, яъни Ньютон ҳалқалари пайдо бўлишидан биламиз. Беркитувчи ойна ҳисоблаш камерасининг ёнбошидаги пластинкаларига ёпишиб камера, яъни икки томони туйнуксимон бўшлиқ ҳосил қиласди. Шу очиқ томонлари орқали ҳисоблаш камераси суюлтирилган қон билан тўлдирилади. Бунинг учун аралаштирувчи силкитилади, ундан бир-икки томчи чиқариб юборилгандан сўнг у камера-



23- расм. Горяев түри.

нинг четига тегизилиб, камера аралаштирувчи пипет-кадаги суюлтирилган қонга тұлдирилади. Бу ишни бажариш вақтида қон камерадан тошиб, камеранинг ён ариқчаларига оқиб тушмаслиги керак. Камеранинг бир қисми эритроцитларни аралаштирувчи модда, иккинчи қисми лейкоцитларни аралаштирувчи модда билан тұлдирилади. Ҳисоблаш камераси суюлтирилган қонга тұлдирилганидан сүнг, қон ҳужайраларини санашга киришилади. Бунинг учун камерани микроскоп остида кузатиб, Горяев түрида жойлашған қон ҳужайралари саналади.

Горяев түри 225 катта квадратлардан иборат бўлиб (ҳар бир қаторда 15 дан), улардан 25 си нинг ҳар бири 16 кичик квадратларга бўлинган, 100 катта бўш квадратларнинг ҳар бири 4 катта квадратдан иборат гуруҳларга бўлинган (23-расм).

Кичик квадратнинг ҳар бир томони 0,05 мм, демак

унинг саҳни  $0,0025 \text{ mm}^2$ , ҳажми  $0,00025 \text{ mm}^3$ , чунки ҳисоблаш камерасининг чуқурлиги  $0,1 \text{ mm}$ , Горяев камерасининг катта квадрати, юқорида зикр этилгандек 16 кичик квадратлардан иборат бўлгани учун, унинг саҳни ва ҳажми 16 кичик квадратлар саҳни ва ҳажмига баробар.

Эритроцитлар Горяев камерасининг 5 та катта камерасида, яъни 80 та кичик квадратларда саналади. Олинган рақамга 4 та нуль қўшилади яъни олинган рақам  $10.000 \text{ кўпайтирилиб}$ ,  $1 \text{ mm}^3$  қондаги эритроцитларнинг сони аниқланади.  $10.000$  га кўпайтиришнинг боиси эритроцитларни ҳисоблаш камеранинг 5 катта ёки 80 та кичик камераларида амалга оширилган бўлиб, бу ҳисоблаш камерасининг умумий саҳнининг  $1 - 5$  ҳисминигина ташкил этади. Шу сабабли олинган рақам аввал 5 га кўпайтирилади, сўнг камеранинг баландлигини ҳисобга олиб ( $0,1 \text{ mm}$ ) яна 10 га кўпайтирилади ва ниҳоят қонни 200 марта суюлтирилганини ҳисобга олиб яна 200 га кўпайтирилади ( $5 \times 10 \times 200 = 10.000$ ).

5 та квадратни диагонал бўйлаб санаса ҳам бўлади ёки тўртта бурчакдаги катта квадрат билан бирга битта камера марказидаги катта квадрат олинса ҳам бўлади. Масалан, 5 катта квадратда (яъни 80 та кичик квадратда) 450 эритроцит саналган бўлса, 4 нуль (0000) қўшиб,  $1 \text{ mm}^3$  қонда  $4\,500.000$  эритроцитлар борлигини аниқлаймиз.

Горяев тўридан ташқари қон ҳужайраларини санашиб учун Том, Тюрк ва бошқа кашфиётчилар тузган тўрлар ишлатилади. Уларда ҳар хил равишда катта ва кичик квадратлар гуруҳланган бўлади.

Бўлиши мумкин бўлган хатолар:— қон ҳужайрала-ри кам ёки кўп квадратларда саналган;

- пипеткага олинганида қоннинг ивиб қолиши;
- беркитувчи ойна яхши ўрнатилмаган;
- сифатсиз тайёрланган ёки вақти ўтган реактивлар ишлатилган;
- анжомлар тоза эмас;
- камера тўлдирилгандан сўнг бир-икки дақиқа вақт кутмасдан санашиб.

Гемолитик ва пернициоз анемияларда текширишга олинган қон тез вақт ичидаги саналичи керак, чунки бундай касалларнинг қон ҳужайралари сақланмай тез бузилиб кетади. Аниқ санашиб учун эритроцитларни иккита тўрда санаб, ўртача ҳисобини олса бўлади (В. В. Меньшиков).

Юқорида зикр этилган асосий, классик қон ҳужай-раларини санаш усулларидан ташқари сўнгги йилларда кўплаб автоматик ёки ярим автоматик аппаратлар ишлатилади. Лекин тажрибалар кўрсатишича, бу аппаратларда соғлом кишиларнинг қон ҳужайралари яхши саналади, беморларни эса аниқ чиқмайди. Ҳар хил касалликларга дучор бўлган bemorларда қон ҳужайраларининг сони эмас, уларнинг сифати ҳам қаттиқ ўзгариши осон. Масалан, қон ҳужайраларининг катта-кичик, қинғир-қийшиқ бўлиб кетишидан ташқари улардаги моддаларнинг ўзгариши кузатилади ёки ёш қон ҳужайралари пайдо бўлса, қонда қон ҳужайрала-рининг параметрлари геометрик прогрессия принци-пида бир кунда бир неча марталаб ўзгариб туриши кузатилади. Ниҳоят, бизнинг қонимиз мураккаб суюқ тўқима бўлиши сабабли унинг ивиши ва суюқланиб, қуюқланиши, дақиқалар давомида ўзгариб туриши му-қаррардир.

Шу сабабдан бўлса керак, юқорида кўрсатилган қон ҳужайралари сонини санашнинг классик усуллари оддийлиги, аниқлиги ва ниҳоятда арzon, қулайлиги учун жуда кенг ишлатилади.

*Эритроцитлар диаметрини микроскопия усули билан аниқлаш (Прайс — Жонс чизиғи).*

*Усулнинг моҳияти.* Айрим эритроцитларнинг диа-метрини кўрсатувчи чизиқ тортишдан иборат.

Керакли анжомлар: 1) Оддий, ёруғликда ишлай-диган микроскоп (Биолам, МБР, МБН) ва бошқа тур-даги микроскоплар; 2) Окуляр микрометр; 3) Объект микрометр 4) Паппенгейм ёки Романовский усули билан бўялган қон суртмаси.

Окуляр микрометр линзасининг марказида 50 тага бўлинган шкала бўлади. Шкаланинг бўлинмалари бир-дек рақамили аҳамиятга эга бўлмасдан, уларнинг кат-талиги ишлатиладиган микроскопнинг кучига боғлиқ, аниқроғи ундаги ишлатиладиган объективларнинг ку-чига боғлиқ.

Объект — микрометр ҳар бир бўлинмаси (даражаси) 10 мк га баробар 200 бўлинмадан иборат буюм. Ойнага ўрнатилган шкала.

*Аниқлаш жараёни.* Паппенгейм ёки Романовский—Гимза усули билан бўялган қон суртмасида окуляр — микрометр ёрдами билан 100 эритроцитнинг диаметри аниқланади. Олинган натижаларда, эритроцитларнинг диаметрига биноан, уларнинг айрим гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир эритроцитларнинг катталиктаги фоиз ҳи-

собида кўрсатилганига қараб уларнинг нисбий миқдори аниқланади. Масалан, 100 эритроциттинг диаметри аниқланади. Улардан диаметри окуляр — микрометрнинг 3 бўлинмасига баробарлари 2 ҳужайра, яъни 2%; 4 та бўлинмасига тенг 20 ҳужайра, яъни 20%; 5 та бўлинмасига баробарлари 60 ҳужайра, яъни 60%; 6 бўлинмасига баробар ҳужайралар 15 та, яъни 15%; 7 бўлинмасига баробар ҳужайралар 3 та, яъни 3%, ҳаммаси бўлиб 100% бўлади.

Олинган рақамлар координат тизимиға кўчирилади, ординат чизигига ҳар бир гуруҳда бўлган эритроцитларнинг сони, абсцисса чизигига эса — эритроцитнинг диаметрлари катталиги ёзилади. Ҳар бир ординат ва абцисса чизигидаги рақамдан перпендикуляр чизик кўтарилади. Бу чизиқларнинг кесишган нуқталари ўрнида Прайс — Жонс чизиги ҳосил бўлади. Бу чизиқ эритроцитларнинг статистик бўлиниши тасвиридир. Сўнг юқорида кўрсатилгандек, окуляр — микрометрнинг ҳар битта бўлими аҳамияти ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун қон суртмасининг ўрнига обьект — микрометр қўйилади. Окуляр микрометрни ва обьект — микрометрнинг шкалалари бир-бирларининг устига, нул нуқтаси бирлаштирилган ҳолда қўйилиб, окуляр — микрометрнинг ҳар бир бўлинмаси аҳамиятини билиш учун уларни обьект — микрометрнинг катталиги маълум бўлимлари билан солишибтирилади. Масалан, окуляр макрометрнинг 48 бўлими обьект — микрометрнинг 7 бўлинмасига баробар. Унинг ҳар бир бўлинмасининг аҳамияти 10 мк 0,1 мм. Демак, окуляр микрометрнинг 48 бўлинмаси 70 мкга баробар. 70 ни 48 га бўлиб окуляр — микрометрнинг ҳар бир бўлинмасининг рақами аҳамиятини аниқлаймиз:

$$\frac{70}{48} = 1,45 \text{ мк бўлади.}$$

Окуляр — микрометрнинг ҳар бир бўлинмасининг рақами аҳамиятини аниқлаганимиздан сўнг, эритроцитларнинг диаметрини ўлчаганимизда олинган рақамларни ўзгартирамиз. Масалан, аввалги 3 та бўлинманинг ўрнига 4,35 мк ( $1,45 \text{ км} \times 3 = 4,35 \text{ мк}$ ); 4 та бўлинманинг ўрнига 5,8 мк ( $1,45 \times 4 = 5,8 \text{ мк}$ ); 5 та бўлинманинг ўрнига 7,25 мк ( $1,45 \times 5 = 7,25 \text{ мк}$ ); 6 бўлинмасининг ўрнига 8,7 мк ( $1,45 \times 6 = 8,7 \text{ мк}$ ); 7 та бўлинманинг ўрнига 10,15 мк ( $1,45 \times 7 = 10,15 \text{ мк}$ ). Сўнг координат тизимиға олинган натижаларнинг рақамли аҳамиятлари қўйилиб, юқорида кўрсатилганидек Прайс — Жонс чизиги чизилади.

Бевосита микроскоп остида эритроцитлар диаметрларини ўлчаш усули ниҳоятда аниқ натижаларни беради, лекин кўп мashaққатли бўлгани боис зарурият бўлганда ишлатилади.

Бок эритроцитометри билан эритроцитларнинг диаметрини ўлчаш усули (Book).

*Аниқлаш принципи.* Қон суртмасидан ёрқин электр нури ўтказилганда, эритроцитлар атрофида нурли ҳалқалар пайдо бўлади. Нурли ҳалқаларнинг диаметри эритроцитларнинг диаметларига нисбатан тескари пропорционалдир. Мазкур усулни қўллаш учун керакли анжомлар:

1) Янги, бўялмаган қон суртмаси; 1) Бок эритроцитометри.

*Аниқлаш жараёни.* Эритроцитометр электр токига улангандан сўнг қон суртмаси аппаратнинг тепасига ўрнатилади. Электр нурлари устида жойлашган эритроцитлар атрофида рангли нурли ҳалқалар пайдо бўлади. Агарда бир жуфт ёнма-ён жойлашган эритроцитлар ореоллари аппаратнинг ёнида жойлашган винт ёрдамида бир-бирига тегизилса, аппарат шкаласида бу эритроцитларнинг ўртача диаметрининг рақамли аҳамияти пайдо бўлади. Эритроцитлар диаметларининг ўртача аҳамиятини билиш учун бир неча жуфт эритроцитлар ўлчанади. Масалан, бўялмаган қон суртмасининг уч жойидан уч жуфт эритроцитлар ўлчаниб рақамлари ёзилади:  $7,3 \text{ мк} + 7,5 \text{ мк} + 7,4 \text{ мк} = 22,2 \text{ мк}$ ;  $22,2 \text{ мк} : 3 = 7,4 \text{ мк}$  бўлади, яъни бу қон суртмасидаги эритроцитларнинг ўртача диаметри  $7,4 \text{ мк}$  дир.

Одатда, эритроцитлар қон суртмасининг ўртасида текис жойида ўлчанади.

Ҳозирги вақтда кўплаб эритроцитлар сонини ва диаметрини ўлчайдиган электрон аппаратлар чиқарилган. Улар катта касалхоналарда ишлатилади.

### РЕТИКУЛОЦИТ ВА УНИ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Оксифил нормобластнинг эритроцит (нормоцит) га айланиш жараёнида унинг ядрои ҳужайрадан қайси йўл билан чиқиб кетиши тўғрисидаги қатъий бир фикр шу маҳалгача йўқ. Бу масалада икки хил назария бор: биринчиси — кариолизис назарияси. Унга кўра ҳужайранинг, яъни нормобластнинг ядрои ишлатилганидан сўнг, эриб кетади. Иккинчи назария кариорексис назариясидир. Унга кўра нормобластнинг ядрои керак бўлмай қолганда парчаланиб йўқ бўлиб кетади. Нозик ва аниқ электронмикроскопик кузатишларда (И. То-

доров) фақат ядронинг ўзи эмас, у билан бирга 500 Å қалинликдаги гемоглобини бор цитоплазманинг баъзи вақтларда Гольжи аппаратининг ҳам ядро билан ҳуҗайрадан итарилиб чиқиб кетиши кузатилган.

Эритроцит (нормоцит) га айланишдан олдин оксифил нормобласт ретикулоцит давридан ўтади. Ретикулоцит деб, суюк-иликда оксифил нормобластнинг эритроцитга айланиш жараёнида пайдо бўладиган ҳуҗайрага айтилади. Унинг нормобластдан фарқи ядроси йўқ (чиқиб кетганда), эритроцитдан фарқи шундаки, уни ичидаги алоҳида бўёқлар билан бўялганда яққол кўринувчи эндоплазматик ретикулум бор. Эндоплазматик ретикулум муҳим, ҳар бир ҳуҗайрага хос ҳуҗайра органоиди бўлиб, ниҳоятда ингичка ва нозик каналчалар сифатида ҳуҗайра ядросини унинг мембранны билан боғлайди. Ташқи муҳитдан, озиқ-овқат билан организм учун керак бўлган оқсилилар, ёғлар, полисахаридлар ва бошқа муҳим моддалар ҳар бир ҳуҗайранинг ичига киргач, эндоплазматик ретикулумнинг ичидаги рибосомаларда қайтадан химиявий ишловдан ўтади. Масалан, одам қўй гўшти истеъмол қилган бўлса, шу гўштда бўлган аминокислоталардан бизнинг ҳуҗайраларимиз рибосомаларида инсон организмига хос оқсилилар (оқсилилар) ташкил топади. Бу жараён шунчалик специфик ва аниқки, бир одамнинг организмидаги оқсилилар иккинчи одамнига тўғри келмаслиги мумкин. Чунки рибосомалардаги ресинтез, яъни моддаларни қайтадан ҳар бир одамнинг организмига керакли қолипда ишлаб чиқаришининг сабаби, ҳар биримизнинг ҳуҗайраларимиз ядросида бор авлоддан-авлодга ўтган генлар ва улардан ҳаётимиз давомида, ҳар дақиқада рибосомаларга келиб турадиган генетик «кўрсатмалар» раҳбарлигида бу ҳаётий жараён ишлайди.

Қизил қон ҳуҗайраларида ретикулоцитларнинг сони ва сифатини аниқлаш беморлар учун ниҳоятда муҳим диагностик, саралама — диагностик ва прогностик маълумотларни беради. Бу маълумотлар орқали биз клиникада одам суюқлигидаги эритроцитопозз қандай кечётганлигини кузатиб туришимиз мумкин.

Софлом одамларнинг қонида ретикулоцитларнинг сони ҳар хил: 0,5% дан 1% гача (И. А. Кассирский, Г. А. Алексеев (1948), 1,4% — И. Тодоров (1964). Бизнинг фикримизча, 0% дан 10% гача.

Клиникада ретикулоцитларнинг сонини аниқлаш билан бирга уларнинг сифатини ҳам аниқлаш катта

аҳамиятга эга. Бунинг учун ретикулоцитограмма, яъни беморнинг ретикулоцитлар формуласини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ретикулоцитлар формуласининг кўп турлари таклиф қилинган. Улардан немис терапевти Людвиг Хайль-Мейер таклиф этган ретикулоцитограмма энг соддаси ва аниғидир, унинг усули бўйича ретикулоцитлар 5 групга бўлинади:

0 груп — ядросининг атрофида ретикулоцит сеткаси бор нормобласт;

I груп — шарсимон ретикулоцит сеткасининг ўртасида жойлашган эритроцит;

II груп — ретикулоцит сеткаси бутун эритроцитга тарқалиб кетган ҳолат;

III груп — ретикулоцит сеткасининг айrim қисмларигина бор эритроцит.

IV груп — эритроцитда ретикулоцит сеткасининг айrim ипсимон нуқтасимон қолдиқлари қолган ҳолат.

Соғлом одамларнинг қонида фақат III ва IV груп ретикулоцитлари учраб, II, I ва 0 груп ретикулоцитларнинг пайдо бўлиши уларда қон йўқотиш ёки гемолиз борлигидан дарак беради.

Ретикулоцитлар сонини аниқлаш усуллари жуда кўп. Биз дарсликда методологик жиҳатдан осон ва ишончли, реактивлари топиладиган, аниқ ва яққол натижа берадиган усулларга тўхталиб ўтамиз.

*Н. Алексеев усули бўйича ретикулоцитларни аниқлаш.*

Керакли анжомлар: Азур II, нордон натрий, хлорли натрий, лейкоцитларни аралаштирувчи идиш, 100 мл лик Эрлейнмейр колбаси, Гимза — Романовский бўёғи, суртма қилинадиган ойначалар, соат ойнаси.

*Аниқлаш жараёни.* Аввал Н. Алексеев суюқлиги тайёрланади. Бунинг учун Эрлейнмейр колбасининг ичига 1 г азур II солиниб, устига 5 мл нордон натрий ва 0,4 г натрий хлорли 45 мл сув солинади. Тайёрланган суюқ бўёқ 3—4 сутка уй ҳароратида сақланиб аралаштириб турилади. Сўнг фильтрланади ва бўяш учун ишлатилади. Бунинг учун лейкоцитлар қориштирувчисининг 1 белгисигача тайёрланган бўёқдан олиниб, уни 4/5 ҳажмигача текширилаётган одамнинг қони олинади. Қон бўёқ билан соат ойнасига пуфланиб, яна қайта олиниб аралаштирилади. Сўнг қоришитрувчига резинка ҳалқа кийдириб 15—30 дақ. кутилади. Сўнг қоришмани силкитиб, аралаштириб, ундан суртмалар тайёрланади ва Гимза — Романовский бўёғи билан бўялади.

*Натижани баҳолаши:* тайёрланган суртмадаги 1000 эритроцитни санаганда учраган ретикулоцитлар фоизда ёки промиллида берилади. Масалан: 1 000 та эритроцитга 12 ретикулоцит түғри келса, демак уларнинг сони 12 промилли ёки 1:2% ҳисобланади, Ретикулоцитларнинг абсолют сонини аниқлаш учун бу рақам эритроцитларнинг сонига кўпайтирилади. Масалан, бемор ретикулоцитларининг сони 1000 эритроцитга нисбатан 12 та бўлса, 1  $\text{мм}^3$  қонда 5 000.000 эритроцитлар топилса, ретикулоцитларнинг умумий сони 1  $\text{мм}^3$  қонда 60.000 бўлади ( $12 \times 5\,000 = 60\,000$ ).

*Л. Хайльмейер усули билан ретикулоцитларни аниқлаш:*

Керакли анжомлар: зангори брилианткрезиль 0,85% изотоник NaCl суюқлиги; соат ойнаси (парафинлаштирилган), бир парча марли ёки бинт; Петри чашкаси,

*Аниқлаш жараёни.* Лейкоцитлар қориштирувчининг 0,5 белгисигача зангори брилианткрезилнинг 1% суюқлигидан 0,5 мл олинади. Унинг 1 белгисигача текширилаётган қон олинади. Қориштирувчидағи қоришма астолик билан парафинлаштирилган соат ойнасига пулланади. Сўнг 15—20 дақ. давомида намланган камерада (бунинг учун Петри чашкасига ҳўлланган марли ёки бинт солинади) сақланганидан сўнг бу қоришмадан суртмалар тайёрланади.

*Жгун усули билан ретикулоцитларни аниқлаш.*

Керакли анжомлар: Азур I ёки Азур II, натрий хлор, метилен кўки, дистилланган сув, 100 мл ли Эрленмейр колбаси, Панченков капилляри, центрифуга учун ишлатиладиган пробирка, штатив.

*Аниқлаш жараёни.* Эрленмейр колбасига (бошқа колбалар олинса ҳам бўлади) 1 г азур I ёки азур II, сўнг натрий хлор, 1 г метилен кўки солинади. Сўнг 97 мл дистилланган сув солинади. Бўёқ шиша қопқоқли яхши бекитиладиган идишга солинади, уй ҳароратида сақланади. Бу бўёқни 1-2 ойгача ишлатиш мумкин.

Штативга ўрнатилган центрифугали пробирканинг тагига Панченков капиллярининг 1/4 қисмигача бўёқ қуйилади, сўнг Панченков капиллярининг 1/2 қисмида текширилаётган одамнинг қони қўшилиб аралаштирилади. Уч соатдан 12 соатгача уй ҳароратида қолдирилади. Қоришмадан кўрсатилган вақт ўтгач юпқа суртмалар қилинади.

*Нилблау бўёғи билан ретикулоцитларни аниқлаш.*

**Керакли анжомлар:** нильблаусульфат, 0,85% изотоник суюқлик ( $\text{NaCl}$ ), даражаланган центрифуга пребиркаси, лейкоцитлар қориширувчиси, ойначалар, аниқлаш жараёни.

Аввало 1% лик нильблаусульфатдан аралаштирувчины 0,5 белгисигача олиниб, унга 1 белгигача қон олиниб, аралаштирилади. Сўнг аралаштирувчини 15—20 дақ. сақланганидан сўнг қоришмадан суртмалар тайёрланади.

*Holboll* усули билан ретикулоцитларни аниқлаш.

**Керакли анжомлар:** зангори брилианткрезил, соат ойнаси, петри чашкаси, бинт ёки марли.

**Аниқлаш жараёни.** Парафинланган соат ойначасига 1 томчи 1% зангори брилиант билан 1 томчи текширилаётган қон қўшилиб намланган камерага (Петри чашкаси) ҳўлланган бинт ёки марли солиниб, сўнг суртма солиб соат ойнасида аралаштириб қўйилади ва 15—30 дақ. дан сўнг тайёрланган қоришмадан суртмалар тайёрланади.

*Schilling* усули билан ретикулоцитларни аниқлаш.

**Керакли анжомлар:** зангори брилианткрезил, буюм ойначалар.

**Аниқлаш жараёни.** Аввал зангори брилианткрезилнинг 1% суюқлигидан суртма тайёрланиб қуритилади. Унинг устига bemornинг қонидан суртмә қилиниб, намланган камерага 10 дақ.га қўйилгандан сўнг микроскоп остида кўрилади.

Юқорида келтирилган усуллар ёрдамида қон ва бўёқ қоришмаларидан қилинган суртмалардаги эритроцитлар оч ва тўқ яшил рангга бўялади, ретикулоцитлардаги эндоплазматик ретикулум эса зангори рангли ип калаваси, сеткаси, иплар ва айрим нуқталар шаклида аниқланади. Одатда, ретикулоцитлар иммерсион объективлар ёрдамида кўрилади.

*Ретикулоцитларнинг сони ва сифатини ўрганишининг клиник таҳлили.* Ретикулоцитларнинг сони ва сифатини аниқлаш чоғида уларнинг икки хил хусусияти ўрганилади: ретикулоцитларни аниқлашнинг диагностик ва дифференциал-диагностик аҳамияти. Улар вирусли (A ва B) ва механик сариқ касалликларни ҳужайравий иммунитетнинг шикастланиши натижасида пайдо бўладиган орттирилган, аутоиммун, гемолитик сариқ касаллигидан ажратиб олиш учун ишлатилади. Орттирилган, аутоиммун гемолитик сариқ касаллигида ёки гемолитик сариқ касаллигида bemorларнинг қонида ретикулоцитлар кўпайиб 10—20—30% (промилли) гача

аниқланиши мүмкін. Ретикулоцитограммада эса I—II ва III синф ёш ретикулоцитлари пайдо бўлади. Бундай ҳолат ҳафталар, ойлар, йиллар давомида кўпинча яширинча кечади.

Бундай беморлар узоқ вақт давомида юқумли қасалликлар ёки жарроҳлик қасалликлари бўлимларида вирусли гепатит, жигар циррози, ўт пуфаги ўсмаси, ўт пуфаги тош қасаллиги, меъда ости бези ўсмаси ташхиси билан натижасиз даволаниб юрадилар. Уларда АСТ, АЛТ ва бошқа ферментатив ўзгаришлар бўлмагани, ўсмалар аниқланмагани учун аниқ ташхис қўйиш мушкул бўлади.

Бундай беморларнинг қонида одатда билвосита билирубин кўпаяди. Вирусли гепатитга хос ферментлар фаолиятининг ошиши кузатилмайди, ўт пигментлари ва кислотаси bemorning сийдигида аниқланмайди. Аксинча, сийдикда уробилин аниқланади. Бунинг сабаби шундаки, қонда ва тўқималарда гемолиз бўлган эритроцитлардан чиққан гемоглобин кўплаб билирубин ва стеркобилинга айланади. Стеркобилин қисман жигардан ўтиб, сийдик билан уробилин сифатида ташқарига чиқади. Механик сариқликнинг бу қасалликдан фарқи қонда ретикулоцитларнинг кўпайиши ретикулоцитоз хос эмас, обтурацион сариқ қасаллигида bemor ахлатининг ранги оч тусли бўлади ёки бутунлай рангизланади. Клиникада ретикулоцитларни аниқлашнинг яна бир муҳим аҳамияти бор. Ўткир ички қон кетиш ҳолатларида уларнинг кўпайиши, ретикулоцитограммада эса ёш ретикулоцитларнинг I—II ва III синф вакилларининг пайдо бўлиши. Беморларда қизилўнгачдаги варикоз кенгайган веналаридан, меъда ва 12 бармоқ ичакдаги, ингичка ва йўғон ичакдаги яралардан, буйраклардан, тош ёки ўсма ҳосил бўлган сийдик йўлларидан, кавернаси бор ўпкалардан, фибромуалик бачадондан ва бошқа ички аъзоларда яширин ривожланиб, хуруж қилган қон қетиш жараёни оқибати ифодаси бўлиши мумкин.

Беморда ўртacha ёки оғир анемия бўлишига қарамай унинг қонида ретикулоцитлар борган сари камайиб ёки бутунлай йўқ бўлиб кетса, бундай ҳолатларда bemorda ўткир ёки сурункали гипоапластик анемия бор-йўқлигига шубҳа қилиш мумкин бўлади.

Клиникада ретикулоцитларни аниқлашнинг прогностик аҳамияти аввалам бор ўртacha ва оғир анемияларни, айниқса  $B_{12}$  (фоли) камчилиги анемиясини даволаш жараёнида маълум бўлади. Ретикулоцитлар ка-

майиб кетганидан сўнг бирданига кўпайиб кетса, «ретикулоцитлар кризи» (ижобий маънода) пайдо бўлишидан дарак бўлади. Уч — тўрт кун даво муолажасидан сўнг ретикулоцитларнинг кўплаб пайдо бўлиши олиб борилган давонинг самарали эканини кўрсатди

Беморда анемия бўлишига қарамай унинг ретикулоцитлари камаймасдан вақти-вақти билан кўпайиб турса, демак, унинг суяк илигида қизил қон ҳужайраларининг пайдо бўлиш жараёни регенератор ҳолати деб ҳисобланади.

Ўткир ташқи, ички қон кетиш ҳолатларда эса беморлар қонида ретикулоцитларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши, ретикулоцитограммада уларни ёш вакиллари сонининг кўпайиши кузатилса, бундай ҳолатларда суяк кўмигида компенсатор гиперрегенератор қон ҳосил бўлиш жараёни мавжудлигини тахмин қилиш мумкин.

*Эритроцитлар цитохимияси усули: эритроцитлардаги фетал гемоглобинни аниқлаш*

*Керакди анжомлар:* 80% ли спирт, 35,6 г  $\text{Na}_2\text{HPO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ , 21,01 г лимон кислотаси, Романовский — Гимза бўёғи.

*Аниқлаш жараёни.* Тайёрланган қон суртмаси (ўша заҳоти ёки 1 соат ичида) 80% ли этанолга солинади, сувда чайлади ва ҳавода қуритилади. Сўнг қон суртмасини 5 дақиқага цитрат буфери бор идишга солиб ( $\text{pH}$  3,0 бўлиши учун 0,2  $\text{MNa}_2\text{HPO}_4$  35,6 г.  $\text{Na}_2\text{HPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  в/л 1 литр  $\text{H}_2\text{O}$  да 24,7 қисми ва 0,1 М лимон кислота (21,01 лимон кислота 1 л  $\text{H}_2\text{O}$  да) 75,3 қисми билан қўшилиб, элюирование қилинади (элюирование—ювиб чиқариш). Нв А нинг элюированиеси ўтиши учун цитрат буфери доимо шиша таёқча билан аралаштирилиб суртма юзида пайдо бўладиган ҳаво пулфакчалари олиб турилади, чунки улар НвА нинг элюация бўлишига ҳалақит беради. Бунинг учун буфер суюқлигидан газларни чиқариб юбориш учун  $37^\circ\text{C}$  иситилади. Сўнг қон суртмасини сув билан чайқаб Гимза-Романовский бўёғи билан ёки гемотоксилин — эритроzin бўёғи билан бўялади (3 дақ. Эрлих гематоксилин билан бўялиб, сўнг яна 3 дақ. 0,1% ли эритроzin билан бўялади). Шундан сўнг НвА ювилиб кетган эритроцитларнинг фақат сояси кўринади, НвF бор эритроцитлар одатдаги сариқ рангга бўялади.

НвF бор эритроцитларнинг сони фоиз ҳисобида 200 эритроцит саналганидан сўнг берилади.

**Эритроцитлардаги фетал гемоглобинни аниқлашнинг клиник аҳамияти.**

Соғлом одамнинг қонида фетал гемоглобин фақат 1-2% бўлиб гемоглобиноз F ёки лейкоз билан касалланган bemорларнинг қонида кўпайиб кетади.

**Гемоглобин S ни A. C. Циркина усули билан аниқлаши.**

**Усулнинг принципи.** НвS қонда кислороднинг парциал босими камайса, тактоид шаклдаги кристаллга айланади, унинг натижасида эритроцитларнинг шакли ўроқсимон (дрепаноцит) бўлиб қолади.

**Керакли анжомлар:** буюм ойначалари, қопловчи ойначалар; бемор терисини тешиш учун ишлатиладиган перосимон нина; бармоқни бўғиши учун резинка; зангори метилен бўёғи (10 мл).

**Аниқлаш жараёни.** Бармоқни резинка билан боғлагандан сўнг 5 дақ, ўтгач, бир томчи қон олиниб, уни аввалдан тайёрланган бўёқнинг (1 г метилен кўки, 15 мл 95° этанол) томчиси билан аралаштирилиб устига ёпқич ойна қўйилади, атрофига вазелин сурилиб ҳаво кирмайдиган қилинади. Тайёрланган препарат 22—25°C да сақланиб 10-15, 24-48 соатлардан сўнг кўрилади.

Аниқлаш натижаси текширилаётган қонда гемоглобин S бўлса, кислородсиз камерада сақланган bemорнинг эритроцитлари ўроқсимон шаклда бўлиб қолади.

**Гемоглобин S ни аниқлашнинг клиник аҳамияти.** Бу усул билан гемоглобиноз S ни, яъни ўроқсимон ҳужайрали (дрепаноцитар) анемиянинг ҳар хил турлари аниқланиши мумкин. Ундан ташқари, бу усул билан макрофаглар ичидаги фагоцитоз қилинган ва уларда ўз сифатида қолган гемоглобин S нинг қолдиқларини аниқлаш мумкин.

**Эритроцитларда Романовский-Гимза усули билан пероксидазани аниқлаши.**

**Керакли анжомлар.** Метанол, реактиви (96° этанолда тайёрланган 0,6% ли бензилиндан 2 мл) ишлатишидан олдин 5 мл спиртпергидрол 0,5 мл 30% пергидрол 4,5 мл 70° этанол билан аралаштирилади, Гимза-Романовский бўёғи.

**Аниқлаш жараёни.** Қон ва суяк-илигидан қилинган суртмалар 10 дақ. давомида метанолда ушланади. Сўнг 5 дақ. га Лэпен реактивига солиниб чайилади, қуритиб Гимза-Романовский бўёғи билан 25—30 дақ. давомида бўялиб қайта қуритилади.

## Эритроцитларда Биргер усули билан темирни (сидероцит ва сидеробластларни) аниқлаш

Керакли анжомлар: Метанол, ферроцианкалий бүёғи (1 мл 25% HCl + 99 мл дистилланган сув + 1 г ферроцианкалий); 0,25% Бибрих — Шарлет бүёғи ёки 0,1% эозин бүёғи.

*Аниқлаш жараёни.* Суртмалар 5 дақ. давомида метанолга солиниб, сўнг ҳавода қуритилади. Юқорида кўрсатилган ферроцианкалий бүёғи билан 2—3 дақ. давомида бўялади, ювилади. Бибрих — Шарлет ёки эозин билан қўшимча 2—3 дақ. давомида бўялиб, яна ювилади, қуритиб микроскоп остида кўрилади.

*Аниқлаш натижасини баҳолаш.* Сидероцит ёки сидеробласт деб, цитоплазмаларида зангори рангли темир доначалари ёки нуқталари топилган, ядроли ёки ядросиз эритроцитларга айтамиз. Сидероцит ва сидеробластларнинг сони 2.000 эритроцитта нисбатан саналади. Соғлом одамнинг қонида, Бильрот усули билан аниқланганда, 0 дан 3% гача бўлади.

Сидероцит ва сидеробластларнинг одам қонида кўпайиши организмда ҳар хил сабабларга кўра гемоглобин синтезининг бузилганини кўрсатади. Сидероцитлар қора талоқ олиб ташланганидан сўнг 1962 карра кўпаяди. Аниқланишича, бу кўпайиш элиминациянинг кучайиши ҳисобига эмас, аксинча суюқликда сидероцитлар ва сидеробластларнинг ҳақиқий кўпайиши ҳисобига бўлади. Бу қора талоқнинг одам организмидагемоглобиннинг нормал равишда синтез бўлишни таъминловчи ролини кўрсатади.

## Сидероцит ва сидеробластларни Мак-Фезен-Девис усули билан аниқлаш

Керакли анжомлар: 40% ли формалин, 1 г ферроцианкалий, реактив (2% HCl кислотасида тайёрланган 1% ли ферроцианкалий суюқлиги (1 г ферроцианкалий + 100 мл дистилланган сув + томчи концентранган HCl); 0,25% Бибрих-Шарлет бүёғи ёки 0,1% эозин бүёғи, 2% илитилган ( $60-70^{\circ}$  гача) HCl.

*Аниқлаш жараёни.* Тайёрланган қон суртмалари формалин буғларида фиксация қилинади (шишадан қилинган идишнинг тагига 40% ли формалин қўшиб, ичига S — шаклдаги таёқча солиниб, унинг устига шиша штатив унинг устига суртмалар ўрнатиб, идишнинг қопқоғи беркитилади)—30 дақ. Сўнг ҳавода қуритилиб, 2% ли HCl да тайёрланган 1% ли ферроцианкалий бүёғи билан 60 дақ. бўялади. Шундан сўнг бўёқ тўкиб ташланиб сув билан чайилади, қуритилади ва

10 дақ. давомида 0,25% ли Бирих-Шарлет ёки 0,1% ли эозин билан бўялиб яна чайилади. Қуритилганидан сўнг микроскопда кўрилади.

Суртмалардаги натижани баҳолаш худди Бильрот усули билан бўялгандек бўлади.

## ЛЕЙКОЦИТ ВА УНИ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Лейкоцитлар (грек сўзидан: лейкос — оқ ва цитос — ҳужайра) думалоқ шаклдаги қон ҳужайралари бўлиб, уларнинг цитоплазмаларида ядро ва ҳар хил донача (заррача)лари аниқланади. Лейкоцитларга амёбасимон ҳаракат хос бўлиб, улар инсон организмининг асосий ҳимоячилари ҳисобланади, чунки организмнинг ҳар бир жойида мавжуд бўладиган микроскопик ва макроскопик яллиғланишлар, яъни ҳимоя реакциялари шу лейкоцитлар туфайли ҳосил бўлади. Жароҳатланган жойга дарҳол нейтрофил лейкоцитлар етиб келиб ҳимоя жараённи, яъни фагоцитозни бошлаб организмни микроблардан сақлашга киришади. Шунинг учун бизнинг организмда бўлган сапрофит ва патоген микроблар ёки ташқи муҳитдан организмга тушадиган микроблар билан лейкоцитлар умримиз давомида курашиб касалликлардан сақлаб туради. Фагоцитоз реакцияси механизмини очгани учун 1813 йилда профессор И. И. Мечников Нобель мукофотини олишга муваффақ бўлган. Ундан ташқари, лейкоцитларнинг организмда бўладиган регенерация жараёнини ўз трефонлари билан кучайтириш қобилияти аниқланган. Сўнгги йилларда уларнинг қон ивиш жараёнда ўзининг моддалари (гепарин, плазмин ва бошқ.) билан фаол қатнашиши аниқланган. Цитохимик усул воситасида С. Т. Наджимитдинов (1970) лейкоцитларни кузатиб ҳамма касалликларга патологик ўзгаришларни аниқлаб олиш мумкинлиги боис бу усул диагностик, дифференциал-диагностик ва прогностик аҳамият касб этади. Шунинг учун биз иложи борича лейкоцитлардан клиника учун керакли бўлган диагностик ва прогностик маълумот олиш борасида сўз юритмоқчимиз.

Нейтрофил лейкоцитларнинг цитоплазмасидаги майда доначалар нейтрал бўёқ билан (азур ва эозиннинг алоҳида пропорциядаги қоришмаси нейтрал рН ли бўёқ ҳосил қиласи) бўялади. Эозинофил лейкоцитларнинг доначалари ишқорий муҳитга эга бўлгани учун нордон эозин билан қизил рангга бўялади, базофил лейкоцитларнинг доначалари нордон РН ли бўлгани

учун азур билан зангори рангга бўялади. Ундан ташқари, лейкоцитлар шаклини аниқлашда улар ядросининг шакли ва тузилиши, ядрода жойлашган хроматин тузилмасининг катта аҳамияти бор (А. Н. Крюков, 1920, 1952, И. А. Кассирский ва Г. А. Алексеев, 1970 ва бошқ.), Бу кўрсаткичлар айниқса лейкоцитларнинг етуклик даражасини аниқлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Лейкоцитларнинг умри қисқа (2—9 кун) бўлиши аниқланган. Соғлом одам лейкоцитларининг сони  $1 \text{ mm}^3$  да 4 минг дан 9 мингача ҳисобланади. Бир сутка давомида инсон организмидаги лейкоцитларнинг сони сезиларли даражада ( $1 \text{ mm}^3$  да 4—9 минг орасида) ўзгариб туради. Келтирилган жадвалда ҳар 1—2 дақ. да соғлом одам лейкоцитларининг ўзгариб туриши кўрсатилган.

Бармоқдан, қулоқдан ва товондан олинган лейкоцитларнинг сон ва сифат жиҳатидан фарқи бўлмайди.

*Лейкоцитларни олиш ва санашига тайёрлаш усуллари.* Н. М. Николаевнинг пробирка усули (камерада санаши усули). Усулнинг иш принципи: қон ва қонни суюқлантирувчи суюқликни аниқ ўлчаб, унда қон ҳужайраларини текис жойлаштириш керак.

Керакли анжомлар: узунлиги 10 см, диаметри 1 см ли пробиркалар; даражаланган 1 мл ли пипетка, гемометрнинг Сали пипеткаси, 3 ёки 5% ли сирка кислота, Горяев камераси, микроскоп.

**Аниқлаш жараёни.** Узунлиги 10 см, диаметри 1 см ли пробиркага даражаланган пипетка билан 0,4 мл 3—5% ли сирка кислота солинади. Сўнг Сали гемометрининг даражаланган пипеткаси билан укол қилингандан 20  $\text{mm}^3$  қон олиниб, эҳтиётлик билан эритувчи суюқликка туширилади. Пробирка резинка қопқоқ билан беркитилиб ундаги қон ва 3-5% сирка кислота яхшилаб аралаштирилади. Шунда текшириш учун олинган қон 21 марта суюлтирилган ҳисобланади. Ҳар гал қон олингандан сўнг Сали гемометрининг пипеткаси дистилланган сув билан ювилиб, ундаги сув қолдиқлари пахта тампонга пуфлаб чиқарилиши лозим.

#### *Лейкоцитларнинг сонини санаши усули*

Лейкоцитлар Горяев камерасида жойлаштирилган сетканни 100 та катта тўрт бурчакларида ( $25 \times 4$ ) саналади. Бу квадратларда саналган лейкоцитларнинг сони 4 га бўлинниб 200 га кўпайтирилса, 1  $\text{mm}^3$  қондаги лейкоцитларнинг сони аниқланади ёки 100 та катта

**Ҳар 1—2 дақ. интервалда лейкоцитларнинг  
ўз-ўзидан ўзгариб туриши**

вақт (дақ.)	лейкоцитларнинг сони (1 мм <sup>3</sup> қонда)
9.52	9200
9.53	6800
9.54	6500
9.56	5800
9.58	8300
10.00	5800
10.02	6500
10.04	7200
10.06	7500
10.08	7400

квадратда саналган лейкоцитларнинг сони 50 га кўпайтирилиб, 1 мм<sup>3</sup> қондаги лейкоцитларнинг сони аниқланади. Ҳар бир лейкоцитни икки мартадан санамаслик учун маълум қоидага риоя қилиш керак. Горяев камерасидаги сеткада ётган лейкоцитларни чапдан ўнга, тепадан пастга томон санаш лозим. Квадрат ичидаги лейкоцитлар саналиб, чап ва тепадаги чизиқлар ҳисобланади. Ҳужайранинг 3/2 қисми квадрат ичидаги жойлашган бўлса, тўртбурчак ичидаги деб ҳисобланади.

**Лейкоцитларнинг морфологик хусусиятларини текшириш усуллари**

**Қон суртмаси**

Лейкоцитларнинг морфологик хусусиятларини текшириш қон суртмасини тайёрлашдан бошланади. Қон суртмасида лейкоцитлар бир текис ётқизилиб, фиксация қилинади ва бўёқчалар билан бўялади. Шунда ҳар бир лейкоцитнинг ичидаги ядро ва ядрочалар, ядрони ташкил қилувчи хроматин, унинг ингичка толалари, цитоплазма, унда жойлашган қўшилмалар ва айrim ҳужайра организмлари яхши кўринади.

Қон суртмасидаги лейкоцитларнинг морфологик хусусиятини билмай туриб беморларда учрайдиган қон касалликларига аниқ ташхис қўйиш мумкин эмас. Чунки ўткир ва сурункали лейкоз клиник кечишида бошқа касалликларнинг кўринишига эга бўлиб, шифокорни чалғитади. II ТошДавТИ клиникасининг болалар бўлимида икки ҳафта давомида иситмаси баланд 5 яшар қиз болага тажрибали педиатрлар ўткир сепсис ташхисини қўйганлар, бемор лейкоцитларнинг морфологик таҳлили ўткир лейкоз касаллигидан далолат

берди. Бемор құз тезлик билан даволаниш учун гематология институтига юборилди.

Қон суртмаси бамисоли бир ойна бўлиб, унда ҳар бир қон ҳужайрасининг цитоморфологик тузилиши аниқ кўринади. Оддий нур оптик микроскопда кўрилган қон суртмасида акс этган лейкоцит, эритроцит ва тромбоцитларнинг морфологик хусусияти электрон микроскопда каттароқ бўлиб кўринади.

Ҳозирги вақтда лейкоцитлар морфологиясини соғлом одамлар ва bemorларда ўрганиш натижасида айрим касалликларга хос бўлган лейкоцитлар формуласи аниқланган. Бунга асосланиб ҳар бир касаллик ташхисини аниқлашда лейкоцитлар формуласини тузиш ва уни таҳлил қилиш муҳимдир. Чунки ўпка, юрактотмир, ичак, меъда ва юқумли касалликларда лейкоограмма қўшимча ташхисий усул ҳисобланса, қон тизими касаликларини аниқлаш жараёнида у ҳал қиувчи аҳамият касб этади.

Лейкоцитлар формуласини тузиш учун икки шарт бажарилиши лозим. Организмда айрим қон ҳужайраларнинг шаклланиши жараёнидаги морфологик тавсифини яхши билиш. Қон суртмасини тайёрлаш техникасини билиш, уни тўғри ва сифатли фиксаж қилиш ва бўяш.

Бу икки хислат ҳар бир шифокор учун ўта зарур бўлиб, уларни эгаллаш алоҳида малака ва меҳнатни талаб этади.

Тўғри бажарилган қон суртмаси қандай бўлиши керак?

Тўғри бажарилган қон суртмасида унинг бошланган, тугалланган жойлари ва четлари яхши кўриниши керак, у бир текис, узлуксиз ва юпқа (айниқса лейкоцитларнинг сони нормал ёки кўп бўлса) бўлиши шарт. Гап шундаки, катта диагностик аҳамиятга эга бўлган йирик қон ҳужайралари қон суртмасининг охирида тўпланади. Масалан, сурункали миелолейкоз билан касалланган bemorларнинг қон суртмалари охирида нафақат ёш ва йирик гранулоцитлар, балки мегакариоцитларнинг айрим бўлаклари, ўсма билан касалланган ҳолатларда эса бу касалга хос ҳужайралар учраб туради.

Суяк-кўмиқдан бажарилган суртмаларнинг охирида эса ниҳоятда (нисбатан) катта ҳужайралар ва бошқа ретикулозларнинг аниқ бўлаклари учрайди.

Қон ва илик суртмаларида яхши бажарилган ин-

гичка тармоқларнинг мавжудлиги аниқ ташхис қўйишда катта аҳамиятга эга.

Ҳар хил қалинликдаги қон суртмасининг юпқа жойларида лейкоцитлар яхши кўринса, қалин жойларда улар кичиклашиб қолади, шунинг учун уларнинг ички тузилишларини аниқлаш жуда қийин бўлади. Демак, уларга асосланиб ташхисни аниқлаш ҳам мумкин бўлмайди. Ядро ва цитоплазмани яхши тасаввур қилмасдан (айниқса ёш, бласт ҳужайраларни саралашда) бу қандай ҳужайра эканлигини, унинг қанчалик етилганини аниқлаб бўлмайди.

Одатда, лейкоцитларнинг сони нормал ёки кўп бўлса, юпқа қон суртмаси тайёрланади, лейкопения бўлса, аксинча қалин суртма тайёрланади.

Indrež лейкопения билан хасталанган bemorлар қонидан суртма бажариш усулини таклиф этган. Бу усулга биноан бажарилган қон суртмаси супургисимон тармоқларсиз, суртманинг ўртасида ёки 2/3 қисмida тўмтоқ қилиб тўхтатилади. Бундай бажарилган суртманинг охирида кўп лейкоцитлар йиғилиб, қолади, яъни лейкоконцентрация феномени ҳосил бўлади.




Беморда ниҳоятда чуқур лейковенил бўлса, лейкоцитларнинг сони 1  $\text{мм}^3$  қонда 1000-500 гача бўлиб, лейкоформулани 2—3 суртмада ҳам санаб бўлмаса, суртмани И. А. Кассирский клиникасида ишлаб чиқарилган усул билан тайёрланувчи лейкоконцентратда бажаришни тавсия қиласиз. Бунинг учун қуруқ пребиркага bemor томиридан 5 мл қон олинади, унга 5 томчи 10% трилон «Б» қўшиб бир дақиқада 3000 марта айланадиган цетрифугада 10 дақ. давомида айлантирилиб, қоннинг энг юқори қатламидан суртмалар қилинади, қабул қилинган усул билан бўялиб микроскоп остида кўрилади.

Ушбу усулда бажарилган лейкоконцентрация ниҳоятда оддий ва фойдалидир.

*Қон ва илик суртмасини тайёрлаш техникаси*

Керакли анжомлар: қирралари едирилиб силлиқланган ойнача; ювилиб, ёғсизланган буюм ойначалири (24-расм).

Буюм ойначасининг охирига 1-1,5 см етмасдан бир томчи қон одинади. Силлиқланган ойнача буюм ойначасига  $45^\circ$  да қўйилиб, сирғантириб қон томчига тегизилади. Томчи дарҳол силлиқланган ойначанинг қирраси бўйича чўзилади, шунда текширувчи тезлик билан силлиқланган ойначани буюм ойначаси устидан қарши томонга сирғантириб юбориб суртмани бажара-



24-расм. Қон ва илик суртмасини тайёрлаш техникаси.

ди. Ушбу қон (ёки илик) суртмасида қон ва илик ҳужайралари сочилиб, бир текисда буюм ойначасининг юзига ёзилиб қолади. Агарда суртмани бажарувчи ярим йўлда, яъни буюм ойначасининг ўртасида силлиқланган ойначани тўхтатса, бу лейкоконцентрациянинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу билан бирга суюк илигидан суртма тайёрлаш вақтида биз суртма охиридаги айрим илик доначаларини иккита буюм ойначалирининг орасида эзиз қўйишни тавсия қиласиз. Текшириш учун томчи каттароқ олинган бўлса, силлиқланган ойна билан томчига киргач ундан чиқишида бир ҳатлаб ўтиб суртма бажарилса, юпқа ва нозик суртма ҳосил бўлади.

Илигдан суртма тайёрлашда ниҳоятда тезлик билан ҳаракатланиш лозим, чунки илик тез ивиб қолиб, тайёрланган суртмада ҳужайралар бўлмаслиги мумкин.

Теъз бажарилган илик суртмасининг охиридаги илик доначаларини силлиқланган ойначанинг бурчаги билан буюм ойначасига эзиб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қон ва илик суртмаларини тайёрлашда яхши силлиқланган ойначалардан фойдаланиш лозим.

Бажарилган қон ва илик суртмалари ҳавода қуритилиб, бўялади. Суртмалар иложи борича тезлик билан қуритилиши лозим, чунки аста-секин қуритилган суртмада қон ҳужайралари бўкиб, бузилиб кетади.

*Буюм ойначалари ва шиша идишларни кимёвий тозалаш усуллари*

Лабораториядаги шиша идишлар, буюм ойначаларини ювиш ва ёғизлантириш усуллари кўп бўлиб, улардан айримларинигина келтирамиз: биринчи усул — буюм ойначалари илиқ сувда совун билан ювилиб, қуруқ ва тоза латта билан артилади, сўнг Никифоров (ярми 96° этанол ва иккинчи ярми эфирдан иборат) қўшилмасига солиб, эксикаторнинг қопқоғи яхшилаб беркитилиб қўйилади. Керак бўлган вақтда буюм ойначалари бу қўшилмадан олиниб ҳавода қуритилганидан сўнг ишлатилади. Иккинчи усул аввалам бор, 2 литр водопровод сувига 2 литр  $H_2SO_4$  эҳтиётлик билан қўшилади; бу суюқликка 40 г нордон икки хром калий қўшилади. Бу қўшилмага 12 соатга буюм ойначалари, шиша идишлар ва пробиркалар бўктириб қўйилади, сўнг қўшилма эҳтиётлик билан тўкиб ташланади: Буюм ойначалари, пробиркалар ва шиша идишлар уч-тўрт марта водопровод суви остида ювилади, дистилланган сувда чайилади ва қуруқ латта билан артилиб, тозаланиб ишлатилади.

*Қон ва илик суртмаларини бўяш усуллари.* Ҳозирги вақтда гематологияда қон ва илик суртмаларини бўяшнинг кўп усуллари бор. Ҳар хил бўёқлардан турли мақсадларда фойдаланилади.

Қон ёки илик суртмасини сифатли ва яхши бўямоқчи бўлсангиз, бўяшдан олдин уларни фиксация қилиш санъатини эгаллаш лозим. Чунки, яхши фиксаж қилинган суртмадаги ҳужайраларгина сифатли ва яхши бўлади. Демак, уларни текширувчи киши ўзига керакли ҳужайра ҳаётига оид маълумотларни олиш мумкин.

Қон ва илик суртмаларини буюм ойначаларининг устида мустаҳкамлаш учун (яхши фиксаж қилинмаган буюм ойнасининг устидаги суртма сув ёки бўёқ тушиши билан дарҳол ювилиб тушиб кетади) ва суртмалардаги ҳужайралар тузилишини сақлаб қолиш учун,

бажарилған суртмалар алоқида хусусиятга эга фиксаторга ботирилади ёки уларнинг ўстига фиксатор қуйлади. Фиксатор сифатида мутлоқ метанол ва этанол, формалин спирти (9 қисм этанол + 1 қисм 40% ли формалин), Никифоров қўшилмаси (эталон билан эфирнинг тенг қўшилмаси), ацетон, формалин буғлари ва бошқалар ишлатилади. Бунинг ичига энг яхши фиксатор метанол ҳисобланади.

Қон ва илик суртмаларини фиксаж қилиш вақтлари ҳар хил: метанол билан 3—5 дақ., этанол билан 20-30 дақ., формалин билан 15 сония, Никифоров қўшилмаси билан 15-30 дақ., ацетон билан 5 дақ., формалин буғларида 30 сония ва ҳоказо. Фиксаж қилинганидан сўнг суртмалар оқар сувда чайиб ташланади.

*Қон ва илик суртмаларини Гимза-Романовский усули билан бўяш*

Д. Л. Романовский (1891) ва Гимза (1902) томонидан такомиллаштирилган. Лекин, Гимза томонидан бу усул олдинроқ тавсия этилган.

*Бўяш принципи.* Гимза-Романовский бўёғи иккى қисмдан иборат бўлиб, биринчиси ишқор (азур 11) ва иккинчиси нордон эозиндир. Шу сабабли нордон моддалардан (ДНК, РНК ва бошқ.) иборат бўлган ҳужайраларнинг ядролари бу бўёқянинг ишқор қисми (азур 11) билан тўқ-зангори рангдан бинафша рангигача бўялади. Ишқор реакцияли оқсилларга бой ҳужайраларнинг цитоплазмалари эса бўёқнинг нордон компоненти (эозин) билан пушти қизил рангга (ортокром эритронормобластлар; эритроцитлар, таёқчасимон ва сегментлашган ядроли нейтрофил, эозинофил, базофил лейкоцитлар цитоплазмалари ва бошқ.) бўялади. Ёш қон ҳужайраларни, моноцитларни, плазматик ҳужайраларни, лимфоцитларни ва бошқа цитоплазмасида нордон моддалар (РНК) кўп бўлган ҳужайраларнинг цитоплазмалари азур 11 билан зангори рангга бўялади. Бу базофилияниң сабаби шундаки, гемопоэз ёш ҳужайраларнинг цитоплазмасидаги эндоплазматик ретикулум «гадир-будир» бўлади. Бунинг сабаби эндоплазматик ретикулум каналчаларининг ташки деворчаларида кўплаб майда, катталиги 100—150 А бўлган доначалар — рибосомалар билан қопланган. Ҳар бир илик ҳужайрасида ўн, юз, минглаб рибосомалар бўлиши мумкин. Ҳужайра ичидаги бу элементлар организм учун керакли бўлган оқсилларни синтез қиласи. Синтез жараёни ишчи рибосомалар томонидан бажарилади.

ди, чунки рибосомаларнинг 50 фоизи хизматчи РНК дан иборат.

Суяқ илигидаги ёш ҳужайралар етилгани сари эритропоэзга тааллуқли эмаслар, чунки эритропоэзга тааллуқли ҳужайраларнинг цитоплазмалари аксинча, етилганлари сари уларнинг цитоплазмаси гемоглобинлашиш натижасида қизғиш ва қизил тус олди. Уларнинг цитоплазмаларида грануляр, яъни «гадир-будир», эндоплазматик ретикулумнинг агрануляр, яъни «силлиқ» эндоплазматик ретикулумга айланиши кузатилади. Шу сабабли уларнинг цитоплазмалари аста-секин қизғиш, сўнг пушти рангга ўтади, чунки уларнинг эндоплазматик ретикулумларида рибосомалар камайиб кетгани сабабли цитоплазмалари ишқор реакциясини бериб, эозин билан бўяла бошлайди. Қон ва илик ҳужайраларининг цитоплазмаларида доначалар нейтрал реакция туфайли баробар даражада бўёқнинг ишқор ва нордон қисмларига бўялади. Шу сабабли улар кулранг тус олади (масалан, нейтрофил лейкоцитларни цитоплазмаларида доначалар).

Гимза-Романовский бўёғини тайёрлаш учун 3,8 г қуруқ бўёқ 250 мл глицериинда эритилади, сўнг 90—120 дақ. давомида 56°C гача иситилади. Унга 250 мл тоза метанол қўшилади. Бир кундан то 7 кунгacha уй ҳароратида сақланганидан сўнг Гимза-Романовский бўёғи тайёр бўлади. Уни ишлатишдан олдин дистилланган сув қўшиб, ишчи бўёққа айлантирилади.

Керакли реактивлар: метанол, Гимза-Романовский бўёғи, дистилланган сув, 100 ёки 200 мл ҳажмдаги ўлчаш чизиқлари бор шиша цилиндр.

*Бўяш жараёни.* Қон ёки иликдан тайёрланган суртмалар 5 дақ. га метанолга чўқтирилади ёки уларнинг устига метанол қўйилади. Метанолдан сўнг суртмалар сувга чайқалмасдан, ҳавода қуритилади. Суртма қилинган томон осмонга қаратилиб бўяш учун ишлатиладиган идишнинг устидаги махсус «кўприкчага» ўрнатилади. Устига Гимза-Романовский бўёғининг ишчи суюқлиги қўйилади. Гимза-Романовский бўёғининг ишчи суюқлигини олиш учун бу бўёқнинг асосий суюқлиги ўн баробар суюлтирилади (1:10). Бунинг учун 200 ملي шиша цилиндрнинг 180—185 белгисигача дистилланган сув олиниб, сўнг 200 белгисигача Гимза-Романовский бўёғининг асосий суюқлиги қўйилади. Цилиндрдаги суюлтирилган бўёқ яхшилаб аралаштирилганидан сўнг «кўприкча» устига ўрнатилган суртмалар устига қўйилади. Одатда, суртмалар 15—30 дақ.

давомида бўялади, сўнг уларнинг устидаги бўёқ тўкиб ташланиб, водопровод суви билан чайилади, ҳавода қуритилади ва микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб кўрса бўлади.

Гимза-Романовский бўёғининг асосий суюқлигини суюлтиргандан сўнг ҳар бир янги сериясини ишлатишдан олдин бўяш учун вақт қайтадан аниқланади. Ундан ташқари, бизни тажрибамизга кўра, иликдан, ёш қон ҳужайраларига бой қон суртмаларини, лимфатик тугунлардан ёки ички аъзолардан тайёрланган суртмаларнинг нормал қон суртмаларига нисбатан 2—3 дақ. камроқ бўяшни тавсия қиласиз.

*Бўяш натижалари.* Гимза-Романовский усули билан бўялган қон ва илик суртмаларида ҳужайраларнинг ядролари тўқ зангоридан бинафша рангача бўялади. Нейтрофил, базофил ва эозинофил ядролари сегментлашган лейкоцитларнинг цитоплазмалари пушти рангга бўялади. Лимфоцитлар, плазматик ҳужайралар, моноцитлар ва «blast» ҳужайраларнинг цитоплазмалари зангори рангга бўялади.

Эритроцитлар оч сариқ рангга бўяладиган бўлиб, уларнинг бўялиш даражаларига қараб суртманинг бўялганини баҳоласа бўлади. Масалан, суртмадаги эритроцитлар қизил ёки бинафша рангга бўялган бўлса, демак, бўёқ pH нордон сувда суюлтирилган бўлади. Дарҳол бўёқ суюлтирилган дисс. сув текширилиб, уни нейтрал реакцияли сувга айлантирилади.

Потенциометр йўқ ҳолларда сувнинг pH ши қуйидаги усул ёрдамида текширилади. Бунинг учун гематоксилиннинг бир неча кристаллари текширилаётган 10 мл сувга солинади. Агарда сув нейтрал реакцияли бўлса, унинг ранги 1—5 дақ. ичida оч бинафша тус олади. 5 дақ ўтишига қарамай сувнинг ранги ўзгармаса, унга сув нейтрал pH олиб унинг раиги оч бинафша тус олмагунча томчилаб 1% ли натрий ангидрид сувнинг pH ишқорли бўлса, унда уни нейтрал ҳолатга келтириш учун томчилаб керакли миқдорда 1% сирка кислота қўшилади.

Буфер қўшилмалари билан сувни нейтрал ҳолатга келтириш ундан ҳам осонроқ: 1) фосфорнокислий натрий фосфат  $\text{Na}_2\text{HPO}_4$ —17, 838 г 1 л сувда эритилади; 2) калий фосфат однозамешений—13,614 г олиниб, 1 л сувда эритилади. Иккала тайёрланган буфер қоронфи жойда сақланади (айнинласлиги учун уларга тимол қўшилади). Нейтрал реакцияли дистилланган сув тайёрлаш учун унинг ҳар бир литрига 10 млдан (5 мл

биринчи ва 5 мл иккинчи буфердан) нейтралловичи буфер қўшилмаси солинади. Бу бўёқ билан бўялган суртмалардаги эозинофилл доначалари сарық ранга бўялган бўлиб, бу ранг сувнинг pH га қараб зангори кулранг (pH паст бўлса) ёки қип-қизил тус олади (pH юқори бўлса). Нейтрофил лейкоцитларнинг доначалари майдә, чангсимон қора-кул ранга бўялади. Базофил лейкоцитларнинг доначалари эса бу ўсул билан яхши бўялмайди. Хулоса қидиб айтганда, Гимза-Романовский усули билан бўялганда қон ва иликдаги ҳужайраларнинг ядролари яхши бўялиб, цитоплазмаларидағи доначалари эса яхши бўялмайди. Шу сабабли, гематологияда бу мақсадда Артур-Паппенгейм усули қўлланилади, уни эътиборингизга ҳавола қилганимиз.

*Қон ва илик суртмаларини Май-Грюнвальд усули билан бўяш*

Бу усулда ишлатиладиган бўёқ 1902 йилда Май-Грюнвальд томонидан ихтиро этилган бўлиб, унинг таркиб қуйидагилардан иборат: эозин ва метилен қўшилмаси 1 г, метанол 100 мл, глицерин 50 мл.

*Бўяш жараёни.* Фиксаж қилинмаган суртмага Май-Грюнвальд бўёғи метанолда тайёрланган бўлгани учун у ҳам бўёқ, ҳам фиксатор сифатида ишлайди. 3—5 дақ. давомида Май-Грюнвальд бўёғи қуйилади. Сўнг бўёқ тўклилади, суртма чайилади ва қуритилади, микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб кўрса бўлади.

Бу усул билан бўялган суртмалардаги қон ва илик ҳужайраларининг цитоплазмаларидағи доначалари жуда яхши бўялади, ядролари эса деярли бўялмайди.

*Қон ва илик ҳужайраларини А. Папенгейм усули билан бўяш*

1911 йилда А. Папенгейм дунё лабораторияларида шу бугунга қадар хизмат қилаётган қон ва илик ҳужайраларини бўяш усулини яратди. Бу усул ниҳоятда оддий. Юқорида айтилганидек, Гимза-Романовский усулида қон ва илик ҳужайраларининг ядроси яхши бўялиб, уларнинг цитоплазмаларидағи доначалари яхши бўялмайди. Май-Грюнвальд усулида эса аксинча, ядролар яхши бўялмасдан, ҳужайралар цитоплазмаларидағи доначалари жуда яхши бўялади. А. Папенгейм усулида бўяшда бу усуллар олдинма-кетин ишлатилиб, ҳам ҳужайраларнинг ядролари, ҳам уларнинг цитоплазмаларидағи доначалари жуда яхши бўялади.

*Бўяш учун керак анжомлар.* Май-Грюнвальднинг

қуруқ бўёғи — 0,5 г, метанол 500 мл, Гимза-Романовскийнинг суюлтирилмаган бўёғи, даражаланган цилиндр (200 ملي), дистилланган сув.

Тайёрланган суртмаларни бўяшдан бир сутка олдии Май-Грюнвальд бўёғи тайёрланади (0,5 г Май-Грюнвальднинг қуруқ бўёғи 500 мл метанолда эритилиб, 24 соатга уй ҳароратида сақланади). Бўяшга киришишдан олдин Гимза-Романовский бўёғини дистилланган сув билан суюлтириб, ишчи бўёқ тайёрлади.

*Бўяш жараёни.* Фиксаж қилинмаган қон ёки илик суртмаси бўяш учун ишлатиладиган «кўпrikчага» қўйилиб, устига Май-Грюнвальд бўёғи 5 дақ. га солинади. Сўнг бўёқ тўклиб суртма сув билан чайилади ва ҳавода қуритилади. Кейин тайёрлаб қўйилган Гимза-Романовский бўёғининг ишчи суюқлиги 15—20 дақ. га солинади. Бўёқ тўклиб суртмалар яна чайилади ва ҳавода қуритилади. Суртмаларни микроскоп ёстида иммерсион ёғ суртиб қўриш мумкин. Бу усул билан бўяш жараёнида алоҳида фиксатор ишлатилмайди, чунки суртма Май-Грюнвальд бўёғидаги метанол билан фиксаж бўлади.

Иссиқ иқлимли шароитда қон ва илик суртмалари ни Папенгейм усули билан бўяш бирмунча ўзгартирилган ҳолда ишлатилиши мумкин.

Фиксаж қилинмаган, ҳавода қуритилмаган суртма «кўпrikчага» устига ўрнатилиб, устига 3 дақ. давомида Май-Грюнвальд бўёғи қўйилади. Сўнг бўёқни тўкмасдан, унинг устидан яна 1 дақ. дистилланган сув қўйилади. Сўнг бўёқ тўкиб ташланиб, Май-Грюнвальд бўёғининг ўрнига Гимза-Романовский бўёғининг суюлтирилган (1:10) ишчи суюқлиги 15-20 дақ. давомида қўйилади. Сўнг бўёқ тўкиб ташланиб, суртма чайилади, қуритилади ва микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб қўрилади.

*Бўяш натижаси.* Қон ва илик ҳужайраларининг ҳаммасида ядронинг хроматин тузилиши (бу кўрсатма қон ва илик ҳужайраларини бир-биридан ажратиш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга) ниҳоятда аниқ ва тиниқ кўринади. Еттилган нейтрофил, эозинофил ва базофил лейкоцитларнинг цитоплазмалари пушти рангга бўялади. Шу билан бирга нейтрофил, эозинофил ва базофил доначалар ҳам аниқ кўринади. Миелобласт, гемоцитобласт, промиэлоцит 1, эритробласт, базофил прономобласт, лимфоцитлар, моноцитлар ва плазматик

хужайраларнинг цитоплазмалари ҳар хил даражада зангори рангга бўялади.

Папенгейм усули билан қон ва илик ҳужайраларини бўяш усули энг сифатли ва аниқ бўяш усулидир.

*Қон ва илик ҳужайраларини АҚШ нинг «Bexter» фирмаси ишлаб чиқарган бўёғи билан бўяш*

Бу фирманинг бўёғи З қисмдан иборат: фиксатор; I бўёқ суюқлиги, II бўёқ суюқлиги.

*Бўяш жараёни.* Фиксаж қилинмаган қон ва илик суртмалари бўяш учун ишлатиладиган «кўприкча» устига ўрнатилади, уларга I дақ. давомида Бехтер (Bexter) бўёғининг фиксатори солинади. Бир дақ. ўтгач фиксатор тўкиб ташланиб, суртмалар сувда чайилади, сўнг қуритилмасдан уларнинг устига 1-бўёқ суюқлиги I дақ.да қўйилади. Бир дақиқадан сўнг тўкиб ташланиб суртмалар сувда яна чайилади ва қуритилмасдан уларнинг устига II бўёқ суюқлиги 1 дақ.га қўйилади. Сўнг бу бўёқ ҳам тўкиб ташланиб, суртмалар сувда чайилади, қуритилади ва микроскоп остида иммерсия ёғи суртиб кўрилади.

*Бўяш натижаси.* Бехтер фирмасининг бўёғи билан бўяладиган қон ва илик ҳужайралари ниҳоятда чиройли бўялиб тиниқ кўринади, айниқса қон ва илик ҳужайраларининг ёш авлодлари, ядроларида ги хроматин тузилиши ниҳоятда тоза ва тиниқ бўялгани учун яхши кўринади. Ундан ташқари, етилган нейтрофил, эозинофил ва базофил лейкоцитларнинг цитоплазмалари пушти рангга бўялиб, ёш қон ва илик ҳужайларининг цитоплазмалари зангори рангга бўялади. Уларнинг цитоплазмаларидаги нейтрофил, базофил ва эозинофил доначалари аниқ ва тоза рангларга бўялиб аниқ кўринади.

Бу бўёқнинг хислатларидан яна бири шуки, бу усул билан қон ва илик суртмаларини классик Папенгейм усулига нисбатан 5 марта тезроқ бўяш мумкин (3 дақ. ичида). Шунинг учун фирманинг бўёқлари ва усуллари ҳозирги вақтда энг яхши усул ҳисобланади.

*Қон ва илик ҳужайраларини азур-эозин усулида бўяш*

Бўяш принципи Гимза-Романовскийнинг бўяш принципига ўхшаш.

Бўяш учун керак анжомлар:

Азур II бўёғи (азур I ва метилен кўкининг тенг қўшилмаси) 1 л, эозин (сарфиш, сувлик) 1 г, метанол 100—200 мл, дистилланган сув 3—5 л.

Бўяшдан олдин азур II ва эозиннинг ҳар бирини 1 л дистилланган сувда эритиб, алоҳида қоронғи жойда сақланади.

*Суртмаларни бўяш жараёни.* Ҳавода қуритилиб фиксаж қилинмаган қон ва илик суртмалари бўяш учун ишлатиладиган «кўприкчага» қўйилиб метанол билан 5 дақ. фиксаж қилинади. Сўнг метанол тўкиб ташланади. Суртмалар чайилмасдан ҳавода қуритилиб, уларнинг устига 0,5 млдан азур II ва эозин бўёқларидан қўйилади. Бу бўёқларнинг устидан яна 3 мл дистилланган сув қўшилади. 20-30 дақ. ўтгач бўёқ тўкилиб ташланиб, суртмалар чайилиб, қуритилиб микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб кўрилади.

Бўяш натижаси худди Гимза-Романовский усулида гидек. Фақат пунктатлардан қилинган суртмаларини ва отпечаткаларни биз қисқароқ вақт (18—20 дақ.) бўяшни тавсия қиласиз. Асцит ва плевра суюқликларидан тайёрланган суртмалар 6—8 дақ. бўялса бўлади.

*Қон ва иликдан тайёрланган суртмаларни Райт усули билан бўяш*

Бўяш принципи Гимза-Романовскийнинг бўяш усули каби. Бўяш учун керакли анжомлар: Райт бўёғи, Пэтри чашкалари, дистилланган сув.

*Бўяш жараёни.* Фиксаж қилинмаган, ҳавода қуритилган суртманинг юзасини тепага қаратиб Пэтри чашкасининг ичига қўйилади. Суртмага 100 томчи Райт бўёғи томизилиб, Пэтри чашкасининг қопқоғи беркитилади, 1—3 дақ. ўтгач томизилган бўёғни 10—15 томчи дистилланган сув билан суюлтириб, яна Пэтри чашкасининг қопқоғи беркитилади (2—6 дақ.га). Сўнг бўёқ тўкиб ташланиб, суртма чайилади ва қуритилиб микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб кўрилади.

Суртмалардаги қон ва илик ҳужайраларининг бўялиши худди Гимза-Романовский усулидаги каби.

*Қон ва илик суртмаларини Фрейфельд усули билан бўяш.*

Керакли реактивлар: асосий фуксин 1 г, 96° этанол 15 мл, 3% карбол кислота 100 мл, 1% ли метилен кўкининг эритмаси, метанол.

*Бўяш жараёни.* Фиксаж қилинмаган ва ҳавода қуритилган суртма бўяш учун ишлатиладиган «кўприкча» устига қўйилиб, унинг устига 3 дақ. давомида метанол қўйилади. Сўнг метанол тўкиб ташланиб, суртма чайилмасдан ҳавода қуритилади. Фиксаж қилинган суртмага олдинроқ тайёрланган карболфуксин солинади. Аввалига иккита суюқлик тайёрланади: 1% ме-

тилен кўки ва мураккаб карболфуксин суюқлиги (1 г асосий карболфуксин 15 мл сув ҳаммомида иситилган 96° спиртда эритилиб, совутилади, унга 100 мл 5% карбол кислота қўшилади). Бўяш жараёнида 20 мл водопровод сувига 7 томчи карболфуксин ва 5 томчи 1% ли метилен кўки қўшилиб, ишчи бўёқ суюқлиги тайёрланади ва у суртмалар устига 1 соатга солинади.

### *Бўяш натижаси.*

Бу усул билан бўялган нейтрофил лейкоцитларнинг цитоплазмаларида заҳарланиш натижасида ҳосил бўладиган (токсоген) доначалар цитоплазмаларда кўкимтири доначалар ва таначалар шаклида кўринади.

*Шиллинг усули* билан «қалин, томчи» тайёрлаш. Усулнинг иш принципи — эритроцитлардан аста-секин гемоглобинни чиқариб юбориб сўнг бўялса, унинг ичидаги паразитлар яққол кўзга кўринади.

Керакли анжомлар: Гимза-Романовский бўёғи, буюм ойначалари,

*Бўяш жараёни.* Буюм ойначаларига иккита катта томчи қон олиниб, уларнинг ҳар бири нина билан 1,5 маротаба кенгайтирилади. Томчилар қуритилади, қуриганидан сўнг буюм ойначаси бўяш учун ишлатиладиган «кўпrikcha»га ўрнатилиб, уларнинг устига янги тайёрланган Гимза-Романовский (10 мл дистилланган сувга 0,3 м суюлтирилмаган Гимза-Романовский бўёғи солинади) бўёғи қуйилади. Шундан сўнг кузатилиб турилса, 2—5 дақиқа ўтгач эритроцитлардан чиққан гемоглобин қизил булутсимон бўлиб суюқ бўёқнинг юзига қалқиб чиқади. Ўша заҳоти, бўёқли сув тўкиб ташланиб, ўрнига яна тоза сув қуйилади. Бу ҳаракат бир неча марта, то эритроцитлардаги гемоглобин сувга чиқиб тамом бўлмагунча қайтарилади. Сўнг 25 дақ давомида препарат янги тайёрланган Гимза-Романовский бўёғи билан бўялади. Шундан сўнг, бўёқ тўкиб ташланиб, суртма сув билан чайилади, ҳавода қуритилади ва микроскоп остида иммерсион ёғ суртиб кўрилади.

*Бўяш натижаси.* «Қалин томчида» қондаги паразитлар, айниқса безгак плазмодийлари, жуда осонлик билан топилади.

*Бўялган қон суртмасини кўриш ва ўрганиш усули (лейкоцитлар формуласини тузиш)*

Қоидага мувофиқ қон суртмаси бажарилиб бўялганидан сўнг у кўрилади. Цитологик препаратларни, шу жумладан қон суртмасини, сунъий ёруғликда (зангори ва хира фильтрлар билан) ёки хира электр чи-

роғи билан ёритилган микроскоп экранида кўриш лозим.

1. Сунъий ёруғлик кун давомида об-ҳавога, йил фаслига қараб ўзгармайди. Суртмаларни доимий кучланиш билан ёритади, шунинг учун текширувчи одамнинг кўзи унга ўрганганидан сўнг чарчамайди, кўриш қобилияти кўпроқ сақланади.

2. Бу ёруғлик эталони доимий бўлиб, у оңқали ҳар бир ҳужайранинг ички муҳитини бўялган ҳолда фарқлаб кўриш мумкин. Табиий ёруғликтан фойдаланганда препаратлардаги ранг тасвирини аниқлаш нисбатан қийинроқ бўлади.

3. Сунъий ёруғлик билан ишлаганда катталаштириб кўрсатувчи объективлардан фойдаланиш мумкин.

Қон ва илик суртмаларини кичкина объективли микроскоп остида кўришдан бошлаш керак. Чунки фақат кичкина объектив билан кўргандагина суртманинг бошланиш жойи, унинг четлари ва охирини кўриб назоратга олиш мумкин. Кузатув давомида (жараёнида) суртмада аномал ҳужайраларни ёки ҳужайралар тўпламини, ўсма ҳужайраларини, катта-кичик ретикулёзларга (Гоше, Христиан-Крисчен-Мюллер касалликларида учрайдиган) хос ҳужайраларни кўра олиш мумкин. Шунинг учун баъзан кичик объектив остида суртмани кузатганда тўғри ва аниқ ташхис қўйиш мумкин. Масалан, суртмадаги ҳужайралар бир хил мононуклеарлар бўлиб, уларнинг зич тизими ядролари атрофида, фақат тор кичик цитоплазмалари, ҳужайралар орасида Гумпрехт соялари (суртма бажарилиши жараёнида лейколиз бўлиши сабабли пайдо бўладиган лимфоид ҳужайралар қолдиги) кўринса, текширувчи bemорда ўткир ёки сурункали лимфатик лейкознинг бор-йўқлигини текшириши лозим. Бунда микроскопни катта иммерсион объективга ўtkазиб қарапса, бу ҳужайраларнинг микроскопик тузилишлари аниқроқ кўриниб, ташхисни аниқласа бўлади.

Қон суртмасини ўрганиш санъатининг ўзига хос сирларидан бири шуки, ҳар қандай тўғри бажарилган қон суртмасида ҳам қон ва илик ҳужайралари бир хил ёйилмайди. Одатда, суртманинг бошланишида ва охира, унинг четларида катта ҳужайралар (моноцитлар, гранулоцитлар ва бошқ.), ўртасида эса майда ҳужайралар (лимфоцитлар) жойлашган бўлади. Шунинг учун ишончли ва аниқ суртманинг ҳар хил жойларидан саналади. Масалан, 200 лейкоцитни суртманинг 4 жойидан, ҳар бир жойдан 50 дан санаш мумкин. Ҳар бир ҳужайрани қайтадан санамаслик учун илон изига

ўшаган зигзаглар билан суртма устидан юриб санаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу хил ҳаракат *Меандр чизигидан сурилиши* (Меандр — Кичик Осиёдаги дарёнинг номи) дейилади. Лейкоцитлар сони жуда кам бўлса, лейкоцитлар формуласи зигзаг ҳаракатлар билан суртманинг у четидан бу четига юриб саналади. Шундай ҳаракатлар қилиб, суртмада саналган 100 та ҳар хил лейкоцит фоиз миқёсида лейкоцитлар формуласини беради. Соғлом одамнинг қон суртмасидан олинган (ҳисобланган) лейкоцитлар формуласида метамиелоцитлар 0—1%, таёқчасимон ядроли нейтрофил лейкоцитлар 1—3%, ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитлар 45—65%, моноцитлар 6—9%, эозинофиллар 0—3%, базофил лейкоцитлар 0—1%, лимфоцитлар 25—35% ни ташкил қилади. Лейкоцитлар формуласини ҳисоблай олиш, айниқса бу формулани клиник таҳлил қила билиш, таҳлилга асосланиб ташхис қўя билиш ва касалликнинг ривожини кўра билиш шифокорлик маҳорати ҳисобланади.

Лейкоцитлар формуласидаги ўзгаришлар ташхис ва башорат учун муҳимdir. Шиллинг ном берган «ядро сурилишининг индекси» перифериқ қондаги (етилмаган ҳужайралар мелоцитларини (*M*), метамиелоцитларни (*Met*) ва таёқчасимон ядроли лейкоцитларни (*T*) етилган ҳужайраларга — сегмент ядроли лейкоцитларга (*C*) бўлган муносабатига баробардир.

Шиллинг формуласига биноан лейкоцитларнинг ядро сурилиши индекси  $\frac{M+Met+T}{C}$  тарзида ифодаланади.

Агарда лейкоцитлар формуласида ёш нейтрофил лейкоцитларнинг сони кўпайиб кетса, унда «чап сурилиши» дейилади. Аксинча, полисегментлашган ядроли нейтрофил лейкоцитлар кўпайиб кетса, «ўнг сурилиши» деб аталади. Лейкоцитлар формуласидаги «чап» ва «ўнг» сурилишларга қараб, клиникада учрайдиган ҳар хил касалликларга тўғри ва аниқ ташхис қўйиш мумкин. Масалан, ўткир ва сурункали сепсис, чўзилиб кетган ёки узоқ вақт давом этувчи катта ва чуқур фасод бойлаган яллиғланишлар, чўзилиб кетган ва тез-тез қайталанувчи пневмония, сил, касаллигининг оғир турлари, ўткир ва сурункали перитонит, гайморит, отит, пиэлонефрит, эндометрит, аднекси, лимфоаденит, айниқса лимфогранулематоз ва лейкомоид реакциялар лейкоцитлар ядроларининг «чапга сурилиши» билан характерланади. Аксинча, витамин *B<sub>12</sub>* (фоли кислота) етишмаслиги натижасида ҳосил бўладиган анемиялар-

да лейкоцитлар ядросининг «Ўнг томонга сурилиши» маълум. «Ўнгга сурилиш» пайтларида ядрои кўп сегментларга бўлинган нейтрофил лейкоцитларнинг сони кўпаяди. Бу феноменни (бёлгини) аниқроқ билмоқ учун Гинек индекси ҳисобланади. Бунинг учун 100 нейтрофил лейкоцитларда бор ядро сегментлари саналиб, бу рақам Гинек сегментация индекси дейилади. Бу индекс 3,5 дан кўп бўлса, гиперсегментация, 3 дан кам бўлса, «чап лейкоцитлар ядросининг сурилиши» дейилади.

Лейкоцитлар ядросиниг «чап» ва «ўнг» томонга сурилиши туғма лейкоцитлар аномалияларида ҳам (Май-Хегллин аномалияси ва бошқ.) бўлиши мүмкин, лекин бундай одамларда айрим касаллиқларга хос клиник ўзгаришлар кузатилмайди.

«Чап» ва «ўнг» лейкоциттар формуладаги сурилишларнинг клиникадаги аҳамияти шундаки, улар тўғри ва аниқ даволаниш жараёнида йўқолиб кетиб, лейкоцитлар формуласи нормага қайтади.

Айрим лейкоцитларнинг турлари лейкоцитлар формуласида фоизда берилади, яъни нисбий рақамларда ифода этилади. Шунинг учун улар лейкоцитлар ҳақиқий сонининг ўзгаришини кўрсатмайди. Масалан, беморни текширганда унинг лейкоцитлари сони 20 000, сегмент ядроли нейтрофил лейкоцитлар — 67%, лимфоцитлар — 32%. 5 кундан сўнг шу bemорнинг қонида лейкоцитлар 5 000 га баробар бўлиб, сегмент ядроли нейтрофил лейкоцитлар 35%, лимфоцитлар эса 64% бўлган. Бир кўринишда лимфоцитларнинг сони кўпайганга ўхтайди, лекин аслини олганда лимфоцитларнинг сони ўзгармаган (3200).

Яна мисол, bemорнинг қони текширилганда лейкоцитларнинг сони 5 000 бўлиб, шу жумладан сегмент ядроли нейтрофил лейкоцитлар — 70%, лимфоцитлар эса 28% экан. Бир неча кундан сўнг лейкоцитларнинг сони 10 000 га кўтарилиб, улардан сегмент ядроли нейтрофил лейкоцитлар 65%, лимфоцитлар 34% бўлган. Бир қараганда сегмент ядроли нейтрофил лейкоцитларнинг сони камайганга ўхтайди, абсолют рақамлар билан ҳисоблаганда эса кўпайгани аниқланади. Шу сабабли, иликдаги гранулопоэз ҳолатини аниқлаш учун биз одатда, бир неча кун давомида bemорнинг лейкоцитлар формуласини нафақат фоизларда, балки абсолют рақамларда ҳам текшириб кўрамиз.

Лейкоцитлар формуласида айрим лейкоцитларнинг кўпайиши ва камайиши ўз номига эга.

Нейтрофил лейкоцитларнинг кўпайиши — *нейтрофиллар лейкоцитози* инсон организмининг ҳар қандай ёф таъсиротга бўлган бирламчи реакцияси деса бўлади. Буни И. И. Мечников ўз фагоцитоз назариясида асослаб, изоҳлаб берган ва унй ҳимоя реакцияси деб таъкидлаган. Нейтрофил лейкоцитларнинг бирламчи реакциясини ўткир яллиғланган йўғон ичакнинг шиллиқ қатламида кузатишга ва суратга олишга муваффақ бўлганмиз (Т. Х. Нажмиддинов, С. Т. Наджимитдинов, 1968).

Бу реакция нафақат қонда, балки ҳамма ички аъзо ва тўқималарда мавжуд бўлиши аниқ. Бирламчи нейтрофил лейкоцитлар реакцияси организмнинг ҳимоя реакциясидир. Чунки, нейтрофил лейкоцитлар инсон организми учун энг муҳим вазифани — фагоцитоз фоалиятини бажаради. Нейтрофил лейкоцитларнинг кўпайиши (кўпинча «чапга сурилиш» билан) асосан бактериал касалликларда кузатилади.

Вируслар ва риккетсиялар сабаб бўлган касалликларда эса кўпроқ нейтропения, яъни нейтрофилларнинг камайиши кузатилади.

Ҳар хил касалликларда лейкоцитлар формуласида айрим лейкоцитларнинг камайиши ва кўпайиши ўз номи билан аталади, улар ўзига хос диагностик аҳамиятга эга. Масалан, нейтрофил лейкоцитларнинг кўпайиши организмда ҳар хил бактериялар томонидан чақирилган яллиғланишларда учраб, нейтрофилия ёки нейтрофилёз дейилади. Кўплаб вируслар чақирган касалликларда нейтрофил лейкоцитларнинг камайиши кузатилади, бу эса нейтропения дейилади. Организмдаги токсилоаллергологик жараёнларда лейкоцитлар формуласида эозинофиллар кўпаяди, бу эозинофилия дейилади. Лейкоцитлар формуласида эозинофиллар билан бир вақтда базофилларнинг кўпайиши эозинофил базофил коэффициент сурункали миелолейкозга хос, цитоморфологик белги ҳисобланади. Лейкоцитлар формуласида эозинофилларнинг камайиб ёки йўқ бўлиб кетиши анэозинофилия дейилади. Лимфоцитларнинг кўпайиши лимфоцитоз, моноцитларнинг кўпайиши моноцитоз, ретикулоцитларнинг кўпайиши, ретикулоцитоз дейилади.

## ҚОН ҲУЖАЙРАЛАРИДА ҚУЗАТИЛАДИГАН ПОЛИПЛОИДИЯ

Полиплоидия деб, битта ҳужайрада ядроларнинг (ДНК, хромосомаларнинг) икки, тўрт, олти, саккиз карра кўплигига айтилади. Полиплоидия нормал қон ва илик ҳужайраларида кам учрайди, хромосомалар ўзгариши билан боғлиқ касалликларда кўп учрайди. Полиплоидия бемор организмида митотик жараёнларни (хужайралардаги бўлиниш ҳолати) акс эттиради.

Маълумки, соғлом одамда нормобластлар, базофил, эозинофил ва нейтрофил лейкоцитлар, лимфоцитлар ва плазматик ҳужайралар диплоид хромосомалар комплектига эга. Уларда 46 хромосома бўлиб, улардан 44 аутосома ва 2 жинсий хромосомалардир. Соғлом одамда фақатгина мегакариоцитлар полиплоид ҳужайралардан ҳисобланади. Касаллик вақтида қон ва илик суртмаларида диплоид ҳужайралар билан бирга полиплоидия белгилари бор ҳужайралар пайдо бўлади. Бу касалликнинг оғир ёки енгил ўтишига боғлиқ. Қон ва илик суртмаларида полиплоидияли ҳужайрани топиш осон. Биринчидан, бундай ҳужайра бошқа ҳужайраларга нисбатан каттароқ бўлади. Иккинчидан, ядроси ҳам икки-тўрт карра каттароқ бўлади ёки бир неча ядролик ҳужайралар учрайди.

Оқ қон касалликларида ва анемияларда ҳужайра ядроларнинг ўзгариши тез-тез учрайди. Шу жумладан, лейкозлардаги ҳужайраларда асосий ядро билан бир вақтда қўшимча ядро бўлакчалари учрайди. В<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемияларда нейтрофил лейкоцитлар гиперсегментацияси ниҳоятда катта ядроли метамиелоцитлар учрайди. Ҳужайра ядроларнинг бундай ўзгаришлари бежиз бўлмай, уларни ҳар хил касалликлар келтириб чиқаради.

Орттирилган ўзгаришлардан ташқари, одамнинг қон ҳужайраларида ҳужайра ядроси ва цитоплазмасидаги доначаларнинг наслдан-наслга ўтувчи патологик ўзгаришлари кузатилади. Бу хил аномалиялар уларни аниқлаган олимларнинг номи билан Пельгер, Шедиак, Май-Хеглин аномалиялари деб юритилади.

## ЛЕЙКОЦИТЛАРДАГИ ЖИНСИЙ ХРОМАТИН БЕЛГИСИ

1954 йилда Девидсон ва Смит нейтрофил лейкоцитларнинг ядросида ингичка қил толасидек хроматин мавжудлигини аниқлаб, унга «жинсий хроматин» но-

мини беришган. «Жинсий хроматин», «нофора таёқчалари», «жинсий саттеллитлар», ядро ўсмалари» Гимза — Романовский ва Папенгейм усули билан бўялган қон суртмаларида (аёллар нейтрофил лейкоцитларининг сегментлашган ядроларида) аниқланади.

«Жинсий хроматин» ДНК дан иборат бўлиб, аёл кишиларнинг ядроси сегментлашган 500 та нейтрофилларига 5—6 та учрайди.

### ҚОН ВА ИЛИК ҲУЖАЙРАЛАРИДА ХРОМОСОМАЛАРНИ (КАРИОТИПНИ) ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Одам қони ва илик ҳужайраларида кариотипларни текшириш усулларини ишлаб чиқиша, яъни гематологик генетиканинг ривожланишида И. А. Қассирский, А. И. Воробьев, В. П. Гурбанов, Е. К. Пяткин, Л. И. Идельсон ва Е. А. Барановларнинг ҳиссаси катта. Ҳозирги вақтда маълум бўлишича, соғлом одамнинг қон ва илик ҳужайраларида кариотип, яъни хромосомалар 23 жуфт (46 хромосома) дан иборат. Улардан 22 жуфти соматик хромосома, 23 жуфти жинсий хромосомалар дейилади. Аёлларда 44 соматик хромосома, яъни аутосома, иккита XX жинсий хромосомалари бўлади. Шунинг учун уларнинг генетик формуласи 44 A+XX бўлади. Эркакларда эса 44 соматик хромосомаси ♀(аутосома — A), иккита жинсий хромосомаси бўлади (X ва Y). Шу сабабли уларнинг генетик формуласи 44 A+XY бўлади.

Инсон организмидаги ҳамма ҳужайралар диплоид бўлиб, жинсий ҳужайралар ярим хромосомаларга (23 та) эга. Шунинг учун жинсий ҳужайралардаги хромосомалар гаплоид терма дейилади.

Аёллардаги тухум-ҳужайра 22 соматик ва битта жинсий X хромасомадан ташкил топади, формуласи 22A+X. Сперматозоид икки хил хромосомалар термасидан иборат: 22 A+X ва 22A+Y. Агарда аёллардаги тухум-ҳужайра билан 22A+X хилидаги сперматозоид қўшилса, қиз туғилади (44A+XX), 22A+Y хилдаги сперматозоид қўшилса, ўғил туғилади (44A+XY).

Денвер халқаро конгресси қабул қилган таснифга биноан хромосомалар уларнинг центромераларига қараб (центромер ҳар бир хромосоманинг икки ярми қўшилган жой) катталигига (ёлка узунлиги) қараб ваниҳоят думалоқ шаклдаги ўсмаларига (саттеллитлари) қараб айрим гурухларга бўлинади.

1—3-гуруҳ центромери белида жойлашган, катта

хромосомалар; 4—5-гуруҳ субмедиал жойлашган, центромерлари катта хромосомалар; 6—12-гуруҳ субмедиал жойлашган, центромераси ўрта катталиқдаги хромосомалар; 13—15-гуруҳ центромераси четда жойлашган, ўрта катталиқдаги хромосомалар; 16—18-гуруҳ центромералари медиал ва субмедиал жойлашган, ўрта катталиқдаги хромосомалар; 19—20-гуруҳ центромераси ўртароқда жойлашган калта хромосомалар; 22—21-гуруҳ майдада акроцентрик хромосомалар.

Хромосомаларни ўрганиш усулларининг кашф этилиши (уларнинг кариотипини аниқлаш) билан жуда кўп наслдан-наслга ўтувчи касалликларнинг сири очилган. Масалан, тухум-хўжайрада битта жинсий хромосоманинг кўпайиши (трисомия) ёки камайиши (моносомия) конституционал аномалияларга, касалликларга олиб бориши аниқланган. Масалан, Клайнфельтер синдроми — эркакларда учрайдиган ақл пастлик ва евнуходизм (формуласи XXУ), аёл жинсий белгиларининг етарли даражада тараққий этмаслиги (формуласи XO) ва бошқ.

Инсон хромосомаларини ўрганиш учун таклиф этилган усуллардан энг оддийси фитогемаглютигин-колхицин усули ҳисобланади.

*Усулнинг иш принципи:* эритроцитлардан ажратиб олинган лейкоцитлар қон зардоби 199 муҳити ва фитогемаглютигинга қўшилиб 72 соат сақланади. Сўнг ҳужайралар қуритилиб, бўялиб кўрилади.

Нобель ва унинг ҳамкасларининг кўрсатишича, сурункали миелолейкозда 21 жуфт хромосоманинг бир оёғи калтароқ. Бу хромосома «Филадельфия» хромосомаси деб ном олган ( $\text{Ph}'$  хромосома). Ҳозирги вақтгача «Фи» хромосомани сурункали миелолейкозга хос белги эканлигини таъкидлаб, унинг фаолиятини фосфомоноэстераза ферментининг фаолияти билан боғлашади. Лекин, айрим олимларнинг фикрича (С. Т. Наджимитдинов), бу ферментнинг фаолияти 21 соматик хромосоманинг фаолияти билан боғлиқ эмас.

### ЛЕЙКОЦИТЛАРДАГИ «L—E» ФЕНОМЕНИ

1948 йилда Ричмонд ва Мортон қизилча билан касалланган беморларнинг нейтрофил лейкоцитлари цитоплазмасида овал шаклдаги гомоген моддаларни топган эдилар, у *lupus erythematoses* феномени деб ном олган,

L—Е феноменни Мармонт, Пайма ва Қеппони усули билан аниқлаш мүмкін.

Беморнинг қон томиридан олинган 3 мл қон шиша мунчоқлар билан дефибринация қилинади. Шюттель аппаратида дефибринация қилинганаң қонга яна шиша мунчоқлар ташлаб, 20 дақ., давомида силкитилади. Сүнг 5 дақ. давомида қон ҳар дақ. 1 000 марта айлантирилиб, центрифугадаги эритроцитларнинг устки лейкоцитлар қатламидан суртмалар қилинади. Гимза-Романовский усули билан бўялиб кўрилади.

Текшириш натижаси: L—Е феномени пушти ранг, овал ёки думалоқ шаклдаги гомоген моддалар сифатида нейтрофил лейкоцитлар цитоплазмасида аниқланади.

L—Е феномени нафақат қизилчада, ўткир лейкоз, оғир жигар касалликларида, плазмоцитомада, ўткир ревматизмда ва бошқа касалликларда ҳам учрайди.

## ЛЕЙКОЦИТЛАР ЦИТОХИМИЯСИ

Цитохимия, яъни ҳужайра химияси цитология ва химия асосида шаклланган фан тармоғи бўлиб, ҳар бир ҳужайра таркибини (цитоплазма цитоплазмадаги органоидлар, ядро, ядрочалар ва бошқ.), химиявий хусусиятини ўрганувчи фандир. Биохимия айrim химиявий жараёнларни пробирка шароитида ўрганса, цитохимия айrim ҳужайра ичидаги ўрганади.

Цитохимия ўз изланишларида ҳужайралар ичидаги химиявий реакцияларнинг ранг кўрсаткичидан фойдаланади. Ҳозирги кунда улар анчагина бўлиб, биз фагат уларнинг айримларини кўрсатамиз.

*Лейкоцитларда ДНК ни аниқлаш (Felgen усули).* Усулнинг иш принципи. ДНК аста-секин гидролиз қилинганида альдегид гуруҳи ҳосил бўлади, улар эса фуксинсернистая кислота (Шиф реактиви) билан қўшилиб, ҳужайра ядросини қизил-гунафша рангга бўяди.

Керакли реагентлар: этанол ( $70^{\circ}$ ,  $96^{\circ}$  ёки  $100^{\circ}$ ), Шифф реактиви фуксинсернистая кислота), олtingу-гуртли сув.

Шифф реактивини тайёрлаш усули. 1 г кристаллик фуксинни ҳавончада майдалаб Эрленмейер колбасига солинади, устига қайнаб турган 200 мл сув солинади (зинҳор аксини қилманг! қайнаб турган сувга бўёқ ташланса, сув отилиб колбадан чиқиб кетади). Колбани аста-секин силкитиб, 3—5 дақ. сўнг реактивни  $50^{\circ}$  гача совутинг. Тайёрланган реактив қопқоқли ши-

ша идишга фильтрлаб ўтказилади, сўнг 20 мл 1 н туз кислота қўшилади; реактивни  $25^{\circ}$  совитиб 1 г сувсиз натрий бисульфат қўшилади. 24 соатгача қоронғи жойда сақланади. Сўнг 2 г фаоллашган кўмир қўшиб 1 дақ. давомида силкитиб, яна фильтрлаб, қоронғи жойда сақланади.

Сернистий сувни тайёрлаш усули. 400 мл дистилланган сув +20 мл 1 н туз кислота +2 г натрий бисульфит.

Реакцияни ўтказиш: қон ва иликдан тайёрланган суртмалар 24 соат давомида  $96^{\circ}$  этанолда фиксаж қилиниб, 2 дақ. давомида  $60^{\circ}$  илиқ дистилланган сувда чайилади, сўнг 10 дақга  $60^{\circ}$  илиқ 1 н. туз кислотага, сўнг 30—60 сонияга совуқ 1 н туз кислотага ўтказилади. Шундан сўнг дистилланган сувда чайилиб Шифф реактивига 1-2 соатга солинади, 3 дақ. дан 3 марта сернистий сувдан ўтказилиб оқар сувда ювилади ва қуритилади. Микроскоп остида кўрилади. Назорат учун суртмалардан айримлари гидролиз қилинмасдан бўялади.

Бўяш натижалари. Ҳамма ҳужайраларнинг ядролари қизил ранга бўялади. Гранулоцитар ва эритроцитар катар ҳужайралар ядроларининг бўялиш даражаси уларнинг пишиқлигига боғлиқ. Ҳужайра қанчалик пишиқ бўлса, унинг ядроси шунчалик интенсив бўялади. Шу хил ранга цитоплазмада учрайдиган Жолли таначалари, ядро «соялари» ва унинг бўлаклари ҳам бўялади. Жинсий хроматин интенсив бўялади.

Бу усулнинг клиник-диагностик аҳамияти. Ҳужайралар ядросидаги ДНК сонини алоҳида микроспектрофотометрик усул билан аниқлашга ёрдам беради. Микроспектрофотометрик усул билан текширилган ядрода ДНК нинг сони ангстремларда (A) ўлчанади. Уларнинг кўрсаткичига қараб айрим олимлар (А. Қалленбергер) организмда рак касаллигининг бор-йўқлигини аниқлашни тавсия қиласди.

Лейкоцитларда пероксидазани аниқлаш (*Kaplow усули*). Усулнинг иш принципи: лейкоцитлар цитоплазмасидаги доначаларда пероксидаза ферменти бўлса, унинг таъсири остида водород пероксиддан фаол кислород атоми ажралиб, бензидинни ранги тўқимага айлантиради.

Керакли реагентлар: формалинлаштирилган спирт (40% формалин 10 қисм +90 қисм этанол), бензидин — 600 мг, этанол  $96^{\circ}$ —50 мл, 3% водород пероксид — 0,24, Гимза — Романовский бўёғи.

Суртмаларни бўяшдан олдин Кноль реактиви тайёрланади. Бунинг учун Эрленмейер колбасида 600 мг бензидин 50 мл 96° этанолда эритилади. Бензидин бутунлай эригандан сўнг 70 мл дистилланган сув ва 0,24 мл 3% водород пероксид қўшилади. Колбанинг ичидағи реактив яхшилаб аралаштирилади.

**Бўяш жараёни:** қон ва илик суртмалари формалинлаштирилган спирт билан 30 сония давомида фиксаж қилинади. Сўнг водопровод сувида чайилиб, силкитилади. Кноль реактиви билан 5 дақ. таъсирантирилади. Сўнг суртмалар чайилиб, ҳавода қуритилади. Гимза — Романовский бўёғи билан 15—25 дақ. бўялиб, чайилади, қуритилиб иммерсион ёғ суртиб кўрилади.

**Бўяш натижаси:** нейтрофил ва эозинофил лейкоцитларнинг цитоплазмаларидағи доначалари, промиелоцитдан бошлиб, яшил-сариқдан сариқ-қўнғир ранггача бўялади. Айрим моноцитларнинг цитоплазмасида пероксидаза булутсимон қўшилмалар бўлиб кўринади.

Пероксидаза гемоцитобласт, монобласт, промоноцит, лимфоцит, плазматик ҳужайралар, мегакариоцитлар ва эритропоез ҳужайраларида кўринмайди.

**Лейкоцитларда пероксидазани аниқлашнинг клиник аҳамияти.** Ушбу цитохимик реакциянинг клиник аҳамияти шундаки, бу усул билан гранулоцитлар ҳужайраларда биринчи миелопероксидаза заррачаларини аниқлаш мумкин, бу эса ҳужайраларни пишғанлиги билан бирга миелобластни лимфобласт билан, гемоцитобласт билан, монобласт билан ва бошқа атипик ёш ҳужайралардан ажратишда (дифференциал ташхисда муҳим роль ўйнайди), парагемоцитобласт, парамиелоblast ва моноцитоид ҳужайраларни ажратишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу реакция туфайли гранулоцитар катарнинг ёш ҳужайралари цитоплазмасида Ауэр тайёқчаларини аниқлаш мумкин. Бу тайёқчалар промиелоцитар лейкозга хос белги бўлиб, ташхисни аниқлашга ёрдам беради. Бундай тайёқчасимон қўшилма бор промиелоцитлар ниҳоятда оғир ўтишининг сабаби атавистик хусусиятга эга эканлигидадир.

Софлом одамнинг 100 та ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитда 198—0, 03 шартли бирлик пероксидаза аниқланади. Бу кўрсаткич 150 дан 218 гача бўлиши мумкин.

Пероксизаданинг фаолияти нормал тус олмаслиги ҳужайрадаги химиявий тузилишнинг клиник ва анатомик тузилишлардан орқада қолишини кўрсатади.

Хозирги вақтда лейкоцитларда пероксидазанинг жажмини аниқлаш учун Меркер-Хайльмейер жадвалидан фойдаланилади.

Бунинг учун 100 та ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитларда пероксидаза (ёки бошқа фермент, фаол модда) ферментининг фаоллигини 0, 1, 2, 3, 4 даражада аниқлаб юзга бўлинади. Шу тариқа битта ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитлардаги ферментнинг фаоллиги аниқланади:

$$\frac{(0X \dots) + (1X \dots) + (2X \dots) + (3X \dots) + (4X \dots) + (5X \dots)}{100}$$

*Лейкобцитларда фосфомоноэстеразани аниқлаши усули* (*Kaplow усули*). Усулининг иш принципи. Фосфор кислотасининг ароматик эфири фосфатаза таъсири остида ажралиб вариаминблаузальц ёки диазоль зангори «О» билан рангли реакция беради.

Керакли реактивлар: формалин спирти (40% формалин 10 қисм + 96° этанол 90 қисм); мединал—3 г; альнафтилфосфат—65 мг; вариаминблаузальц—130 мг; Папаниколау бўёғи.

*Аниқлаш жараёни.* З г мединални 150 мл дистилланган сувда эритиб, pH 9,4 буфер тайёрланади. Сўнг субстрат суюқлик олиш учун 65 мг альфанафтилфосфат 65 мл буфер суюқлигига эритилади, 130 мг вариаминблаузальц ҳам 65 мл буфер суюқлигига эритилиб фильтрдан ўтказилади. Фильтрлангандан кейин улар бирга қўшилади, шунда 130 мл субстрат суюқлик ҳосил бўлади. Янги тайёрланган қон ёки илик суртмалари 30 сония давомида формалинлашган спиртда фиксаж қилинади. Сўнг чайиб ташлаб, қўритилади. Сўнг субстрат суюқлиги қўйилиб 1 соатга музлатгичга қўйилади. Сўнг водопровод сувида чайқаб қўритилади. Охирида Папаниколау бўёғи билаң 3 дақ. қўритилиб кўрилади.

*Бўяш натижаси:* фосфомоноэстераза 1 ёки ишқорли фосфатаза нейтрофил лейкоцитларнинг цитоплазмасидаги гранулаларда қўнгир рангдаги доначалар сифатида кўринади.

*Цитохимиявий усул билан лейкоцитларда фосфомоноэстераза 1 ни лейкоцитларда аниқлашнинг клиник аҳамияти.* Бу ферментнинг лейкоцитлар фаолиятининг ошиши ва пасайишидаги роли ниҳоятда муҳим диагностик, дифференциал диагностик ва прогностик аҳамиятга эга. Ферментнинг лейкоцитлар фаолиятида ошиши қон тизими касалликларида (ўткир лейкоз,

гипо-апластик анемия, сурункали постгеморрагик анемия, гемолитик анемия ва бошқ.) кузатилади, бактериялар келтириб чиқарган жигар ва ўт пуфагининг ўткир ва сурункали касалликларида, псoriasis, экзема, қоидаги лейкомед реакциялар бўлган вақтда кўтарилади. Аксинча нормага нисбатан унинг фаолияти пасайиши сурункали миелолейкоз, Боткин касаллиги, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, вируслар томонидан чақириладиган касалликларда учрайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, стенокардия, юрак инфарктида, Боткин касаллигида, ўткир дизентерияда лейкоцитлар ичидағи фосфомоноэстеразанинг нормаллашиши, клиник, иммунологик ва морфологик тузалишдан орқада қолиши аниқланган. Демак, бу касалликлардан беморнинг бутунлай тузалиши учун, уни даволаганда клиник тузатиш билан бирга ҳужайравий тузатишни ҳам таъминлаш лозим.

Фосфомоноэстераза I нинг лейкоцитлар ичидағи фаолияти Меркер — Хайльмейр жадвали ёрдамида аниқланади (прёоксидазани аниқлашда бу ҳақда баттафсил гапирилган). Соғлом одамларнинг лейкоцитларида фосфомоноэстеразанинг ўртача фаолияти  $50,2 \pm 3,3$  бўлиб, максимум 90 шартли бирлик, минимум 10 шартли бирликни ташкил қиласди.

Қон ҳужайраларида углеводларни (шакарни) цитохимиявий усуlda аниқлаш (*Hotchcinis усули*). Усулнинг принципи. Глюкопротеинларнинг гидролизи ва йод кислотанинг гликокол гуруҳларида С—С алоқаларининг узилиши натижасида ҳосил бўлган альдегидлар фуксинсернистая кислота (Шифф реактиви) билан пуштиқизил рангга бўялади. Хочкинс усули билган бўялган қон ва илик суртмаларидаги қон ҳужайраларида гликоген, нордон ва нейтрал мукополисахарид, мукопротеид, гликопротеид ва липопротеидлардаги гликоген пушти рангга бўялади.

Керакли реактивлар: формалинлаштирилган спирт (40% формалиндан 10 қисм + 96° эталондан 90 қисм): йод кислота суюқлиги (400 мг йод кислота + 45 мл дистилланган сув + 5 М раствор нордон уксусли натрий, йод-тиосульфат суюқлиги (1 л натрий тиосульфат + 1 г калий йодид + 20 мл дистилланган сув + 30 мл этанол + 0,5 мл 2 Н·HCl) Шифф реактиви, Сульфат O<sub>2</sub>—сув (2 г натрий бисульфит + 400 мл дистилл. сув + 20 мл 1 н туз кислота).

Формалинлашган спиртда фиксаж қилиниб, 5 дақ. га йод кислота суюқлигига солинади, чайилиб йод суль-

фат кислота суюқлигига солинади. Сүнг сув билан ювилиб Шифф реактивига 15—45 дақ. солинади, 2—3 марта сульфид сувда, яна дистилланган сувда чайилади, ҳавода қуритилиб 3 дақ. Папаниколау бүёғи билан ёки 10 дақ. Майер-Хемалаун бүёғи билан бўялади.

*Аниқлаш натижаси:* гранулоцитар қаторнинг ҳамма ҳужайралари цитоплазмаси PAsга мусбат саналади, гранулоцит етилгани сари ундаги реакция кучаяди. Нейтрофил лейкоцитларнинг цитоплазмаларидағи доначалари мукополисахаридлар ҳисобига (улар диастаза суюқлиги билан ишлов берилганидан сўнг ҳам) бўялади.

Гликоген гранулоцитларнинг цитоплазмаларида қизил-пушти рангли гомоген субстрат бўлиб кўринади, эндоплазмага нисбатан эктоплазмада кўпроқ бўлади. У барча соғлом тромбоцит ва мегакариоцитларда аниқланади. Моноцит ва лимфоцитларда айрим қизил доначалар бўлиб кўринади. Плазматик ҳужайралар ва қизил қон ҳужайраларида (—).

Нейтрофил лейкоцитларда микробларга ёпишиб, ютиш даврларида кўпаяди, микробларни ҳазм қилиш пайтида қамаяди.

PAs — реакцияси туфайли лимфобластларни миелобластлардан ажратиш мумкин. У лимфобластларнинг цитоплазмасида фақат қизил, думалоқ шаклдаги доначалар (айрим ҳолатларда таёқчалар) шаклида кўриңади. Миелобластларда эса ҳам доначалар, булутсимон субстанция шаклида аниқланади.

Соғлом одамнинг 100 та ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитда ўрта ҳисоб билан  $217 \pm 0,2$  шартли бирлиқ гликоген бўлиб, унинг ҳажми 182 дан 235 гача бўлиши мумкин.

*Лейкоцитларда Гольдман усули билан ёғларни аниқлаш.*

Усулнинг принципи: ёғларда эрийдиган бўёқларни ишлатиш.

Керакли реактивлар: альфа — нафтол, қора судан В ёки судан III, этанол, 2% водород пероксид.

Реактивларни тайёрлаш — 70 мл этанол + 30 мл дистилл. сув + 1,2 г альфанафтол, қора судан В ёки судан III (етарлича). 5 дақ. қайнатилиб фильтрдан ўтказилади, совутилиб 0,3 мл 2% водород пероксид қўшилади. Реактивни бир неча ҳафта давомида ишлатса бўлади.

*Аниқлаш жараёни:* қон ва илик суртмалари 1 дақ, давомида формалин~~лаштирилган~~ спиртда фиксаж қи-

линади, сувда ювилади, 10 дақиқага тайёрланган реактивга солиниб яна ювилади. 5 дақ. давомида Кернекрот ёки Гимза-Романовский бўёғи билан ҳужайраларнинг ядроси бўялади.

*Натижаси:* ёғлар нейтрофил, эозинофил лейкоцитларнинг доначаларида тилла — сариқ (Судан III) ёки тим қора рангга бўялади (қора судан).

Мегакариоцит, лимфобласт, миелобласт ва моноцитларнинг цитоплазмаларида ёғлар чангсимон нафис доначалар сифатида аниқланади. Лимфоцитлар цитоплазмасида аниқланмайди. Уларнинг сонини аниқлаш учун Меркер-Хайльмейер жадвали ишлатилади. Соғлом одамнинг 100 та ядроси сегментлашган нейтрофил лейкоцитда  $354,4+3,8$  шартли бир. ёғ аниқланади, кўпи билан — 394, ками билан — 300. Микрофаглар микробларни ҳазм қилиш вақтида ёғларнинг камайиши кузатилади. Фосфатидлар ўткир лейкоз, миокард инфаркти, стенокария, Боткин қасаллиги ва гепатохолециститларда нейтрофил лейкоцитларда камайиб кетади.

*Лимфобласт ядрочаларини Keller — Stoninger усули* билан бўяши. Қеракли реактивлар: метанол, 1% сувда эритилган метилен кўки, соренсон бўйича тайёрланган pH 4,69 бўлган цитрат буфери.

*Бўяши жараёни:* қон илик суртмалари 1-3 дақ. давомида метанолда фиксаж қилиниб, 10 дақ. давомида 4,69 бўлган 1% метилен кўки билан бўялиб, чайиб қуритилади.

*Натижаси:* лимфоцитларда ядрочалар аниқ кўринади.

*Аҳамияти.* Бу усул билан бир ядроли фолликул лимфоцитларни (75%) кўп ядрочали синус лимфоцитлардан ажратса бўлади.

*Базофил лейкоцитларда гепаринни аниқлаши (Undritz усули).*

*Усулнинг иш принципи:* кўк толуидин «0» 1:1 ҳажмда гепарин билан қўшилиб, уни тимқора-зангори рангга бўяйди.

Қеракли реактивлар: 1 г кўк толуидин «0», 100 метанол.

Бўяшдан олдин 1 г кўк толиудин «0» 100 метанолда эритилади. Бу бўёқни узоқ вақт ишлатса бўлади.

*Бўяши жараёни:* янги тайёрланган суртмалар 1% ли метанолда тайёрланган кўк толуидин «0» фиксаж қилиниб, бўялади. 5 дақ. сўнг бўёқ тўкилиб суртмалар чайилиб, қуритилади. Иммерцион объектив билан кўрилади.

*Натижаси:* базофил лейкоцитларнинг доначалари тўқ қизил гунафша рангга бўялиб, бошқа ҳужайралар оч зангори тус олади.

*Бу усулнинг клиник аҳамияти.*

1) Базофил лейкоцитлар доначаларини зангори-қизил-гунафша рангга бўяб, ўткир ва сурункали базофил лейкозларни аниқлаш мумкин.

2) Мерокрин типда (С. Т. Наджимитдинов) базофил лейкоцитлардан гепарин чиқишини кузатиш мумкин.

## ТРОМБОЦИТ ВА УНИ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

Тромбоцит тахминан 140 йил муқаддам Донне томонидан очилган. Бу кичкина, 2-5 микрон диаметрга, 3 қаватли, мембрани ҳужайра (8 нм). Тромбоцитнинг доначалари бор қисми *грануломер*, доначалари йўқ қисми *гигаломер* деб аталади.

Грануломерда ретрактозим ферменти бўлиб, у туфайли қоннинг ретракция жараёни рўй беради.

Гигаломерда, эса кўплаб органоидлар жойлашган, хусусан саҳн-вакуол тизими (тромбоцитнинг ички муҳитини ташқи муҳит билан боғловчи тизим), у орқали тромбоцитнинг доначалари ташқарига чиқади; қаттиқланиш — тубуляр тизим, тахминларга қараганда бу тизимда простогландинлар ҳосил бўлади; альфа доначалар уч қаватли мембрана билан ўралган, секретор хусусиятга эга бу доначаларда III тромбоцитлар омили, нордон фосфатаза, нейтрал ва нордон мукополисахаридлар, пероксидаза ўсиш омили, фибриноген, альбумин, серотонин ва бошқа фаол моддалар бўлади; қаттиқ таначалар: уларда адреналин, норадреналин, пероксидаза, серотонин, нордон полисахаридлар ва бошқа фаол моддалар бўлади, тромбоцитнинг қисқариш тизими (микронайчалар бўлиб, уларнинг ичидаги ингичка ипдек микрофиламентлар жойлашган, агрегация чақиравчи омиллар таъсирида стресс фибриллар ҳосил бўлади); бета — доначалар (уларда гликоген, яъни митохондрияларда энергия ишлаб чиқаришда керак бўладиган материал); митохондриялар (тромбоцитнинг қувват манбаси); ёпиқ пупфакчалар (юқори энергияли моддаларни ҳужайра ичидаги транспортировка қиласи), аутофагосомалар (лизосомал аппарат).

Тромбоцитнинг адгезия, агрегация, қисқариш, секреция, мембрана тизими каби соҳалари туфайли простогландилар синтези рўй беради (В. К. Вашкинель, М. Н. Петров).

Тромбоцитлар инсон илигиде жойлашган мегакариоцитлар цитоплазмасининг парчаланиши туфайли пайдо бўлади. Мегакариоцитнинг ядросидан тўрт марта цитоплазма ўсиб чиқиб, сўнг у парчаланиб тромбоцитларга айланади ва у ҳалок бўлади (Э. Ундритц). Мегакариоцитларнинг цитоплазмаси уч хил йўл билан тромбоцитларга парчаланади: а) цитоплазмада демаркация мембраннынинг ҳосил бўлиши туфайли; б) илик синусларига кирган мегакариоцитлар псевдоподиясининг фрагментацияси туфайли; в) тромбоцитлар жойлашган эктоплазматик пуфакчаларнинг ҳосил бўлиши туфайли.

Тромбоцитлар 10—12 кун ҳаёт кечиради. Тромбоцитларда псевдоподияларнинг мавжудлиги уларнинг функционал фаол ҳолатда эканининг нишонасидир. Ҳажми 2,5 микрондан катта тромбоцитлар ёш, функционал фаол, майдалари эса қари ва пассив ҳисобланади.

*Тромбоцитлар сонини Фонио усули билан аниқлаш.*

*Усулнинг иш принципи:* тромбоцитлар бир-бири билан ёпишиб қолмаслиги учун 14% магнезий сульфат ишлатилади.

Керакли анжомлар: тоза, ёғизлантирилган буюм ойначалари, нина скарификатор; янги тайёрланган 14% магнезий сульфат.

*Аниқлаш жараёни:* бемор терисини этанол билан тозалаб қон олинадиган жойга томчи 14% магнезий сульфат томизилади. Томчилатиб укол қилинади. Чиқсан қонга дарҳол магнезий сульфат қўшиллади. Бу қўшилмадан юпқа қон суртмалари тайёрланади. Суртмалар ҳавода қуритилиб, 2—3 соат давомида Гимза-Романовский усули билан бўялади. Иммерсион объектив билан 1 000 эритроцитга нисбатан учраган тромбоцитлар сони аниқланади. Масалан, bemor эритроцитларининг сони 5.000.000 суртмада 1.000 эритроцитга нисбатан 60 тромбоцит учради. Демак, bemornинг  $1 \text{ mm}^3$  қонида  $60 \times 5000 = 300.000$  тромбоцит борлиги маълум бўлади.

Бу усул ўзицининг соддалиги туфайли бутун дунёга тарқалган бўлиб, кўп ишлатилади. Лекин етарли дарражада аниқ натижага бермайди.

*Тромбоцитлар сонини аниқлаш учун ишлатиладиган Файсли ва Людин усули. Усулнинг иш принципи:* айрим суюқликлар билан эритроцитларни бузуб тромбоцитларни сақлашга асосланган.

Керакли анжомлар: қон ҳужайраларини санаш учун ишлатиладиган камера (Бюркер, Горяев), эритроцит-

ларни аралаштирувчи суюқлик, нина — скарификатор, ҳўлланган бинт ёки дока солинган Петри чашкаси, Файсли-Людин суюқлиги, кокайн — хлоралгидрат — 0,6 г, натрий хлорид — 0,04 г, бидистилланган сув — 20 мл, люголь суюқлиги — 1 томчи.

Люголь суюқлигининг таркиби — 2 г КІ 5 мл дистилланган сувга + 1 г Iodipuri + 300 мл дистилланган сув қўшилади.

*Аниқлаш жараёни:* спирт ва эфир билан тери артилиб, сўнг тешилади. Эритроцитлар қориши туричисига белгисигача қон олиниб 101 гача Файсли-Людин суюқлиги олинади. Қориши туричининг ичидаги суюқликлар яхшилаб аралаштирилиб 30 дақ. сақланганидан сўнг бир томчиси ҳисоблаш камерасига томизилади. Камера 5 дақ. ҳўл дока солинган Петри чашкасига қўйилади. Сўнг 80 та кичик квадратдаги тромбоцитлар саналиб, олинган рақамга 3 ноль (006) қўшилади. Масалан, 80 кичик квадратда 229 тромбоцит саналса, шу рақамга 3 та ноль қўшиб, 1  $\text{мм}^3$  қондаги тромбоцитлар соғини (229.000) топамиз.

*Тромбоцитлар сонини ЦОЛИПК усули билан аниқлаш.* Усулнинг иш принципи: трилон кальций ионларининг таъсирини йўқотиб тромбоцитларни адгезиядан, қонни қўйилишдан асраемиз.

Керакли анжомлар: эритроцитлар қориши туричиси, Горяев камераси, 5% трилон.

*Аниқлаш жараёни:* эритроцитлар қориши туричисига 0,5 гача қон олиниб, 101 гача 5% трилон солинади. Яхшилаб силкитгандан сўнг, Горяев камераси тўлдирилади. 5 дақ. 25 катта квадрат саҳнида тромбоцитларнинг сони саналади. Олинган рақам 2.000 га кўпайтирилиб, 1  $\text{мм}^3$  қондаги тромбоцитлар сони аниқланади.

Бу усуллардан ташқари, ҳозирги замон лабораторияларида кўплаб автоматик ва люминисцент нурлар билан санаш усуллари ишлатилади. Лекин, улар қимматлиги ва мураккаблиги, тез бузилиши, айrim ҳолларда тромбоцитлар сони ноаниқ чиқариши боис класик усуллар кўпроқ ишлатилади.

*Тромбоцитлар сони ўзғариши билан боғлиқ ҳолатнинг клиник таҳлили.* Беморда тромбоцитопения, яъни тромбоцитларнинг камайиши аниқланса, унда Верльгоф касаллиги, аутоиммунтромбоцитопения, уремия, витамин В<sub>12</sub> (фоли) дефицит анемияси; қизилча, янги чақалоқлар ва ҳомиладорлар тромбоцитопенияси, Фишер-Ивенс касаллиги, Банти синдроми, юқумли ка-

салликларда бўладиган гиперспленизм, септик эндокардит, лимфогранулематоз, ўткир ва сурункали нур касалликлари, панмиелофтиз, гипо-апластик анемия, лейкозлар ёки ўсмалар натижасида бўладиган метапластик тромбоцитопенияларнинг бор-йўқлигига шубҳа қилинади.

Беморда ҳар хил даражали тромбоцитоз, яъни тромбоцитларнинг кўпайиши кузатилса, унда шу одамда ўткир ва сурункали қон кетиши, эссенциал тромбоцитемия, мегакариоцитар лейкоз, эритремия ёки сурункали миелолейкознинг бошланғич даври, ўсма касалликларининг бор-йўқлигига шубҳа қилинади.

Тромбоцитлар сонини аниқлаш билан бир вақтда уларнинг сифатини аниқлаш ниҳоятда катта клиник маълумот беради, жумладан геморрагик синдром пайдида bemor тромбоцитлари грануломерининг камлиги ёки йўқлиги Глянцман касаллигини аниқлашга ёрадам беради.


Маълумки, тромбоцитларда псевдоподиялар ҳосил бўлиши антеннали фаолиятининг кучайиши билан боғлиқ, аксинча майдага антеннасиз тромбоцитлар фаолиятсиз ҳужайралар ҳисобланади. Бу феноменини биз кўплаб bemorларда, айниқса аспирин ингаляциясини олган bemorларда кузатамиз. Суюлтирилган аспирин электроаэрозолини олган инфаркт, инсульт билан хаста bemorларда кўплаб антеннаси бор тромбоцитлар пайдо бўлади. Шу билан бирга уларнинг гиаломерида лизосомаларнинг зўрайиши кузатилади.

Юқорида айтилганидек, тромбоцитлар иликдаги мегакариоцитлар цитоплазмасидан ҳосил бўлади. Шу сабабли ҳар бир тромбоцитопения ҳолатининг сабабини аниқлашда bemor илигининг цитологик фаолиятини текшириш лозим бўлади.

## СУЯК ИЛИГИНИ ОЛИШ ВА ТЕКШИРИШ УСУЛИ

Ҳозирги вақтда одам илигини суклар ичидан олиш учун алоҳида ниналар ишлатилади. Бундай ниналардан энг яхшии профессор И. А. Кассирский таклиф этган услугуб ҳисобланади. Тўғри ишлатилса, bemor учун мутлақо хавфсиз (25-расм).

Аниқ ташхис қўйиш учун инсоннинг ҳамма сукларидан (умуртқа, ёнбош қовурға, товоғ ва тўш сукларидан) илик олса бўлади. Биз кўп йиллик тажриба-



25-расм. Расмда суяқдан илик олиш учун ишлатиладиган профессор И. А. Кассирский ихтиро қилган нинанинг тузилиши кўрсатилган.

мизга асосланиб 5 таңи *osis sternalis*-дан, яъни тўш суягидан олишни тавсия қиласиз.

Керакли анжомлар: И. А. Кассирский нинаси, 20 г шприц, этанол, йод, стерилизация қилинган шарик ва салфеткалар.

Суяқдан илик олиш жараёни ўзига хос кичик операция бўлиб, уни бажаришда операцияга хос қоидаларга риоя қилиш лозим.

*Одам суягидан илик олиши жараёни.* Пункция қилинадиган суякнинг устидаги терини спирт, сўнг йод билан тозалаб стерилизация қилинган Кассирский нинанинг учи тўш суягининг қоқ ўртасидан бурама ҳаракат билан *lamina externa osis sternalis* тешилиб, нина суяк-кўмик бўшлиғига киритилгач, мандрен олиниб, унинг ўрнига шприц уланади, поршень тортилиб илик олинади. Илики олганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, атиги 0,5 мл гина илик олиш керак, чунки ундан кўп олинса, қон билан суюлиб кетади. Олинган илик дарҳол буюм ойнасига солиниб, тезлик билан суртмалар тайёрланади. Тайёрланган илик суртмалари Папенгейм усули билан бўяб қўрилади. Илик олинган жойга йод сурилиб, стерил боғлам қилинади.

Стернал пункция кичик операция бўлгани учун, уни бажаришдан олдин биз bemorga 1 мл 1% промедол инъекция қиласиз.

И. А. Кассирский нинаси ва шприцлар қайнатилиб ёки автоклавга солиниб стерилизация қилинади.

Олинган суяк илигига миелокариоцитларнинг сони, мегакариоцитлар, илик ҳужайралари аниқланади ва миелограмма тузилади.

Миелокариоцитларнинг сони эритроцитлар қориштирувчиси ёрдамида аниқланади. Бунинг учун қориши турилувчининг 0,5 белгисигача илик олиниб, 10 бел-

гисигача 3 ёки 5% ли сирка кислота солинади. Миелокариоцитларнинг сони илик ядролари бор ҳужайралар 80 та кичик квадратлар саҳнида (Горяев камерасида) саналиб, олинган рақамга 3 ноль қўшилади. Нормада миелокариоцитларнинг сони 1  $\text{мм}^3$  да 250—350 мингтани ташкил этади.

Мегакариоцитлар Горяев камерасининг бутун саҳнида саналиб, 22,2 (Цолипкнинг доимий рақами) га кўпайтирилади. Нормада иликда мегакариоцитларнинг сони 10 дан 150 гача бўлиши мўмкин, уларнинг ярми фаол, ярми пассив ҳолда бўлади.

Олинган иликни цитоморфологик тавсифлаш учун мелограмма тузилади. Бунинг учун Папенгейм усули билан бўялган илик суртмасининг ҳар хил жойларидан 500 та ҳужайра саналади. Улар қаторига лейкопоез ва эритропоез ҳужайралари киради.

Миелограммани клиник таҳдил қилинда мегакариоцитларнинг фаол ва пассивларини аниқлаб, қўшимча қилиб ёзилади. Ундан ташқари, суяк илигининг индекслари: эритро — лейкоцитар индекс (норма 3—4:1), эритронормобластлар (0,4—0,6) ва лейкоцитларнинг (0,6—0,8) этилиши аниқланади 229-бетдаги жадвалга қаранг).

## СУЯК ИЛИГИНИ ГИСТОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

**Трепанобиопсия.** Трепанобиопсия ёнбош суякнинг ичидан гистологик текшириш учун суяк бўлакчасини олиш усули. У алоҳида тайёрланган нина трепан билан олинади. Бунинг учун чап ёки ўнг ёнбош суягидан crista iliana anterio-йдан 1—2 см орқароқ териси, тери ости тўқималари 2% новокаин билан жонсизлантирилиб, оғриқ сезмайдиган жойга трепан билан суяк илигининг  $10 \times 2$  мм катталиқдаги бўлакчаси олинади. Сўнг цилиндр шаклидаги трепанат трепан мандрени билан чиқарилиб, гистологик текшириш ўтказилади.

Бу усул билан гистологик текшириш ўтказиб, суяк илигидағи суяк ва қонни издан чиқарувчи тўқималар муносабатларини аниқлаш мўмкин.

**Э. Үндритц усули билан суяк-илик пунктатидан гистологик препарат тайёрлаш.** Суякдан олинган илик буюм ойнchasига қалин томчи сифатида тўкилиб, ойнана билан бирга фиксаж қилувчи суюқликда фиксаж қилинади. Бир неча дақиқадан сўнг илик томчиси қотиб қолади. Уни қуйидаги таркибли суюқликка соламиз.

Kalium bichromatum	— 12 г;
Queck silber chlorid (Sublimat)	— 34 г,
Harnstoff	— 30 г.
Дистилланган сув	— 1.000мл гача.

1—2 соат фиксаж қилингандан сўнг қотиб қолган қалин илик томчи билан буюм ойнача 10—20 дақ. оқар сувда ювилиб, юқори даражали алкогодан ўтказилиб

#### Соғлом одамнинг суяқ илигидаги хужайралар таркиби (фойзда)

Хужайраларнинг номи	Г. А. Алексеев бўйича	М. Г. Абрамов бўйича	С. Т. Наджимитдинов бўйича
Гемогистобластлар	0,1—1,0	—	0,1—1,0
Гемоцитобластлар	0—1,2	—	0—2%
Миелобластлар	0,25—0,4	0,4—3,0	1—4
Промиелоцит нейтрофил	0,5—8,0	0,8—6,0	10—15
—»— эозинофил	0—0,5	0—0,6	0—0,5
—»— базофил	0—0,01	0—0,1	0—1,5
Нейтрофил миелоцитлар	4,5—16,8	5,4—14,5	15—20
Эозинофил миелоцитлар	0,5—4,0	0,4—3,0	0—3,0
Базофил миелоцитлар	0—1,5	0,1—0,5	0—0,1
Нейтрофил метамиелоцитлар	9—21,6	6,5—15,0	15—20
Эозинофил метамиелоцитлар	0,3—4,0	0,2—2,0	0—3,0
Базофил метамиелоцитлар	0—0,1	0—0,1	0—0,1
Нейтрофил таёқчасимон ядроли лейкоцитлар	14—33,0	14,8—27,5	15—25
Эозинофил «—»—	0,5—3,2	0,3—2,5	0—3,0
Базофил —»—	0—0,1	0—0,1	0—1,0
Ядроси сегментлашган нейтр.	13—27,0	14,6—28,3	20—30,0
—»— эозинофил	1—8,75	0,8—3,7	0—3,0
—»— базофил	0—0,25	0,06	0—1,0
Лимфоцитлар	1,2—11,5	4,8—10,7	5—15,0
Моноцитлар	0,25—2,0	1,1—2,7	1—5,0
Плазматик хужайралар	0,1—1,0	0,2—3,2	0,1—2,00
Ретикулоэндотелиал хужайралар	0,1—1,0	0,3—6,0	0,1—0,5
Мегакариоцитлар	0,01—0,2	0,1—0,2	0,1—0,2
Эритробластлар	0,5—6,0	0,4—2,6	0,5—2,0
Пронормобластлар	16,0—32,5	11,2—21,0	5—10,0
Базофил нормобластлар	—	—	5—10,0
Полихроматофил нормобластлар	—	—	10,0—15,0
Ортохром нормобластлар	—	—	5—10,0
Оқ хужайралар митози	—	—	1—2:100
Қизил хужайралар митози	—	—	1—2:100

метилбензоатга солинади. Бир неча кундан сўнг метилбензоатдан бензолга ўтказилади. Сўнг парафинга соли-

нади ва парафин блоки тайёрланади. Улардан кесмалар, яъни жуда юпқа препаратлар тайёрланиб, буюм ойначасига ўситилган желатина билан ёпиштирилади.

## СОЭ – ЭРИТРОЦИТЛАРНИНГ ЧУҚИШ ТЕЗЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА КЛИНИК ТАҲЛИЛИ

СОЭ ни аниқлаш ҳозирги вақтда ҳар бир шифокор учун муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Чунки унинг кўрсаткичи одам организмида мавжуд бўлган яллиғланиш, дегенератив ёки некротик жараёндан хабар беради. Бу ҳол мураккаб кимёвий ва физикавий жараёнлардаги патологик ўзгаришлар билан боғлиқ. СОЭ кўрсаткичидаги организмда бўладиган мураккаб ўзгаришлар акс этади. СОЭ кўрсаткичига қараб қон зардобидаги альбумин, глобулин ва бошқа оқсил моддаларининг ҳолати клиник таҳлил қилинади. Шу сабабли биз патологик жараёнларда бўладиган СОЭ ниңгайрим қонуний ўзгаришларига тўхталамиз.

СОЭ нинг тезланиши деярли ҳамма яллиғланиш ҳолатларида (ўтқир ва сурункали стоматит, тонзиллит, гайморит, отит, бронхит, пневмония, меъда-ичаклар, ўт пуфаги хасталикларида, сил, ўсма, юқумли бўғим касалликларида) кузатилади.

Клиник аҳамият касб этувчи муҳим қоида СОЭ тезланишида албатта сабабини қидириш лозим. Бу қоидага риоя қилган киши янглишмайди.

*Мисол.* Бемор К. 44 ёшли аёл, муаллима, клиникага белидаги оғриққа шикоят қилиб келган. Беморнинг сўзидан б ой давомида қийнаётган бу даррдан уролог, нефролог ва терапевтларда ҳеч фойдасиз даволанган. Унинг гемограммасида анемия, СОЭ нинг ниҳоятда тезлиги (1 соатда 40 мм) эътиборимизни тортди. Бемор қорнининг пастида 28—30 ҳафталик боласи бордек бачадон бўртиб тўради. Биз унга бачадон раки (ўсмаси) ташхисини қўйдик. Бемор тезлик билан операция қилинди.

СОЭ нинг секинлашиши гиперхолемия билан ўтадиган бир қатор касалликлар (ўт пуфаги, ўт йўллари ўсмаси, меъда ости безининг ўсмаси, тош касаллиги, жигар ўсмаси, инфекцион гепатит «A», «B» ва Вакез касаллиги) да кузатилади.

**Мисол:** Бемор У. 32 ёшли аёл, фельдшер. Клиникага дармонсизлик, бош оғриғи, әгилганда катталашиб кетган қора талоқнинг ҳалақит беришига шикоят қилиб келган. Қасал бўлганига б йил бўлиб, Қарши ва Самарқанд шаҳарларидағи шифохоналарда спленомегалик цирроз ташхиси билан даволанган. Спленэктомияга рози бўлмаган. Даволанишдан яхши натижা бўлмагач бизнинг клиникага юборилган. Беморнинг гемограммасида ниҳоятда секинлашган СОЭ билан бирга эритроцит ва гемоглобинларнинг кўплигига эътибор бердик. Беморнинг юзи, бурни, қулоқлари, терисининг тўқ қизил рангда эканлиги, милклари қонга тўлиб, тирсиллаб ёрилиб кетай деб турганини, қорин бўшлиғида ниҳоятда катталашган жигар ва қора талоқни аниқладик. Беморга Вакез касаллиги ташхисини қўйиб, имифос билан даволанишни таклиф қилдик. Даволанишдан сўнг bemor бутунлай ўзини соғлом сеза бошлади. Бемор уйга клиник ва гематологик ремиссия ҳолатида чиқарилиб юборилди.

Шундай қилиб, СОЭ нинг тезлашгани ёки секинлашганига қараб шифокор тўғри ташхис қўйиши осонроқ.

**Мисол.** Бемор X. 56 ёшда. Клиникага сурункали гепатит, сабаби аниқланмаган иситма, 40 дан юқори СОЭ билан ётқизилган. Бизнинг клиникага ётмасидан олдин онкодиспансерда текширилиб, ўсма касаллиги йўқ дейилган. Аммо, биз унинг суюқ-илик пунктатида ўсма метастазларининг ҳужайраларини топиб, ундаги СОЭ нинг баландлиги простата бези раки эканлигини аниқладик.

Ташхисни аниқлашга СОЭ нинг ошиш сабабини қидириш ёрдам берди. Биз СОЭ ни аниқлашнинг энг яхши усули Панченков усули деб биламиз.

### СОЭ ни ПАНЧЕНКОВ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Усульнинг иш принципи асосида цитрат қўшилган қоннинг ивимасдан икки қисмга бўлинishi (тепадаги қисми—қон зардоби; пастдаги қисми — эритроцитлар) ётади. Бу қон зардобдаги оқсилларнинг кимёвий ва физикавий ҳолатига боғлиқдир.

Керакли анжомлар: фильтрланган 5% натрий цитрат ( $C_6H_5O_7Na_3A \cdot 5H_2O$ ). Реактив тиниқ бўлиши шарт. 10 см  $\times$  1 см пробиркалар, Панченков аппарати, алоҳида шу аппаратга мўлжалланган қапилляр пипеткалар, нина — скарификатор.

*СОЭни аниқлаш жараёни.* 5% натрий цитрат билан ювилган капилляр пипетканинг «Р» белгисигача шу реактивдан олиб, 10  $\times$  1 см ли пробиркага солинади. Сўнг териси тешилган бармоқдан шу капилляр билан 2 марта bemornинг қони олиниб пробиркага «К» белгисигача солинади ва аралаштирилади. Аралашмадан яна шу капилляр пипетканинг «О» белгисигача қон олиниб, Панченков аппаратининг уясига қўйилади, вақт белгиланади.

1 соат ўтгач капилляр пипетканинг бўлимчаларини саңаб неча мм қон зардobi устунӣ ҳосил бўлган бўлса, шунча СОЭ деййлади.

*Аниқлаш натижаси.* СОЭ 1 соатда ҳосил бўладиган мм да аниқланади. Нормада аёлларда 9-15 мм 1 соатда, эркакларда 1-10 мм 1 соатда.

СОЭ ни аниқлашдаги хатолар:

1. Натрий цитрат ва қонни олишда ҳажмга эътибор қилмаслик.
2. Яхши аралаштирмасликдан лаҳталар ҳосил бўлиши.
3. Капиллярларни аппаратга қийшиқ қўйиш.
4. Хона ҳарорати ( $20^{\circ}\text{C}$  дан) пастлиги.
5. СОЭси аниқланадиган қонни  $OC^{\circ}$  ҳароратда сақлаш.

## ҚОН ИВИШ ТИЗИМИНИ ТЕКШИРИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги вақтда одамнинг қон ивиш тизимини текширишнинг кўп усуллари маълум, бироқ уларнинг аниқлиги ҳар хил. Шу сабабли биз ўз вақтида собиқ Иттифоқ марказий лабораториясида профессор В. В. Меньшиков таҳрири остида танланиб методологик кўрсатмаларга киритилган, унификация қилинган лаборатория усуларининг айримларини келтирамиз.

*Қон ивиш вақтини аниқлаш усули.*

*Усулнинг иши принципи:* венадаги қон лаҳтасининг ҳосил бўлиш вақтини аниқлашга асосланган. Реактивлар керак бўлмайди.

**Керакли анжомлар:** сув ҳаммоми,  $10 \times 1$  см ли пребиркалар, секундомер.

**Аниқлаш жараёни:** қуруқ, шприцсиз нина билан билакдаги венадан, биринчи томчиларини пахтага чиқарып, 2 шиша пробиркага 1 мл дан қон олинади. Дархол секундомер ишлатилади. Сўнг пробиркалар  $37^{\circ}\text{C}$  сув ҳаммомига ўрнатилиб, 2 дақ. вақт ўтга ҳар 30 сонияда 45—60 градусга энгаштириб турилади. Агарда қон ивимаган бўлса, у пробиркалар деворларидан оқиб туради. Қон ивиши пробиркаларни ағдарганда ҳам қон тўкилмаслиги билан ифодаланади. Шу вақтда секундомер тўхтатилади. Соғлом одамнинг қони 5—10 дақ. ивийди.

**Қон зардобида рекальцификация вақтини аниқлаш усули.** Усулнинг иш принципи: кальций хлорид қўшилганидан сўнг қон зардобининг ивиш вақтини аниқлашга асосланган.

Керакли реактивлар ва анжомлар: 1,34% натрий оксалат, 0,025 М хлорид кальций, 0,85 натрий хлорид, сув ҳаммоми, секундомер.

**Аниқлаш жараёни:** текширув тромбоцитлари бор қон зардobi билан ўтказилади. Текширилувчининг қони 1,34% ли натрий оксалат суюқлиги бор центрифуга пробиркасига 9:1 нисбатда олинади. Сўнг музли ҳаммомдә сақланади. 10 дақ. давомида бир дақ. да 1200—1500 марта айлантириб турилади.  $37^{\circ}\text{C}$  сув ҳаммомига ўрнатилган пробиркага 0,2 мл кальций хлорид ва 0,1 мл 0,85% натрий хлорид солинади. 60 сониядан сўнг пробиркага 0,1 мл центрифуга қилинган қон зардobi қўшилиб секундомер ишлатилади.

Нормада соғлом одамнинг қон зардобыга оптималь ҳажмда кальций хлорид қўшилса, 60—120 сонияда қон ивийди.

Бу вақтнинг қисқариши — гиперкоагуляция; чўзилиши — гипокоагуляция аломати ҳисобланади.

**Гепаринга нисбатан қон зардобининг толерантлигини аниқлаш усуслари.**

Усусларнинг иш принципи: толерантлик гепаринга нисбатан қон сезувчанлигининг пасайишидир. Агарда қон зардобыга гепарин қўшилишига қарамай унинг ивиши тезлашса, қон зардобынинг гепаринга нисбатан сезгирилиги пасайган ҳисобланади. Аксинча, гепарин қўшилса ҳам қон ивиши секинлашмаса, толерантлик кучли ҳисобланади.

Қон зардобининг гепаринга нисбатан толерантлиги

цитрат ва оксалат плазмалар (қон зардоблари) билан текширилади.

*Гепаринга нисбатан цитрат плазманинг толерантлигини аниқлаш усули.*

Реактивлар: 3,8% натрий цитрат, 1 мл 5.000 ХБ гепарин, 0,025 М кальций хлорид суюқлиги.

Гепарин — кальций қўшилмасини тайёрлаш: 0,05 мл гепаринга 250 мл 0,025 М кальций хлорид қўшилади. Қўшилма ҳар 14 кунда тайёрланиб музлатгичда сақланади.

Керакли анжомлар: сув ҳаммоми, 12 см узунликдаги диаметри 8 мм пробиркалар, секундомер.

*Аниқлаш жараёни.* Текширилувчининг қони 3,8% натрий цитрат солинган центрифуга пробиркасига 9:1 нисбатда олинади, дарҳол музли ҳаммомга қўйилиб, 3 дақ. давомида 1200—1500 айл./дақ. айлантирилади. 0,2 мл цитрат плазмаси пробиркага солиниб, 37°C сув ҳаммомига қўйилади. 1 дақ. сўнг 0,2 мл кальцийли гепарин қўшилади ва силкитиб аралаштирилади. Ҳар 2—3 дақ. да реакциянинг сўнгига ундан ҳам тезроқ, пробирка энгаштириб кўрилади. Қон лаҳтаси ҳосил бўлиб қўшилма пробирка деворчаларидан оқмай қолса, одатда бу—5—6 дақ. сўнг бошланади, секундомер тўхтатиласди.

Нормада бу 10—16 дақ. вақт талаб қиласди.

*Гепаринга нисбатан оксалатланган плазманинг қон зардоби толерантлигини аниқлаш усули.*

Керакли реактивлар: оксалат натрийнинг 1,3% ли суюқлиги, 5000 ХБ да 1 мл гепарин, 0,025 М кальций хлорид суюқлиги.

Кальцийли гепарин қўшилмасини тайёрлаш. 0,1 мл гепаринга 9,9 мл 0,025 М кальций хлорид қўшилади.

*Аниқлаш жараёни:* текширилувчининг қони 1,34% натрий оксалат солинган центрифуга пробиркасига 9:1 нисбатда олинади ва дарҳол муз солинган ҳаммога қўйилади. Сўнг 10—15 дақ. бир дақиқада 1500 марта центрифугада айлантирилади. 0,2 мл текширилаётган плазма солинган пробирка 37°C сув ҳаммомига ўрнатилиб, унга 0,2 мл кальцийли гепарин қўшилади, секундомер юргизилади. Ҳар 2 дақ. да пробирка энгаштирилиб турилади.

Норма 7—15 дақиқагача.

Эслатма:

1. Гепаринга нисбатан плазманинг толерантлигини аниқлаш донор ва бемор қони билан ҳафтада бир марта қилиниши керак.

2. Қон олиш техникаси бир хил бўлиши шарт.
3. Донор ва bemордан олинган қон пробалари бир вақтда бир хил тезлик билан айлантирилиши шарт.
4. Қон зардоби чўқтирилган шаклли элементлар реакциясини аниқлашга ишлатилади.
5. Плазманинг гепаринга нисбатан толерантлигини аниқлаш қон олингандан сўнг Wormsen усули билан 4-6 соат ўтмасдан, Sigg усули билан 2-3 соат ўтмасидан ажралиши шарт.

*Протромбин вақтини аниқлаш усули.*

*Усулнинг иш принципи:* қон зардобида тромбопластин кўп бўлиб, кальций ионлари (IV омил) концентрацияси оптимал бўлса, қон зардобида лахта ҳосил бўлиши протромбин комплексининг II, VII, IX ва X омиллари фаолиятига боғлиқ бўлади. Плазмада бу омилларнинг биттаси ёки бир нечтаси етишмай қолса, плазмада лахта ҳосил бўлиши секинлашади. Лекин тромбопластин етарли бўлишига қарамай, протромбиннинг тромбинга айланишига унинг таъсирида фибриногеннинг фибринга айланишига антитромбинлар ва гепарин қарши таъсир қиласида. Улар ҳам оптимал нисбатда бўлса фибриноген кам бўлиши мумкин. Бу мулоҳазаларга оид текширишлар олиб борилиши лозим.

*Плазмада протромбин вақтини аниқлаш усули.* Реактивлар ва анжомлар: 3,8% натрий цитрат ёки 1,34% оксалат натрий суюқлиги, 0,025 М кальций хлорид суюқлиги, 1% тромбопластин. Агарда унинг фаоллиги пастроқ бўлса, 2% суспензия ишлатилиши мумкин. Сув ҳаммоми, секундомер.

*Аниқлаш жараёни:* текширилувчининг қони 1,34% оксалат натрий ёки 3,8% натрий цитрат солинган пробиркага 9:1 нисбатда олинади ва дарҳол муз ҳаммомига қўйилади. Сўнг 10 дақ. 1200—1500 айл/дақ. тезликда центрифуга қилинади.

0,1 мл цитрат ёки оксалат плазма солинган пробиркага 0,1 мл тромбопластин солиниб, 1 дақ. давомида 37°C° сув ҳаммомига инкубация қилинади. Сўнг 0,1 мл 0,025 М кальций хлорид қўшилиб, секундомер юргизилади. Плазмага кальций хлорид қўшилган пайдан бошлаб лахта ҳосил бўлган вақти протромбин вақти ҳисобланади, у сонияларда белгиланади.

*Суюлтирилган плазманинг протромбин вақтини аниқлаш (1:1).*

Реактивлар ва анжомлар: 1,34% оксалат натрий, 0,025 М кальций хлорид суюқлиги, 1% тромбопластин,

0,85% натрий хлорид суюқлиги, сув ҳаммоми, секундомер.

**Аниқлаш жараёни:** оксалатли плазма 0,85% натрий хлорид билан 1:1 нисбатда суюлтирилади. Юпқа деворли пробиркага 0,2 мл кальций хлорид ва 0,1 мл тромбопластин суспензияси солинади. Аралашма 30 сон. 37°C сув ҳаммомида инкубация қилинади. Сўнг кальцийли тромбопластин қўшилмасига 1:1 нисбатда суюлтирилган 0,1 мл текширилаётган плазма қўшилади. Секундомер юргизилади. Реактивлар солинган пробиркани ҳар 15 сонияда 45° ағдариб секундомерга қараб иплар ва ниҳоят лахта пайдо бўлган вақт аниқланади. Текшириш камида икки марта қилинади. Параллел текширишларнинг вақти 1 сониядан ошмаслиги қерак. Натижаси протромбин фаоллиги ёки индекси дейилади. У қуйидаги формула билан аниқланади: A:B·100. Бунда A — соғлом одам плазмасининг протромбин фаоллиги; B — бемор одам плазмасининг протромбин вақти.

Соғлом одам плазмасининг протромбин вақти ҳар гал янги тромбопластин серияси олинганда аниқланади. Соғлом одам плазмасининг протромбини аниқланishi ўрта ҳисобда  $100 \pm 5\%$  га баробар. Масалан, текширилган беморда плазма протромбиннинг фаоллиги 120 бўлса, унинг протромбин индекси 0,8 бўлади. Нормал индекс 0,8—0,9 га тенг.

**Капилляр қонда протромбиннинг вақтини аниқлаш усули**

Керакли реактивлар ва анжомдар: 3,8% натрий цитрат, 0,5% хлорид, тромбопластин, сув ҳаммоми, 10 см×1 см пробиркалар.

**Аниқлаш жараёни.** 0,1 мл лик микропипеткага 0,02 мл натрий цитрат олинади. Сўнг бармоқдан мирапипеткага 0,08 мл қон олиб, пробиркага солиб аралаштирилади. Худди шундай қилиб яна иккита пробиркага цитратли қон олинади. Қонли пробирка 37°C сув ҳаммомига ўрнатилиб 60 сониядан сўнг унга 0,1 мл кальций хлорид ва 0,1 мл тромбопластин қўшилади. Қон ивиш вақти аниқланади.

Қоннинг протромбин фаолияти % да ушбу формула ёрдамида аниқланади:

KPA=A:B·100. Бунда, A — соғлом одамнинг протромбин вақти; B — текшириладиган қоннинг протромбин вақти.

Соғлом одамларнинг протромбин фаолияти 93—107% даража.

*Фибриногенни плазмада калориметрик усул билан аниқлаш.*

Усулнинг иш принципи: тромбин билан ивитилган фибриноген ишқор билан эритилиб, биурет реактиви билан аниқланади.

Реактивлар ва анжомлар: 1,34% натрий оксалат, тромбин, биурет реактиви, фибриноген, сув ҳаммоли, фотоэлектротрокториметр.

**Аниқлаш жараёни:** қонни текшириш учун венадан ёки бармоқдан олиш мумкин. Стабилизатор сифатида 1,34% натрий оксалат 9:1 нисбатда олинади. Қон центрифугада 10 дақ. 1000 айл/дақ. айлантирилиб, плазма тоза пробиркага ажратиб олинади ва 0,2 мл иккита пробиркага солинади. 0,2 мл плазмага 0,1 мл тромбин қўшилиб 37°C сув ҳаммолида 1 соат ушланади. Ҳосил бўлган фибрин лахтаси уч марта совутилган физиологик суюқлик билан ювилади, фильтр қофозда қуритилади. Пробиркага 1 мл 1 н. ўювчи натрий солинган бўлиб, 5 дақ. давомида сув ҳаммолида 60°C да эритилади. Пробалар совутилади. Ҳар бир пробага 4 мл биурет реактиви қўшилади, сўнг 30 дақ. ўтгач пробалар кюветаси 1 см қалинликда калориметрия қилинади. 500—560 нм узунликдаги тўлқинда дистилланган сувга қарши барг ранг фильтр ишлатилади.

Соғлом одамларда нормада фибриногеннинг ҳажми 250—300 мг% бўлади.

*Эуглобулинларни эритиши усули билан қон зардобида фибринолитик фаолиятни аниқлаш.*

Усулнинг иш принципи: эуглобулинлар фракциясидан олинган лахтанинг эриш вақтини ингибиторлардан озод қилишга асосланган.

Реактивлар ва анжомлар: 1,42% аммоний оксалат ёки 1,34% натрий оксалат, 1% сирка кислота, борат суюқлиги (9 г натрий хлорид 1 г 1 л дистил. сувда эритилади), 0,025 M кальций хлорид суюқлиги, сув ҳаммоли.

**Аниқлаш жараёни:** жгутсиз венадан олинган қон антикоагулянт билан 9:1 нисбатда аралаштирилиб 10 дақ. 1.500 айл./дақ. айлантирилиб, музли сув ҳаммолида сақланади. Пробиркага 0,5 мл плазма, 8 мл дистилланган сув солиб аралаштирилади. Сўнг 0,15 мл 1% сирка кислота қўшиб 30 дақ. 4°C сақланади, 5 дақ. 1500 айл/дақ. айлантирилади. Чўкма устидаги сувни олиб ташлаб, пробирканинг тагидаги қолдиқ фильтр қофозга тўкилади. Эуглобулинлар чўкмаси 0,5 мл борат суюқлигига эритилади. Бунинг учун иккита проба бо-

рат сувидан 0,2 мл дан олиб пробиркаларгà солинади ва сув ҳаммомига қўйилади. Бир дақиқадан сўнг ҳар бир пробага 0,2 мл кальций хлорид қўшилади. Бир оз вақтдан сўнг лахта ҳосил бўлади. Лахтанинг тўла эриб кетиш даври лизис вақти ҳисобланади. Бу нормада 3—4 соатда кузатилади.

Қон ивиш жараёнини чизмада тасвир қилиш усули (тромбоэластограмма). Тромбоэластограмма қон ивиш жараёнининг чизма тасвири бўлиб, уни бошланишидан то охиригача аниқ кўрсатади. Чунки бу усул билан қон томчисининг эластик кучи синалиб, бу кучни таъминловчи омилларнинг фаолияти туфайли тромбоэластограмма чизифи чизилади.

Тромбоэластограмма худди ётқизилган ингичка рюмкага ўхшайди.

Уни клиник таҳлил қилиш учун айрим чизиқларнинг аҳамиятини билиш зарур:

R — тромбоэластограмма бошланишидан то 1 мм гача ажралгунча ўтган вақт; Қон ивиш жараёнининг I—II даврларини акс этади. У қисқарганда — гиперкоагуляция, узайганда — гипокоагуляция дейилади. K — ёзувнинг 1 мм 20 мм гача очилган вақти қон ивиш жараёнининг III даврини акс эттиради. Фибриногенни фибринга айланишнинг узайиши — гипокоагуляция, қисқариши — гиперкоагуляция.

ta — тромбоэластограмма шохларининг максимал ажралиши. Қон ивиш жараёнининг IV даврини кўрсатади. Кўпайиши — гиперкоагуляция, камайиши — гипокоагуляция.

#### Нормал коагулограмма

Тестлар	Гипокоагуляция	Норма	Гиперкоагуляция
1. Қоннинг ивиш вақти (дақ.)	10 дан кўп	5—10	5 дан кам
2. Рекалцификация вақти (дақ.)	120 дан кўп	60—120	60 дан кам
3. Тромботест (даражаси)	I—II—III	IV—V	VI—VII
4. Тромбоцитларнинг сони	180 мингдан кам	180—320 минг	320 мингдан кўп
5. Қон кетишнинг узунлиги	3 дан кўп	2—3	2 гача
6. Ретракция индекси	0,3 дан кам	0,3—0,5	0,5 дан кўп
7. Протромбин вақти (%)	100 дан кам	80—100	100 дан кўп
8. Фибриноген (мг %)	100 дан кам	200—400	500 дан кўп
9. Озод гепарин (%)	80 гаммдан кам	80—120 гамм	120 гаммдан кўп
10. Фибринолиз (дақ., соат)	2 соат	3—4 соат	4 соатдан кўп

F — а дан то тромбоэластограмма шохларининг яна қўшилишган жойигача тромбнинг эришини кўрсатади (V давр).

Гипер-ёки гипокоагуляцияни аниқлаш учун коагуляция индекси ҳисобланади:

$$Ci = \frac{ta}{r + K} =$$

Агар 4 дан қўп бўлса, гиперкоагуляция, 3 дан кам бўлса, гипокоагуляция ҳисобланади.

### **Ўқувчининг мавзу бўйича ўз билимини текшириш учун саволлар**

1. Конни текшириш учун олиш усули.
2. Гемоглобин ва уни текшириш усуллари.
3. Ранг кўрсаткичи тўғрисида тушунча ва уни ҳисоблаш усуллари.
4. Гемоглобинни Сали усули билан аниқлаш.
5. Гемоглобинни Цайс — Икон усули билан аниқлаш.
6. Гемоглобинни купросульфат усули билан аниқлаш.
7. Гемоглобинни цианметгемоглобин усули билан аниқлаш.
8. Эритроцит ва уни аниқлаш усуллари.
9. Лейкоцит ва уни аниқлаш усуллари.
10. Горяев тўри тўғрисида тушунча ва унинг аҳамияти.
11. Эритроцитлар диаметрини микроскопик усул билан аниқлаш (Прайс—Жонс чизиги).
12. Эритроцитлар диаметрини Воск эритроцитометри билан аниқлаш.
13. Ретикулоцит ва уни текшириш усуллари.
14. Ретикулоцитограмма ва унинг клиник таҳлили.
15. Эритроцитларда фетал гемоглобинни аниқлаш усули ва унинг аҳамияти.
16. Эритроцитларда гемоглобинни Циркина усули билан аниқлаш.
17. Эритроцитларда Бильгер усули билан темирни аниқлаш ва унинг аҳамияти.
18. Сидероцит ва сидеробластларни аниқлашнинг клиник аҳамияти.
19. Лейкоцитларнинг морфологик характеристикасини аниқлаш усуллари.

20. Қон ва суяқ илигидан суртмалар тайёрлаш усуллари.
21. Кимёвий тозаланган лаборатория идишларини анализлар сифатига аҳамияти.
22. Қон ва илик суртмаларини Гимза-Романовский усули билан бўяш.
23. Қон ва илик суртмаларини Папенгейм усули билан бўяш.
24. Қон ва илик суртмаларини Bextor усули билан бўяш.
25. «Қалин томчи»ни Шиллинг усули билан бўяш.
26. Бўялган қон ва илик суртмаларини кўриш ва ўрганиш.
27. Қон ҳужайраларида кузатиладиган полиплоидия ва унинг аҳамияти.
28. Лейкоцитлардаги жинсий хроматин ва унинг белгилари.
29. Қон ва илик ҳужайраларида хромосомаларни текшириш усуллари.
30. Лейкоцитларда «ZE» феномени.
31. Лейкоцитларда пероксидазани аниқлаш усули ва унинг клиник аҳамияти.
32. Лейкоцитларда фосфомоноэстеразани аниқлаш усуллари, уларнинг клиник аҳамияти.
33. Углеводларни лейкоцитларда аниқлаш усуллари, уларнинг клиник аҳамияти.
34. Лейкоцитларда Гольдман усули билан ёғларни аниқлаш. Клиник аҳамияти.
35. Лимфоцитлар ядрочаларини аниқлаш усули ва унинг аҳамияти.
36. Базофил лейкоцитларда гепаринни аниқлаш усули, Базофил лейкоцитларнинг секретор фаолияти тавсифи ва унинг клиник аҳамияти.
37. Тромбоцит ва уни текшириш усуллари.
38. Тромбоцитлар сонини Фанио усули билан санаш.
39. Тромбоцитлар сонини Файсли-Людин усули билан санаш.
40. Суяқ илигини олиш ва текшириш усули.
41. Миелограмма ва унинг клиник аҳамияти.
42. Трепанобиопсия.
43. Гематокрит ва уни аниқлаш усуллари.
44. СОЭ ни аниқлаш усуллари. Уларнинг клиник аҳамияти.
45. Одамнинг қон ивиш тизимини текшириш усуллари.
46. Қон зардобида рекальцификация вақти ва унинг клиник аҳамияти.

47. Протромбиннинг ўзгариши ва унинг аҳамияти.
48. Фибриногенни аниқлаш ва унинг клиник аҳамияти.
49. Ретракция ва унинг клиник аҳамияти.
50. Фибринолиз ва унинг клиник аҳамияти.
51. Тромботест даражалари ва унинг клиник аҳамияти.
52. Соғлом одамнинг коагулограммаси.
53. Тромбоэластограмма тўғрисида тушунча. Унинг клиник таҳлили.

#### IV боб. КЛИНИК ТРАНСФУЗИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Трансфузиология (трансфузио — қўйиш, логия — илм ёки фан) — қон ва унинг таркиблари, қоннинг ўрнини босувчи дори ва препаратларни қўйиш тўғрисидаги фан.

Трансфузиология гематологиянинг, бир қисми бўлиб, қон ва унинг таркибларини тайёрлаш, қўйишқоқ ўрнини босадиган дориларни ва препаратларни қўйиш, посттрансфузион асоратларни ташхис қилиш ва даволаш, олдини олиш ва ниҳоят, қон билан ҳар хил инсон, касалликларини даволаш масалалари билан шуғулланади.

Қадимги замонлардан одамлар қон кетишини тўхташиб ҳаракат қилиб келганлар. Қон йўқотилган ҳолларда эса йўқотилган қоннинг ўрнини босувчи даво чорасини излаганлар. Масалан, қадимги Румда патрицийлар даволаниш ва ёшариш ниятида ёш ва навқирон гладиаторларнинг қонини ичганлар. Миср фараонлари ўз аскарларини орқасидан қўй ва бошқа ҳайвонлар подаларини ҳайдаб, яраланган аскарларга қон ичишини тавсия қилганлар. Кейинчалик қон томирлари тизими очилганидан сўнг, томирларга сут, вино ва бошқа озиқаларни юборишга ҳаракат қилишган. Албатта бу уринишлар натижаси ва самараси ҳозирги замондаги қон қўйиш усулларидан узоқ бўлган. Лекин кўп асрлар давомида инсоннинг қон томирлари орқали қон ва унинг таркибларини юбориб даволаш фикри қийнаб келган. Бу йўлдаги дастлабки уриниш 1628 йилда Вильям Гарвей томонидан инсон организмида ёпиқ қон айланиш жараёни очилишида; инглиз математиги ва файласуфи, профессор Дени томонидан 1666 йилда қўзичоқ қонини ёш йигитга қўйиб тузатганида, 1819 инглиз физиологи ва акушери Блен-

дель томонидан биринчи марта одам қони беморга мұваффақиятли қуишида ифода бўлди.

Трансфузиологиянинг ривожланиши онсон ва текис бўлмаган. Сабаби қон қуишига қилинган уринишлар мұваффақиятсиз тугалланиб келган. Аммо олимларнинг изланишлари давом этиб келган.

Ниҳоят, 1900 йилда бир одамнинг қон зардоби иккинчи одамнинг эритроцитларини ёпишириши мумкинligини Шатток эълон қилган. Шу йилнинг ўзидаёқ Ландштейнер ўз текширишлари натижасида бу ҳолатни физиологик ҳолат эканлигини, униңг асосида, изогемоаглютинация жараёни ётганини исбот қилган. У одамларни уларнинг қон зардoblари ва эритроцитларини изоаглютинация жараёнини беришларига қараб уч гуруҳга (A, B, C гуруҳларига) бўлишни таклиф этган. Тўртинчи қон гуруҳи Янский (1906) ва Мосс (1910) томонидан очилган.

Дунгерн — Хиршфельд (1910) таснифига биноан эритроцитларнинг жилдидаги антигенлар A ва B ҳарфлари билан қон зардobiдаги антителолар грек ҳарфлари альфа ( $\alpha$ ) ва бетта ( $\beta$ ) билан ифода этилиши қабул қилинган.

Қон гуруҳлари ва уларнинг муносабатлари тўғрисида биринчи бобда батафсил гапирилгани учун дарсликни ушбу бобида қон гуруҳларини ва резусфакторни шифокорлар фаолиятида амалий аҳамиятга эга бўлган усуllар тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, қон гуруҳлари ва резусфакторни аниқлашниң энг оддий ва кенг тарқалған усули бу томчи усулидир.

Инсон эритроцитларидааги агглютиногенларни стандартлаштирилган зардoblар билан аниқлаш усули тўғри ёки бевосита усул дейилади, стандарт эритроцитлар билан қон зардobiда агглютининларни аниқлаш билвосита усул дейилади. Амалий ишда одатда қон гуруҳларини аниқлаш бевосита, яъни стандарт зардoblар билан аниқланади. Қон гуруҳларини аниқлашда бевосита ва билвосита усуllарни бирданiga ишлатиш перекрест усули (чатиштириш) дейилади.

Ҳозирги вақтда қон гуруҳини стандартлаш ва ўрганиш маркази (М. А. Умнова) томонидан қуидагича қон гуруҳини, резус омилни ва Кумбс синамасини аниқлаш усуllари тавсия қилинган.

## СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР БИЛАН АВО ТИЗИМИ ҚОН ГУРУХИНІ АНИҚЛАШ

*Усулнинг иш принципи:* агглютинация реакцияси билан стандарт зардблар туфайли текширилладиган қоннинг эритроцитларида гуруҳ агглютиногенлари текширилиб, бу қоннинг қайси бир гуруҳга тегишлиги аниқланади.

*Керакли реагентлар:* икки серияли О (I) қон гурухининг стандарт зардоби; икки серияли А (II) қон гурухининг стандарт зардоби; икки сёрияли В (III) қон гурухининг стандарт зардоби, АВО (IV) қон гурухининг стандарт зардоби.

Стандарт зардблар, бўялмасдан ёки А (II) гурухники — зангори рангга, В (III) гурухники — қизил рангга ва АВО (IV) гурухники сариқ рангга бўялиб ишлатилади. Зардблар музлатгичда сақланиб, уларни ишлатиш вақтлари этикеткаларида кўрсатилади. 0,85% физиологик суюқлик.

*Керакли анжомлар:* оқ рангли бўёққа бўялган думалоқ шаклдаги тунука тарелкачалар ёки оддий чукур тарелка; кимёвий стаканлар, стандарт зардбли ампулалар ва флаконлар учун штативлар.

*Аниқлаш жараёни.* Қон гурухини яхши ёритилган, 15—25°C ҳароратли хонада аниқлаш лозим. Йкки хил серияли стандарт зардблар солинган ампула ёки фланклар жуфт-жуфт қилиниб, икки қатор учтадан чукурчалари бор штативга ўрнатилади. Чап томондаги чукурчага О (I) гурухининг, ўртадаги чукурчага — А (II) гурухининг ва чап чукурчага — В (III) гурухининг стандарт зардблари қўйилади: алоҳида қўшимча назорат учун керак бўладиган, АВО (IV) гуруҳи зардбли қўйилади.

Ҳамма стандарт зардблар солинган ампулаларга ва физэритмә солинган пробиркага қуруқ пипеткалар солинади. Шиша таёқчалар ва пипеткаларни ювиш учун сув ва физэритма солинган стаканлар тайёрланади.

Думалоқ оқ пластинканинг чап томонида О (I), ўртасида А (II), ўнг томонида В (III) ва тепасида қоннинг гуруҳи текширилаётган одамнинг фамилияси ва инигеналари кўрсатилади. Ёзувларнинг тагига бир катта томчидан 0,1 мл дан ҳар гуруҳга оид стандарт зардблар томизилади. Ҳаммаси бўлиб 6 томчи бўлади: икки қатор 3 томчидан — чапда О (I) ўртада А (II), ўнгда В (III). Ҳар бир ампуладан олинган пипетка

дархол яна ўша ампулага қайтарилиб солинади. Қон гурухини аниқлаш учун қон бармоқдан ёки қулоқ юмшоғидан олинади. 0,01 мл (I кичкина томчи) қон қуруқ шиша таёқча билан ҳар бир катта стандарт зардоб томчисининг ёнига қўйилади. Шиша таёқчалар билан стандарт зардоб томчилари ва қон томчилари аралаштирилади. Битта шиша таёқча билан аралаштирилса, ҳар гал бу таёқча сувга ботирилиб, қуруқ сочиқ билан артилади. Томчилар аралаштирилганидан сўнг тунука пластинка чайқалтириб турилади, 1-2 дақ. тинч қўйиб, яна чайқалтирилади. Кузатиш 5 дақ. дан кам бўлмаслиги шарт, чунки агглютинация A (II) гуруҳ эритроцитлари билан кечроқ бўлиши мумкин. Агглютинация пайдо бўлган томчиларга 0,05 мл (I томчидан) физраствор томизилади, тарелкани қийшайтириш давом этади. 5 дақ. дан сўнг натижага кўрилади.

*Натижани баҳолаши:* ҳар бир томчига реакция мусбат ёки манфий бўлиши мумкин. Мусбат (+) бўлган ҳолда томчига оддий кўз билан қўринадиган майдан қизил доначаларни кўриш мумкин. (агглютинатлар), улар бир-бировларига ёпишган эритроцитлардан иборат бўлиб, аста-секин каттароқ доначаларни ташкил қиласиди. Бу билан бирга зардоб бутунлай ёки қисман тиниқлашади. Манфий (—) бўлган ҳолларда 5 дақ. давомида суюқлик бир текис қизил рангда қолиб, унда агглютинатлар кўринмайди.

Реакциянинг натижаси иккала стандарт зардоб томчиларида бир хил бўлиши шарт. Ҳаммаси бўлиб тўртта ҳар хил манфий ва мусбат натижалар бўлиши мумкин:

1. Учта гуруҳ стандарт зардбларида қўшилган томчилар қизил ҳолатда сақланиб, уларда агглютинация белгилари кўринмаса, текширилаётган қон — О (I) гурухига мансуб бўлади.

2. О (I) ва В (III) гурухларнинг зардблари мусбат (+) бўлиб, А (II) гурухнинг томчилари манфий (—) бўлса, бу қон А (II) гуруҳ бўлади.

3. А (I) ва А (II) гурухларнинг зардеби мусбат (+) бўлиб, В (III) гурухнинг зардеби манфий (—) бўлса, текширилаётган қон — В (III) гуруҳ.

4. Уччала гурухнинг зардблари мусбат (+) бўлиб, уларда агглютинатлар кўринса, бу қон яна АВо гурухнинг стандарт зардеби билан текширилиб, уни АВо (IV) қон гурухига тегишлиги аниқланади. Бунинг учун пластинкага 0,1 (1 катта томчи) АВо

(IV) гурухнинг стандарт зардobi томизилиб, унга кичкина томчи 0,01 текшириладиган қон қўшилади. Пластинка қийшайтирилиб, 5 дақ. кузатилади. Агглютинация йўқлиги бу текширилаётган қонни АВо (IV) гурухга тегишли эканини кўрсатади. Манфий чиқса эритроцитларда носпецифик агглютинабильность борлиги тахмин қилиниб (автоагглютинация, панагглютинация) текшириш бошқатдан, ювилган эритроцитлар билан қайтарилади. Бу ҳам аниқ натижа бермаса, чатиштирма синов ўтказилади. Яна бошқа серияли стандарт зардоблар билан текшириш ўтказиш лозим бўлади.

*АВО тизимининг қон гурухларини чалкаштириб, стандарт зардоб ва эритроцитлар билан аниқлаш усули*

Усулнинг иш принципи: агглютинация реакцияси билан бир вақтда эритроцитлар агглютиногенларини текширилаётган зардобида гурух агглютиниларни текширалаётган қоннинг тўла гурух формуласини аниқлашга ёрдам беради (28 А, Б, В, Г расм).

*Реагентлар:* икки серияли О (I) гурухнинг стандарт зардobi, иккинчи серияли А (II) гурухнинг стандарт зардobi, икки серияли В (III) гурухнинг стандарт зардobi, АВо (IV) гурухнинг стандарт зардobi.

Стандарт зардобларни бўямасдан ёки А (II) гурухни зангори, В (III) гурухни қизил ва АВо (IV) гурух стандарт зардобини сариқга бўяб ишлатса бўлади. Стандарт зардоблар музлатгичда сақланади. Ишлаш муддати уларнинг этикеткаларида кўрсатилади.

0,85% фоиз суюқлик, О (I), А (II), В (III) гурухга тегишли стандарт эритроцитлар. 0,25—0,5 мл изотоник натрий цитрат солинган центрифуга пробиркасига алоҳида ажратилган, донорларнинг 2—4 мл қони қўшилиб, сўнг пробирканинг 4-3 гача физсуюқлик қўшилиб, эритроцитлар чўккинуча қолдирилади. Стандарт эритроцитлар 2-3 кун музлатгичда сақланади.

*Керакли анжомлар:* оқ бўёққа бўялган ликопчалар, кимёвий стаканлар, пробиркалар, ампулалар ва флаконлар учун штативлар .

*Аниқлаш жараёни:* қон гурухларини аниқлаш ёруғ ва ҳарорати 15—25°C хонада ўтказилади. Ампулалар икки серия стандарт зардоблар билан икки қатор учтадан тешиклари бор штативга қўйилади. Чапдаги чуқурчага О (I) гурухни, ўртасига А (II) ва ўнг томондагисига В (III) гурухларнинг стандарт зардобра-

ри қўйилади. Алоҳида АВО (IV) гурӯҳ стандарт зардо-би керак бўлса, қўшимча назоратга қўйилади. Алоҳида штативга стандарт эритроцитлар солинган пробиркалар: чапга — О (I) гурӯҳ, ўртада — А (II) гурӯҳ, ўнгда — В (III) гурӯҳларники қўйилади. Ҳамма ампула ёки флаконларга стандарт эритроцитлар, физраствор солинган пробиркаларга ҳам қуруқ пипеткалар солинади. Шиша таёқчалар ва пипеткаларни ювиш учун стаканларга сув ва физраствор солинади.

Пластинка (ёки тарелкада) чапдан ўнгга стандарт зардблар учун О (I), А (II) ва В (IV) ва стандарт эритроцитлар учун 0, А ва В деб белгилар қилинади. Пластинка ёки тарелканинг энг тепасида қон гурӯҳи аниқлананаётган кишининг фамилияси ва инициаллари ёзилади.

Ҳар бир ёзувнинг тагига 0,1 мл (I катта томчидан) стандарт зардблар томизилади. Улар б томчи бўлиб, уч томчидан икки қаторни ташкил қиласиди (чапдан ўнгга О (I), А (II) ва В (III)). Пастки рақамларнинг остига 0,01 мл кичкина томчи (тўғнагич учида) стандарт эритроцитлар олинади. Текшириладиган қонни венадан ёки бармоқдан олиб, центрифуга қилиб қон зардоби ажралиши учун 20—30 дақ. кутилади. Сўнг ундан эҳтиётлик билан зардоб олиниб, 0,1 млдан (1 катта томчидан) стандарт эритроцитларга томизилади. Сўнг шу пробирканинг тагидан эритроцитларни олиб, 1 кичкина томчи стандарт зардбларга томизилади. Ҳамма томчиларда зардоб эритроцитлар билан аралаштирилиб тарелка ёки пластинка чайқатила-ди, 2 дақ. кутиб, яна чайқатила-ди. Ҳаммаси бўлиб 5 дақ. кузатила-ди. Агглютинация стандарт томчиларда 10-30 сониядан сўнг бошланади, стандарт эритроцитларда эса кечроқ. Агглютинация бошланишидан 3 дақ. олдин ҳар бир томчига бир томчи стандарт физраствор томизиб, 5 дақ. кузатила-ди.

*Реакциянинг натижаси:* стандарт эритроцитлар ва зардблар билан ўтказилган реакциялар натижалари бир хил чиқиши керак. Натижада 4 та вариант бўлиши мумкин:

1. Стандарт зардбларнинг натижаси агглютино-генларнинг йўқлигини кўрсатса, демак қоннинг гурӯҳи О (I) бўлади. Текширилаётган қон зардоби О (I) стандарт эритроцитлар манфий бўлади, А (II), В (III) мусбат бўлади. Бу эса қон зардобида иккала агглютинилар борлигини, яъни бу қоннинг гурӯҳи О (I) эканлигини тасдиқлайди.

2. Стандарт зардблар реакцияси текширилаётган эритроцитларда агглютиноген А борлигини күрсатади шу қон зардоби стандарт О (I) ва А (II) эритроцитлар билан манфий бўлади. В (III) стандарт эритроцитлар билан мусбат бўлади. Бу эса текширилаётган қон зардобида бета агглютининлар борлигини, яъни бу А (II) қон гуруҳи эканини тасдиқлайди.

3. Реакция стандарт зардблар билан текширилаётган қоннинг эритроцитларида агглютиноген В борлигини күрсатса, унинг зардоби О (I) ва В (III) гуруҳлар билан манфий реакция беради, А (II) гуруҳ стандарт эритроцитлари билан мусбат бўлади. Бу эса зардобда альфа агглютининлар борлигини тасдиқлаб, бу қон В (III) гуруҳга мансуб экани аниқ бўлади.

4. Реакция стандарт зардблар билан текширилаётган қон зардобида А ва агглютиногенларнинг борлигини күрсатса, бу қоннинг зардоби ҳамма стандарт эритроцитлар билан манфий натижа беради. Демак, бу қон гуруҳи АВо (IV) бўлади.

Қон гуруҳларини аниқлашда учрайдиган хатолар:

1. Штативларда стандарт эритроцитлар ёки зардблар нотўғри жойлаштирилган.
2. Тарелкага ёки пластинкага стандарт зардоб ёки эритроцитлар тартиби нотўғри ёзилган.
3. Эритроцитлар ва зардбнинг ҳажми нотўғри тузилган қон кўп олинган бўлса, реакция агглютинация бўлишига қарамай манфий кўринади.
4. Назорат қилиш вақти нотўғри белгиланган (5 дақ. ортиқ кузатилганда эритроцитлар ва зардбнинг қўшилмаси қурий бошлаб, томчининг атрофидаги агрегация худди агглютинацияга ўхшаб кўринади); 5 дақ. давомида кузатилгандан кейин агглютинация ўтказиб юборилган бўлиши мумкин.
5. Қўшимча назорат қилинмагани сабабли АВо (IV) гуруҳ зардоби билан ато—ва панаглютинация феноменлари худди мусбат реакцияга ўхшайди.
6. Реакцияда ифлос ёки ҳўл идиш ишлатилган.
7. Сифатсиз стандарт зардблар ишләтилган (муддати ўтган, ифлосланган қисман қуриб қолган.)
8. Ташқи ҳарорат  $25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда агглютинация кўринмаслиги мумкин,  $15^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлса, носпецифик агглютинация кўринмаслиги мумкин.
9. «Танга устунларини» агглютинация деб ҳисоблаш. Физ. суюқлик томизилса, йўқ бўлиб кетади.

10. Тарелкани қимирлатмаслик сабабли унинг тагига чўкиб қолган эритроцитлар агглютинацияга ўхшаб кўринади.

## ТУЗЛИ СУЮҚЛИКДА АГГЛЮТИНАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН РЕЗУС ОМИЛНИ АНИҚЛАШ

*Усулнинг иш принципи:* текшириладиган эритроцитлар тўла резус антителолари бор стандарт антирезус зардоб билан қўшилади, текширилаётган эритроцитлар резус мусбат бўлса, агглютинация ҳосил бўлади. Унинг борлиги эритроцитлар чўкмасининг шаклидан билинади.

### *Реагентлар:*

1. Икки хил серияли тўла антителолари бор стандарт антирезус зардоб. Стандарт антирезус зардобнинг гуруҳи текширилаётган қоннинг гуруҳи билан бир хил бўлиши шарт.  
Стандарт антирезус зардблар музлатгичда сақланиб, уларнинг ишлаш вақти этикеткаларида кўрсатилади. Тўла антителолари бор стандарт зардоб қайта-қайта ишлатилиши мумкин.
2. 3,8% натрий цитрат суюқлиги.
3. 0,85% физ. суюқлик.
4. Назорат учун стандарт эритроцитлар. 0 (I) гуруҳ ёки текширилаётган қон гуруҳига мос стандарт мусбат ёки резус манфий эритроцитлардан фойдаланилади.

*Керакли ажномалар:* 37°C термостат, лупа, баландлиги 2-2,5 см таги текис пробиркалар, пробиркалар учун штативлар.

Ишни бошлишдан ғаввал 5 томчи изотоник натрий цитрат томизилган центрифуга пробиркасига 0,5-1,0 мл қон олинади. Пробиркага қони олинган одамнинг исмишарифи ва қон гуруҳи ёзилади. Пробирканинг сатҳи 4-3 гача физ. суюқлик билан тўлдирилиб, аралаштирилади, сўнг центрифуга қилинади. Чўкма устидаги суюқлик тўкиб ташланиб, ювилган эритроцитлардан 2%лик аралашма тайёрланади. Бунинг учун чўкмадаги 1 томчи эритроцитга 49 томчи физ. суюқлик қўшилади. Эритроцитларни ювилишидан олдин 2—3 кун давомида музлатгичда сақлаш мумкин.

*Аниқлаш жараёни.* Штативга икки қатор қилиб пробиркалар ўрнатилади. Ҳар бир қаторда текшириладиган ва назорат учун ишлатиладиган стандарт

эритроцитлар үчүн пробиркалар бўлиши керак. Биринчи қатордаги пробиркаларнинг ҳаммасига 2 томчидан бир хил сериялик антирезус зардоб томизилади, иккинчи қатордаги пробиркаларга иккинчи сериядаги антирезус зардобидан 2 томчидан томизилади. Ҳамма пробиркаларга икки томчидан физсуюқлик томизилади. Бир хилда белгиланган пробиркаларга 1 томчи текширилаётган эритроцитлар томизилади, иккинчи жуфтига 1 томчи резус мусбатли стандарт эритроцитлар, учинчи жуфтига 1 томчидан резус маңфий стандарт эритроцитлар томизилиб, 1 соатга 27°C термостатга қўйилади. Сўнг пробиркалар чироқ устида лупа билан кўрилади.

**Натижани баҳолаш:** натижа мусбат ёки маңфий бўлиши мумкин. Натижа мусбат бўлса, яъни агглютинация бўлса, пробирканинг тагида эритроцитлар чўкмаси нотекис жойлашган бўлади (ғадир-будир ёки доначалардан ташкил топган, четлари қайирилиб қолган). Баъзи ҳолларда эритроцитлар тўлқинсимон шаклда, маркази юпқароқ бўлиб қўринади. Натижа маңфий бўлса, яъни агглютинация бўлмаса, эритроцитлар чўкмаси текис, четлари силлиқ бўлиб қўринади, доначалар аниқланмайди. Чўкманинг диаметри мусбат бўлган ҳоллардан кичкинароқ бўлади. Натижа иккала серида ҳам бир бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

### ЖЕЛАТИНАНИ ИШЛАТИЕ, РЕЗУС ОМИЛНИ КОНГЛЮТИНАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

**Усулнинг иш принципи:** текшириладиган эритроцитлар желатинада, коллоид муҳитда, нотўлиқ антирезус — антителолари бор стандарт зардоб билан димланади. Текширилаётган эритроцитлар резус мусбат бўлса, пробиркага физсуюқлик қўшилганда конглютинация ҳолати кузатилади.

Резус маңфий эритроцитлар бир-бирлари билан ёпишмайди.

**Реагентлар:** 1. Икки хил серияли стандарт антирезус зардблар. Уларнинг гурӯҳи текширилаётган қон гурӯҳи билан бир хил бўлиши шарт.

Стандарт зардблар музлатгичда сақланади, уларнинг ишга яроқлилик вақти этикеткаларида кўрсатилади.

2. Заводда тайёрланган 10% желатина. Очилган ампулалар музлатгичда 2—3 кундан ортиқ сақланмай-

ди. Желатина тиниқ бўлмаса ёки хона, ҳароратида қу-йилмаса, ундан фойдаланиш мумкин эмас.

0,85% натрий хлорид, физсуюқлик, 3,8% натрий цитрат, назорат учун стандарт эритроцитлар.

*Керакли анжомлар.* Сув ҳаммоми, 10 мли пробиркалар, лупа.

Иш бошланишидан аввал қуруқ пробиркага стабилизаторсиз 1-3 томчи қон олинади. Қони текшириладиган одамнинг исми шарифи ёзилади. Текшириш учун олинган қон ивигандан сўнг чўкиб қолган эритроцитлар олинади.

*Аниқлаш жараёни:* штативга уч қатор қилиб пробиркалар ўрнатилади (ҳар бир қаторда текширилаётганларнинг сонига ва назорат учун олинган эритроцитларнинг сонига қараб).

Ҳар бир қаторнинг бир хилда белгиланган учта пробиркасига 0,05 мл (1 томчи) текширилаётган эритроцитлар, учта назорат пробиркаларига 0,05 мл (1 томчи) стандарт резус мусбат О (I) гуруҳ эритроцитлар ёки текширилаётган қоннинг гуруҳи билан бир хил қилиб олинади. Кейинги учта назорат пробиркаларига —0,05 мл (1 томчи) стандарт резус манфий текширилаётган қоннинг гуруҳидан олинади. Сўнг ҳамма пробиркаларга 0,1 мл (2 томчидан) 10% желатина ( $48^{\circ}\text{C}$  суюлтирилган ҳолда). Пробиркалар астасекин силкитилади. Биринчи қатордаги пробиркаларнинг ҳаммасига 2 томчидан бир хил серияли антирезус зардоб, иккинчи қаторникига 2 томчидан бошқа сериялик антирезус зардоб томизилади. Учинчи қатор пробиркаларга антирезус зардоб томизилмайди. Улар носпецифик агглютинацияни назорат қилиш учун хизмат қиласиди. Пробиркалар силкитилиб,  $48^{\circ}\text{C}$  л сув ҳаммомига дақга қўйилади. Сўнг пробиркаларга 8—10 мл физсуюқлик иситилиб қуйилади. Пробиркалар ағдарилиб ичидаги маҳсуллар аралаштирилади. Пробиркалар ёруғликка қаратилиб назорат қилинади.

*Натижани баҳолаши.* Натижа (+) ёки (—) бўлиши мумкин. Натижа (+) бўлса, пробиркада қизил доначалар ёки парчалар кўринниб, уларнинг устидаги қон зардоби тиниқ бўлади. Натижа (—) бўлса, пробиркада қизил ранг берувчи суюқлик кўринади.

Натижалар йўқкала серияли антирезус зардобда бир хил бўлиб, назорат текширувларида реакциянинг специфиллиги аниқлангач тўғри деб ҳисобланади. Ундан ташқари, учинчи антирезус зардоб қўшилмаган қаторда ҳам (—) натижалар кузатилади.

## РЕЗУС ОМИЛНИ КОНГЛЮТИНАЦИЯ УСУЛИ БИЛАН ЗАРДОБ МУҲИТИДА ПЕТРИ ЧАШҚАЛАРИДА АНИҚЛАШ

*Усулнинг иш принципи:* текширилайдиган эритроцитлар стандарт антирезус зардоб билан коллоид муҳитда ўз зардобида димланади (инкубация қилинади). Агарда эритроцитлар резус (+) бўлса, конглютинация ҳосил бўлмайди.

### *Реагентлар:*

1. Икки хил серияли антителолар билан тўла стандарт антирезус зардоб.

Стандарт зардобнинг гуруҳи текширилаётган қоннинг гуруҳи билан бир хил бўлиши керак. Улар музлатгичда сақланади.

2. Назорат учун стандарт эритроцитлар.

Керакли анжомлар: 48°C сув ҳаммоми, Петри чашкалари.


*Текшириши жараёни.* Пробиркага стабилизаторсиз 1—3 мл текширилайдиган қон олинади. Пробиркага текширилайдиган одамнинг исми, шарифи ёзилади. Текшириш учун олинган қон ивиганидан сўнг чўйкан эритроцитлар олинади. Олинган эритроцитлар музлатгичда сақланади (2—3 кун).

Петри чашкасида олтига рақам белгиланади. Ҳар бир рақамнинг олдига 1 катта томчидан (0,1 мл) антирезус зардоб томизилади: утаси бир сериялик, утаси бошқа сериялик. Иккала сериялик зардобнинг биринчи томчиларига 1 томчидан текширилаётган эритроцитлардан томизилади: иккинчи томчиларига 1 томчидан стандарт резус (+) эритроцитлар, учинчи томчиларга 1 томчидан резус (—) эритроцитлар томизилади. Уларнинг гуруҳлари тёклирилаётган қон гуруҳи билан бир хил бўлиши шарт. Шиша таёқчалар билан томчилар аралаштирилиб, сўнг Петри чашкалари 48°C ли сув ҳаммомидаги сув сатҳига қўйилади. Аста-секин чайқалтирилиб, уларда ҳосил бўладиган ўзгаришлар кузатилади.

*Натижани баҳолаш.* Натижа (+) ёки (—) бўлиши мумкин. Агарда натижа (+) бўлса, рангсиз суюқликда қизил доначалар ёки парчалар кўринади, натижа (—) бўлса, қўшилмадаги суюқликлар гемоген ҳолатда, қип-қизил рангда бўлади. Натижа иккала серияда назорат натижалари (+) бўлган ҳолда ҳақиқий ҳисобланади. Стандарт резус (+) O (I) гуруҳ эритроцитлари (+) натижа, стандарт резус (—) эритроцитлари (—) натижа беради.

## БИЛВОСИТА КУМБС СИНАМАСИ БИЛАН НОТҮЛИҚ РЕЗУС-АНТИТЕЛ ОЛАРНИ АНИҚЛАШ

*Усулнинг иш принципи:* одатда нотүлиқ резус антителолар стандарт резус (+) эритроцитларнинг устига жойлашиб агглютинация бермайди. Лекин одам оқсилига қарши зардоб қўшилса, резус-антителолар билан сенсибилизация қилинган эритроцитлар агглютинация беради (26—27-расмлар).



26-расмда стандарт зардобралар билан АВО системаси қон гуруҳларининг натижалари кўрсатилган.


### *Реагентлар:*

1. Кумбс синамаси учун зардоб.
2. Текширилаётган зардобринг гуруҳи билан бир хил стандарт эритроцитлар. Улар резус (+) бўлиб, З хилдаги резус антигенлари бўлиши керак.
3. Гуруҳи текширилаётган қонга мос бўлган стандарт резус (—) эритроцитлар.
4. 0,85% натрий хлорид (физсуюқлик).
5. 3,8% натрий цитрат.
6. Қон зардоби текширилаётган одамнинг эритроцитлари.


Махсус анжомлар: термостат 37°C, ички диаметри 0,5—0,8 см бўлган 10 см ли пробиркалар, оқ тарелка ёки пластинка.

*Аниқлашга тайёрланиш:* қонга стандарт ва назорат эритроцитларни олиш учун ишлов бериш, 0,25 мл 3,8%

## КУМБС СИНАМАСИННИГ БЕВОСИТА МЕХАНИЗМИ:



## БИЛВОСИТА КУМБС СИНАМАСИ МЕХАНИЗМИ:



27-расм. Кумбс синамасининг бевосита ва билвосита механизмлари.

натрий цитрат солинган центрифуга пробиркасига 0,5—1,0 мл қон солинади. Пробиркага номер ва беморнинг фамилияси ёзилади. Ундан ташқари, қон гуруҳи ва резус мансублиги ҳам кузатилиши шарт. Пробирка-

нинг 4—3 қисми физсуюқлик билан тўлдирилиб, аралаштирилади ва центрифуга қилинади. Бир неча марта ювилади. Ювилганидан сўнг пробирканинг тагида қолган эритроцитлар ишлатилади.

*Аниқлаш жараёни.* Штативнинг устига бир варақ қоғоз қўйилиб, унда тешиклар қилинади ва пробиркалар ўрнатилади, номерланади. Пробиркаларнинг сони ва номерлари синаладиган эритроцитларнинг сонига тенг бўлиши керак. Пробиркаларнинг номерлари қоғозда қайд этилади. Донорнинг фамилияси, стандарт эритроцитларнинг резус мансублиги кўрсатилади. Ҳамма пробиркаларга 3 томчидан текширилаётган зардоб томизилади. Ювилган эритроцитлари бор ҳар бир пробирканинг тагидан Пастер пробиркаси билан 0,01 (кичкина томчи) эритромасса олиниб, номерланган текширилаётган зардобли пробиркага солинади. Пробирканинг ичидаги массани яхшилаб аралаштириб, 45 дақиқага 37°C термостатга қўйилади. Инкубациядан сўнг пробирканинг 4—3 қисми физсуюқлик билан тўлдирилади, аралаштирилади ва центрифуга қилинади. Сўнг устидаги суви тўкилади. Ювиш 3 марта қайтарилади. Сўнг пробиркалар ўз номерларига биноан штативга қўйилади. Ювилган эритроцитли ҳар бир пробиркага 3—5 томчидан 5% эритросуюқлик олиниади. Тайёрланган 5% эритросуюқликдан 0,05 мл олиб, ҳар бир пробиркадан оқ пластинка ёки тарелкага томизилади. Уларнинг ҳар бирига 0,05 (1 томчи) Кумбс синамасининг қарши зардobi томизилади. Тарелкани ёки пластинкани чайқатиб, шиша таёқчалар билан аралаштирилади.

*Натижани баҳолаш:* натижа агглютинациянинг бор ёки йўқлигига қараб қилинади. Одатда, агглютинация 10—30 дақиқа ичida бошланади. Лекин назорат қилиш 20 дақ. давом этиши керак. Агглютинация бўлса, қизил доначалар пайдо бўлиб, томчи суюқлиги тиниди. Агглютинация бўлмаса, қўшилма гомоген ҳолатда сақланиб, қизил рангда бўлади.

Резус (+) эритроцитларнинг агглютинацияси ва резус (—) агглютинация бўлмаган эритроцитлар текширилаётган зардобда нотўлиқ резус антителолар борлигини кўрсатади. Резус (—) стандарт эритроцитлар ўз эритроцитлари билан агглютинация бўлса, у носпецифик реакция ҳисобланади. Бундай натижа ҳисобга олинмаслиги керак.

## БЕВОСИТА ҚУМБС СИНАМАСИ

Усулнинг иш принципи: текширилаётган эритроцитларнинг устида антителолар жойлашган бўлса, уларга Кумбс синамасида антизардоб қўшилса, агглютинация рўй беради.

Реагентлар:

1. Кумбс реакцияси учун зардоб музлатилган ҳолатда сақланади. Ишлатиш муддати этикеткасида кўрсатилади.
2. 0,85% натрий хлорид.
3. 3,8% натрий цитрат.

Керакли анжомлар: 37°C термостат, оқ тарелка ёки пластинка.

Аниқлашга тайёрланиш: 0,25—0,5 мл (5—10 томчи) текшириладиган қон центрифуга пробиркасига солиниб, устига пробирканинг 4—3 қадар физ. суюқлик қўйиб аралаштирилади ва центрифуга қилинади. Чўкма устидаги суюқликни тўқиб ташлаб, 2—3 марта ювилади.

Аниқлаш жараёни: 0,0: мл (1 томчи) 5% текширилаётган эритроцитлар суюқлиги тарелкага солиниб, 3 дақ. давомида чайқатилади. Бу вақт ичидаги ўз-ўзидан агглютинация рўй бермаса, 0,05 мл (1 томчидан) Кумбс синамасининг зардobi томизилиб аралаштирилади. Агглютинация бўлса, реакция (+), агглютинация бўлмаса, бевосита Кумбс синамаси (—) ҳисобланади.

## БЕВОСИТА ҚУМБС РЕАКЦИЯСИННИГ ТИТРИНИ АНИҚЛАШ

Иш принципи. Бир хил даражада суюлтирилган Кумбс синамасининг зардobi ва текширилаётган эритроцитларнинг концентрациясида ҳосил бўлган агглютинацияни баҳолашда зардобдаги эритроцитларнинг сенсибилизация даражасини билвосита кўрсатади.

Реагентлар:  
Бевосита Кумбс синамасида аниқлаш учун ишлатиладиган моддалар, керакли анжомлар ҳам, аниқлашга тайёрланиш жараёни ҳам шундай.

Аниқлаш жараёни: пластинкада Кумбс синамасининг зардobi физсуюқликда икки карра суюлтирилган концентрацияда тайёрланади (1:2 дан то 1:1024).

Пластинкада суюлтириш даражалари кўрсатилади: 1:1, 1:4 ва ҳоказо. Сўнг ҳар бир суюлтириш олдига 0,1 мл (2 томчидан) физсуюқлик томизилади. 1:2 ёзувининг олдига 2 томчи Кумбс синамасининг зардоби томизилиб аралаштирилади. Бу қўшилмадан 2 томчи кейинги суюлтиришга, ундан яна кейингисига ва ниҳоят 1:1024 дан сўнги 2 томчи ташлаб юборилади. Ҳар бир суюлтирилган 1 томчига 5% ли эритроцитлардан қўшилди. Аралаштирилиб 10 дақ. кузатилади.

Натижани баҳолаш: бевосита Кумбс синамасининг титри сўнги бор агглютинация ҳосил бўлган суюқлик ҳисобланади. Агглютинация ҳамма аралашмада пайдо бўлса, бу нотўғри ҳисобланади, текширишни қайтариш лозим.

## ҚОН ҚУЙИШ ОПЕРАЦИЯСИ

Беморларга қон қуийиш учун даволаш муассасаларида маҳсус кабинетлар ташкил қилинади. Бунинг учун энг камида 2—3 хона ажратилиб, улардан биттаси каттароқ, ёруғ ва водопровод суви билан таъминланган бўлиши керак.

Қон қуийш кабинетига иш учун керакли анжомлар:

1. Стол, унда олинган қон ва унинг компонентлари регистрация қилинади, қон ва резус омил аниқланади, донор қонининг bemor қонига мослиги (совместимость) аниқланади.
2. Стерилизация қилинган материал ва асбоблар учун стол.
3. Қатта стерилизатор.
4. Трансфузия тизимлари ва ҳаёт учун хавфли ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш учун керак бўладиган дори-дармонлар сақлаш учун шкаф.
5. Қоннинг ўрнига ишлатиладиган дорилар, қуруқ плазма, қон препаратларини сақлаш учун керак бўладиган шкаф.
6. Қоннинг резус омилини текшириш, унинг лаёкатлигини аниқлаш учун сув ҳамноми ва экран тўплами.
7. Қон ва унинг компонентлари, препаратлари ва стандарт зардоллар сақланадиган музлатгич.
8. Битта ёки иккита күшетка.
9. Қон ва унинг компонентларини қуийиш учун керак бўладиган штативлар.
10. Буйраксимон тосчалар, қопқоқли челяк, бикслар, кастрюля ва кварц лампаси.

11. Құлни ювиш учун керак бўладиган щёткалар.
12. Бир дақиқада 2500—3000 марта айланадиган центрифуга.

Керакли ҳужжатлар:

1. Қон, унинг компонентлари ва қон ўрнига ишлатиладиган дориларни ҳисобга олиш учун журнал.
2. Қон ва унинг компонентларини ҳисоб-китоб қилиш учун журнал.
3. Музлатгичнинг ҳарорат тартибини қайд қилувчи асбоб музлатгичда туриши керак. Музлатгич ҳарорати  $+4^{\circ}\text{C}$  дан  $+6^{\circ}\text{C}$  гача бўлиши керак.
4. Ҳар куни сақланувчи қоннинг макроскопик тавсифини ёзиб бориш учун журнал.
5. Қон ва унинг таркибларини, препаратларини ва қоннинг ўрнига ишлатиладиган дориларни олиш учун керакли бланклар.

Олинган қон музлатгичда  $+0^{\circ}\text{C} = +6^{\circ}\text{C}$  да сақланади. Қонни қўйишдан 1—1,5 соат олдин музлатгичдан олиб, уй ҳароратида иситамиз. Қонни тез қўйиш керак бўлган ҳолатларда ҳарорати  $20—25^{\circ}\text{C}$  дан баланд бўлмаган илиқ сувда илитиш мумкин (термометр билан сувнинг иссиқлигини текшириб туриш лозим). Қонни эҳтиёtsизлик билан, айниқса қайноқ сув сепилган сочиқлар воситасида иситищ ниҳоятда хавфли. Тез ва сезилмай денатурация бўлган қон қўйилса, пострансфузион шок ёки бошқа асоратлар пайдо бўлиб, беморнинг аҳволи оғирлашишига, ҳаттоқи унинг ўлимiga олиб бориши мумкин. Шундай хато ниҳоятда тажрибали жарроҳ томонидан йўл қўйилган эди. Қишида шанба куни жарроҳлик бўлинмасида анчагина қон йиғилиб қолганлиги маълум бўлган. Қун давомида унинг бир қисми ишлатилган. Қуннинг охирида ҳамшира музлатгичда яна тўрт ампула қон қолганини, душанбагача улар эскриб қолишини бош жароҳга маълум қилган. У ҳам ўйламасдан: «Қолган қонларни тезлик билан иситиб тузалувчилар палатасидаги bemorlarга қўйинглар» деган. Бир ҳамшира музлатгичдан олинган ампулалардаги қонни сочиққа ўраб, унинг устидан яқинда қайнатиб ўчирилган чойнакдаги иссиқ сувни қўйган ва ампулаларни жарроҳга узатган. У эса бу қонларни яқинда панариций, чурра, фурункулёз билан хасталаниб, чиқиб кетишга тайёрланиб ётган bemorларга қуя бошлаган. Биринчи bemorга 150 мл қон қўйиб, иккинчи bemorга қон қўйишни тамомлаётганида палата ҳамшираси врачга «Bемор ўзини ёмон ҳисэтмоқда деса, жарроҳ шошиб туриб шундай бўлади»

деган ва бошқа беморларга қон қуиши тезлатган. Уларни палаталарга жұнатыб, түртінчи беморға қон қуиши бошлаганда ҳамшира келиб, биринчи беморнинг ўлганлигини, иккінчи ва учинчи беморларнинг ақвөли оғир эканини айтган. Шунда ҳавотирланған жарроқ қон қуиши тұхтаттан, лекиң кеч бўлган. Денатурация қилинган қоннинг қуиши натижасида биринчи, иккінчи ва учинчи беморлар ўлган, түртінчи беморнинг умри сақлаб қолинган.

Ҳар бир қон қуишидан олдин макроскопик назоратдан (кўрикдан) ўтказилиши шарт. Бунда қуида гиларга эътибор берилади:

1. Аввалам бор қуиладиган қонда гемолиз белгилари бўлмаслиги шарт. Гемолиз пайдо бўлса, чўккан қон элементларининг устидаги плазмада (қон зардобидаги) қизил (қизғиши) ранг пайдо бўлади. Бунинг учун қон солинган ампулани ёки флаконни оқ экран устида кўриш лозим.

2. Қон лаҳталари пайдо бўлса, қон зардоби ва қон элементлари ўртасидаги чегара ўзгариб, ғадир-будир бўлиб қолади. Яхши сақланған қонда тиниқ ва сапсариқ, қон зардобининг тагида жигарранг эритроцитлар, унинг устида оқ рангли юпқа лейкоцитлар ва тромбоцитлар чўкмаси кўриниши керак.

3. Қонга микроб тушган ҳолларда унинг плазмасида лойқаланиш, пардачалар, парчалар кўринади. Қон топширишдан олдин донор овқатланған бўлса, унинг қон зардоби лойқаланиши мумкин. Бунинг учун консервация қилинган қон аста-секин илитилса, 1—2 соат иссиқ хонада сақланса ёки илиқ сувда илитилса, лойқа ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиб, қон зардоби тиниқ бўлиб қолади. Қонга инфекция тушган бўлса, унинг лойқаси кетмайди.

Эритромассанинг макроскопик ҳолатини аниқлаш ҳам шундай бажарилади.

Қон зардобининг бузилиш белгилари — лойқаланиш, лаҳталарнинг пайдо бўлиши, пардаларнинг ва чўкманинг ҳосил бўлиши.

Қуруқ плазма одатда оқ ёки сарғиши кўпиксимон порошок, шаклида бўлиб, физсуюқлик ва сувда яхши эрийди, у бузилган бўлса, яхши эримайди ёки унда ранг ўзгариши, намланиш аломатлари пайдо бўлади.

Одатда, қон қуишидан олдин қуиляётган қоннинг ва реципиентнинг қон гурӯҳи, резус-омили аниқланиши шарт. Шундан сўнг бемор ва донор қони қўшилиши мумкинлиги ҳал этилади.

Қонни ишлатиш мумкінлиги аниқланғаннан сұнг флакон ёки ампуланинг устидан қоғоз ва парафин олинади. Металлдан қилинган қопқоқта спиртовка олови ёки 5—10% йод билан ишлов берилади. Сұнг қайчи ёки пинцет билан қопқоқнинг ўртаси очилиб, яна 5—10% йод билан артилади. Сұнг пластикат қон қуиши тизимининг нинасидан қалпоқчаси олиниб резинка пробкадан ўтказиб флаконга киритилади. Шу билан бир вақтда ҳаво кириши учун яна бир нина унинг ёнидан флаконга киритилади, бўлмаса флакондан ёки ампуладан қон кетмаслиги мумкин.

Пластикат қон қуиши тизимининг иккинчи (венага киритилдиган) нинасидан ҳам қалпоқчаси олиниб, фильтр регуляторнинг қисқичи аста-секин очилиб қон ампула ёки флакондан фильтрга туширилади ниҳоят қон тизимдан юргизилиб, унинг бир неча томчиси беморнинг ишлов берилган венасига киритилади. 25—30 мл қон венага кетганидан сұнг З дақ. дам берилади. Шу тариқа қолган қон томчилаб қуилади.

Қон қуишининг икки усули бўлиб, биринчи усули билвосита қон қуиши дейилади. У юқорида кўрсатилгандек икки босқичдан үборат. Иккинчиси бевосита донорнинг қон томиридан беморнинг қон томирига қон қуилади. Амалиётда қон қуишининг билвосита усули кенг тарқалган. Бевосита қон қуиши кам ишлатилади.

Қон қуиши жараёни шифокор ёки ҳамшираннинг назорати остида ўтиши лозим. Флаконда ампулада ёки пластикат қопчада бир неча ўн мл қон қолгақ қуишини тўхтатиб, бемор венасига ҳаво кирмаслигини таъминлаб нинани томирдан чиқариб олиш керак. Қон қуилган бемор камида икки соат шифокор ёки ҳамшира назоратида бўлиши лозим.

*Қон ва унинг таркибларини қуишида амал қилиши зарур бўлган қоидалар:*

1. Қон ва унинг таркиблари эритро, лейко ва тромбомассаларни, қон зардобини қуишида фақат гуруҳи гуруҳига, резуси резусига мос бўлган қон ва унинг таркибларини қуиши шарт. Оттенберг қоидаси ҳозирги вақтда амал қилмайди.

2. Беморга қуиладиган қон ва унинг таркиблари (эритромасса, лейкомасса, тромбомасса, плазма)- беморники билан бир хил резус омилга эга бўлиши шарт. Чунки резус (—) bemorга резус (+) қон қуилса, bemor организмида антирезус антителолар пайдо бўлиб, қайтадан қон қуилганида резус конфликт бериши маъ-

лум. Резус (—) қонни резус (+) қонли беморга қүйиш хавфли, чунки резус (—) омиллик кишилар НЧ (+) бўлганлари учун резус (+) омиллик беморнинг қонида анти НЧ — антителолар пайдо бўлиб, НЧ антиген кучли бўлса, иммуноконфликт бериши мумкин.

Демак, қон гурӯҳлари бўйича, резус омил бўйича ва ниҳоят НЧ — о омил бўйича қуйиладиган қон, унинг таркиблари (эритро, лейко, тромбомасса, плазма) дононга беморда бир хил бўлиши шарт.

3. Шахсий мослик қон ва унинг таркибларини қўйишида хона ва сув ҳаммоми ҳароратида ўтказилади. Хона ҳароратида ўтказилган шахсий мослик туфайли АВО, МН тизимлари берадиган асоратлар ўрганилса. шахсий мослик туфайли резус-омил, унинг турлари, НЧ-антиген ва унинг турлари ҳамда Даффи, Келл, Келлано ва бошқа антигенлар берадиган асоратларни бартараф қилиш мумкин бўлади.

4. Бу қоидаларга риоя қилганига қарамай асоратлар пайдо бўлса, унда аутоиммун ҳолатларнинг борйўқлигини аниқлаш учун бевосита ва билвосита Кумбс синамалари билан бемор қонини текшириш керак. Чунки ортирилган бир аутоиммун гемолитик анемия ва лейкозларда қон гуруҳи, резус омилни аниқлаш мурракаб бўлади. Сабаби юқори титрда ортирилган антителоларнинг пайдо бўлиши анти-АВО, анти-омил, анти-НЧ ва бошқа антителоларнинг ўз антигенлари билан муносабатларини бузади. Шу сабабли тўғри ўтказилган гормонал терапиядан сўнг резус ва бошқа реакциялар яхши аниқланади.

## ДОНОРЛИК ҲАҚИДА

Қон ва унинг таркиблари беморларни даволаш учун донорлардан олинади. Донор (лотинча сўз — совға қилиш) — ўз ҳоҳиши билан ўз қонини беморларга берувчи инсон. Соғлом 18 дан 60 ёшгача бўлган инсон ўз ҳоҳиши билан донор бўлиши мумкин. Донорлик бизнинг мамлакатда тараққий этган бўлиб, унинг фармасияти инструкцияга биноан ўтади.

Донорларни тиббиёт, кўрғидан ўтказиш, ҳисобга олиш ва улардан қон олиш бўйича инструкция:

### I

1. Соғлом 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҳар бир инсон ўз ҳоҳиши билан донор бўлиши мумкин.

- Донор бўлишни истаган инсонлар ўз ҳоҳишлари билан соғлиқни сақлаш ва қон хизмати муассасаларида тиббиёт кўригидан ўтадилар.
- Донор бўлган кишилар ўзларида захм касаллиги бўлса, уни яширмасликка тилхат берадилар.
- Донорликка шахсий аризага мувофиқ қабул қилинади. Уларга «Шахсий донорлик картаси» очилади (№ 200 форма).

## II

Донорлардан қон олишдан олдин қўйидаги текширувлар ўтказилади:

- Тана ҳароратини ўлчаш.
- Қон босимини ўлчаш.
- Терапевт кўриги.
- Дермато-венеролог кўриги.
- Қонда гемоглобин ва лейкоцитларни аниқлаш. Қон гуруҳини ва резус омилни аниқлаш.
- Қонни захмга, керак бўлса бруцеллёзга текшириш.
- Қонни билирубинга текшириш.
- Сийдик анализи ва кўкрак қафасини рентгенда кўриш. Донорлар қайта қон топширганида яна текширилади.

## III

Ушбу касалликлари бор беморлар донорликка қабул қилинмайди:

- Заҳмнинг туғма ва орттирилган шакллари, даволанганидан қатъий назар.  
Илова: аёлларда ҳомиладорликнинг иккинчи ярмida ўз-ўзидан бўладиган бола ташлаш ёки ўлик болалар туғилиши ҳоллари ҳам текширилдиши керақ.
- Сил ва унинг ҳамма шакллари.
- Бруцеллёз, туляремия, токсоплазмоз.
- Безгак (охирги З йилда тутқаюқ бўлган ҳолларда)  
Илова: а) спленомегалия,  
б) анамнестик безгак,  
в) тўрт кунлик безгак билан оғриган беморлар.
- Инфекцион гепатит ёки унинг вирус ташувчилари.
- II даврдаги гипертония касаллиги; II даврдаги миядаги қон айланиш жараёни бузилганлигининг белгилари бор беморлар.

7. Эндокардит, миокард, юрак пороклари.
8. Ўсма касалликлари.
9. Суякларнинг сил ва заҳм касалликлари туфайли қийшайиши.
10. Меъда ва 12 бармоқ ичак яралари.
11. Ўткир ва сурункали холецистит, гепатит, циррозлар.
12. Нефрит, нефролизлар.
13. Юқумли касалликлар.
14. Айрим аъзоларни олиб ташлаш бўйича операциялар; эхинококк.
15. Меъда, буйрак, ўт пуфаги, қора талоқ, тухумдонлар, бачадон, қўл, оёқ, кўз, қалқонсимон бези олинган беморлар.
16. Икки ҳафтадан ортиқ касалхонада бўлган одамлар фақат б ойдан сўнг қон топшириши мумкин.
17. Ўткир ва сурункали яллиғланишлар.
18. Эндокрин безлари фаолиятининг яққол бузилганик ҳоллари.
19. Руҳий касалликлар ва асаб тизимининг органик ўзгаришлари.
20. Атосклероз, озена, кар ва соқовлик.
21. Ирит, иридоциклит, хореоидит, туғма заҳм оқибатларидан бўладиган кўз касалликлари.
22. Псориаз, экзема, пиодермия, трихофития, сикоз қизилча, микроспория, эпидермофития, микоз каби касалликлар.
23. Бронхиал астма ва бошқа аллергологик касалликлар.
24. Ҳомиладорлик ва эмизиш, менструация даврида.
25. Наркомания ва алкогализм.
26. Қутуришга қарши эмланган кишилар 1 йил дан сўнг қон топширишлари мумкин.

#### IV

1. Юқорида кўрсатилган қоидалар ҳамма донорларга тегишилдири.
2. Бирламчи донорлардан одатда 250 мл қон олинади, лекин шифокорнинг қарори билан 400 мл гача ҳам олиш мумкин. Агарда аёлларда гемоглобин 126 г/л, эркакларда 130 г/л паст бўлса, 250 млдан кўп қон олинмаслиги керак. Донорнинг ёши 20 гача ёки 55 дан катта бўлса, улардан 250 мл қон олинади.
3. Қайтадан қон олишга 2 ойдан сўнг рухсат этилади.

Умуман 1 йилда донор 5 марта қон топшириб, 3 ой сўнг дам олиши керак.

4. Донорни қайтадан атрофлича текшириш 5 марта қон топширилганидан сўнг, бир йилда бир марта-дан кам ўтказилмайди.
5. Қон топширишдан олдин донор 1 стакан ширин чой ва 150 г текин юнушта олади, сўнг юқори калло-риялик овқат олади.

### ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ; ҚОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Қон ва унинг таркиблари фаол ва беминнат до-  
норлардан қон-қуиши бўлимлари ва станцияларйда оли-  
нади.

Қон ва унинг таркибларини тайёрлаш икки босқич-  
да ўтказилади, биринчиси, завод шароитида консерва-  
ция қилувчи суюқликлар солинган флаконлар тайёрла-  
нади; иккинчиси, донорлардан қон ва унинг таркибла-  
ри флаконларга олинади.

Бу усулнинг амалий аҳамияти шундаки, бир жойда  
оммавий равишда қон ва унинг таркиблари олиниб,  
сақланиб, керак бўлган вақтда беморларга қуилиши  
мумкин.

Консервация қилишнинг асосий муддаоси — қон ва  
унинг таркибларини ивишдан сақлаш, улардаги эрит-  
роцит, лейкоцит, тромбоцитларнинг бузилиб кетмасли-  
гини, гормон, ферментлар, қон ивиш жараёни учун за-  
рур бўлган фаол моддаларни сақлаб қолишдан иборат.

Қон ва унинг таркибини консервация қилишда учта  
шарт бажарилиши лозим: стериллик таъминланиши,  
қонни ивишдан сақлаш, ҳужайра элементларини буз-  
маслик.

Қон ва унинг таркибини стерил ҳолатда олиш учун  
алоҳида бокслардан (операцион хоналардан) фойдала-  
нилади. Қон ва унинг таркиби стерил консервант со-  
лингган флаконларда беркитилади. Универсал консер-  
вант сифатида натрий цитрат ишлатилади. Гемолиз ва  
инфицирланишнинг олдини олиш учун глюкоза, эта-  
нол, сахароза, альбуцид, левомицетин ва бошқа пре-  
паратлар ишлатилади.

Қон ва консервантнинг нисбати 4:1 бўлиши керак.

Ундан ташқари, қон оқишининг тўхтатишни таъ-  
минловчи гемоконсервантлар, желатина қўшиб, шок-  
нинг олдини оладиган ёки наркозни чўзадиган консер-  
вантлар, аминозин, гепарин қўшилган консервантлар

экстракорпорал қон айланишини таъминлашга мўлжалланиб чиқарилади.

Олдинги бобларда қонга тўлиқ тариф берилгани сабабли қон таркибиغا қисқача тўхталамиз.

Плазма, яъни қон зардоби қоннинг суюқ олтин сариқ рангли, шаклли элементлари ажратилганидан сўнг олинадиган қисмидир. У 90% сувдан, 10% эритма моддалардан иборат. Қон зардоби суюқ ҳолда (натив плазма) ва қуритилган ҳолда (қуруқ плазма) тайёрланади.

Натив плазмā ёки қон зардоби  $+4\text{ С}^{\circ} = +6\text{ С}^{\circ}$  тиндирилиб, сўнг тўкиб олинган ёки вакуум-насос билан сўриб олинган консерваланган қон таркиби. Қуруқ плазма оқ сариқ рангдаги кукунсимон модда бўлиб, лиофилизация туфайли (+) ҳароратли вакуум ёки музлатилган ҳолда олинади. Қон зардоби ниҳоятда қимматбаҳо даволаш воситаси бўлиб, кўплаб касалликларни даволашда ишлатилади. Масалан, тез-тез қайталаувчи меъда ва 12 бармоқ ичак, ингичка ва йўғон ичак яралари, сурункали гепатит, жигар циррози қон зардоби билан жуда яхши даволанади. Одатда, плазмотерапия курс бўйича берилади. Бунда 100—120 мл натив плазма ҳар беш кунда 1 мартадан, 4—5 карра берилади. 1—2 марта қон зардоби қуийлганидан сўнг беморларнинг ҳолати яхшиланиб, оғриқлар камаяди, 3—4 марта қуийишдан кейин оғриқни сезмай қолади. Рентген текшируvida яралар битиб кетгани маълум бўлган. Худди шундай ижобий натижаларни биз сурункали гепатит ва циррозни даволаганда кузатганимиз.

Узоқ муддатли қайталаудиган сурункали зотилжамда бронхиал астманинг яллиғланиш-аллергик турини бактерияларга қарши даволаш билан комплексда ўтказилгандагина яхши натижага эришиш мумкин. Сурункали зотилжамда организмга етишмайдиган иммуноглобулинлар ўрнига қон зардобини ишлатса бўлади. Агар соғайиш даврида bemорларга танлов гелиоаэротерапия ўтказилса, даво анча кор қиласди.

Плазмотерапиянинг ижобий натижасини юракнинг ишемик касаллигини даволашда ҳам кузатганимиз. Тош-ДавМИнинг гемотерапия клиникасида ўткир инфарктнинг турли даврларида қон зардоби билан даволаш яхши натижа беради.

Умумлаштириб айтганда, плазмотерапиянинг шифобахш таъсири унинг қуийидаги хислатлари билан боғлиқ:

1. Қон зардобида қон ивиш жараёнига керакли бўлган плазма, тромбоцит омиллари ва қон томирларининг эндотелий ҳужайралари ишлаб чиқарадиган омилларнинг кўплиги туфайли оз-оздан (100—120 мл) қўйилган плазма қон қетишни тўхтатувчи яхши даво воситаси бўлаолади.

2. Қон зардобида ферментлар, гормонлар, лейкоцитлар трефонларнинг мавжудлиги унинг регенераторлик ҳислатини оширади.

3. Қон зардобининг организмни ҳимоялаш ҳусусияти унинг таркибидаги иммуноглобулинлар, антителолар, пропердин тизими, интерферон, лимфоцитлар, нейтрофил лейкоцитлар, моноцитлар фаолияти билан боғлиқ.

4. Плазма воситасида организм ва қон ҳужайралари ўртасида газ алмашуви рўй беради.

5. Плазма воситасида ички безлар ишлаб чиқарадиган гормонлар ва модда алмашув жараёни интеграл равишда фаолият кўрсатади.

6. Қон зардobi ўт таркибидаги оқсил моддалари, ёғлар, углеводлар, витаминалар, микроэлементлар ва бошқа фаол моддалар ҳисобига озиқлантирувчилик ҳусусиятига эга бўлади.

7. Қон зардobi орқали тери, буйрак ва бошқа чиқарув аъзоларига организмга керакли бўлган моддалар етказиб берилади.

8. Қон зардobi ўз таркибидаги сув, тузлар, минерал моддалар, микроэлементларнинг кўплиги туфайли одам қонида осмотик ва онкотик босимларни яхшилайди.

9. Қон зардобининг дезинтоксикацион ҳусусияти уннадаги кўплаб антитоксинларнинг буфер тизимлари борлиги билан изоҳланади.

Эритроцитлар массаси — қон зардobi ажратилгандан сўнг суюлтирилмаган, консервация қилинган қондан олинган эритроцитлар.

Эритроциттар суюқлик эритроцитлар массасини консервантовчи суюқлик билан суюлтирилган.

Тоза боксларда консервация қилинган қоннинг плазмасини олиб ташлаб, эритроцитлар массаси ҳосил қилинади. Уни сақлаш ўчун консервант ЦОЛИП № 8 дан фойдаланилади: сахароза 80 г, глюкоза 6 г, натрий цитрат 3,5 г, риванол 0,01 г, дистилланган сув 1000 мл гача.

Эр. массаси консервация қилинганда 1:1 миқдорда

олинади. Уни сақлаш, транспортировка қилиш ва беморларга қуйишда бутун қондан фойдаланишга оид қоидаларга амал қилинади.

Бутун қонга нисбатан эритромассани bemорларга қуйиш афзалроқ, чунки унда плазмага хос бўлган ҳар хил антителолар ва бошқа фаол моддалар бўлмайди. Уларнинг қолдиқларини йўқотиш учун эритромасса bemорга қуйилишидан олдин ювилади.

Одатда, эритромасса 50—150 мл дан қўйлади. Бунда бутун қонни қуйишга оид қоидаларга риоя қилинади. Эритромассани ишлатиш туфайли бўладиган асоратлар худди тўла қонникидек бўлади.

Лейкоцитлар массаси ҳар хил усуллар билан қон ҳужайраларини бир-биридан ажратиб ҳосил қилинган лейкоцитлар йиғиндиси.

Таклиф этилган усуллардан энг оддийси ва реактив талаб қилинмайдигани З. Г. Аглозоров усулидир. Қон солинган ампула 1 соатга ётқизиб қўйилиб, сўнг аста-секин вертикал ҳолатга келтирилади. Стерил ҳолатда плазма сўриб олинниб, 1 соатгá ( $+4 = +6^{\circ}\text{C}$  музлатгичга қўйилади), яна бир соатдан сўнг олинган плазмада кўплаб лейкоцитлар аниқланади. Лейкоцитлар массаси 20 мл дан чиқарилади. Уни bemорга қуйишда АВО антигенлар бўйича гуруҳини ва резус омилни аниқлаш шарт. Зеро, лейкоцитлар ҳам эритроцитларга ўхшаб иммуногематологик аҳамиятга эга.

Лейкоцитлар массаси ўткир ва сурункали агранулоцитоз, нур касалликлари, ўткир ва сурункали лейкоз, гипо-апластик анемияларда яхши наф беради.

Тромбоцитлар массаси қон ҳужайраларидан ажратиб олинган тромбоцитлар. Тромбоцитлар ҳам лейкоцитларга ўхшаб олинниб, ҳар хил сабаблар туфайли учрайдиган тромбоцитопения ҳолатларида ишлатилади. Одатда, 20—25 мл тромбоцитлар массаси тайёрланади.

Суяк кўмиgidан олинган илик (одам илиги) ўзининг фойдали хусусиятлари сабабли кўплаб касалликларни даволашда ишлатилади. Бунинг учун донорларнинг суякларидан И. А. Кассирский нинаси билан илик олинниб, консервация қилинади ёки ультратез усул билан музлатиб, узоқ вақт давомида сақланади. Сўнг ўткир нур касаллигига, лейкозга ёки гипоапластик анемия билан касалланган bemорларга алоҳида фильтрлар орқали қон томирларига юборилади.

Албатта НЛ-антigen, қон гуруҳи ва резус-омил текширилади.

# ПРОФЕССОР А. Н. ФИЛАТОВНИНГ ПОСТТРАНСФУЗИОН АСОРАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚИСҚАЧА ҚУРСАТМАЛАРИ

Посттрансфузион асоратларнинг олдини олишга доир бой амалий тажрибанинг якунлари билан бўлажак трансфузиологларни таништируммоқчимиз.

1. Посттрансфузион асоратларнинг барча сабаблари ҳозирги вақтда яхши ўрганилган, демак уларнинг олдини олишимиз мумкин.

2. Педантлик билан қон қўйиш ва донорларни саралаш, қонни тайёрлаш инструкциясига риоя қилишни одат қилинг.

Мунтазам равишда ҳамма врачларнинг инструкцияга амал қилишини текшириб туринг. Ҳар олти ойда станция, бўлинма ва кабинетларда ишлайдиганлар, шифокорларни бу инструкция аниқ бажараётганларни текшириб туриш лозим.

3. Ҳозирги вақтда қон ва унинг таркибини қўйишдаги кўпчилик хатолар даволаш муассасаларида уларни сақлаш ва беморларга қўйиш жараёнида рўй беради. Шу сабабли қон ва унинг таркибини қўйишда учрайдиган асоратларнинг олдини олиш учун касалхоналарда қон қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим.

4. Даволаш муассасаларида қон қўйиш учун жавобгар шифокорларнинг ҳурматини ошириш лозим.

5. Қон ва унинг таркибини қўйиш сабабли рўй берадиган асоратларнинг олдини олишда шифокор ва ҳамшираларнинг билими муҳим аҳамиятга эга.

7. Қон ва унинг таркибларини қўйишдаги фожиали хатолар тажрибаси кам врачларда бўлади. Шу сабабли бошловчи шифокорлар ёки илк бор қон қўйишга жалб этилган врачлар назарий ва амалий тайёргарликдан ўтиб, қон қўйишга жавобгар врачга зачёт топширишлари керак. Шундан сўнг улар қон ва унинг таркибини қўйишга киришишлари мумкин. Ҳамширлар, айниқса операцион хонадагилар посттрансфузион асоратларнинг олдини олишни яхши билиши лозим.

8. Ҳар бир посттрансфузион асорат фавқулодда ҳодиса ҳисобланиши керак.

Ҳозирги вақтда шок ва ўткир олигоанурия замонавий дори-дармонлар билан даволанмоқда. Юқоридаги жадвал бу ишда шифокорларга ёрдам беради (268-бетдаги жадвалга кар.)

## Посттрансфузион асоратларнинг ривожланниш босқичларни ва уларни даволаш усуллари

1	2	3	4	5
Асоратнинг пайдо бўлиш вақти: дастлабки 10—20 мл қуйилтадан сунг	Асоратниг характери ҳаво эмболияси	Асосий клиник симптомлари: бемор бирданнга оғирлашиб, ранги ўчиб юзи кўжариб, нафас олиши қийинлашиб, кўрганида оғрик бўлади.	Биринчи ёрдам: қуйинши дарҳол тўхтатиб, реанимация	Кейинги даволаш муолада: жаси симптоматик даво
Кон лахтапари эмболияси	Кон лахтапари эмболияси	бирданнга нафас олиши қийинлашиб, кўкракда кўруқ йўтал ва қон ташлаш бўлади	Куйинши дарҳол тугатиши, тери остига пантопон, промедол, кофеин, камфора юборилади	кодени, сульфаниламид дорилар, антибиотиклар, юрак гликозидлари бурилади
дастлабки 75 мл қон қуйилтагч	АВО бўйича посттрансфузион шок	бирданнга нафас олиши қийинлашиб, кўкракда оғрик, кўруқ йўтал ва қон ташлаш бўлади безовта бўлиш, қулоқларда шовқин, бош айланиш, белда қаттиқ оғрик, рангният ўчиши, тўмири тезлашиб қон босимининг пасайиб кетиши	Куйинши тўхтатиши. Тери остига кофеин, камфора. Томир ичига кальций хлор юбориш	томир ичига юрак гликозидлари, ҳл. кальций, менитол, лалик даранифр блокада, ўз гуруҳ қонини куйиш, алмаштириб қон куйиш, ўтири бурека етишмаслигини даволаш

Кон күйиншнинг ўртаси ёки охиринең көнгайши	Юракнинг ўтирик көнгайши	Ҳаво етишмаслиги, түш орқасида, юракда оғрик, цианоз, томир тезлашиши, қон босимнинг тушиши	Күйинши тўхтагиши. Тери остига кофен, камфора. Томир ичига кальций хлор юбориш	Реанимация чораларини кўплаш
Цитрат шоки		Безовта бўлиш Нафас сикчиш, рангининг ўчиши, томир тезлашиб, қон босимнинг тушиши	Күйинши тўхтатиши. Тери остига кофен, камфора юбориш	Симптоматик даволаш
Ҳаво эмболияси	Лакта эмболияси	Ҳаво эмболияси пострансфузион пироген	Юқорига қаранг Юқорига қаранг эт увишиши, иситма қўтарилиши беморниң безовталаниши, эт увишиши, иситма, бош оғриги, кўнгил озиши, қусиши, бел оғриши, ҳушидан кетиши, гипотония	Юқорига қаранг Юқорига қаранг беморни иситиш шокни даволаш, ОПН билан курашиш
Кон күйиншнадан сўнг 1 соат ўтлач	Инфицирланган қон күйилишидан пострансфузион шок	Резус ва бошқа агглютиногенлардан бўладиган пострансфуз.	Холисзланиши, эт увишиши, иситмалаш, бош оғриги, бел оғриши, қурашиши, шокни даволаш	ОПН билан қурашиши, олигоанурияни даволаш
Биринчи сутка	Кон күйилгач	Шокни даволаш	Шокни даволаш	

## ҚОН ЗАРДОБИНИНГ ҮРНИГА ИШЛАТИЛАДИГАН СУЮҚЛИКЛАР

М. Д. Машковскийнинг фикрича, қон зардобининг үрнига ишлатиладиган суюқликлар ўз хусусиятларига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. Гемодинамикани яхшиловчи (полиглюкин ва бошқ).
2. Заҳарланишни камайтирадиган (реополиглюкин ва бошқ).
3. Сув ва туз, ишқорий кислотали мувозанатни таъминловчилар (натрий хлорид ва бошқ).

Уларнинг ичидаги энг кўп ишлатиладиганларидан айримларининг таърифини келтирамиз. Полиглюкин—қисман гидролиз қилинган дексстраннинг (глюкозанинг) полимери, физсуюқликда эритилган ва стерилизация қилинган 6% ли ўрта молекулалик суюқлик. У рангиз, сувга ўхшаган дори бўлиб, 400 мл ли флаконларда чиқарилади. Ўрта молекуляр оғирлиги 60.000, 10.000, Рн 4,5—6,5. Чет мамлакатларда «Макродекс», «Экхпандекс» ва бошқа номлар билан чиқарилади. Осмотик босими қон оқсилирининг осмотик босимига нисбатан 2,5 баробар юқори бўлгани туфайли қон томирларига киритилганида суюқликларни яхши ушлаб туради, узоқ вақт қон оқимида сақланади. Шу сабабли у тезлик билан қон босимини кўтариб, 12 соатга ча ушлаб туради. Ниҳоятда безиён. Биринчи суткада буйраклар орқали 50% организмдан чиқиб кетади.

Полиглюкин ҳар хил шокларда 400 мл дан 1200—3 литргача томирлар ичига юборилади. Бемор шок ҳолатидан чиққанидан сўнг томчилаб юборилади. Уни аввал 10—30 томчидан қўйиб, сўнг 3 дақ. тўхталиб кузатилади, салбий реакция берса, хлорид ва бошқа дори-дармонлар қўйилади, полиглюкин берилмайди. Қон босимининг кўтарилиш хавфи бўлса, мияга қон қўйилиш ва бошқ. полиглюкин қўйилмайди.

Реополиглюкин — 30.00—40.00 молекуляр оғирликдаги дексстраннинг 10% физсуюқлиги.

Флаконларда 400 мл дан чиқарилади, сувга ўхшаш тиниқ дори. Унинг асосий хусусиятларидан бири тўқималардаги сувни қон томирларига қайтаришида ва тромбоцитлар агрегациясини камайтиришидадир. Майдага томирлардаги қон юришини яхшилайди, заҳарланиш жараёнини камайтиради. Шу сабабли реополиглюкин ҳар хил шакларни, тромбоз ва тромбофлебитларни, эн-

доартериитларнй, қуиши, перитонитларни даволашда ишлатилади. Бунда 400 мл дан 100—1500 мл гача реополиглюкин томир ичига юборилади, асорат бермайды.

Тромбоцитопения, анурия ва кўп суюқлик бериш мумкин бўлмаган ҳолатларда реополиглюкин ҳам ишлатилмайди.

Гемодез — 6% майда молекулалик ( $12.600 \pm 27\,000$ ) полипинилпиролидон. Натрий, калий, кальций, магний ва хлорларга бой суюқлик, оч сарғиш, тиниқ суюқлик сифатида кичкина (100, 200 ва 400) флаконларда чиқарилади (рН 5,2—7,0). Майда молекуляр поливинилпиролидон токсинларни тез ўзига боғлаб, организмдан олиб чиқиб кетиш хусусияти туфайли бу дори ҳар хил заҳарланиш ҳолларида ишлатилади. Бир дақиқада 30—70 томчидан томчилаб қон томирлар ичига юборилади, бир суткада икки марта юбориш мумкин.

Дорини тез юборганда қон босими пасайиб кетиши мумкин. Мияга қон қуйилганида, бронхиал астмада ишлатилмайди.

Полидез — 3% купвинил майда молекуляр спирт ( $10\,000 \pm 20\,000$ ) физ. суюқлик. Рангсиз ёки оч сарғиш рангдаги тиниқ суюқлик (100, 250, 450 мл дан флаконларда чиқарилади, рН 5,1—6,1). Бир суткада сийдик билан организмдан чиқиб кетади. Томирга аста-секин юборилиши лозим. Ҳар хил интоксикацияларда яхши ёрдам беради.

Желатинол — организмга керакли бир қатор аминокислоталари бор, 8% ли физсуюқлик. Қисман парчаланган озиқ-овқат желатинаси. 450 мл дан флаконларда чиқарилади (тиниқ, сариқ рангли  $20\,000 \pm 5\,000$ , суюқ дори, рН 6,8—7,6).

Үткир қон кетиши ҳолатларида ва ҳар хил шокларда қон босимини кўтариш учун ишлатилади. Бир суткада 2 литргача юбориш мумкин. Организмдан сийдик орқали чиқиб кетиши туфайли, беморларда 2 кун давомида протеинурия кузатилади. Ножӯя таъсири йўқ.

#### НАТРИЙ ХЛОРИД

Бу кристалл туфайли қонда ва бошқа аъзоларда нормал осмотик босим сақланиб, ҳаётий жараёнлар учун оптималь муҳит туғилади. Натрий хлорид камайиб кетса, асаб тизимининг фаолияти бузилади, томир тортишиб, текис мускулларнинг спазмига олиб бориши мумкин. Асосан икки хил шаклда ишлатилади, инъекция учун (натрий хлориднинг 0,9% суюқлиги), натрий

хлориднинг 3—5—10% ли гипертоник суюқлиги (компрессларга ишлатилади).

Натрий хлориднинг физиологик суюқлиги организм сувсизланган ҳолатларда тери остига ва томирлар ичига юборилади. Натрий хлориднинг 10% ли гипертоник суюқлиги 10—20 мл дан диурезни кучайтириш учун аста-секин юборилади.

Натрий хлориднинг физиологик ва гипертоник суюқликлари ампула ва флаконларда чиқарилади.

«Дисоль», «Трисоль», «Ацесоль», «Ходосоль» натрий хлорид ва бошқа тузлардан иборат суюқлик бўлиб, қоннинг қуиилишига, метаболик ацидозга қарши, заҳарланишни камайтириш ва диурезни кучайтириш учун ишлатилади. Улар томир ичига юборилади.

«Лактасоль» куйиш касаллигига яхши натижалар беради, диурезни кучайтиради. Шу сабабли метаболик ацидоз, ҳар хил шокларда, ич-кетар касалликларида ишлатилади. Алкалозда эса ишлатилмайди. 400 мл ли шишалarda чиқарилади.

## ПАРЕНТЕРАЛ УСУЛ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР

Гидролизин — йирик шохли ҳайвонларнинг қонидаги оқсилларга глюкоза қўшилган гидролизат.

Тиниқ, кўнғир рангдаги суюқлик бўлиб, 450 мл ли флаконларда чиқарилади. 100 мл да организм учун ниҳоятда муҳим аминокислоталар, шу жумладан 15 мг триптофан, 1,6—2,2 г глюкоза бор. Куйиш, нур касаллигига, гипопротеинемияда томир ичига томчиладб (20—30—40—60 томчидан) юборилади. Бир суткада 1-2 литргача берилади.

Ҳар хил шоклар, қон айланишининг бузилиши, мияга қон қуиилиши, ўткир жигар ва буйрак етишмаслиги ва тромбоэмболияда ишлатиш мумкин эмас. Қуиилишидан олдин гидролизинни организмининг ҳароратигача илитиш мумкин.

Казеин гидролизат — сут оқсили казеинни гидролизлаш натижасида олинган аминокислоталар гидролизати. 400 мл дан флаконларда чиқариладиган сарик-кўнғир рангли суюқлик, рН—5,7—6,7.

Казеин гидролизатида аминокислоталар, шу жумладан триптофан бор (100 мл дан 15 гача). Ишлатилиши худди гидролизинники каби, монеликлари ҳам шундай.

Аминопептид — йирик шохли молларнинг қонидаги

оқсилни ферментатив гидролизлаш йўли билан оли-  
надиган аминокислоталар гидролизати. Тиниқ сариқ  
ёки сарғиш суюқлик, рН 5,7—6,7, 100 млда 50 мг гача  
триптофан бор. Ишлатилиши худди гидролизинникига  
ўхшаш.

Аминокровин — глюкоза қўшилган, инсон қонининг  
оқсиллари гидролизати, рН 6,4—7,4.

100 мл дан 4,5—5,5 г глюкоза ва 15 мг гача трипто-  
фган бўлади. 250, 450 ва 500 мл лик флаконларда чи-  
қарилади. Ишлатилиши худди гидролизинникига ўх-  
шаш.

Полиамин — 13 аминокислотадан иборат суюқлик.  
100, 200, 400 мл дан флаконларда чиқарилади. Ниҳоят-  
да секин томирлар ичига юборилади. Кўринишидан  
рангсиз ёки сарғиш суюқлик. 100 мл да 145 мг дан  
кўпроқ триптофан бор. Бир суткада 400—1200 мл га-  
ча ишлатса бўлади. Ишлатилиши худди гидролизин-  
никига ўхшаш.

Гипофүндин — одам қонидаги хиломикронларнинг  
катталигидек қилиб, тозаланган суяқ ёғидан олинади,  
ёғ эмульсияси. Ўткир панкреатит, рак касалликлари-  
да, куйишда ишлатилади.

Инфаркт, инсульт, шок, жигар ва буйрак касаллик-  
ларида ишлатилмайди.

100—500 мл ампулаларда чиқарилади.

### *Ўзлаштиришни текшириш учун саволлар*

1. Трансфузиология ва унинг асосий вазифалари.
2. Изогемоагглютинация жараёни.
3. Дунгерн-Хиршфельд таснифи.
4. Томчи усули ва қон гуруҳларини аниқлашда унинг аҳамияти.
5. Стандарт зардоллар билан АВО тизими қон гуруҳларини аниқлаш.
6. АВО тизими қон гуруҳларини чатиштириб аниқлаш.
7. Қон гуруҳларини аниқлашда бўладиган хатолар.
8. Тузли суюқликда агглютинация усули билан резус-омилни аниқлаш.
9. Желатин билан резус-омилни аниқлаш.
10. Петри чашкасида қонглютинация усули билан аниқлаш.
11. Билвосита Кумбс реакцияси.
12. Бёвосита Кумбс реакцияси.

13. Қон қўйиш операцияси.
14. Донорчилик.
15. Донорчиликка оид инструкция.
16. Қон ва унинг таркибларини тайёрлаш, консервация қилиш усуллари.
17. Қон зардобини олиш ва уни даволаш учун ишлатиш йўллари.
18. Эритроцитлар массаси ва уни даволаш учун ишлатиш йўллари.
19. Лейкоцитлар массаси ва уни даволаш учун ишлатиш.
20. Тромбоцитлар массаси ва уни даволаш учун ишлатиш.
21. Суяк-кўмикдан олинган илик ва унинг даволаш учун аҳамияти.
22. Профессор А. Н. Филатовнинг посттрансфузион асоратларнинг олдини олишга доир қисқача кўрсатмалари.
23. Посттрансфузион асоратлар ташхиси ва даволаш усуллари.
24. Қон зардобининг ўрнига ишлатиладиган суюқликлар.
25. Парентерал усулда озиқлантирувчи моддалар.

## V боб. КЛИНИК ЦИТОХИМИЯ АСОСЛАРИ

Клиник цитохимия терапиянинг бир қисми бўлиб, айрим қон ҳужайралари ичida мавжуд бўладиган кимёвий жараёнларнинг клиник аҳамиятини ўрганувчи фандир. Маълумки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти организмнинг миллионлаб ҳужайраларида тўхтовсиз давом этадиган кимёвий жараёнлар туфайли ўтади. Бу жараёнларнинг молекуляр таснифини ўрганиш, ҳаётнинг нималигини ўрганишdir. Одам ҳаётининг кимёвий, молекуляр тавсифини билиш учрайдиган касалликларнинг молекуляр асосларини ўрганишга ёрдам беради. Бемор одамда бўладиган касалликнинг нафақат клиник, балки организмидаги молекуляр ўзгаришларга асосланган усуллар ёрдамида аниқ ташхислар, дифференциал (саралаш) ташхис қўйиш ва аниқланган ташхисга асосланиб, самарали даволаш масаласи ҳал қилинади. Шу сабабли биохимик усуллар билан бир қаторда одам қонининг алоҳида ҳужайраси ичидаги нормал ва патологик кимёвий жараёнларни ўрганиш мақсадга мувофиқdir. Биохимия усуллари кимёвий жараёнларни

пробиркада ўрганса, цитохимия алоҳида олинган ҳужайра ичида ўрганади.

Цитохимия усуллари ўтган асрнинг охириларида (Д. Л. Романовский, 1891) ва XX асрнинг бошларида (Гимза, 1902) шаклланган бўлиб, ҳозирги вақтда организмдаги кўплаб фаол моддаларни, бир томчи қондаги эритроцитларни, тромбоцит ва лейкоцитларни кузатишга имкон берувчи усуллар мажмуудир (айрим усуллар методикаси ушбу китобнинг IV бобида берилди).

Цитокимёвий усулларнинг биоқимёвий усуллардан афзаллиги шундаки, улар билан айрим ҳужайраларнинг ичида мавжуд бўладиган ҳаётий вазифаларни (масалан, фагоцитозни) рангли тасвирида микроскоп остида кўриб, ўрганишга ёрдам беради. Яъни цитокимёвий усуллар билан одам ҳаётининг кимёвий тавсифини ўрганиш мумкин. Мисол тариқасида соғлом одамларнинг лейкоцитларида фагоцитоз жараёни давомида кечадиган айрим цитокимёвий реакциялар тавсифини келтирамиз. Бизни Швейцария мамлакатининг Базель шаҳридаги фирманинг гематологик лабораториясида ўтказган фагоцитоз цитохимияси бўйича текширувчиларимиз қуидагиларни маълум қиласди:

— бир томчи қондаги лейкоцитлар билан бактерияларнинг оғирлигини қўшгандан 30 дақ. ўтгач, фагоцитознинг атtrakция даврида, ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитларда гликогеннинг кўпайиши кузатилган. Микроблар лейкоцитларнинг мемранасига ёпишиши замоноқ уларда микробларни ҳазм қилиш учун керакли бўлган энергетик материал кўпайган; 90 дақ. ўтгач, яъни ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитларнинг ичида ютилган (фагоцитоз қилинган) микроблар (фагоцитлар кўрсаткичи ва фагоцитар рақам кўтарилиган) ҳазм бўла бошлиши билан кўпчилик фагоцитларда, айниқса овқат ҳазм қилувчи вакуолларда ва унинг атрофларида гликоген камайиб кетган. Гликоген фагоцитларда энергетик материал сифатида сарфланган.

Қизизи шундаки, ҳужайра сирларини ўрганишимиз давомида лейкоцитлардаги ҳужайра цитохимиясининг кўрсаткичлари айрим касалликларда (масалан, ўткир дизентерия билан оғриган беморларда) бўладиган клиник белгилар (симптомлар), патоморфологик ва иммунологик ўзгаришлар билан узвий боғлиқ эканлиги аниқланган. Беморларда ўткир дизентерия симптомла-

ри ёрқин белгиланган даврда (1—5-кунлари) ректоскопияда түғри ичакнинг шиллиқ қатламида яққол ва оғир ўзгаришлар бўлиб, ундан олинган препарат — отпечаткаларда нейтрофил лейкоцитлар ва макрофаглар даврий кузатилганида, беморларнинг қон зардобида агглютининлар ривожланган. Дизентерияга қарши антиэндотоксик иммунитет шаклланиши якунланганда фагоцитознинг кўрсаткичи энг юқори даражага кўтарилиб, ядрои сегментлашган нейтрофил лейкоцитлардаги гликогеннинг ҳажми энг юқори даражада бўлган. Бемор организмининг дизентерия касаллигига жавобан бирламчи иммунитет реакцияси билан (отпечаткалардаги нейтрофил — макрофаглар реакцияси; агглютинин, анатоксин ва фагоцитознинг зўрайиши) бир вақтда фагоцитоларда гликогеннинг кўпайиши бу кўрсаткичларнинг одам организмидаги интеграл муносабатлари бирлигини аён беради. Беморларда ўткир дизентериядан тузалиш бошланиб (6—10 кунлар), аста-секин (11—16 ва 17—25 кунлар) соғайиш бўлгани сари клиник симптомлар йўқолиб, иммунологик ва цитологик белгилар нормаллашган сари ядрои сегментланган нейтрофил лейкоцитларда ҳам гликоген нормаллашгани кузатилган. Бу деган сўз лейкоцитлардаги цитокимёвий кўрсаткичлар ва ўткир дизентериянинг клиник белгилари ичаклардаги патоморфологик ўзгаришлар ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари ўртасида узвий муносабатлар борлигини ифодалайди. Бу эса клиник ва иммунологик кўрсаткичлар билан бир вақтда лейкоцитларнинг цитокимёвий кўрсаткичларидан бу касалликнинг ривожланиш кўрсаткичи сифатида фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Фагоцитоз цитохимиасига оид ўтказилган клиник текширувларимиз нафақат гликоген, у билан бир қаторда лейкоцитлар ичидағи ёғлар, ферментларнинг ҳажми ва фаолияти бутун организмдаги модда алмашиш жараёни билан чамбарчас боғлиқлигини маълум қиласди. Масалан, ўткир дизентерия билан касалланган bemорларнинг қон зардобида агглютининларнинг кўпайиши лейкоцитларда фагоцитоз кўрсаткичларининг ошиши билан бир вақтда фагоцитларда гликогеннинг кўпайиши ёки айрим ферментлар (монофосфоэстераза, пероксидаза ва бошқ.) фаолиятининг ошиши бунга сабабдир.

Лейкоцитлар ва организм ўртасидаги узвий алоқа туфайли айрим моддаларни, шу жумладан, ферментларни, лейкоцитларни аниқлаш муҳим диагностик,

дифференциал-диагностик ва прогностик аҳамиятга эга. Масалан, ядрои сегментланган лейкоцитларда ишқорли фосфатазани аниқлаш вирус чақиравчи гепатитлардан (гепатит А<sub>1</sub>, В<sub>1</sub>, С ва бошқ.) вирус чақирмайдиган гепатитларни (ўт йўлларининг яллиғланиши, тош туфайли ўт йўлларининг бекилиши натижасида бўладиган сариқ, ўткир ва сурункали холецистит ва бошқ.) аниқлашга ёрдам беради. Биринчи хил гепатитларда ядрои сегментланган нейтрофилнинг цитоплазмасида ишқорли фосфатазанинг фаолияти пасайиб кетса, иккинчи хил гепатитларда нормага нисбатан ҳар хил даражада юқорига кўтарилиб кетади.

**Мисол.** Бемор К. 30 ёшда, юқумли касалликлар клиникасига 26 августда Боткин касали диагнози билан келган. Келганида ўнг биқинидаги оғирлик туйғуси, иштаҳасизлик, кўнгил озиши, сийдик рангининг қўнғир тус олгани маълум бўлди. Касаллик 12 августда ўнг биқинида оғирлик билан бошланган (бемордан синчиклаб сўралганда вақти-вақти билан оғриқнинг хуруж шаклида ўтганлиги аниқланди). Уйда икки ҳафта давомида глюкоза билан даволанган. Яхши бўлмаган. 18 августда сийдигининг ранги ўзгарганини кўриб, 26 августда врачга мурожаат қилган. Клиникада кўрилганда bemornинг аҳволи ўрта оғир бўлиб, териси ва шиллиқ қатламлари сариқ, жигари катталашган бўлиб, унинг пастки қирраси 1—1,5 см гача ўнг қовурғалар тепасидан чиқиб туриши аниқланган. Гемограммада эритроцитлар — 5.110.000; гемоглобин — 140 г/м, ранг кўрсаткичи — 0,8; лейкоцитлар — 5.500; базофил лейкоцитлар 1%; эозинофил лейкоцитлар — 5%; таёқчасимон нейтрофил лейкоцитлар — 1%; ядрои сегментланган нейтрофил лейкоцитлар — 58%; лимфоцитлар — 31%; моноцитлар — 3%; СОЭ — 1 соатда 10 мм. Кон зардобидаги билирубиннинг ҳажми ва ферментлар фаолияти нормада. Ядрои сегментланган нейтрофил лейкоцитлардаги ишқорли фосфатаза фаолияти 227 шартли бирлик (норма  $50,2 \pm 3,3$ ). Клиникада bemor сурункали гепатохолецистит ташхиси билан чиқариб юборилган. Бемор Н., 55 ёшда клиникага 8 июлда дармонсизлик, иштаҳасизлик, сийдигининг ранги ўзгаргани сабабли келтирилган. Касаллик 2 июлда юқорида кўрсатилган белгилар (симптомлар) билан бошланган. Кейинги кунларда иштаҳасизлик ва дармонсизлик ниҳоятда кучайиб борган. 5 июлда сийдиги ҳам сарғайган. 8 июлда териси ва кўринадиган шиллиқ қатламларининг сарғайганини кўриб, врачга мурожаат қилган

ва юқумли касаллуклар касалхонасига ётқизилган. Күрилгандан ақволи ўрта оғир, шиллиқ қатламлари ва териси сарғайған, жигар қовурғалар тағидан 3 см га чиққан, қора талоқ қатталашмаган. Сийдиги — қорамтири, ахлати — рангсизланған. Қон зардобида билирубин күпайған, ферментлар фаолияти кучайған.

Гемограммада эритроцитлар — 4500.000; гемоглобин — 73 гм; лейкоцитлар — 6500; таёқчасимон нейтрофил лейкоцитлар — 1%; ядрои сегментланған нейтрофил лейкоцитлар — 62; лимбоцитлар — 30%, моноцитлар — 6%; эозинофиллар — 1%; СОЭ — 20 мм. Ядрои сегментланған нейтрофил лейкоцитлардаги ишқорли фосфатаза фаолияти атиги 44 шартли бирликка баробар эканлиги аниқланған (норма  $50,2 \pm 3,3$ ).

**Диагноз.** Боткин касаллиги (ўрта оғир шакли). Даволангандан сүнг уйға чиқариб юборилған. Мұҳими шундаки, лейкодитлардаги цитокимёвий күрсаткич ўзгарувчан бўлиб, бемор организмидаги тузалиш ёки касалникнинг оғирлигига қараб ўзгариб туриш хусусиятига эга. Ишқор фосфатаза вирус чақиравчى гепатитда паст фаолиятли бўлатуриб, ўтқир жигар дистрофияси пайдо бўлса, дарҳол ўзгариб бемор оғирлашади.

Бемор Н., 19 ёш, ТошДавТИнинг юқумли касаллуклар касалхонасига 18 июлда дармонсизлик, күнгил озиши ва қусишига шикоят қилиб келган. 1981 йилда Боткин касаллиги билан оғриған, лекин 1988 май ойигача ўзини яхши сезған. Май ойида Сирдарё туман касалхонасида бир ой давомида дармонсизлик, күнгил озиши, қусиши сийдигининг ранги қора-қўнғир бўлгани ва териси сарғайғани туфайли даволанған. Лекин бир неча кун ўтгач ақволи яна ёмонлашған, бетўхтов қусиши пайдо бўлган, қорнида оғриқ бўлғандан сүнг касалхонага ётқизилған, аммо ақволи яхшиланмагани учун ТошМИнинг юқумли касаликлар клиникасига ётқизилған. Кўрилгандан ақволи ниҳоятда оғир, руҳи ўзгарған. Кўринган шиллиқ қатламлари ва ғериси сапсариқ рангда. Тили қуруқ, қорни перитонал белгиларсиз. Жигар қовурғалар четида, қора талоқ қовурғалар тағидан 5 см чиққан. Гемограммада эрит. 5000000; гемоглобин — 13 г/м; лейкоцитлар — 16300; Э — 1%; п — 19%; ядрои сегментланған нейтрофиллар — 67%; мон. — 3%; лим. — 8%; нейтрофил лейкоцитларда — токсоген доначалар, СОЭ — 17 мм, сийдикда ўт пигментлари (+), лейкоцитлар 5—6, эритроцитлар 10, гиалин цилиндрлар — ягона, доначалик цилиндрлар — 10 гача. Қон зардобидаги билирубин — 81,9 миллимоль; АСТ,

АЛТ ниҳоятда юқори даражали. Интенсив даволашга қарамай бемор 19 июль куни вафот этди. Д—з: жигар циррози (атрофик). Асорати: гепатаргия: асцит, перитонит, гепостатик пневмония, сариқ, спленомегалия.

Ядроси сегментланган нейтрофил лейкоцитлардаги ишқор фосфатаза фаоллиги 158, шартли бирлик норма  $-50,2 \pm 3,3$ .

Бемор П., 58 ёшда, юқумли касалликлар клиникасыга 8 июля дармонсизлик, қорин шиши ва бўғимлардаги оғриққа шикоят қилиб келтирилган. 29 июня дармонсизлик пайдо бўлиб, иштаҳаси йўқолган, кўнгли озган. 3 июля сийдигининг ранги ўзгарган, 4—7 июлярда қайта-қайта қусган, 5 июля сарғайиб кетган. 6 июля аҳлатининг рангсизланганини кўрган. Кўрилганда аҳволи оғир, шиллиқ қатламлари ва териси сапсариқ. Қорни юмшоқ, жигари 3 см гача, қора талофи қовурғалар остидан 1 см чиқиб турган эди. Сийдиги қора — қўнғир, аҳлати рангсизланган. Гемограмма эр — 5000,000 гемоглобин — 15 г/л, лейкоцитлар — 5800, э — 2%, п — 1%, сегментлар — 66%, лимфоцитлар 26%, мон. — 5%, СОЭ — 11 мм. Қон зардобидаги билирубин — 81,9 милли/моль, АСТ, АЛТ лар юқори даражали 10 июля интенсив даволашга қарамай бемор оламдан ўтган.

Д—з: Боткин касаллиги, оғир шакли. Асорати: жигарнинг ўткир токсинли дистрофияси, ядроси сегментланган нейтрофил лейкоцитлардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти 122 шартли бирлик (норма  $\pm 50,2 \pm 3,3$ ).

Шундай қилиб, гепатитлар ишқор фосфатазанинг клиник аҳамияти икки хусусиятдан иборат:

1. Вирус чақиравчи гепатитда унинг фаолияти пасайгани, вирус чақирмаган гепатитларда ҳар хил даражада кўтарилигани учун бу цитохимиявий реакциялар вирус чақирган ва чақирмаган гепатитлардан ажратиш учун (дифференциал диагноз) ишлатиш мумкин.

2. Ядроси сегментланган нейтрофил лейкоцитларда цитохимиявий усул билан ишқор фосфатазани аниқлаш вирус чақирган гепатитларда прогностик аҳамиятга эга.

Охирги йилларда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборотига кўра, бутун дунёда юрак-томир тизимининг касалликлари кўпайган. Шу сабабли Тошкент шаҳрида 1997 йилда ўтган халқаро симпозиум-семинарда юрак касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш масалалари кўрилган эди. Ҳозирги вақтда уларни даволаш учун ҳар хил янги усуллар таклиф қилинмоқда.

Текширувчиларнинг фикри юрак ишемик касаллиги гининг узвий механизмларига қаратилган. Бу касалнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ўтиши ва оқибатларини ҳужайра ва молекулалар даражасида ўрганиш ва олинган, натижаларга асосланиб, янги диагностика усулларини тавсия этиш назарда тутилган. Бу борада юрак миокардида инфаркт бўлган беморларнинг лейкоцитлари ичидағи айрим цитохимиявий реакцияларнинг қонуний ўзгариши эътиборга сазовордир. Ҳозирги вақтда инфаркт бўлган беморларни нафақат қон зардобида, ядроси сегментланган нейтрофил лейкоцитларнинг ичида ҳам ишқорли фосфатазанинг фаолияти нормага нисбатан сезиларли кўтарилиши аниқланган. Бу феноменинг инфаркт ва стенокардия касалликларида ниҳоятда самарали ва ишончли белги эканлиги тўғрисида маълумотлар олинган. Бизнинг фикримизча, бир томчи қондаги лейкоцитлар (уларнинг химизми) бемор одамнинг юрак мушагида рўй берадиган инфаркт жараёнига (ўткир некроз) бетасир қолмайди, ҳар қандай инфаркт қондаги лейкоцитларнинг ичидағи айрим ферментлар ва фаол модаларнинг қонуний кўпайишига ёки камайишига боради. Бу ўзгаришларни цитохимиявий усуллар билан таҳлил қилиб, юрак ишемия қасаллигига диагностик, дифференциал-диагностик ва прогностик аҳамиятини ўрганиш мумкин. Қондаги лейкоцитларда айрим цитохимиявий кўрсаткичларни инфаркт ва стенокардия касаллигига учраган беморларда ўрганиш бу фикрларни тасдиқлади.

Инфаркт ва стенокардия касалликларига учраган беморларда биз ўтказган клиник ЭКГ, гематологик ва цитохимиявий текширишларимиз юрак инфарктида, миокардда рўй берадиган некрозни қондаги лейкоцитларнинг ферментларга ва бошқа фаол модаларга таъсири борлигини аниқ кўрсатди. Ўтказилган текширувлар инфаркт билан касалланган беморларни лейкоцитлардаги ишқорли фосфатазанинг фаолияти соғлом одамнинг қонидагига нисбатан  $3-5$  карра баландлигини кўрсатди (бу ферментнинг ўрта фаолияти  $167,4 \pm 19,0$ , соғлом одамларда  $50,2 \pm 3,3$  шартли бирлик). Бу фермент фаолиятининг ниҳоятда баландлиги нафақат ўртача рақамларда, балки айрим беморлар мисолида ҳам яққол кўринади.

Айрим мисоллар келтирамиз. Бемор С., 49 ёшда, терапия клиникасига касалликнинг биринчи куни ўрта оғир ҳолатда, уйқусизлик ва юрагидаги санчувчи оғриқ билан келтирилган. Боғида ишлаб туриб касал

бўлиб қолган. Тўсатдан тўши орқасида, сўнг бутун кўкрагида чап қўли ва курагига берувчи кучли оғриқ сезган. Бир соатдан сўнг олинган ЭКГ да инфаркт белгилари аниқланиб, оғриқ камайгац, терапия клиникасига ётқизилган. Клиникада кўрилганда беморнинг аҳволи ўртача оғир. Пульс 1 дақ. 100, қониқарли, тўлишган, ритми бўзилмаган. Юрак чегаралари чап томонга 1—1,5 см гача кенгайган, овози пасайган. Олинган гемограмма да — нейтрофил лейкоцитоз ( $1 \text{ mm}^3$  қонда  $12.400$  лейлоцит бўлиб, лейкоцитлар формуласида ядроси сегментлангани ҳойтрофил лейкоцитлар  $76\%$  ни ташкил этган), СОЭ —  $15$  мм. ЭКГ да синус тахикардияси, чап тип юракни чап ярмидаги олди томонидаги, учига яқин жойлашган ўткир инфаркт. Цитохимиявий текширилган лейкоцитлардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти  $200$  шартли бирлик (норма  $50.2 \pm 3.3$ ). Беморга инфарктга қарши комплекс даволаш буюрилди. З ҳафтадан сўнг беморнинг аҳволи анчагина яхшиланди, юракдаги оғриқ йўқ бўлди. Гемограмма нормаллашди. 21 майда олинган ЭКГ да олдинги сегмент ва юрак учига жойлашган инфарктнинг ўрнида чандиқланиш аниқланди. Шу билан бирга қонда лейкоцитлардаги ишқорли фосфатазанинг фаолияти ҳам нормаллашди (93 шартли бир.).

Даволашнинг 37-куни беморнинг аҳволи қониқарли, юрагида оғриқ қолмади, гемограмма нормаллашди, ЭКГ да чандиқланиш давом этди. Қонда лейкоцитлардаги ишқорли фосфатазанинг фаолияти  $67$  шартли бирликка тушди.

Ҳамма беморларимизда кўрилганидек, ўткир инфаркт клиник тузалиб, гемограмма нормаллашиб, ЭКГ да чандиқланиш белгиси пайдо бўлиши билан қондаги ишқор фосфатазанинг фаолияти ҳам нормага қайтди.

Мұҳими шундаки, лейкоцитлардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти миокарддаги инфаркт жараёнининг дғирлигига боғлиқ. Енгил ўтувчи инфарктда  $79 \pm 9.0$  бўлса, ўртача оғир инфарктда  $113.9 \pm 15.7$ , оғир инфарктда эса  $116 \pm 95.4$  гача кўтарилади (нормада  $50.2 \pm 3.3$ ).

Ўткир инфаркт билан касалланган ҳамма беморларимизда лейкоцитлардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти баландлашиб, ўткир инфаркт нимўткир инфарктга, сўнг постинфаркт кардиосклерозга ўтиши билан нормал ҳолатга қайтди. Лекин ўткир инфаркт оғир ўтиб, bemорни ўлимга олиб борган ҳолларда лейкоцит-

лардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти рақамларда ниҳоятда күтарилиши құзатилади.

Бемор Т., 35 ёшда, клиникаға тунда ҳүшсиз ҳолатда тез ёрдам машинасида олиб келинган. Рафиқаси-нинг сўзидан касал бўлганида 2 кун бўлган. Икки кун муқаддам ишдан қайтиб келган, овқатланиб туриб тў-сатдан юрагида оғриқ сезиб ётиб қолган. Оғриқ эрта-си куни давом этгач тез ёрдам чақириб, йўлда ҳушдан кетган. Касалхона ЭКГ қилиб, bemорда ўткир кенг тарқалган инфаркт борлиги аниқланган. Пульси ипси-мон бўлиб, 1 дақ. 120—130 гача урар, ритмӣ сақлан-ган эди. Артериал қон босими 80—60 бўлиб, юрак че-гаралари чап ва ўнг томонга кенгайган, юрак овозлари ниҳоятда пасайиб, зўрға эшишиларди. ЭКГ да тарқоқ ўткир инфаркт белгилари борлиги тасдиқланди. Лей-коцитларда ишқор фосфатазанинг фаолияти ўта баланд-лиги аниқланди (256 шарт. бирл., нормада  $50,2 \pm 3,3$ ). Тез ўтказилган комплекс даволанишга қарамай bemор ҳушига келмай жон берди. Улишдан 4 соат ол-дин лейкоцитларидаги ишқор фосфатазанинг фаолияти 294 шартли бирл. күтарилди (норма  $50,2 \pm 3,3$  шарт бирл.).

Шундай қилиб, тажрибамизга кўра, ўткир юрак инфарктида лейкоцитлардаги ишқор фосфатазанинг фаолияти нормага нисбатан ҳар хил даражада баланд-лашади (бу касалликнинг енгил, ўртacha оғир, оғир да-ражаларига боғлиқ). Ўткир инфаркт нимўтири ин-фаркт ва постинфаркт кардиосклерозга ўтиши билан бу ферментнинг фаолияти пасайиб, bemор соғайган сари нормага яқинлашади. Лекин оғир ёки ниҳоятда оғир (bemорнинг ўлимига олиб борувчи) ўткир инфарктда бу ферментнинг фаолияти ниҳоятда күтарилиб кета-ди. Бизнинг фикримизча, лейкоцитлардаги ишқор фос-фатазанинг фаолияти ўткир инфарктнинг локализация-сига боғлиқ эмас (олдинги ёки орқа деворчада рўй берган ўткир инфарктда бу ферментнинг фаолияти фарқ қылмайди). Бирламчи ва иккиламчи ўткир ин-фарктларда ҳам ишқор фосфатазанинг фаолияти бир-биридан фарқ қылмайди.

Қизиги ва муҳими шундаки, коронар томирлар етишмаслиги белгилари билан ўтувчи стенокардияда коронар томирлар етишмаслиги электрокардиограмма-да аниқланмаган, стенокардияни лейкоцитларда ишқор фосфатазани аниқлаш туфайли яққол ажратса бўлади. Биринчи хилдаги стенокардияда лейкоцитларда бу фер-

ментнинг фаолияти баландлашиб, худди инфарктда бўлгандай кўтарилади.

Маълумки, гликоген одам ҳаётида катта энергетик материал ролини ўйнайди, Фагоцитознинг химиявий тавсифини ўрганиш тажрибаларимизда лейкоцитларда гликогеннинг фагоцитар жараён давомида тўппа-тўғри «истеъмол» бўлишини кузатганмиз, яъни гликогенни лейкоцитларда фагоцитозни антракция даврида кўп-лаб йиғилиб, фагоцитозни микробларни лейкоцитлар ҳазм қилиш уларда гликогенни аниқ истеъмол бўлишини кузатганмиз. Шу сабабли лейкоцитларда гликогенни цитохимиявий усул билан аниқлаб, уни инфаркт билан касалланган беморлар юраклари мушагида бўладиган некрознинг таъсири остида қанчалик ўзгаришини аниқлаган эдик. Кўзатувларимиз натижасида инфаркт бўлган беморларнинг қонидаги лекоцитларда гликогеннинг нормага нисбатан ( $217 \pm 0,2$ ) ҳажмини касалликнинг клиник оғир ўтишида 58,8 бирликдан кўпроқ, ўртача оғир ўтишида — 56,4 бирликдан кўпроқ ва енгил ўтишида 22 бирликдан кўпроқ эканлиги аниқланган, яъни беморларнинг лейкоцитларида гликогеннинг ҳажми инфаркт қанчалик оғир ўтган бўлса, шунчалик кўп бўлиши аниқланган. Бу феномен ўткир инфаркт билан касалланган одамнинг юрак мушакларида рўй берадиган ўткир некротик жараёнга жавобан бирламчи ҳимоя реакцияси кўрсатгичи деб ҳисобланса бўлади. Ўткир инфаркт нимўткир инфарктга, у эса постинфаркт кардиосклерозга ўтиши билан бу ҳимоя реакцияси ўз ишини бажарив бўлади, лейкоцитлардаги гликогеннинг ҳажми нормаллашади.

Бир томчи қонда лейкоцитлардаги гликогенни ўткир инфаркт касаллигига аниқлашнинг клиник аҳамияти катта. Уларда қанчалик гликоген кўп бўлиб, вақт ўтган сари камаймаса аҳвол яхши эмас, ўткир инфаркт билан касалланиб оламдан ўтган беморларнинг лейкоцитларида гликогеннинг ҳажми доимо баланд бўлгани, енгил инфаркт ўтказган беморларнинг қонидаги лейкоцитларда гликогеннинг ҳажми нормага яқин бўлгани аниқланган. Ўткир инфарктда тузалиш жарашени бошданиши билан аста-секин бир томчи қондаги лейкоцитлар ичидаги гликогеннинг ҳажми камайиб, нормага яқинлашиши кузатилади. Бу эса лейкоцитлардаги гликогенни цитохимиявий усул билан ўрганишнинг икки прогностик хусусиятидир.

Стенокардия билан касалланган беморларнинг лейкоцитларида ҳам гликогеннинг ҳажми нормага нисба-

тан кўтарилади. Лекин кўпроқ коронар томирларнинг етишмаслиги бу ҳоллардагина, функционал томирлар ўзгариши билан ўтувчи стенокардияда гликогеннинг ҳажми нормал ҳолда экани аниқланади.

Ўткир инфаркт ёки стенокардия ўтказган айрим беморларнинг лейкоцитларида давомли равишда гликогеннинг нормага нисбатан кўп бўлиши кузатилади, яъни клиник ва ЭКГ кўрсатувлари нормалланишига қарамай узоқ вақт лейкоцитлардаги гликогенни цитохимиявий усул билан аниқлаб, айрим bemорларда «кимёвий тузалиш» йўқлигини белгилаш мумкин. Бундай bemорлар алоҳида ҳисобга олиниб, уларга рецидивга қарши, яъни инфаркт ва стенокардия қайталанишининг олдини оловчи даво усуслари ишлатилиб, умрлари узайтирилади, иш қобилияtlари узоқ вақтгача сақланиб келинади.

Маълумки, одамнинг ҳаёти ташқи ва ички нафас олиш жараёнлари туфайли ўтади. Ташқи муҳитдаги кислород нафас йўллари орқали альвеолаларга боради, улардан қонга диффузия туфайли ўтиб, эритроцитларнинг ичидаги гемоглобин билан қўшилиб, оксигемоглобулин ҳосил қиласди. Инсон тўқималарида оксигемоглобиндан кислород ( $O_2$ ) ажралиб, яна диффузия қонуларига биноан ҳар бир организмдаги ҳужайранинг ичига кириб боради; шу кислороднинг ҳар бир тирик ҳужайра ичидаги кинетикаси (аввалам бор кислород оксидлари НАЗ билан, сўнг флавин кислота, сўнг цитохромлар A<sub>1</sub>, B и C дан ўтиб ( $H_2O$  ёки  $H_2O_2$  ҳосил қилиши) ҳар бир тирик одамнинг организмидаги ички нафас олиш жараёни дейилади. Бу жараён  $H_2O_2$  билан тугалланса, қўшимча ички нафас олиш жараёни дейилади. Бундай жараён биздаги ҳар бир ҳужайрани 5—6% ички нафас олишини ташкил қилиб, унинг охирида ҳосил бўлган  $H_2O_2$  ҳар бир ҳужайрада бор пероксидаза ферменти таъсири остида  $H_2O$  ва  $O_2$  парчаланади ва унинг таркиблари яна ҳужайранинг ички нафас олиш жараёнида қатнашишини давом эттиради.

Айрим касалликларда, шу жумладан инфаркт ва стенокардия касалликларида бу ферментнинг фаолиятини ҳар хил даражада ўзгаришидан диагностик, дифференциал-диагностик ва прогностик кўреаткичлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Инфаркт билан касалланган bemорлар лейкоцитларнинг ичидаги пероксидаза ферментнинг фаолияти, цитохимиявий усул билан текширилганда нормага нисбатан ( $198 \pm 0,03$ ) ишончли («Р» 0,01 дан кам) баландлиги

( $231.2 \pm 10.8$ ) аниқланган. Мұхими шундаки, клиник ва электрокардиограмма күрсатувлари бўйича оғир дара жада ўтувчи ўткир юрак инфарктида пероксидаза ферментининг фаолияти  $246.6 \pm 14.4$  шартли бирликкача кўтаришган, ўртача оғир ва енгил ўтувчи ўткир инфарктларда эса нормадан ишончли фарқ қилмаган («Р» 0,01 дан кўп). Яъни қўшимча нафас олиш жарәни ҳужайралар ичидаги оғир ўтган инфарктда ўзгариши аниқланган. Лейкоцитлар ичидаги пероксидаза ферменти фаолиятининг ўзгариши, клиник ва ЭКГ кўрсатувларининг нормаллашишига қарамай, айрим беморларда баланд ҳолатда бўлгани боис, бундай bemорларда инфарктнинг қайталаниши рўй берган. Инфаркт касаллигидан яхши тузалувчи bemорлар лейкоцитларининг ичидаги пероксидаза ферментининг фаолияти ўткир даврда баландлашиб, нимўткір ва постинфаркт кардиосклерози даврларида нормадан фарқ қилмайди.

Стенокардияда ҳам лейкоцитлар ичидаги пероксидаза ферментининг фаолияти баландлашиб, бу ҳол кўпроқ коронар томирлар етишмаслиги бор стенокардияда кузатилган.

Айрим bemорларда инфаркт ва стенокардиянинг клиник белгилари ва электрокардиограмманинг нормаллашишига қарамай лейкоцитлардаги пероксидаза ферментининг бутунлай нормаллашиши кузатилмаган, яъни клиник ва ЭКГ соғайиш доимо «кимёвий тузалиш»дан олдинроқ бўлиши кузатилган. Бу феномен нафақат пероксидаза мисолида балки, инфаркт ва стенокардия билан хасталанганларнинг лейкоцитларида ишқорли фосфатазанинг, фосфатидларнинг, гликогеннинг ҳам нормаллашишини, яъни «ҳужайраларнинг кимёвий тузалишини» клиник ва ЭКГ тузалишларидан кечроқ бўлиши аниқланган. Қисқача қилиб айтганда, инсон организмидаги рўй берадиган ҳар бир касаллик, шу жумладан ўткир дизентерия, вирусли ва вирус чақирмайдиган гепатитлар, ўткир инфаркт, стенокардия ва бошқалар бир төмчи қондаги лейкоцитларнинг ичидаги фермент химиявий ва бошқа фаол моддаларни ҳаётий фаолиятларига ҳар хил равишда ва даражада таъсир кўрсатишлари муқаррардир. Бу ўзгаришларни цитохимиявий усуслар билан аниқ ва равшан ўрганиш мумкин.

Цитохимиявий усуслар билан ишқорли фосфатазани, пероксидазани, фосфатидларни ва гликогенни аниқлаш нафақат лейкоцитлар ички вазифаларининг химиявий тавсифини аниқлашда, энг мұхими, юқорида кўрсатилган касалликларда уларни диагностик, диффе-

ренциал-диагностик ва прогностик хусусиятлари борлигини кўрсатди.

Ушбу бобда биз фақатгина айрим цитохимиявий усуулларни одамда учрайдиган энг муҳим касалликлардаги клиник аҳамиятини кўрсатиб, талабаларда ва врачларда ҳужайра химиясини ўрганишнинг замонавий терапия фанининг равнақи учун нақадар муҳимлигини кўрсатишга уриниб кўрдик.

Дарслик материалини оғирлаштирумаслик учунгида биз клиник цитохимиянинг асосларини ташкил этувчи усуулларнинг айримларинигина баъзи мисолларда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Чунки ҳозирги вақтда клиник цитохимия усууллари ниҳоятда тезлик билан бу усуулларга қўйилган талабларга биноан кўпайиб бормоқда.

Цитохимия усуулларининг ривожланиши туфайли инсон ҳаётининг айрим сирларини очиш мумкин бўлмоқда (бу китобда кўрсатилганидек, фагоцитоз жараёнининг кимёвий тавсифи, базофил лейкоцитлардан гепарин чиқишини мерокрин хилдаги механизми, организмда рўй берадиган яллиғланиш, некротик жараёнларини лейкоцитлар ичидаги кимёвий ўзгаришлар билан узвий алоқаси ва бошқалар), бу эса клиник цитохимияни нафақат терапия фанининг ривожланишига, ҳаттоқи келгусида инсон организмини, ҳаётини тўла-тўқис кимёвий тавсифини аниқлашда бу усуулларнинг ҳизмати катта бўлиши аниқ.

### **Ўз билимларини синаш учун саволлар**

1. Цитохимия фани нима?
2. Цитохимиявий текшириш усулининг биохимиявий текширишдан фарқи ва афзаллиги.
3. Айрим цитохимиявий текшириш усуулларини фагоцитознинг ҳужайра (лейкоцитлар) ичидаги даврининг химиявий тавсифдаги аҳамияти.
4. Цитохимиявий усуулларнинг вирус чақиравчи ва вирус чақирмайдиган гепатитлардаги аҳамияти.
5. Цитохимиявий усуулларнинг ўткир юрак инфаркти клиникасидаги аҳамияти.
6. Цитохимиявий усуулларнинг ўткир юрак инфаркти клиникасидаги аҳамияти.

## МУНДАРИЖА

Сүз боши . . . . .	3
<b>Кириш. Тирик организм учун қоннинг аҳамияти . . . . .</b>	<b>7</b>
Қоннинг биологик аҳамияти . . . . .	7
Одам организмидаги қон ҳосил бўлиши ҳақидаги назариялар . . . . .	27
<b>I б о б. Клиник гематология асослари . . . . .</b>	<b>31</b>
Анемия (камқонлик касаллклари) ҳақида умумий тушунча . . . . .	31
Постгеморрагик анемия . . . . .	32
Сурункали темир етишмаслик анемияси . . . . .	37
Гипопластик анемия . . . . .	43
Аддисон — Бирмер касаллиги . . . . .	52
Гемолитик анемия . . . . .	58
Лейкоз (ўткир оқ қон касалдиги) . . . . .	72
Сурункали миелолейкоз . . . . .	88
Сурункали лимфолейкоз . . . . .	94
Параапротеинемик гемобластоз . . . . .	101
Агранулоцитоз ёки анейтрофиллэз . . . . .	114
Ўткир нур касаллиги . . . . .	118
<b>II б о б. Клиник коагулология асослари . . . . .</b>	<b>126</b>
Одам организмидаги гемостаз, қон ивиш жараёни . . . . .	128
Провитамин K <sub>2</sub> дефицити . . . . .	133
Гемофилия . . . . .	135
Орттирилган атоиммунтромбоцитопения . . . . .	150
Глянцман касаллиги . . . . .	154
Гиперспленизм натижасида ҳосил бўладиган қон кетиши . . . . .	155
Рандью — Ослер касаллиги . . . . .	164
<b>III б о б. Морфологик гематология асослари . . . . .</b>	<b>166</b>
Қон тизимини лабораторияда текшириш усуллари . . . . .	166
Гемоглобин ва уни текшириш усуллари . . . . .	167
Эритроцит ва уни текшириш усуллари . . . . .	177
Ретикулоцит ва уни текшириш усуллари . . . . .	185
Лейкоцит ва уни текшириш усуллари . . . . .	194
Қон ҳужайраларида кузатиладиган полиплоидия . . . . .	213
Лейкоцитлардаги жинсий хроматин белгиси . . . . .	213
Лейкоцитлар цитохимияси . . . . .	216
Тромбоцит ва уни текшириш усуллари . . . . .	223
Суяк илигини олиш ва текшириш усуллари . . . . .	226


СОЭ эритроцитларнинг чўкиш тезлигини аниқлаш усуллари ва клиник таҳлили . . . . .	230
<b>IV б о б. Клиник трансфузиология асослари . . . . .</b>	<b>241</b>
Стандарт зардоблар билан АВО тизими қон гуруҳини аниқлаш . . . . .	243
Тузли суюқликда агглютинация усули билан резус — омилни аниқлаш . . . . .	248
Желатина ишлатиб резус — омилни конглютинация усули билан аниқлаш . . . . .	249
Резус-омилни конглютинация усули билан зардоб муҳитида Петри чашқаларида аниқлаш . . . . .	251
Билвосита Қумбс синамаси билан нотўлиқ резус-антителоларни аниқлаш . . . . .	252
Бевосита Қумбс синамаси . . . . .	255
Қон қўйиш операцияси . . . . .	256
Донорчилик ҳақида . . . . .	260
Қон ва униш таркибларини тайёрлаш, консервация қилиш усуллари . . . . .	263
Профессор А. Н. Филатовнинг посттрансфузион асоратларнинг олдини олишга доир қисқача кўрсатмалари . . . . .	267
Қон зардобининг ўрнига ишлатиладиган суюқликлар . . . . .	270
Парентерал усул билан озиқлантирувчи моддалар . . . . .	272
<b>V б о б. Клиник цитохимия асослари . . . . .</b>	<b>274</b>

### Ўқув нашри

**САИДАҲМАТ ТУРСУНХЎҶАЕВИЧ НАДЖИМИТДИНОВ,**  
**Бирлашган Миллатлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг гематология бўйича степендиати бўлган,**  
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

### КЛИНИК ГЕМАТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Тошкент, 700129, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти,  
Навоий кўчаси, 30.



ИБ № 2239

Босмаҳонага 25.08.97. да берилди. Босишига 19.02.98. да рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/2</sup>. Газета қозози. Офсет босча. Адабий гарнитура. Шартли босма тобоқ. 15,12 + вкл. 0,42. Шартли бўёқоттиски 17.01. Нашр. Босма тобоқ 16,65 + вкл. 0,33. 2—96-рақамли шартнома. Жами 2000 нусха. 5330- рақамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент матбаа комбинатининг ижара корхонаси. Тошкент Навоий кўчаси, 30.

